

ТОҲИР МАЛИК

ВОЙ, ОНАЖОНИМ...

ҲИКОЯЛАР

Қайта нашр

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2015

УЎК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ўзб)7

М-22

Малик Тоҳир. Вой, онажоним.../Ҳикоялар. -Т.: Янги аср авлоди, 2015. – 232 б.

ISBN 978-9943-27-455-6

Инсон ҳаётини нимага менгзаш мумкин? Сокин оқаетган дарёгами ёхуд ур-сур, талотўп дунёгами? Ахир, кимлар хато қилмайди! Мол-дунёга ҳирс қўйиб, ўйламасдан қадам босаётганлар қанча! Улар меҳр-мурувватни, яқинларини унутадилар. Оқибатда бундан бошқалар ҳам азият чекадилар, ғам-андуҳга мубтало бўладилар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг янги ҳикоялари жамланган мазкур китоб сизни ўйлашга, чуқур мушоҳада юритишга, инсонийликни унутмасликка ундайди...

УЎК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ўзб)7

ISBN 978-9943-27-455-6

© Тоҳир Малик. «Вой, онажоним...». «Янги аср авлоди», 2015 йил.

ВОЙ, ОНАЖОНИМ...

*Онангдан бош товлaма, ошмасин дарди,
Ҳаёт тожи эрур оёгин гарди...*

Рудакий.

Дераза тикиллади. Назир ёзиб турган ишини қўйиб, ўрнидан турди. Елкасига тўнини ташлаб, сўради:

— Ким?

Кўчадан бўғиққина «мен» деган овоз келди.

Латифа у ёндан бу ёнбошига ағдарилди. Уйқули кўзларини аранг очиб:

— Чиқманг, — деди.

Назир тўхтади. У хотинига қаради, кўзларида савол бор эди:

— Чиқманг, — такрорлади Латифа, — укангиз. Кераги йўқ.

Назир ҳайрон бўлиб қолди.

— Зокирми? Қутулибдим, қаёқдан билдинг?

Латифа тирсагига суянганича эрини мазах қилди:

— «Зокирми, қутулибдим, қаёқдан билдинг!» Мен ҳаммасини биламан. Боя келувди, киритмадим. Ака керак бўлиб қолгандирки, келган.

— Яхши қилмабсан. Сени эмас, мени кўргани келган. Ахир укам...

— Укангиз бўлса ўзига. У бузук, ўғри, безори, муттаҳам. Шунчунг учун ҳам қамалиб чиқди-да! Бизни иснодга қолдирга ни ҳам етар. Керакмас, кирмасин, уйимизни булғамасин!

Назир тўхтади. Ундаги қатъият бир ловулаб бош кўтарди-ю, лекин хотинининг кўзига кўзи тушиши билан сўнди. Эр-хотин орасидаги майда можаролар кейинги пайтда йириклаша бориб, ўтган ҳафтадаги жанжалда гап уй масаласига тақалган, шунда Латифа: «Бу уй кимникилигини унутдингизми?» деб очиқ писанда қилган эди. Назир

ичкуёв эканини сира унутмаган, шу боис ҳам хотинининг инжиқликларига чидашга мажбур эди. Табиати юмшоқ бўлгани сабабли «хайт!» деб тўнни елкага ташлаб чиқиб кетишга журъати етишмасди. Ҳозир ҳам уйнинг хўжайини ким эканлигини эслаб, бўшабди.

— Бугунча кирсин, меҳмон бўлсин. Кеч кирди. Қаёққа боради? — деди ялиниш оҳангида.

— Унда мен кетаман! Дийдорига тўйиб олинг!

Латифа астойдил ўрnidан турди. Кўйлагини кия бошлади. Уй хўжайинининг бу тарзда чиқиб кетишига ишонқирамас ҳам, Назир қайтди. Чопонини стул суянчигига ташлаб, қорозларини тахлади. Ечиниб ётди. Латифа кўйлагини жойига илди. Чироқни ўчирди.

...Деразадан тушиб турган чироқ нури сўнди. Бу билан Зокирнинг умиди, илнжи ҳам сўнди. Ярасини маҳкам босганича акасининг уйдан узоқлашди. У қориндаги оғриқни сезмади. Дил оғриғи туфайли қалқиб турган ёшлари ёноқларига думалади. У беихтиёр қабристон сари юриб кетди.

Зокир йиғларди. Муздек шабада эса унинг қўнглини кўтармоқчи бўлгандек, юзларини тинимсиз силарди. Шу топда у она олдига, фақат онаси олдига ошиқади. Онасининг кўксига бош қўйишни истайди. Унинг бошларини силовчи, эркаловчи, овунтирувчи меҳрибон зотнинг лаҳадда ётганини ўйламайди. Кундузи онасининг вафотини эшитганда ҳам, қабрини бориб кўрганда ҳам унинг ўлганига ишонмаган эди. Ҳозир ҳам онаси уни қучоқ очиб кутаётгандай бўлди.

Фақат... уйида эмас...

Қабристонда...

Қабристонгача анча йўл. Икки қўналгадан ўтганда ёноқларига бир-икки ёмғир томчиси урилди. Зокирнинг хаёли чувалашиб кетган эди. Онаси билан бўлган дамлари, бахтиёр кунларини эслаб, хўнграб юборай деди.

Шамол тинди. Ҳаммаёқ жимиб қолди. Шу он бирдан еру кўк ёришиб кетди – яшин чақнади. Бу чақмоқнинг нури эса гўё Зокирнинг болалигини ёритиб ўтгандай бўлди...

Ярим кечада яшин чақнади. Дам ўтмай борлиқни даҳшатга солиб момақалди роқ гумбирлади. Шамол ҳукмидаги ёмғир томчилари дераза ойналарини савалай кетди. Худди шу пайтда қишлоқдан қирқ чақиримлар наридаги туғруқхонада аёлнинг чинқириги, кейин чақалоқнинг «инга»си эшитилди. Бу Зокирнинг, ҳали номи қўйилмаган Зокирнинг овози эди. Назир бу вақтда ҳеч нарсдан хабари йўқ, уйда бувиси ёнида ухлаб ётарди. Дадаси туғруқхона даҳлизиди бедор, бувиси эса уйда миҳжа қоқмай Худода илтижо қиларди. Назирдан кейин яна уч фарзанд кўришиб, учовини ҳам берган Эгамга топширишган эди. Икки ўғли ўлик туғилди, қизига ирим қилиб Тўхтаой деб исм қўйишган эди, аммо гўдак ёшига етмай уни ҳам ўлик туғилган акалари ёнига қўйишди. Ота билан бувининг бу тунги хушхабарни хавотир билан кутишлари шундан. Чақалоғи овозини эшитиб онанинг шодликдан йиғлаб юбориб, шукрлар қилиши ҳам шундан...

Назир эрталаб уйғониб ака бўлганини эшитди-ю, қувончини сиғдира олмай, кўчага ошиқди. Ўртоқларига мақтанди. Кичкина болаларнинг одати шу...

Баҳор ўтди. Энди куёш кўкда узоқ вақт ҳокимлик қилди. Ерни қизитади. Кечалари эса осмон тўла юлдузлар жимирлайди. Осмон бир хил. Ҳар кун, ҳар тун манзара шу...

Кунлар алмашаверади, ҳафта ўрнини ҳафта, фасл ўрнини фасл эгаллаиверади... Гўё ўзгариш йўқдек...

Лекин ерда ундай эмас... Гарчи уруш тўфонлари ҳамла қилмаса ҳам хонадонларда айрилиқ фарёдлари эшитилиб туради. Назир бу фарёдлар сабабини сал-пал тушунади. Дўмбоққина Зокир эса болалик завқини суришдан бўшамайди. Дўхтир, «кейинги болангизнинг соғлом бўлишини истасангиз, туғишдан сақлаиб туринг», дегани учун аяси унга укача олиб келмайди. Зокир уч ёшга тўлгандан кейин дадаси билан аяси Худодан қиз сўрашди. Умидлари ушалишига оз вақт қолган эди...

Даладан ярим кечада қайтган дадаси тонг қоронғусида ишга отланди. Бу вақтда ҳамма уйғоқ эди. Бу ердагилар куёшдан кейинроқ уйғонишга уялишади, кун ёйилгун-

ча ухлаш қандай бўлишини тасаввур ҳам қилолмайдилар. Дадаси Зокирни эркалаб, бурунчасини аста чимчиладида, яқинда ака бўлишини эслатиб қўйди. Қуёш терак бўйи бўлганда уларникига кўпгина милиса амакилар келишди. Бувиси довдираб қолди. Аяси қўрқиб, йиғлаб юборди. Акаси ҳам қўрқиб, бувисининг пинжигга кириб олди. Уйларига бунчалик кўп милиса келганидан Зокир олдинига қувонди. Кўчага чиқиб ўртоқларига мақтанмоқчи ҳам бўлди. Айниқса Собитга! Уларникига ҳам шунақа милисалар келганида роса мақтанган эди. Аясининг титраб йиғлаётганини кўриб, Зокирнинг жажжи юраги қандайдир нохушликни сезди-ю, энди қувониш ўрнига қўрқа бошлади. Мақтаниш аҳдидан ҳам воз кечди. Милиса амакиларнинг каттаси аввал аясига, кейин бувисига бақиргач, бошқалари ниманидир қидира кетишди. Улар ўзларига керакли нарсани топишолмади, лекин Зокир йўқотиб қўйган филдираклари чиқиб, ўзи пачоқланган ўйинчоқ — машина топилди. Болакай шундан қувонгани рост...

Дадасини дала шийпонида қўлига кишан уриб олиб кетишганди. Бунинг оқибати нима бўлишини Назир билиб, аяси ва бувисига қўшилиб роса йиғлади. Зокирнинг ташвиши бошқа эди: пачоқ машинани топиб берган милиса амакилар бир ҳафта олдин туққан сигирлари билан бузқчани ҳайдаб олиб кетишди... Зокир янги соғилган сутни яхши кўрарди. Аяси сут соғиб бўлгунича ёнида чўнқайиб ўтиргувчи эди. Сигир ҳам шунга кўникканди. Агар у бўлмаса челақни тепиб юборай дерди...

Баҳорда, осмонни қора булут қоплаган пайтда бир милиса амаки келиб аясига нимадир деди. Аяси чинқириб юборди-ю, ҳушидан кетди. Кейин қўшни хотинлар чиқиб йиғлай бошлашди. Жала ёға бошлаган пайтда уйда беҳуш ётган аяси ўлик қиз туғди. Зокир ўлик сингилга ака бўлди. Кейин...

Бувисини кўрпага ўраб олиб келишди. Куйиб кетган жасадни болаларга кўрсатишмади. Бувиси Худодан қиз набира сўраган эди. Набирасини ўзи билан олиб кетди...

Фожиа ҳақида Зокир тушунмайдиган турли гап-сўзлар айтилди. Ҳақиқатни улғайганда билди...

Баҳор қуёши қанчалар ёқимли, шабадаси қанчалар тотли, осмони қанчалар гўзал бўлмасин, айбсиз ўғлининг қамоққа олинишидан қалби азобда бўлган онанинг кўзига бу ажойиботлар кўринмасди. Ер куррасини ёритишга, иситишга қурби етадиган қуёш ғамнок онанинг дардли юрагига нур беришга ожиз эди. Тунда киприклари қовушгандай бўлди. Фарзанди ҳибсда азоб чекаётган дамда онанинг кўзларига уйқу келармикин?

Субҳи козибда ҳовлига чиққан Рисолат кампирнинг эти баҳор изғиринида жунжикмади. Унинг ҳовлида қиладиган юмуши йўқ, уйқусизлик уни уйга сиғдирмаган эди. У ўрик дарахтининг бужир танасига суянди. Қиши билан дийдираган дарахт баданига ҳали илиқлик югурмаган эди. Кампир курагининг захликдан совқотаётганини ҳам сезмади. Мушт қилиб тугилган чап кафтини очди. Кеча кундузи масковлик прокурор берган ёққичга тикилиб қолди.

У ўғлини биргина марта кўриш, лоақал у ҳақда бирон маълумот эшитиш мақсадида марказга ҳар куни қатнардди. Ҳар куни умиди синган, афтодаҳол кўринишда қайтарди. Келини ва набираларининг умидли нигоҳларига қарашга ботина олмасди.

Кеча ҳам борди. Яна ўша манзара: прокуратура биносига яқин йўлатишмайди. Бу атрофда бошқа жабрдийдалар бўлмаганида ҳам Рисолат кампир соқчиларга ялиниб-ёлбориб ичкарига кириб чиқармиди... Аммо бу ерда унингдек юраги айрилиқ дардида нола чекаётганларнинг ҳисоби йўқ эди. Рисолат кампирнинг нонушта қилмай чиқарвергани кун тиккага келганда таъсир этди: оёқ-қўллари бўшашиб, ранги бўзарди. Бу ерга келганлар дардкаш бўлганлари учун ҳам тезда қадрдонлашиб кетадилар. Кампирнинг аҳволини сезган аёллардан бири халтасидан пиёла чиқарди-да, сув қуйиб унга узатди. Рисолат кампир пиёлани олди, лабига олиб борди, бироқ ичмади. Шу онда ичкаридан соқчибоши чиқиб, тўда-тўда бўлиб ўтирганларга яқинлашди:

— Туринглар, нарироққа боринглар. Неча марта айтиш керак сизларга! Сизларни деб хўжайинлардан мен сўкиш эшитяпман!

Одамлар турдилар, лекин нари бормадилар, аксинча, амрини эшитмагандай унга яқинлашиб, саволга тута кетдилар:

— Биродар, Нуралиевни билиб чиқдингизми, шу ерда эканми?

— Командир, Шоимовга овқат киритсам бўладими, уч кундан бери кута-кута ўлиб бўлди.

— Акажон, Эшназаровнинг суди қачон экан...

— Мен қаердан биламан? — деди соқчибоши аччиқлаиб. — Буни адвокатларингиздан сўранглар.

— Мен адвокатман, нима учун мени ичкарига қўймайсизлар? — деди жигарранг шляпали йигит.

— Мен буйруқни бажарадиган одамман, ошнажон, менга тиқилинч қилаверманг.

— Сиз қонунни бузясиз! — деди шляпали йигит бўш келмай.

— Қонун-чи, ошнажон, ана, ичкарида ўтирибди. Қўлингдан келса кириб гаплаш, — деди соқчибоши аччиқланганини яширмай. Шляпали йигит яна нимадир демоқчи эди, яқинлашган Рисолат кампир унинг елкасини силаб, «қўй ўғлим, булар билан ўчакишма», деб тинчитди-да, сўнг соқчибошига юзланди: — Бувинг айлансин, менинг боламни нима қилишди, тўғриси айтавер. Айта қол. Билиб чиқман, девдинг-ку? Илойим онанг дардингни кўрмасин.

Соқчибошига кампирнинг ялиниши таъсир этиб, бироз юмшади:

— Онажон, ўғлингиз ўтирибди, соппа-соғ. Нимага ўтирганини билмайман. Балки қамалиб кетган раисларинг билан олди-бердиси бордир. Масковлик прокурор сўроқ қияпти. Ўзимизнинг прокурорларни яқинлаштиришмаяпти. Менинг билганим шу. Энди пича нарига бориб, салқинда ўтиринг, — соқчибоши кампирни тинчлантиргандай бўлиб, бошқаларга қаради: — Ана, чинор тагига борсаларинг-чи, салқингина-ку?

— Одамларга салқин жой керакмас, ҳақиқатни билмагунларича шу ерда куйиб тураверадилар.

— Унда ўзларингдан кўринглар!

Соқчибоши шундай деб дарвоза томон имлаган эди, ўнга яқин милиционерлар чиқишиб, одамларни турта-тур-

та чинор томон сура бошлашди. Кампирга раҳм қилиш-дими, у соқчибоши ёнида туриб қолаверди. Дарвоза очи-либ, уч-тўрт киши кўрингач, соқчибоши кампирга ўртада келаётган одамни кўрсатди:

— Ўғлингизни ўртадаги кўзойнакли кал тергов қияп-ти. Мени бир туртинг-да, ўшанга қараб югуринг.

Кампир унинг айтганини қилди. Соқчибоши уни қўли-дан ушлашга улгурмай қолган ночор киши ҳолида жойи-да қолаверди.

— Айланай сендан, менинг ўғлимга нима бўлди? Нега қамадилар уни? Уйимизни тит-питини чиқариб, эчкимиз-гача олиб кетишди. Сен масковлик экансан, масковлик-лар инсофли бўлишади. Адолат қилгин, болам. Ўғлимни чиқариб бер, унинг тариқча ҳам айби йўқ.

Кампирнинг биронта сўзига тушунмаган Москвадан келган «адолатли» прокурор энсаси қотган ҳолда шу ер-лик ҳамкасбига савол назари билан қаради.

— Нима деяпти бу кампир?

— Ўғлининг тақдири билан қизиқяпти,— деб русчалаб тушунтириб ҳамкасб.

«Адолатли» прокурор бу томонга сафарга отланганда уйидагиларга «пахта ўғриларининг тит-питини чиқариб келаман», деган, бу ерга келтирилганларнинг ҳаммаси унинг назарида ўғри эди. Шу боис ҳам кампирнинг ўғлини суриштириб ўтирмай ўғрига чиқариб қўя қолди:

— Айтиб қўй унга: ўғрининг тақдири нима билан туга-са, ўғлининг тақдири ҳам шундай бўлади. Давлат мулки-га хиёнат қилганлар кечирилмайди.

Таржима қилиб берилган бу гапни эшитган Рисолат кампир «Вой шўрим!» деди-ю, ҳушини йўқотиб қўяёзди. Лекин зиммасидаги ўғлини оқлаш масъулияти уни тутиб қолди. Москвалик прокуратура терговчиси йўлида давом этмоқчи эди, рўпарасига туриб олди:

— Ҳай, айланай сендан, масковлик болам, менинг ўғлим унақаларданмас. Қўй оғзидан чўп олмаган, бировнинг но-нига кўз олайтирмаган-а! Уни ҳалол луқма билан ўстир-ганман. Отаси урушда ўлган...

— Яна ўша дийдиёми? — деди «адолатли» прокурор афтини буриштириб.

— Отаси урушда ўлган экан, — деди таржимонлик қилаётган ҳамкасби.

— Айтиб қўй: отаси урушда ўлган бўлса, боласи қамоқда чирийди. Емоқнинг қусмоғи бор.

— Артур Моисеевич, бунақа демаганизмиз маъқул, бу шаддод кампир сочини юлиб, дод солиши мумкин.

— Шундан қўрқяпсанми? Шу юрак билан прокуратурада ишлаб юрибсанларми?! Майли, ғалвага тоқатинг бўлмаса, ўзинг билганча тушунтириб қўявер.

Юмшоқроқ муомалага ижозат теккач, кампирни алдаб бўлса ҳам четга олишга уриниб, деди:

— Озгина сабр қилинг, бутун-эрта тергов тугаса ҳаммаси ойдинлашади. Ўғлингиз айбсиз бўлса, дарров чиқариб юборилади.

— Булар адолат қилишармикин, болам? — деб сўради Рисолат кампир ишончсиз бир оҳангда.

— Умид қилаверинг, энди йўлни тўсиб, буларнинг аччиғини чиқарманг.

— Хўп, йўлдан қочаман, лекин сен бунга тушунтириб қўй: адолат қилсин. Ўғлимнинг болалари жавдирашиб йўлимга кўз тикиб ўтиришибди. Эртага уларни қандай боқаман, билмайман. Уйимда иккитагина товуқ қолган. Шу иккита товуқ ҳам қўшнимизникида юрган экан, милсаларинг сезмай қолишибди. Бўлмаса уни ҳам Худо кўп кўрарди.

— Яна нима гап? — деди «адолатли» прокурор жаҳд билан.

— Айбланувчининг болалари оч эмиш.

— Оч бўлса нима?! Давлат туғдиравер, болаларингни мен боқиб бераман, дебдими?

— Болам, нима деяпти? Аччиғи чиқяптими?

— Уни тинч қўйинг, тергов тугамагунича бир гап айтишга ҳаққи йўқ.

— Унақада сен ҳам масковлик бу ошнангга яхшилаб тушунтириб қўй: ҳалиги гапини бошқа айтмасин. Ўғилгинамни яна ўғри деса, ўзимни шу ернинг ўзида ёқаман, ҳа!

— Бунақа гапларни қўйинг, йўлдан қочинг.

— Гапимни тушунтирмасанг, бир қадам ҳам нарига ўтказмайман.

Таржимонлик қилаётган терговчи кампирнинг гапини тушунтиргач, масковлик адолат соҳиби заҳарли жилмайди-да, чўнтагидан ёққич чиқариб кампирига узатди.

— Марҳамат, ёққиси келса ёқаверсин.

Рисолат кампир унинг сўзларига тушунмаса-да, мақсадини англади. Бир ёққичга, бир «адолатли прокурор»га қараб қотиб қолди. Кўзлари чўғ каби ёнди. «Адолатли прокурор» ёққични қайта чўнтагига солмоқчи бўлганида бир ҳамла билан қўлидан юлиб олди...

...Ҳозир субҳи козибда, ўрикнинг бужир ва зах тана-сига суяниб турган онда шу воқеани эслади. Заҳар солмаса тинчимайдиган илондан инсоф умид қилиб янглишганини англади. Чорасизлик азоби юрагини яна бурай бошлади. Оғилхона томондан шарпа сезиб, ўтириди. Оғироёқ келинининг саҳармардонда ивирсиб юрганидан ажабланди.

— Нима гап, тинчликми?

— Тинчлик... — деди келини хаста овозда, — сигиримизни олиб қўйишгани эсимда йўқ, соққани шошиб турибман.

— Янами... — Рисолат кампир бўғзига қадалган йиғини, ожизгина хўрсиниш билан қайтармоқчи бўлди.

— Аяжон, бутун сиз билан бирга борай.

— Йўқ, бутун ҳам далага чиқа қолинг. Кеча оқшом биргатдан рухсат сўрасам, бояқиш иш кўплигидан нолиб берди. «Қатқалоқ пайтида ҳеч кимга рухсат йўқ», дейди.

— Бояқишингиз биргат бўлиб олиб жудайла шишиб кетди. Олдин ўғлингизнинг соясига кўрпача соларди, энди саломга алик олгиси келмайди.

— Эътибор берманг, қизим, бутун шишиб кетса, эртага дами чиқиб, эл-юртнинг олдида ўзи уяли-иб қолади.

Кўча томонда кимнингдир қораси кўринди.

Келин ҳомиладор бўлишига қарамай ўша томон чаққон юрди-да, омонат панжара эшикни очиб кириб келаётган қўшни аёлга пешвоз чиқди. Тонгги меҳмонга салом бериб сўрашгач, қўлидаги сут идиш ва нонларни хижолатлик билан олди. Рисолат кампир уларга яқинлашиб сўрашди. Қўшнилари бундай йўқловлари одатий ҳол бўлса-да, «эрталабдан нимага уриниб юрибсиз», деб қўйди.

— Оқшом хамирим ошиши бир қийин бўлди-ки, нонни кечаси ёпдим. Туновинда дуо қилганингиздан бери сигиримиз серсут бўлиб қолди. Қаймоғиданам бир татиб кўринг, деб олиб чиқдим.

— Остонамни босиб кирган оёқларингиздан айланай. Салимахон ҳам хуфтонда сут чиқарган эканлар, сиз овозра бўлибсиз-да... Болаларингизга ичирсангиз бўларди.

— Вой, овораси борми... Шунча сутни саккизта бола билан ҳам ичиб адо қила олмаймиз. Ҳа, хўжайиним айтдилар, бугунча қассобдан гўшт олмай турар экансизлар, пешинда ўзлари қўй сўяр эканлар.

Бу аёл огоҳлантирмаса ҳам қассобдан гўшт олишга пуллари йўқ эди. Рисолат кампир қўшнисини кузатгач, ўзини тута олмади: келинига сездирмай оғилхонага кирди-да, хўнграб йиғлади...

Кечки пайт эса хабар келди: прокуратура биноси олдида Рисолат кампир устидан керосин қуйиб ўзини ёқибди. Кеча «адолатли прокурор» узатган ёққич билан ёқибди...

Рисолат кампир, «ўғлимга енгилик бўлар, адолат қилишар», деган мақсадда ўзича бу исёнга жазм қилганди. Исёни сахро бағрига сингган томчи сингари аҳамиятсиз бир нарса эканини ўйлаб кўрмовди. Ўғлини барибир қамаб, узоқ совуқ ўлкага жўнатишди. Рисолат кампирнинг йили ўтмай, қамоқ лагеридида ўғлининг жон бергани ҳақида хабар келди. Жасадни олиб келишга борган қариндошлар қуруқ қайтишди – мумкин эмас экан... Масжид имоми ғойиб жаноза ўқиш билан кифояланди... Эрига ҳеч бўлмаса кафан насиб этмагани Зокирнинг аяси учун армон бўлиб қолаверди.

Кунлар ўтаверди. Кетган қайтади, кетмонланган қайтмайди, деганларидай, қамалганлар бирин-сирин қайта бошлашди. Зокир кунни бўйи кўчада, пачоқ машинаси билан тупроққа беланиб ўйнагани ўйнаган. Бир кунни гап топиб келди:

— Аяжон, Йовшанни опоқ дадаси кепти...

Онанинг юраги «жиз» этиб кетди. Равшан деган болакайнинг опоқ дадаси билан Зокирнинг дадаси бир кунда олиб кетилганди. У келибди... Она хўрсиниб, ўғлига маъюс тикилиб қолди. Ўғил онасидан жавоб бўлмагани учун бетоқатланиб яна сўради:

- Менинг дадам ҳам келадилай, а?
- Ҳа, ўғлим, — онанинг кўзи ёшга тўлди.
- Эйтага келадилами?
- ...

Она жавоб қила олмади. Ўғлини бағрига олиб, юз-кўзларидан ўпаверди. Ўғил эса ҳайрон. Ҳеч нарсага тушунмайди. Кейин у ҳам йиғламосиради:

— Ойи, йиғламанг. Сиззи ким уйди? Дадамла келганлайида этиб беямиз. Уядила. Йиғламанг, жо-он аяжон...

* * *

Ҳасратли кунлар, армонли кунлар, дардли кунлар ўтаверади. Қалб ҳар қанча дард, ҳар қанча армон, ҳар қанча ҳасратга банди бўлмасин, ширин орзуга ҳам жой беради. Ўғилларининг улғайиб бориши она юрагини шундай нурли умид билан қувватлаб турмаганида, ким билади, бу митти юрак ёрилиб кетармиди...

Зокир ҳам мактабга чиқди. Акасининг эски портфелини кўтариб, минг хархаша билан жўнайди ўқишга. Она шом қоронғусида даладан қайтгунча ака-ука унга бир талай болаларга хос ҳасратларини тўплаб қўйишади.

— Аяжон, Зокирингиз тутилмаган дафтаримга чизибди, энди янгисини олиб берасиз.

— Аяжон, акам бошимга урдилар, шунинг учун дарс тайёрлай олмадим...

Она болаларига ваъдалар бериб, овутади. Чарчаган болалар хуфтонга етиб-етмай ухлаб қолишади. Она ҳам толиққан. Лекин уйқуни енгишга уриниб, қўлига игна-ип олади. Далада ишлаб топгани рўзгорни тебратишга аранг етади. Шунинг учун дўппи тикади. Болаларим ўксиб ўсмасин, бирон нимага муҳтож бўлмасин дейди. Яна ойлар ўтиб, Назир ҳам уйқуни енгиб, онаси қанотига киради. Она тепчийди, у пилталайди. Сўнг Зокир ҳам қўшилади. Унинг вазифаси — дўппиларни елимлаш...

Болалар уйқуда. Она уларга меҳр билан боқади. Назиржони уйқусида ҳам жиддий. Бошида чала ёпилган китоби. У кўп ўқийди... Ким бўларкин? Ажаб эмас, олимпика етишса... Ширин хаёл она қалбини шодликка тўлдиради. Жилмаяди... Зокири тушмагур дум тушиб ётиб олган.

Эҳтимол тушида ҳам биров билан кураш тушаётгандир. Ўқишга тоқати йўқ, шуниси чатоқ...

Она ўртада. Икки ёнида икки ўғли ширин уйқуда. Икки ўғлини у икки қанотим, деб ғурурланади.

* * *

Байрам арафасида она бетобланиб қолди. Фарзандларига янги кийим-бош олишга пул тўплаб қўйган эди. Ўзи боролмагач, пулни Назирга берди:

— Ўзингга энг яхши қўйлак, укангга туфли ол.

«Энг яхши қўйлак ол», деб бекорга таъкидламади. Назирнинг мўйлаби сабза уриб қизларнинг назарига тушадиган бўлиб қолган. Унинг ўғли қизлар олдида мулзам бўлиб юрмаслиги керак.

Ака-ука бозор айланишди. Олай дейишса чиройли қўйлақларнинг тури кўп, туфлилар ундан-да кўп. Рўмоллар растасидан ўтишаётганда Зокир тўхтади.

— Ака, аямга рўмол ола қолмаймизми? Энг яхшисидан олиш керак.

— Рўмол? — ўйланди Назир. Кейин пулини чамалади. Буни сезган Зокир акасини кўндириш учун шоша-пиша гапини давом эттирди:

— Менга туфли керак эмас. Шу ҳам бўлаверади. Мойласам, яп-янги. Рўмол ола қолайлик.

— Яхши айтдинг, — деди Назир. — Менинг қўйлагим ҳам ҳали янги.

Зокир кўнмади:

— Йўқ, эски, энгида ямоғи бор. Янгисини оламиз.

Уларнинг иши онани ранжитди. Ака-ука эса хурсанд... Она бу рўмолни кўп ўрамади. Авайлади. Фарзандларининг меҳридан нишона сифатида қадрлади...

* * *

Ҳар тонг она сочидаги толаларни оққа бўяб уйғотади. Бу ҳам етмагандай юзига ажин тортади. Эрмак-эрмак билан бўлиб онанинг сочи оққа бўялиб қолибди. Пешонаси, бетлари ажинга тўлди. Эти суякка ёпишган кафти билан Назирнинг бошини меҳр билан силаяпти. Олий ўқишга кирган ўғли биринчи таътилга чиқиб келиб, согинган ди-

лига малхам бўлди. Талабалик маошидан совға олиб келибди. Арзонгина совға она учун дунё бойликларидан аъло-роқ эди. Назирнинг таътили тугаб, ўқишга қайтиб кетгач, Зокир мактабидан кеч қайтадиган бўлиб қолди. Она бугун даладан эртароқ қайтган эди. Зокир уйда кўринмагач, хавотирланди. Зокир шом қоронғусида ҳовлига кириб келди-ю, оғилхонани тозалагани кириб кетди. Кейин, овқатланиб бўлгач, дўппи тепчиётган онаси ёнидан жой олиб, пилталай бошлади.

— Қўй, ўзим пилталайман, сен дарсингни тайёрла, — деди она.

— Тайёрлаб қўйганман...

— Қачон?

— Мактабда...

— Ёлғон гапирма.

— Рост, аяжон.

— Сени деб қачонгача муаллимларингдан гап эшитаман? Акангга ўхшасанг бўлмайдими? Кўрдингми, ярим йилда бир уйга келганида ҳам китобдан бош кўтармади. Сен-чи? Билмадим, қачон ақлинг кираркин?

— Эртадан кирса керак...

— Сенга майнавозчилик бўлса... Бор, ухла.

— Рост айтяпман, аяжон, нимагалигини айттайми?

Она кўзойнаги оша ўғлига қаради. Ундан кўз узмаганича тиши билан ипни узди. Зокир яна бир оз сукут қилгач, гапини давом эттирди:

— Бугундан ишга бордим. Демак, эртага ақлим кириши аниқ!

— Нима? Қанақа иш?

— Аяжон, қурилишга ишга кирдим.

— Вой, тавба... Кимдан сўрадинг?

— Ўзимдан...

— Уф-ф... — она қўлидаги дўппини четга қўйиб, хўрсинди.

— Ахир, аяжон, қачонгача шундай яшашимиз керак?

— Зокир шундай деб ўзини оқламоқчи бўлди.

— Бирон каминг борми? Яна қанақасига яшамоқчи-сан?

— Ахир бир ўзингизга оғир бўлаётганини кўриб туриб индамай юра олмайман-ку? Акамга энди дурустроқ пул-

дул юбориб туршимиз керак. Дўппи тикишингизни йиғиштирасиз. Иккаламизнинг маошимиз етарли бўлади.

— Ўқишинг-чи? — деди она афсус билан. Емай-егизиб, киймай-кийгизиб, не-не ширин умидлар билан фарзандини боққан, ўғлининг ўқиб, баланд мартабаларга етишини истаган онанинг кўзлари намланди. Ўғил шундай бўлишини аввалдан билган эди. Онанинг эзгин руҳи унинг қалбини ҳам поралади. Чорасиз киши овози билан деди:

— Аяжон, мен ҳунар йўлидан кета қолай. Барибир акамга ўхшаб ўқий олмайман... Ўқишга зеҳним паст... биласиз-ку...

Зокир ёлғон гапирди. Зеҳни паст эмаслигини ўзи ҳам билади. Бу онага ҳам яхши маълум. Зокир ўқийман, деб шаҳарга кетиб, онасини ёлғиз қолдиришни истамайди. Онага бу ҳам маълум. Шу боис дардини ичига ютишдан ўзга чораси қолмади. «Яхши ҳунар эгаллаганларнинг мартабаси ҳам баланд бўлади», деб ўзини ўзи овутиди.

* * *

Назир пойтахтда, ўқишда. Зокир ишда, чангга беланиб юриб ҳунар эгаллади. Онаси орзусидаги баланд мартабага етишмаса-да, кўни-кўшни, қариндош-уруғларнинг юмушларини беминнат бажариб бериб ҳурматга эга бўлди. Қурилишдаги ишидан бўшаган онларида автомобил созлашни ҳам ўргангач, эътибори янада ошди.

Назир охириги таътил чоғи уйга келмади. Онасига мактуб жўнатиб, диплом иши билан банд эканини, устозлари уни институтда олиб қолишмоқчилигини маълум қилди. Бу хабар соғинган юракни кутилмаган шодлик билан қалқитиб юборди – унинг ўғли институт муаллими! Қандай яхши! У ҳали ёш, яна ўқийди. Олим бўлади, профессор, академик бўлиб кетса ҳам ажабмас... Кичиги ҳунардан обрў топишга топяпти-ю, лекин у ҳам ўқиганида қандай яхши бўларди-я...

Зокир онасига ҳам, акасига ҳам жуда-жуда меҳрибон. Онасини киприкларида кўтариб юрай дейди. Ҳар ойда бир марта она-бола шаҳарга пул жўнатишади. Зокир бунга қаноат қилмай, онасига билдирмасдан яна икки марта жўнатади.

Фақат...

Уйга кеч қайтяпти. Она буни ишнинг кўплигига йўяди. Зокирнинг қуралайкўз Сабоҳат яшайдиган кўчада соатлаб туришини ҳали эшитганича йўқ. Ўғил сездирмасликка ҳаракат қилиб юрибди. Она сезган тақдирда ҳам нима қила оларди? Ўғлининг юрагига ўт тушибдими, бас, уни фақат ўт қўйган санамгина ўчира олади.

* * *

Назир келди. Ёнида хушбичим, қора қошлари терилган, устидаги кийимида ҳаё йўқлиги инобатга олинмаса, латофатли бир қиз. Назир ийманибгина уни таништирди: — Латифа... келинингиз...

Она ранжишни ҳам, ҳамқишлоқлари олдида уятдан ёниб кетишни ҳам билмайди. Келинга етишганидан қувониши керак эди. Аммо иснод бу қувонч йўлини тўсди. Нима қилсин энди у муштипар? Орзу дегани ҳамиша ҳам рўёбга чиқавермаслигини ҳисобга олмаган экан. Ҳаракати фақат ўзига аён: беш йилдан бери тўйга ҳозирлик кўрарди. Бутун қишлоқни қойил қолдирадиган тўй қилиб, энг яхши қизлардан бирининг келинлик либосида остона ҳатлаб киришини кўз олдига келтириб юрганди.

Келини кириб келди...

Фақат...

Оппоқ келинлик либосида эмас, келинсалом билан эмас, ёр-ёр билан эмас...

Ёнгсиз калта қўйлақда, бошланг... Худди бу ҳовлига адашиб кириб қолган бегонадай...

Ташқариси оқланмаган қорасувоқ уй, ҳатто ҳовлига кўрк бўлиб турган мевали дарахтлар ҳам ёқмаганини келиннинг сузилган кўзлари, қимтилган лаблари сездириб қўйди.

Келин онага ёқмади. Лекин сездирмади. Начора! Ўғилгинасига шу ёқибдими, айтгани бўла қолсин. Кийимини алмаштирса етарли, ўзи кўҳликкина қиз экан. Ўзларидан тинчишсин...

Кийимни алмаштириш мумкинлиги Зокирнинг ҳам ҳаёлидан ўтди. Янгасининг шаҳло кўзларида чақнаб турган кибрнинг ўзгариши қийинлигини ҳам ўйлади...

Назирнинг талабига биноан, катта тўй шаҳарда бўлажги баҳона қилиниб, қишлоқда маълум оши бериш билан чекланишди. Бу ҳовлида ёр-ёр айтилмади, ўртада гулхан ёқилмади, ҳофизлар овози жарангламади. Куёв-келини остонада кутиб олиб, кўтариб олмади, ёшларнинг қий-қириқлари остида гўшангага кирмади... Бу манзараларнинг барчаси армон бўлиб она юрагида қолаверди.

Орадан бир неча ой ўтгач, қайнотанинг марҳамати билан Назирга ҳовли олиб берилди. Уй эски бўлгани сабабли бузиб ташланиб, янгиси қурила бошланди. Катта тўйга атаб тўпланган пул қурилишга берилди. Она пулнинг ярмини Зокирнинг тўйига атаб олиб қолмоқчи эди, у кўнмади. Бадавлат оилага куёв бўлган акасининг кўнгли чўкишини истамади. Бирга ишлайдиган уч дўсти билан меҳнат таътилига чиқиб, акасининг қурилишида ишлади. Шу жараёнда унинг зийрак зеҳни кўп нарсаларни англаб етди. Қуда буваси ҳам, янгаси ҳам уларни ҳашарчи сифатида эъзозламай, мардикор деб билиб менсимай муомала қилишарди. Зокирнинг дўстлари бу муомаладан ранжишса ҳам, дўстларининг юзхотири учун индамай ишлайверишди.

Қудабува билан дастлаб учрашишганда унинг: «Назир-жон менинг остонамни куёв бўлиб эмас, суюкли ўғил мартабасида босиб кирди», деганида қувонишганди. Ҳашар кунлари Зокир англадики, бу гапнинг тагида: «Назир энди менинг ўғлим. Қизим туфайли унга мен эгалик қиламан, энди унда сизларнинг ҳақларингиз йўқ», деган маъно яширинган экан. Зокир бу ҳақда сўз очганда она: «Аканг катта шаҳарда мусофир, шундай одам қанотига олгани яхши, олим одам қишлоқда яшамайди, ўша ерда тиниб-тинчишини Худойимдан сўрайман», деб гапини қайирди. Зокир ҳам акасининг тиниб-тинчишини истайди, лекин эр кишининг муте ҳолда бўйнини қисиб яшашига рози эмас. Назир уй битгач қайнотаси кўрмананага автомашина ҳозирлаб қўйганини айтган онда Зокир, «акамнинг ўзига шунақа ҳаёт ёқса яшайверсин», деб қўйди.

Назир «кичкинагина уй тўйи қилишаётгани»ни маълум қилгач, қарз-қавола кўтариб арзирли совға билан келишди. Келин оғироёқ эди, тўйдан кейин онанинг қайтишига

Назир рухсат бермади. Қайнонага бу ёқмай, қошларини чимирди-ю, аммо ичкүёвнинг истагига очиқ қарши чиқмади.

Орадан ҳафталар ўтди. Зокир жиянининг туғилгани ҳақидаги хушхабар учун суюнчи тайёрлаб ҳар куни кутди. Шаҳардан дарак бўлавермади. Онасини олиб келишни ўйлаб бир неча марта йўлга отланди ҳам. Лекин бундан акаси ранжиши мумкинлигини ҳисобга олиб йўлга чиқмади.

Шу жума оқшомида шаҳарга жўнаш аҳдида эрталаб нонушта қилиб ишга отланганида жилди очилиб қолган мактубга кўзи тушди. Онасининг дастхатини дарров таниб, шошилганича ўқиди. Мактуб ҳафсала билан ёзилган, катак дафтардан йиртиб олинган бир варақ қоғоз сатҳи асосан «фалончига салом, писмадончи яхши юрибдими?» каби гаплар билан тўлдирилиб, охирида «Ўғлим, вақтинг бўлса келиб мени олиб кета қол», дейилганди. Сўнгги сатрни ўқиб юраги жиз этди. Кун бўйи кўнгли эзилиб юрди. Бошлиқдан ижозат сўраб, ишдан барвақт қайтди. Қараса, кўча эшик ярим очилиб қолибди. «Ким келди экан?» деб ажабланди. Остона ҳатлади-ю, кўзларига ишонмади. Эрталаб онасидан хат олиб эди, энди унинг ўзи яқинда мойланган айвон устунига суянганича зинада ўтирибди. Ёнида ихчам тутунчаси...

Зокир «Аяжон! деганича худди ёш бола каби онасини кучоқлаб олди.

— Жоним болам, бормисан... Бир ҳафта бўлди хат жўнатганимга. Кутдим-кутдим... келавермадинг...

Зокир хатни бутун олганини айтиб, узр сўради.

— Сендан хафамасман, болам, фақат хавотирландим, — деди она унинг бошини силаб.

Зокир инг кўзига онаси паришонроқ кўринди. «Йўлда урингандирлар», деб ўйлаганди, йўқ, бу маҳзунлик кўшниллар йўқлаб чиқишганда ҳам тарқалмади. Гаплашгиси келмаётгандай ўйга толганича ҳаракатсиз ўтираверади. Қўшниллар бундан хавотирланиб «Зокиржон, аянгизни дўхтирга кўрсатинг», дейишди. Улар айтмай туриб ҳам аясини дўхтирга олиб бормоқчи эди. Аммо онасининг, «ўғлиникидан касал бўлиб қайтибди», деган маломат чи-

қишидан истиҳола қилиб унамаслиги мумкинлигидан кўнгли гаш эди.

Кун бир оз совиб қолган бўлса ҳам онанинг ихтиёри билан айвонга жой солинди. Она майда-чуйда ишларга овора бўлиб ошхонадан чиққунича Зокир ухлаб қолди. Онанинг кўзларига уйқу келмади. Чўнқайганича ўтириб қолди. Самога, чок-чокидан йиртилаётган булутлар орасида милт-милт ёнаётган юлдузларга, юзига хира парда тортган тўлин ойга қаради. Кейин Зокирига тикилиб қолди. Аллақаердандир таралаётган мунгли куйни шабада бу ҳовлига ҳам етказди. Она мусиқага қулоқ тутди. Аввал кўлларига, кейин бутун вужудига қалтироқ югурди. Томоғидан кимдир бўғаётгандай, юраги пастга қараб тортилаётгандай туюлди...

Зокир йиғи товушидан чўчиб уйғонди.

— Сизга нима бўлди? — деб онасини бағрига босди.

Ўғилнинг гаплари онанинг қулоғига кирмади. Кўз ёшлари ўзига бўйсунмади. Изтиробда қолган ўғил эса нима қилишни билмай гангиб қолди.

Зокир онасини кўтариб, ўринга аста ётқизди. Она гужанак бўлиб олди. Яна ҳалиги аҳвол такрорланди. Зокир қўшни аёлни чақирди-да, ўзи шифокорникига югурди...

Йўлда кетяпти-ку, қалби потирлаб, фарёд чекади. Бутун оламини бошига кўтариб ҳайқиргиси келади. Дилини портлатаётган бу сўзлар, афсуски, бўғзида қотиб қолади:

— Эй табиат! Сен ҳам онасан-ку?! Ахир нима учун бизнинг оналаримизга йиғини ўргатгансан? Нима учун уларга кўз-ёши бердинг? Нега энди оналар йиғлайдилар? Тунлари мижжа қоқмай бешик тепасида алла айтганлари учунми? Болам деб ўзларини ўт бўлса ҳам, сув бўлса ҳам урганлари учунми? Ёки оқ сут бериб фарзанд ўстирганлари учунми? Ҳаммамиз онадан туғилганмиз- ку?! Нега энди оналарга йиғини раво кўрамыз?! Онадек табаррук зотнинг кўз ёшларини кўрганнимизда нима учун юракларимиз минг пора бўлиб ёрилмайди?!

Ҳайқирӣқ бўғиздан тилга ўтмай қадалиб қолаверди. Бундай гапларни айтиб ўрганмаган тил, юрак фарёдини ифода этишга ожиз эди. Қолаверса, атрофида буни эшитадиган бирон кимса ҳам йўқ эди...

Она касалхонада. Шифокорларнинг айтишича, у нимадандир қаттиқ хафа бўлган. Бу юрагига таъсир этган. Энди яна шундай кўнгилсизликдан ранжиса, унинг ҳаёти-ни сақлаб қолиш мушкул бўлармиш.

«Пахта иши» деб тарихда қонли из қолдирган ўша кунларда унинг юраги яримта бўлиб қолганди. Бунинг устига бу хафагарчилик...

Қанақа хафагарчилик?

Зокир буни тушуна олмас эди. Онасининг «олиб кет...» деб ёзиши, айвон устунига суянганича паришон ўтириши бежиз эмаслигини биларди. Акасиникида кўнгилсизлик бўлганига ишонарди. Бўлмаса унинг онасини ким ва қаерда ранжитиши мумкин?

Зокир онасига билдирмай Тошкентга қараб йўл олди. Тўғри акасиникига келди. Уйда ҳеч ким йўқ. Ҳашарга келиб ишлаганида кўшнилари билан чиқишиб қолганди. Шунинг учун тортиниб ўтирмасдан рўпарадаги кўшни эшигини тақиллатди. Онаси тенги аёл чиқиб, илиққина сўрашди:

— Э...э, Зокиржонмисиз, айланай сиздан, қайси шамол учирди? Келинг, келинг...

Ичкарига бошлаб кириб, дастурхон ёзди. Чой кўйди.

— Опоғойимнинг соғлиқлари яхшими, озгина хафа бўлгандай эдилар, эсон-омон етиб олибдиларми?

Аёлнинг бу саволи Зокирнинг кўнглидаги гумонни ҳақиқатга айлантди.

— Бирор гап бўлганмиди? — деди ичи ёниб.

— Ҳалиги... ҳеч нарса, шунчаки сўрадим-да...

Аёл шундай деб Зокирдан кўзларини олиб қочиб, ёлғон гапираётганини сездириб кўйди.

— Илтимос, яширмай айтинг, мен ҳақиқатни билгани атайин келдим. Аям қаттиқ бетоблар. Нима бўлганини билишим шарт.

Аёл Зокирнинг вазоҳатидан биров чўчиди, буни ўзига очиқ айтди ҳам:

— Айтаман, фақат шартим бор: ўзингизни тутасиз, галва чиқармайсиз.

Зокирдан сўз олгач, қайнона-келин орасидаги машмашанинг жанжалга айланганини, келиннинг ҳақоратлари-

ни, ҳатто юлиб ташлаганини... оқизмай-томизмай айтиб берди.

— Бечора опоғойимга ачинаман. Хизматкордан фарқлари йўқ эди. Сочлари супурги, қўллари косов бўлиб хизматларини қилсалар ҳам келинпошшога ёқмадилар-да! То кўзи ёригунича акангиз келинаянгизнинг қўлини совуқ сувга урдирмади. Туққанидан кейин янгангиз росаям талтайиб ётиб олди. Бир кун ёт, икки кун ёт, ярим ой, бир ой ётасанми! Нима, биргина сен туғибсанми? Янгангиз нонқўр экан. Опоғойимнинг қадрига етмади-я! Жанжал кўтараверганидан кейин опоғойим сизга хат ёздилар. Кейин сизни кутиб бизникида ётиб юрдилар. Охири чидолмай «кетаман»га тушиб қолганларидан кейин поездга ўзим кузатиб қўйдим.

Аёл бир зум жим қолди. Кейин Назирларнинг уйи томон имо қилиб деди:

— Янгангиз келганга ўхшайди. Акангизнинг овози ҳам эшитиляпти. Укажон, яна тўполон қилиб юрманг-а. Опоғойим сизни қизиққонроқ дердилар. Шу боисдан айтмоқчи эмасдим-у ўзингиз қўймадингиз...

* * *

Эшик тақиллади.

Ҳовлидан Назирнинг овози келди:

— Кираверинг, эшик очиқ.

Зокир кирди. Келинаяси ясама илтифот билан уни ичкарига таклиф қилди. Зокир акаси билан ҳам совуққина сўрашди. Муддаосини шартта-шартта айтиб, уйга кирмаёқ орқага қайтмоқчи эди, лекин қўшни аёлга берган ваъдасида туриб, галва чиқаришдан ўзини тийди. Ичкарига кирди. Дастурхон солинди. Назир ҳол-аҳвол сўради.

Зокир жавоб бермади. Пиёладаги шаъмага тикилганича ўтираверди. Шу топда унинг кўзига айвон устунига суяниб ўтирган онасининг паришон чеҳраси келди. У муштипар онаси учун, унинг ҳар бир томчи кўз ёши учун дарё-дарё юрак қони талаб қилса ҳам арзирди. Лекин қаршисида – жигари, ўша муштипарнинг аржманд фарзанди. Зокир энди акасига тикилиб қаради. Назир бундан ўнғайсизланди:

— Тинчликми? Аям яхшимилар?

Зокирнинг портлаши учун шу савол кифоя қилди:

— Аям билан нима ишингиз бор? Қилғилиқни қилиб қўйиб...

Чой қуйиб эрига узатаётган Латифа «ялт» этиб қайни-сига қаради. Шахло кўзларидан зулм учқуни сачрагандай бўлди. Шу пайтнинг ўзида унинг бурни юмалоқлашгандек, бутун захри бурнининг учига тушгандек бўлди. «Аям билан нима ишингиз бор?» деган савол Назирга берилган, воқеан жавоб ундан лозим эди. Бироқ, унинг ўрнига Латифа гап бошлади:

— Ҳой, қайнижон, нима деяпсиз? Биз нима қибмиз?

«Қайнижон» деган сўз ҳурмат эмас, кесатиқ оҳангида айтилгани учун ўт устига мой сепилгандек бўлди.

— Нима қибмиз?! — деди Зокир овозини кўтариб. — Нима қибмиз-а!! Сен...

— «Сен»лама, мен сенга кеннайи бўламан!

— Ҳе, сендақа кеннойини...

— Зокир! Тилингни тий!

— Нима дейсиз, ака! Онангизни бир манжалақи хўрласа ҳам отаси туфайли уйли бўлдим, машинали бўлдим, деб индамай ўтираверасизми?

— Ўйлаб гапир! Ҳеч ким онамни хўрламади. Хўрлатгани йўл қўймайман ҳам!

— Хўрлатгани қўямасмиш... Унда бу жодугарнинг ҳақорат қилганини нима дейсиз? Нега аям менинг келишимни кутиб қўшниникида ётиб юрдилар? Хўш?! Хўрлатмасмиш-а...

— Бу хўрлаш ҳам, хўрланиш ҳам эмас. Хотинларнинг ўзаро ғалваси. Арзимаган нарсага аразлашишади, дам ўтмай яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишади. Аям Латифани «қизим» деганлар, кеннайинг ҳам аямни «онажон» деган. Киши қариганида сал нозикроқ бўлиб қолади. Сен ёшсан, кейин тушуниб қоласан. Қани, жойингга ўтир, чойингни ич. Қизишмагину, ҳозирги гапинг учун кеннайингдан узр сўра.

Овутиш учун айтилган бу гаплар Зокирни баттар ёндириб юборди:

— Ака! Аямнинг бирон кишига қаттиқ-қуруқ гапирганларини кўрганмидингиз? Буни яна хотинларнинг ғалва-

си, дейсиз-а! Қарилиқда нозикроқ бўлармиш... Хизматкорга айлантиришга нозикмас-у гап кўтаришга нозикми?

Эрининг «сиз индамай ўтиринг» деган маънодаги имлашига қарамай, Латифа яна гапга аралашди:

— Вой, вой, вой! Ҳай, онангни ким ишлатибди? Худди маликалардай кун кечирди бизникида. Хизматни мана мен қилдим. Қишлоғини соғинса ҳам биз айбдорми?

— Маликалардайми? Хизматни сен қилдингми? Сен-а?!

— Ҳай, мунча дўриллайсан? Назир ака, айтинг бунингизга, тилини тийсин, иззатини билсин. Меҳмонга келганми бунингиз ўзи?

— Йўқ, меҳмонгамас! Аямни ҳақоратлаган ифлос тилларингни суғуриб олгани келганман!

Зокир кутилмаганда Латифани тарсакилаб уриб қолди. То Назир ўрнидан туриб ўртага тушгунча Латифа юз-кўзи аралаш яна икки марта тарсаки еди.

— Бу нима қилганинг, аҳмоқ! — деди Назир укасини маҳкам кучоқлаб олиб.

— Бу тарсакилар кам...

— Аҳмоқ! Бунақа қиладиган бўлсанг, иккинчи келма уйимга!

— Уйингизни пишириб енг!

Зокир шундай деб бир силтаниб акасининг қўлидан чиқди-да, кўча эшик томон тез-тез юриб кетди. Бетларини ушлаб «ув»лай бошлаган Латифа унинг изидан қичқирди:

— Урган қўлларингни қамоқда чиритмасам юрган эканман...

Латифа қамоқда чиритиш аҳдида қатъий туриб, дўхтирлардан қоғоз олмоқчи эди, тарсакининг изи қолмагани учун эплолмади. Ёноғига мушт тушиб кўкарганида ҳам бошқа гап эди. Агар Латифа янгаси эмас, бегона эркак бўлганида Зокирнинг кучли зарб билан мушт тушириши тайин эди. Зокир бу пайтга қадар ҳеч қачон аёл зотига қўл кўтариш у ёқда турсин, ҳатто сўкинмаган эди. Юрагини куйдираётган алам чўғида шу ишни қилди-ю, кўп ўтмай ўзи ҳам афсусланди.

Назир укасининг қизиққонлиги учун Латифадан узр сўради. Узр қабул бўлмади. Гарчи, Латифа дўхтирлардан

қоғоз ундира олмаган бўлса-да, аҳдидан қайтмади. Адаси билан маслаҳатлашиб бир фитнани режа қилди...

* * *

Ерга қор тушди. Биринчи қор тез эриди. Иккинчи қор узоқ куттирмади. Кейин табиат заъфарон либосини тўкиб, оқ зар билан ўранди. Ўранди-ю уйқута кетди. Она соғайиб, уйга қайтди. Зокир акасиникига борганини айтмади. Айтишдан фойда борми? Бир дарди икки бўлиши керакми?..

Совуқ қаттиқ келди. Кузда тўплаб қўйилган ўтин ҳам, таппилар ҳам ёқиб бўлинди. Шуни кутиб тургандай қуёш нурлари табиатни эркалаб аста уйғота бошлади. Табиат мудроқ кўзларини очди. Зар пўстинини ечди. Лекин икки-уч кун ўтмай яна дангасалиги тутди – устига янги оқ чопон ташлаб, ҳурпайиб олди. Лекин қуёш бунга йўл бермади. Оқ пўстини эриб кетган табиат яланғоч қолишдан уялиб, яшил ҳарир қўйлагини кия бошлади.

Шундай кунларнинг бирида Зокир ишдан қайтмади. Баҳор адоғига бориб ўғлини уйлантириш умидидаги она тунни хавотир билан ўтқазди. Эрталаб уни даҳшатга солувчи хабар етиб келди:

Зокирни қамаб қўйишибди!

«Зокир қамалди?!»

Бу шумхабардан онанинг юрак томирлари узилиб кетгандай бўлди.

— Нега?!

«Бир қизни зўрлаб қўйибди...»

Эҳтимол, «одам ўлдирибди», деган хабарни эшитса, юраги бунчалар зардобга тўлмасди. Бир қизни зўрлаш?! Бу иснод энди уни қаро ер тубига кирғизиб юбормайди-ми? Бу атрофдаги қишлоқларда қотиллик бўлган, ўғрилар ҳам қамалган, ҳатто порахўр ҳам чиққан. Бунақа шармандаликни эса сира эшитмаган, бунақа жиноятлар катта шаҳарларда бўлади, деб ўйларди. Қўшнилари, «ишонманг, туҳмат бўлгандир», деб овутишди. Она дарров ишона қолмади, лекин шундай гап чиқдими, тамом, иснод тамғаси ёпишганича қолаверади, бу тамға дарров ювиб ташлана қолмайди. Қишлоқда биттагина одам Зокирнинг

бузуқлигига ишонса ҳам бу лаънат ювилмай тураверади. Онанинг ташвиши шундан.

* * *

Таниш жой. Эридан мужда кутиб, ҳомиладор ҳолатида шу ерда кун бўйи ўтирарди. Қайнонаси зўрлаб олиб кет-маса, тунаб қолиши ҳам мумкин эди.

Қайнонаси ўзини шу ерда ёққан...

Иснод азобидан тўлғанишмас эди у дамда, адолат уми-дида тунни кунга улашарди...

Энди-чи?

Она ўғлининг бузуқлигига эмас, туҳмат балосига учра-ганига аниқ ишонади. У дамларда эри ҳам туҳмат бало-сидан кетган эди. «Ўрмонга ўт кетса, хўлу қуруқ барава-р ёнади», деганларидек, кўп қатори чидашга мажбур эди-лар.

Ўғлининг тақдири ўзгача...

Прокуратурага киритмадилар. Билгани: ўғли шу ерда. Бузуқлиги учун ўтирибди. Тергов энди бошланыпти...

Она уйга қайтарди. Қайси кўчадан юряпти, кимлар унга салом беряпти, буларни билмайди. Рўмоли ҳам ечилиб, елкасига тушган. Кўзлари маъюс. Ҳеч қаерга қарамай кетиб борарди. Бошида фақат бир гап айланади: ўғли бузуқ... ўғли бузуқ...

«Ўғлим бузуқ? Мен бузуқнинг онасиманми? Йўқ, йўқ! Эй, Худо! Менинг шунчалар гуноҳим кўпми? Бунча кўп жазолайсан мени? Эримдан жудо қилдинг. Энди болам-дан ҳам жудо қилиб номимни иснодга қўймоқчимисан? Худойим, менинг жонимни олсанг – ол, гуноҳкор бўлсам, дўзахинг оташида куйдириб – кул қил, аммо боламни туҳ-мат балосига қўйма! Менга ўлим берсанг – бер! Аммо ис-нод билан ўладиганлардан қилма!»

Ўй-хаёли муножот билан банд бўлган онани эшик олди-да кўшни аёл қаршилади-ю, аҳволини кўриб кўрқиб кет-ди. Дарров қўлатиғига кириб, суяганича уйга олиб кирди. Нима гаплигини сўради. Она яримта-юримта қилиб гапи-риб берди. Лаблари пирпиради. Юраги ўйнади. Қўшни аёл қизини шифокорга жўнатиб, ўзи онани овутиш билан ово-ра бўлди.

— Мана кўрасиз, Зокиржон эрталабгача қайтиб келадилар. Ҳозир тухмат билан қамаб юборадиган замонмас...

Она шифохонага боришга қўнмади. Ўғлини уйда кутишга аҳд қилди. У қўшнисининг гапига астойдил ишонган эди. Лекин Зокир эрталабгача қайтмади. Онанинг кўзлари тўрт бўлди. Кечгача ҳам қайтмади. Яна икки кун дарак бўлмади. Кейинги кун бир оз қувватга киргандай бўлиб, йўлга отланди.

Бу сафар инсоф қилишди. Ичкарига киритишди. Терговчи Зокири тенги йигит экан. Зокирнинг зўрлик билан номусга тегиш устида қўлга олинганидан бошқа маълумоти йўқлигини билдирди.

— Айланай, ўғлим, номусга тегмагандир? Ўша аёлнинг қўшни қишлоқдан эканлигини менга айтишди. Эрдан ажралгандан кейин шаҳарга кетиб қолиб... — Она «фоҳиша» дейишга тили бормади, гапини охирига етказишга қийналди. Унинг мақсадига тушунган терговчи йигит мушқулини осон қилди:

— Буниси билан бизнинг ишимиз йўқ. Агар фоҳиша зўрланса ҳам жиноят ҳисобланади. Қонун шунақа...

Она «қонунингиз қизиқ экан-ку, номуси йўқ аёлнинг номуси қанақасига топталиши мумкин?» демоқчи бўлди-ю, терговчини газаблантириб қўйишдан чўчиб тилини тийди. Ўғли билан учрашишга рухсат сўради:

— Боламнинг раҳматли дадаларини «пахта иши» деб шу ерда тухмат билан қамаворишган. Боламга ҳам шу бало ёпишмасин, — деб илтижо қилди.

— Йиғлаганингизда бувимга ўхшаб кетаркансиз, — деди терговчи меҳрибон ўғил овозида. — Менинг бобомни ҳам ўша йиллари шу ерда тергов қилишган. Бувимнинг йиглаб ўтиришлари эсимда. Кўз ёшингиз ҳурмати, қонунни бузсам ҳам ўғлингиз билан учраштирардим. Лекин иложсизман. Кечқурун ўғлингизни Тошкентга олиб кетишган.

— Нега?

— Билмадим. Шу ерда кўрилса ҳам бўладиган иш эди, юқорининг назоратига тушгандир-да. Сизга битта яхшилик қилишим мумкин, агар шаҳарга борсангиз, бир ўртоғимга тайинлаб қўяман, ўғлингиз билан учрашингизга ёрдам беради.

Барака топгур, чиндан ҳам ёрдам берди. Зокир она-
ни кўрди-ю, кўзларига тик қараёлмай бошини эгди. Буни
иқрор маъносида тушунган онанинг юраги тўхтаб қолган-
дай бўлди.

Зокир бошини кўтармай дардли овозда деди:

— Аяжон, ишонманг...

Бу овоз онани ҳушига келтирди:

— Болам... болагинам... ҳечам ишонганим йўқ... лекин...
нега бунақа бўлди?

— Билмайман... ишдан қайтаётганимда катта боғ то-
мондан ўтаётгандим... бир қиз қичқириб ёрдамга чақир-
ди... Икки йигит зўрламоқчи бўлаётган экан. Қутқармоқ-
чи бўлдим. Икковини икки ёққа отиб юборувдим... Ким-
дир орқадан бошимга урди. Ҳушимга келсам, милиса
қўлимни кишанлаб қўйибди. Текшириб адолат қилишади,
аяжон, сиз кўпам қюнаверманг.

Она ўғлининг тўғри йўл туриб нима учун катта боғ то-
мондан юрганини билади. Ҳар қуни Сабоҳатнинг кўчаси-
га қараб ўтишини унга қўни-қўшнилар етказиб туриша-
ди. Шу боис бу ҳақда сўрамади.

— Шу гапларни терговчингга айтдингми?

— Айтдим.

— Нима дейишяпти?

— Нима дейишарди? «Текширамыз, аниқлаймыз», дей-
ишади-да. Бу ерда адолат топилмаса, судда бордир.

— Ҳали суд ҳам қилишадими?

— Аяжон, бунақа ишда адолатга етиш осонмас. Лекин
сиз менга ишонинг. Ахир мени сиз тарбиялагансиз-ку! Мени
фақат покликка ўргатгансиз-ку! Худо хоҳласа, адолат
бўлади. Сиз қишлоққа қайтаверинг.

— Йўқ, сени шу ерда кутаман. Уйга бирга қайтамиз.

— Қаерда кутасиз? — Зокирнинг қошлари чимирилди.

— Акамникидами?

Она ўйга чўмди. Айбдор одамдай бошини эгди. Сўнг
ҳасрат тўла овозда «ҳа» деди:

— Ая...

— Қўй, ўғлим, гапирма, — она шундай деб бошини
кўтарди. — Ҳаммасини эшитдим. Ҳар қалай яхши иш қил-
мабсан. Касал бўлиб қолганимга аканг ҳам, янганг ҳам

айбли эмас. Бу Худо берган бир дард. Истаган одамига бераверади. Мен онаман! Фарзанднинг яхшисига шукр қиламан, ёмонига... йўқ, фарзанднинг ёмони бўлмайди, — она шундай деб негадир хўрсинди. — Қутулиб чиққанингдан кейин тўғри акангникига бориб, улардан кечирим сўрайсан. Мендан кейин аканг сенга ота, янганг она бўлишади. Бу фақат менинг истагим эмас, алмисокдан қолган одат. Аканг билан иттифоқ яшашингни Худо буюрган. Бўйин товлашга ҳаққинг йўқ.

— Йўқ, аяжон, уйга қайтаверинг, — деди Зокир ўжарлик билан. — Иккаламиз яшаймиз. Уларнинг бизга кераги йўқ.

— Қайсарлик қилма, ўғлим. Мен сени акангникида кутаман. Уйга бирга кетамиз. Тўй қиламиз. Шароф холанг қизини сенга беришга рози...

Зокирнинг кўз олдига ширингина жилмайган Сабоҳат келди. Кўнгил сирини аясидан яширишга уринарди. Аяси эса ишни пишитиб қўйган экан...

* * *

Ҳақиқат енгди.

Унга қадар Зокир озодлик илинжида ҳафталар эмас, ойларни тутқунликда ўтказди.

Латифа рўпарадаги қўшни аёл билан яхши чиқишарди. Бирон ёққа борса боласини шу аёлга ташлаб кетарди. Шунданми, баъзан у билан сирлашиб ҳам қоларди. Кунларнинг бирида қайнисининг «қамокда чириши» ҳақида гапира туриб, «уни шундай қопқонга туширдим-ки, икки дунёда қутулиб чиқа олмайди», деб мақтангач, қўшни аёл сергакланди. Латифа билан яхши муроса қилгани билан Зокирга, унинг онасига меҳри бўлакча эди. Бу икки жабрдийданинг тухмат балосига қолишини истамади. Унинг куёви республика прокуратурасида ишларди. Унга воқеани тушунтирди. Оқибатда дастлабки тергов пайтида йўл қўйилган камчиликлар бирин-сирин аниқланди: зўрланганда айбланган аёлнинг фоҳиша сифатида милиция рўйхатида туришининг ўзиёқ кўп саволларга жавоб қайтарди. Кимдир пул бериб тухмат қилишни топширганини айтгач, жиноий иш ёпилди...

Зокир турмадан чиққач, шаҳар кўчаларида анчагача тентираб юрди. Акасиникига боришни ҳам, уйга кетишни ҳам билмай гангиди. «Аям аҳдларида туриб, акамникида кутаётганмикинлар ё қишлоққа кетганмикинлар?» Зокир япроқлардан тўшалган кузнинг сариқ гилами устида узоқ юрди. Аста-аста юрди. Ўйлади... Акасиникига бориши лозимми? Онасини хўрлагандан кечирим сўраши керакми?.. Кўп ўйлади... Энди унинг «бузуқлиги учун қамалиб чиққан», деган номи бор. Айбсизлиги исботини топган бўлса ҳам ном қолаверади. Акаси бузуқ укадан балки воз кечгандир? Аслида... аввалроқ юз ўтирган. Ўшанда «уйимга келма!» деган эди. Шундай дейишининг ўзи воз кечганини англамайдимми?

Зокирнинг ўзи-чи? Ўшанда қасам ичмаганмиди? Энди ҳайдалган остонасига қандай қилиб бош эгиб боради? Лекин қутулиб чиққанини онасига билдириб қўйиши керак.

«Қишлоққа бораверай-чи, қайтмаган бўлсалар дўстларимдан бири келиб олиб кетар...»

Шу қарорга келиб, уйига қайтди.

Уйига яқинлашяпти-ку, юраги аллақандай бўлиб уради. Ҳамқишлоқларига рўпара келганда уларга тик қарашга уялади. Назарида уларнинг қарашларида нафрат бордек...

Кўча эшик қия очиқ турибди. Демак, онаси уйда! Акасиникига кирмагани яхши бўлибди.

Ҳовли супураётган қўшни аёл Зокирни кўрди-ю, турган жойида бир зум қотиб қолди. Зокир аввалига ажабланмади, у онасининг уйда эканига амин эди. Салом бергач, қўшни аёл супургини ташлаб, унга пешвоз чиқди:

— Вой, ўнгимми, тушимми! Зокиржон, эсон-омон қайтдингизми? Айбингиз йўқлигига ҳаммамиз ишонган эдик, хайрият, оқлашибди. Нега турибсиз, ичкарига кировринг.

— Аям кўринмайдиларми?

— Вой, Тошкентдалар-ку? Сизни ўша ёққа олиб ўтишгандан кейин кетганларича кўрганимиз йўқ.

Зокирнинг қайтганини эшитган таниш-билишлар йўқлаб киришди. Қўшни аёл хизматда бўлди. Зокир акасиникига телефон қилиб онасига хушхабарни етказиб қўйса ҳам бўларди. Аекин гўшакни янгаси кўтариши мум-

кинлигини ўйлаб, бу фикридан қайтди. «Аяжон, уйга қайтдим, Зокирингиз» деб қисқа телеграмма юбора қолди.

Оналарнинг митти юраклари олам жаҳон каби кенг бўлади. Ҳар қандай хўрликка, ҳар қандай ҳақоратга чидайди. Кечирувчан бўлади. Фарзандини қарғамайди. Фарзандларнинг қалби уларнинг акси ўлароқ, тор. Шу боис кичкинагина дардни ҳам сиғдира олмай дарров портлайдилар. Кечирим сўрагандан кўра, баъзан ўлимни афзал кўрадилар. Буни мардлик, ҳақиқат учун кураш деб билдилар. Ҳолбуки, ундай эмас. Уларнинг қайсарлиги нодонликнинг бир белгисидир.

Зокир онасининг айтганларини бажаришга бурчли эди. Онанинг «акангникига бориб, кечирим сўра», дейиши шунчаки гап эмас, темир панжара ортидан айтилган васият эканини у билмасди. Билганда-чи? Борармиди?..

Зокир икки кун онасини кутди. Учинчи кун эрталаб бир нотаниш йигит хат ташлаб кетди. Пойтахтга қатнаб таксичилик қиларкан, бир хушрўйгина опа, шу хатни етказишни сўрабди. Зокир онасининг ҳам, акасининг ҳам дастхатини танирди. Буниси бошқача, нотаниш эди. Шошилиб ўқиди:

«Онанинг ўлган. Сен безори, сен – бузуқ, уни ўлдирдинг! Буни биздан кўриб юрма. Сенга бу жазолар кам. Жуда кам!»

Зокир мактубни ким ёзганини англади. Юраги ўйнаб кетди. Ишонмади. Қоғозни гижимлаб нари отди. Кўзига ёш келди. Қўшненикига чиқиб, аёлга бу шумхабарни айтди. У ҳам ишонмади.

— Янгангиз сиздан аламини олиш учун шундай ёзгандир. Бўлмаса, акангиз қишлоққа хабар бермасмиди?

Зокирнинг кўнгли барибир тинчимасди. Шаҳарга отланди.

Она у билан қамоқдан кўришиб қайтгач, Назирга, «укангни кечир, ака-ука меҳрли бўлинглар», деб насиҳат қилган, кечаси уйқуга ётиб, тонгда уйғонмаган эди.

Ўша тун қамоқхонада ётган Зокирнинг юраги сиқилиб, қарийб ухлай олмаган эди. Қамоқда юракнинг беҳаловат бўлиши янгилик эмас. Шу боис Зокир эзгин ҳолатини терговнинг чўзилиб кетиши натижаси деб билди. Ярим тунда мизгигандай бўлди. Шу қисқа давр ичида туш кўрибди:

...Она-бола Маккаи мукаррамада, Ҳаж ибодатида боришганмиш... Онаси, «сенинг тўйингдан кейин Ҳажга бориш менга ҳам nasib этсайди», деб орзу қиларди. Ҳажга тўйдан олдин келишганмиш. Қайтиш даврида онасини йўқотиб қўйибди. Қидирибди, қидирибди... Шунда онасининг овозини эшитибди: «Ўғлим, сен уйга қайтиб тўйни бошлайвер, мен ўзим етиб бораман...» Зокир қайтай деса, буюмлари жойида йўқмиш. Туфлисини ҳам биров кийиб кетганмиш...

Шаҳар томон бораётган Зокир қамоқхонада кўрган тушини яна эслади, минг турли ўйлар гирдобида бўлди. Акасиникига етгунча шитоб билан юрди. Дарвозага ўн қадамча қолганда шашти пасайди. Ўн қадамни оловли йўл узра ялангоёқ босгандай бўлди. Эшик қия очиқ бўлса ҳам, очиб кирмади. Тақиллатди. Оёқ товуши эшитилди. Эшик очилди. Латифа Зокирни кўрибоқ қошларини чимирди:

— Сенга нима керак?

Бу қараш, бу савол юзига тарсаки каби урилган бўлсада, Зокир ўзини тутди.

— Аямни чақириб беринг...

— Нима, қамоқдан гап уқмайдиган бўлиб чиққанмисан? Онанг ўлган, деб ёзувдим-ку?! Тур йўқол, турқинг курсин!

У шарт этиб эшикни ёпди. Ичкаридан қулфлади. Шу қулфни ҳашарга келганида Зокирнинг ўзи ўрнатиб берган эди.

Унинг хўрлиги келди.

Наҳот унинг онаси, онажони ўлган?! Йўқ, йўқ! Ёлғон!! Онаси уни ташлаб кетмайди!..

У рўпарадаги қўшни эшигини тақиллатди. Ўша таниш аёл чиқди. Зокирнинг озод бўлганини куёвидан эшитганди, лекин бу аҳволда келишини кутмаган эди.

— Шу ростми? Аям?..

Зокир бошқа сўз айта олмади. Аёл «рост» деган маънода бош ирғаб, унинг елкасини меҳр билан силаб қўйди. Ичкарига таклиф қилган эди, Зокир кўнмади. Қабристонга олиб боришни илтимос қилди.

Аёл қабрни кўрсатгач, чўнқайиб ўтирди. Зокирнинг Қуръон тиловат қилишини кўтди. Лекин Зокир бунинг ўрнига ўзини тупроқ устига ташлаб, ўкраб йиғлай бошлади. У бир оз овуниб, қаддини кўтаргач, қўшни аёл Қуръон ўқидида, юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди. Зокирнинг елкасини яна меҳр билан силаб қўйгач, изига қайтди.

Аёл кетди...

Зокирнинг бир ўзи қолди. Қабр олдида тиззалаб ўтирганича яна йиғлади. Тун қабристонга қора чодирини ёйгач, ўрнидан турди. Қабрнинг у ер-бу ерини текислаган бўлди. Қабристондан чиқаётиб гўрковнинг хонасига кўзи тушди. Чироқ ёқиқ эди. Яқинлашди. Салом берди. Гўрков саломга алик олиб, уни ичкари таклиф қилди. Кириб ўтиргач, чой қуйиб узатди.

— Аямни... шу ерга қўйишибди... мен йўқ эдим, — Зокир шундай деб лабларидаги титроқни босиш учун пиёладаги илиқ чойдан ҳўплади.

— Онангизни Худо раҳмат қилсин, сизга эса сабри жамил ато қилсин, — деди гўрков.

— Аямни... қишлоққа олиб кетсам бўлармикин? — Зокир «илтимос, рухсат беринг», деган маънода унга ялингансимон қаради.

— Бу атрофда ҳеч кимингиз йўқми?

Зокир саволга дарров жавоб бермади. Сўнг қийналиб деди:

— Акам борлар...

— Унда марҳумани безовта қилманг. Акангиз хабар олиб турадилар. Шаҳарга тушганингизда ўзингиз ҳам келиб турасиз. Аслида майитнинг қайси гўрда ётиши фарқсиз. Қиёматда ҳамма бир жойга тўпланади. Онам гўрида тинч ётсин, десангиз, онангиздан қолган қариндошлар билан узилиб кетманг. Қаерда юрсангиз ҳам доим дуода бўлинг. Шунинг ўзи етарли...

Зокир бу ерда ортиқча ўтиришга ҳожат йўқлигини англаб, ўрнидан турди. Раҳмат айтиб, хайрлашди. Кўчага чиқиб чорраҳага етгач, қай томонга юришни билмай ганиди. Таваккал қилиб ўннга бурилди. Нотаниш кўчалардан юраётганида акасиникига боришни ўйламаган ҳам эди. Таниш кўчага бурилганда беихтиёр тўхтади. Онаси-

нинг сўнгги учрашувдаги гапи ёдига тушди. Кейин гўрковнинг гапи:

«...онам гўрида тинч ётсин, десангиз, онангиздан қолган қариндошлар билан узилиб кетманг...»

Чорасиз фарзанд нима қилсин? Ҳамонки онасини тирилтириш, унга хизмат қилиш қўлидан келмас экан, сўнгги васиятини бажариши шарт эмасми?

Шу қарорга келганда орқа томондан кимдир келиб Зокирнинг елкасига қўл ташлади.

— Братан, бир чектиринг...

Зокир ўгирилиб қаради, димоғига ароқ ҳиди урилди.

— Чекмайман.

Зокир шундай деб унинг қўлини елкасидан олиб ташлади.

— Ҳов, братан, ўпкангни бос!

Шляпани бостириб кийиб олган йигит яна елкасига қўл ташлади. Зокир силтанди. Йигитнинг шериги бор экан, рўпарасига туриб олди. Зокир ўзини четга оламан, деганда жағига бир мушт тушди. Зарба заиф эди, Зокир йиқилмади, ўзини тутиб, рўпарадагини тепиб қолди. Йигитларнинг бир-икки муштли ҳоли бор экан. Аввал мушт туширгани биринчи бўлиб қочди. Шляпа кийгани чўнтагидан пичоқ чиқариб Зокирнинг қорнига санчишга улгурди. Санчди-ю, у ҳам қочиб қолди.

Зокирнинг қорни «жиз» этди. Қўли билан чангалладию, ярага аҳамият бермади. Бир-икки қадам юргач, оғриқдан букчайиб қолди. Шунда ҳам изига қайтмади. Бировни ёрдамга чақирмади. Акасиникига етгач, тўхтади. Деразадан чироқ нури тушиб турибди. Демак, акаси уйғоқ. Дарвоза томон юрмай, деразани аста тикиллатди. Жавоб кутди. Лекин ҳеч ким кўринмади. Акасининг овози эшитилди:

— Ким?

Зокир бўғиқ овозда «Мен» деди.

Бошқа овоз бўлмади. Зокир дарвоза эшиги очилар, деб умид билан ўша томон қаради.

Кутди...

Эшик очилмади...

Дераза олдида акасининг қораси ҳам кўринмади...

Чироқ ўчди. Бу билан Зокирнинг умиди ҳам сўнди...

Дарвоза эшиги очилмаса ҳам майли эди, акаси деразадан бир сонияга қараб қўйса бас эди. Биргина сўз айтарди:

— ...Кечиринг.

Бу сўзни айтишини онаси истаган эди. Худди қабрида тик туриб олиб уни кузатганича васиятининг бажарилишини кутаётгандай эди.

Айтолмади...

Зокирни йўтал тутди. Ҳар йўталганида ичаклари буралиб азоб бера бошлади. Ички бир овоз «қўшниларни ёрдамга чақир», дейди. Бошқа бир овоз ҳайқариб, «Йўқ! Сенинг ҳалоскоринг қабрда ётибди. Бир ўзи... бир ўзи қоронғу гўрда ётибди. Унинг олдига бор. Бу кеча бирга бўл. Биргина кеча...» дейди. У иккинчи овозга қулоқ тутди — қабристон томон юра бошлади. Бир кеча онаси пойида ётишни ихтиёр этди...

Муюлишда икки одам кўринди. Зокир уларнинг диққатини тортмаслик учун деворга суяниб, қаддини кўтарди. Икки одамдан бири Зокирнинг ёнидан ўтаётиб мингирлади:

— Ҳурмачангга яраша ичсанг ўласанми, судралиб юришингни қара!

Зокирнинг яқингинасида айтилган бу танбеҳ унга узоқ-узоқлардан эшитилгандай туюлди. Оғриқ кучайиб, яна букчайиб олди. Тиззаларида қувват қолмаса ҳам юришга ўзини мажбурлади...

Унинг жонсиз танасини эрталаб гўрков кўрди. Зокир бир қабрни гўё қучоқлагандай ётарди.

Аммо...

Бу онасининг қабри эмасди. Қоронғуликда, жон талвасасида а, ашган, онасининг қабрига етиб бора олмаган эди...

ЗУЛМ

*«Эй одам фарзандлари!
Мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим ва
уни сизларнинг ўрталарингизда ҳам
ҳаром қилдим, бас, бир-бирларингизга
зулм қилманглар».*
(Қудсий ҳадисдан)

Сезиб турибман: бу воқеага ишонмаслигингиз ҳам мумкин. Тўғриси айтсам, эшитиб ўзим ҳам ишонмаган, узоқ кунлар ўзимга келолмай юрган эдим. «Зулм надир? — деб ўйлар эдим. — Фақат бировга азоб бериш, уриб ўлдиришми? Ёмон сўз айтиб, кўнглини хира қилишми? Ўзининг энг яқин одамига ўлим тилашми?» Бу воқеани айтиб берган врачдан қайта-қайта: «Гапларингиз чинми? Ошириб юбормадингизми?» деб ҳам сўрадим. Врач ишона қолмаганим учун мендан ранжиди. Бу воқеани айта туриб, «албатта ёзинг, шундай ярамаслар борлигини ҳамма билсин», деб ўтинди. Ўша одамнинг исмини ҳам айтди. Аммо ўша дамларда ёза олмасдим. Ҳозир ҳам ўша одамнинг исмини очиқ айта олмайман. «Балки ўша одам қилиб қўйган иши учун энди виждон ўтида қийналаётгандир?» — деб сўрайман ўзимдан ва жавоб бераманки: «Йўқ, унда виждоннинг уйғонганига ишончим камроқ. Лекин унинг бўйи етган икки қизи бор. Оталарининг қилмишларидан дарак топсалар уларга қийин бўлади. У кишининг исмини яшираётганим сабаби шунда (ҳикояда унинг исмини «Олим» деб қўйдимки, шу исми кишилардан узр сўрайман).

Бу воқеани нима учун ўша дамларда эмас, орадан йиллар ўтиб ҳикоя қилишимнинг сабабини кейинроқ маълум қиламан...

* * *

Бу дунёда оёғи оғримаган одам бор эканми?

Муниса дардга энгил қаради. Оғриқ кучайиб, ҳушидан кетишини, «Тез ёрдам» замбилида кўтариб чиқиб кетишларини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Улғайиб, кўзга яқин бўлиб бораётган икки қизига ҳам меҳр, ҳам умид-ла боқиб, сеп сандиғини тўлдириш ҳаракатида юрган эди. Қиз-

ларини келинлик либосида кўз олдига келтириб, юраги шодликка тўларди. Айни чоқда, «қизларим қандай хонадонга тушаркин?» деган ўй қалбини ҳавотирга соларди. «Ишқилиб инсофли қайнона қўлига тушсин», деб Худога илтижо қиларди. Ширин орзулар булутида учаётган лобар аёлга бу дард балоси қайдан ёпиша қолди?

Эри ҳам кутмаган эди, ота-онаси ҳам...

Айниқса врачларнинг ҳукмини...

Олтмиш бешни қоралаган Шариф шу ёшга киргунича турли хасталиклар ҳақида кўп эшитди. Қайси хасталикнинг давоси осон кечишини, қайси бири эса беморни олиб кетишини кўп қатори билади. Қизининг бундай дардга чалиниши уни гангитиб қўйди. Айниқса, врачнинг гаплари...

Доктор Асилов уни ўрнидан туриб кутиб олди. Бувалари қанотида кирган қизлар билан ҳам кўришгач, «опоқ даданлар билан гаплашгунимча сизлар даҳлизда ўтира турунлар», деб уларни елкаларидан меҳрибонлик билан ушлаганича кузатиб қўйди. Сўнг текширув хулосаларини баён қилди. Агар: «Сиз шундай касалликка йўлиқибсиз, тақдирингизга ўлим ёзилган экан», деганида Шариф талвасага тушмаган бўларди. Юрагининг бир парчаси бўлмиш фарзандининг қисматини билиш... У бир оз гангиб ўтирди. Кейин Асиловга нажот кўзлари билан боқди:

— Дўхтир...

«Балки адашгандирсизлар, балки унақа эмасдир?» демоқчи эди, томоғига нимадир тиқилиб гапиртирмади. У гапиролмаган бўлса ҳам Асилов унинг нима демоқчи бўлганини англади.

— Ҳозирча аниқ бир қарорга келолмадик, ака... — деб Шарифнинг кўнглига хотиржамлик бермоқчи бўлди. Лекин пораланган юракни бу каби мужмал гап билан хотиржам қилиш мумкин эмасди. Шарифнинг кўзларида ёш милтиллади, аммо ёноғига оқиб тушмади.

— Касали ростданам шунақами... ростданам аниқладингизми?

— Аниқлашга аниқладик, — деди Асилов қатъий оҳангда. — Аекин қандай усулда даволаш масаласида аниқ бир қарорга келганимизча йўқ.

— Шунчалик оғирми?

— Қизингиз касални ўтқазиб юборганлар.

— Билмаган-да...

Асилов бунақа гапларни кўп эшитган. Ҳар сафар одамларнинг бепарволигидан жаҳли чиқади, ғашланади. Ўзининг ёки яқин кишисининг саломатлигига қайғурмайдиган одамлардан баъзан нафратланиб ҳам кетади. Айрим давраларда шу мавзуда сўз очилса: «Булар қандай одамларки, кўйлаги ёки шимини эҳтиётлаб асрайди. Саломатлигини эса ўша матоларчалик авайламайди», деб бўғилади. Ҳозир ҳам унда шундай нохуш ҳис уйғонди. Лекин қаршисидаги кишининг дардини сезиб, ўзини босди.

— Шунақа деб ўзимизни овутамиз, — деб енгил хўрсинди. Кейин оҳисталик билан тушунтирмоқчи бўлди. — Бу касаллик билинтирмай келмайди. Қаттиқ оғриқлар билан бошланади. Эйтиборсиз бўлганларини, «ўтиб кетади», деб ўйлаб бепарво юраверганларини тан олгимиз келмайди. Сиз билмаган бўлишингиз мумкин. Ўзи биз, ўзбеклар шунақамиз: то касал йиқитмагунча «ўтиб кетар» деб кутамиз. Касал ўзи келиб, ўзи кетаверадиган меҳмон эмас. Шунини тушунишимиз қийин.

— Шунақа дейсиз-у, одам бола-чақа, оила ташвишига ўралашиб, сезмай ҳам қолади-да, — Шариф шундай деб қизини оқламоқчи бўлди.

Бу гап Асиловга малол келди. Қошларини чимирди:

— Сиз ҳам шундай дейсиз. Боласининг бахтини ўйлайдиган одам энг аввал ўзининг соғлиғи ҳақида қайғуриши керак. Касалванд одам боласини бахтли қилганини ҳеч кўрганмисиз?

— Дўхтир, энди бўлар иш бўлди. Биз нима қилишимиз керак?

— Сизми? — Асилов ажабланди. — Сиз умид билан кутишингиз керак. Қизингизни дуо қилиб, Худодан шифо тилашингиз керак. Қандай шифолашни эса биз ўйлаймиз. Ҳақиқатни ҳозирча ўзингиз билсангиз кифоя. Бошқалар ваҳима қилиб юришмасин. Менинг бу масалада фикрим аниқ ва қатъий: энди дори-дармоннинг ўзи билан даволаб бўлмайди. Операциядан ўзга чора йўқ. Сиздан яширмайман, консилиумда операциясиз даволашга уриниб кўриш

ҳақида ҳам гап бўлди. Лекин бу вақтни бой беришдан бошқа нарса эмас. Майли, бир оз кутайлик, қўлдан келганча уриниб кўрайлик. Сиз ҳам куёвингиз билан маслаҳатлашинг. Хўп, десангизлар, тилхат берасизлар.

— Тилхат?! — Шариф чўчиб тушди. — Шунчалик... оғирми?

— Оғирлигини айтдим... Ҳаётини сақлаб қолишнинг бошқа йўли йўқ. Иккала оёғини кесиш керак...

...иккала оёғини кесиш керак...

Секин айтилган бу гап Шарифнинг назарида момақалдироқ каби гумбирлаб, вужудини ларзага солди. Бу ҳукм ҳисобсиз найзаларга айланиб, ярадор қалбига санчилаверди.

— Сиз ўзингизни босинг. Ваҳима қилманг. Бизнинг тажрибамизда бунақа ҳоллар кўп учрайди. Болаларга билдирманг.

— Ҳа... ҳа, албатта, — Шариф шундай деганича бош ирғади.

— Операцияни сизнинг розилигингиз қилмаймиз, — Асиллов Шарифдан кўз узмаганича яна таъкидлади: — Фақат сиз рози бўлсангизгина...

Саросима тўрига ўралиб чорасиз қолган Шариф бу таъкидни эшитиб, бош чайқади:

— Мен... йўқ, мендан эмас, аввал эридан сўраш керак. Агар у рози бўлса... майли, Худога таваккул қилаверамиз...

— Шу гапингиз дуруст бўлди: биз – бандамиз. Дардни берувчи ҳам, шифо берувчи ҳам Яратганнинг Ўзи, биз бир воситачимиз. Шифони биздан эмас, Худодан сўраш кераклигини яхши айтдингиз. Невараларингизнинг бахтига қизингиз шифо топиб кетади.

Шариф бу гапдан таскин олиб, қаддини кўтарди. Доктор Асиллов яраланган кўнгилга малҳам бўлувчи сўзларни айтиб, уни саросима тўридан қутқаришга урингани билан, оёқни кесиш ҳақидаги гапни куёвига етказиш осон эмасди. Қизининг хасталанишига ўзини айбдордай ҳис қилиб, баттар қийналди.

Шумхабарни эшитган куёви нима деб жавоб қайтаради? «Ҳаммаси Аллоҳдан, умидимиз ҳам Аллоҳдан», дейди-ми ё, «Қизингиз касалманд экан, нима қилардингиз эрга бериб, менинг бахтимни қора қилиб?» деб оғриқ юракка

яна бир ханжар урадими? Ҳа... Куёвнинг ўйламай гапир-ворадиган одати бор... Шундай деган тақдирда у: «Қизимни сизга узатганимда соғлом эди», деб ўзини оқлайдими? Йў-ўқ... жим туравергани маъқул... Бўлмаса, «қизингизни мен касал қилибман-да», деб гапни чувалаштириб юборадди. Бунақа машмашани Шарифнинг юраги кўтара олмайди...

Шариф қизларни бошлаб келиб, оқшомга қадар куёвини кутди. Қўнғироқ қилиб, «уйга барвақтроқ қайтинг», деса ҳам бўларди. Куёвнинг, «ваҳима ҳам эви билан-да», деган маломатини эшитишдан кўра кутишни маъқул кўрди. Мошхўрда пишириб, набираларини ичишга мажбурлади. Ўзи икки қошиқ татиган бўлди, томоғидан таом ўтмади. Шомга яқин уйига отланди. Юзма-юз туриб айтгандан кўра, телефонда билдириб қўйиш унга осонроқ туюлди.

Тўртинчи марта қўнғироқ қилганида куёви гўшакни кўтариб «Ҳа», деб қўйди. Гарчи у ҳамиша шундай жавоб қайтарса-да, бу сафаргиси қайнотага қўполроқ оҳангда бўлиб туюлди.

— Бу менман... — деди Шариф айбдор одамнинг овозида.

— Танидим, — деб куёв салом берди.

— Қизлар мошхўрда қилиб қўйишувди, — деди Шариф.

— Ҳа, кўрдим, — деди куёв.

— Қизларнинг қўли бирам ширин, кўз тегмасин, — деди қайнота мақсадга ўтишга қийналиб. Унинг мушқулини куёв осон қилди:

— Баннисага ўтишга вақтим бўлмаяпти, сиз бордингизми, дўхтир нима деяпти?

Учтагина сўзнинг тилдан учиши наҳот бунчалик машаққат бўлса?!

Ота-она фарзандига меҳр бериши мумкин, юрак қўрини ҳам бериши мумкин...

Оёғини ёки қўлини бериши мумкин эмас....

Оёқ ёки қўл нима экан, бу сўзларни айтгандан кўра жонини бериб юборса осонроқ кечарди...

Олим шумхабарни эшитиб жим қолди. Қайнотасининг қийноғини ҳис қилмади. Шариф нафас ютганича куёвидан сўз кутди. Орадаги сукут тасаллига бўлган умидни

бўғиб ўлдирди. Шариф куёвининг бақриб беришига ҳам рози бўлиб қолди. Нима деса ҳам майли, жим турмаса бас... Унинг жим туриши ўтмас пичоқ билан сўйишдан баттар эди.

Сукутни Шарифнинг ўзи бузишга мажбур бўлди:

— Бу ҳозирча тахмин экан... Сиз розилик бермасангиз ҳеч нима қилишолмайди...

— Дўхтир дегани тахмин қилмайди. Кесадаган бўлса кесаверади, — Олим шундай деб яна бироз сукут сақлади-да, телефондаги суҳбатга ғоят совуқ оҳангда яқун ясади: — Бўпти, ўйлаб кўрарман...

Телефонни деворга ургиси, тепкилаб пачоқлаб ташлагиси келди. Бир сўкинди-да, меҳмонхонага кириб жавонни очди. Асабини босиш мақсадида конъяк қўйиб ичди. Қизлари узун столнинг бир томонига дастурхон тузаб кетишган эди, очиб ҳам қарамади. Оромкурсига чўкди. Асабини босиши, тинчлаштириши шарт бўлган ичимлик ичини баттар кўйдирди. Катта хона уни ютворай деди. Қайнотасининг гаплари қулоқлари остида акс-садо бергандай жаранглайверди:

«...Операциясиз бўлмас экан... Оёқларини кесмаса бўлмас экан... Кесмаса бўлмас экан... Оёқларини... оёқларини... Сиз розилик бермасангиз... розилик... кесмаса... рози...»

Шашт билан ўрнидан туриб кетди. Жавонга яқинлашиб, яна қўйиб ичди.

«Наҳотки шу гаплар рост бўлса? — деб ўйлади. — Бу қанақа латга дўхтир экан, оғриган оёқни шартта кесиб ташлайверса... Бекор айтибди! Рози бўладиган аҳмоқ йўқ. Оёқсиз хотин... Биттаси бўлса ҳам майли эди... Яна иккаласини бараварига...»

Хонага сиғмай ҳовлига чиқиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Сўнг бир қарорга келиб ҳовузча олдида тўхтади-да, чўнтагидан телефон чиқариб, керакли рақамни терди. У томондан овоз келгач, гапни калта қилди:

— Собит, ўзингмисан? Ҳамдамни топиб келгин. Гап бор. Ланжлик қилмай, тез келаринг.

— Ваҳимангдан ўлгирдим, — деди Собит. — Шу пайтда бориб нима қиламиз?

— Нима қилардинг, куйдиргингга мошхўрда ичиб кетасан. Кел, дегандан кейин келавермайсанми?

— Тинчликми, хотининг яхшими, ишқилиб?..

Олим жавоб бермай, телефонни ўчирди.

* * *

У ҳовли бўйлаб асабий равишда юрган пайтда хотини Муниса каравотида унсиз йиғлаб ўтирган эди. Ҳамхонаси, ёши ўтиброқ қолган Рисолат унга қараб-қараб қўйдую, аввалига индамади. Ўзини ухлаганга солиб ётаверди. Жувоннинг ҳолати ўзгармагач, қаддини кўтарди:

— Яна кўзингиз ёшланяптими, қўйинг-е... — деди.

Муниса кафти билан кўзларини артди.

— Ўзим етим ўсганман, опагон, — деди йиғламсираб. — Қизларимни ўйласам, болалигим эсимга тушади. Ўғай онам ўғайлик қилиб хўрламаганлар мени. Лекин... ҳар ҳолда ўзингнинг онанг бўлгани бошқа-да... Ўғай онам бошимни силаганларида онамнинг қўлларини қўмсардим. Тўйимда... иккала қудани ўртага чақиришганда онамни эслаб, ҳушимдан кетиб қолай деганман. Энди қизларим ҳам...

— Э, қўйинг-е, ғирт ваҳимачи экансиз, — деди Рисолат унинг гапини шарт бўлиб. — Менинг оёғим ўн беш йилдан бери оғрийди. Ҳар йили икки марта касалхонага ётаман. Худога шукр, ўлмай юрибман. Сиз ҳадеб бемаъни хаёлларни ўйлайвермай, Худодан умр сўранг. Худо яхши кўрган бандаларига дард бераркан. Дард берганидан кейин шифосини ҳам Ўзи беради-да.

— Ҳали кирган дўхтирлардан биттаси «касални ўтказиб юборибди», деди. Ўзим эшитдим, — деди Муниса умидсиз оҳангда.

— Во-ей, шуни ўйлаб ўтирибсизми? Ўнта дўхтир ўн хил гапиради. Мени, «икки ҳафтадан кейин ўлади», деб кафан бичишганига тўққиз йилдан ошди. Бунақа бетаъсир гаплар у қулоғимдан киради-ю, бунисидан чиқиб кетаверади. Парвойим палак! Худо менга узоқ умр бериб қўйган бўлса, иккита дўхтирнинг гапи билан ўлиб кетавераманми? Сиз бунақа жойга биринчи марта келганингиз учун қўрқиб кетяпсиз. Бу ерда сизданам баттар касаллар бор. Худо ўшаларга ўжшатиб қўймасин, ишқилиб. Эртага қиз-

ларингиз келганда ҳам кўз ёши қилиб ўтирманг-а. Худо хоҳдаса, тўйларига ўзингиз бош бўласиз. Мен ҳам бориб бир ўйнаб берайин. Назарга илиб айтсангиз бас...

— Вой, нимага унақа дейсиз, нега назарга илмас экан-миз!

— Энди айтаман-да... Бировлар айиққа ўхшаб лапанглаб юрадиган бу беўхшов хотинга тўйда нима бор, деса ҳам керак. Лапанглаб юрсам ҳам ўйинга тушганимда унча-бунча нозанинларни доғда қолдирвораман. Худонинг қудратини қаранг-а, тўйга борсам оёқларим оғримаё қолади-я!

— Доимо тўйда юринг бўлмаса, — Муниса шундай деб жилмайишга ҳаракат қилди. Бу жилмайиш юзидаги маъюслик пардасини кўтара олмади.

Рисолат гапни атайин бошқа томонга бурган эди. Муниса докторнинг фақат бир гапини эшитиб қолганди. Даҳлизда юрган Рисолатга эса кўпроқ нарса маълум бўлган, ҳамхонасига астойдил ачинган эди. Ўзининг ўлими ҳақида башорат қилинганини Мунисани овутиш учун ҳозирнинг ўзида тўқиганди. Гаплари жувонга таъсир этаётганини сезиб, «ҳаммага фақат тўйлар буюрсин», деб тўй ҳангомаларини бошлаб юборди. «Одам тафтини одам олади», деганларидек, Мунисани эзаётган руҳ азоби сал нари кетгандек бўлди...

* * *

Рисолат тўй ҳангомаларини бошлаганда Олим чорловига биноан тез етиб келган икки дўсти билан маишатни бошлаб юборган эди. Дўстлар коньяк устидан совуб қолган мошхўрдани ичиб олишгач, таналари бироз яйради.

— Хотининг баннисада, қизларинг қайнотангникида, бехит маишат қиладиган хонаси келибди-ку, шумшайиб ўтираверасанми? — деди Собит Олимни елкасига туртиб. — Иккита зўри бор, чақирайми?

— Биз учтамыз, — деди Ҳамдам ҳиринглаб.

— Сен ўзингнинг мошак кампирингни чақиравер.

Собит шундай деб телефонини олиб, рақам тера бошлади.

— Тўхта, чақирма, — деди Олим, телефони устига кафтини қўйиб.

— Ҳа, юракка сиғмаяптими? Хотинига бунақа ачинган эрни энди кўришим. Ўв, сал қовоғингга тиргович қўй. Аслида Худо сенинг раҳмингни ебди, «шу бандам озгина яйраб олсин», деб хотинингни баннисага ётқизиб қўйибди. Ҳозир қушчаларим учиб келсин, онадан янги туғилгандай енгил бўлиб қоласан. Ичингдаги дардлар бирпасда чиқиб кетади.

— Чақирма, бу ерда бўлмайди.

— Тўғри айтяпти, бу ерга чақирма, уйни ҳаром қилишмасин. Ўзлариникига борамиз, — деди Ҳамдам Олимни қувватлаб.

— Об-бо, ўргилдим сенлардақа покиза фаришталардан.

Собит яна рақам термоқчи эди, Олим яна телефони устига кафтини қўйди. Собит ўрнидан туриб сал нари борди-да, керакли рақамини терди. Жавоб эшитилгач, юзи мамнунликдан ёришди.

— Оҳ-оҳ, «лаббай» деган ширин тилчангни акагинанг тишлаб олсин. Ярим соатдан кейин уч оға-ини ботир жам бўлиб уйингга борамиз. Ҳаракатингни қилиб қўй. Нима? Ҳа, яна битта дугонангни чақирасан-да, шуни ҳам мен ўргатишим керакми? Нима дединг? Хўп-хўп, ўтган кунгидан ҳам аълороқ бўлади. Жийда халталаринг пулга тўлиб кетмаса мен номардман. Ҳа, сен ҳаппайи ҳалол ўзимникисан, бегона қилган – ўғри!

Собит оламга татигулик зўр ишни дўндириб қўйган каби керишиб олиб, сўнг дўстларига қаради-да, «Қани, кетдик!» деб амр қилди.

— Мен бормайман. Бирпас шу ерда ўтирларинг, — деди Олим пешонасини тириштириб.

— Вей, эркак! Сенга нима бўлди? Битта сенинг хотининг баннисадами?

Собит шундай деб зарда қилди-да, Олимга яқинлашиб, елкасига енгил мушт урди.

— Бунга осилаверма, — деди Ҳамдам. — Хотин касалманд бўлсаям ёмон-да.

— Нимаси ёмон? Касал бўлса, тузалади, — деди Собит унга норозилик билан боқиб. — Тузалмаса... кетворади. Кетворса янгиси бўлади-да! Хотининг қанақа касал эди? Оёғи оғрирмиди? Қайтага яхши-ку! Оёғи оғриси уйда ўтираверади, орқангдан судралиб юрмайди. Сен эркин қуш

бўлиб учиб юраверасан. Хоҳлаган шохингга қўниб сайрай-верасан.

— Бўлди қил! — деди Олим овозини кўтариб. — Билиб-билмай чулдирайвермагин. Аҳволи чатоқ. Дўхтир иккала оёғини кесармиш.

«Кетворса янгиси бўлади», деб турган Собит бу гапни эшитди-ю, масхарабозлигини бас қилиб, жимиб қолди. Ҳамдам «яна бир нарса маълум қилармикин», дегандай Олимга тикилиб қолди. Бир неча нафаслик жимликдан сўнг: «Кўйсанг-чи, ҳазиллашяпсанми?» деб сўради.

— Дўхтир қайнотамга шунақа дебди.

— Бошқа иложи йўқ эканми? — деди Ҳамдам, меҳрибонлик билан. Кейин далда бериш мақсадида қўшиб қўйди: — Дўхтир узил-кесил шунақа демагандир, бошқа шифоси бордир. Қайнотанг сал оширворгандир.

— Оширвормади. Розилик беришим керак экан.

— Унда... чинданам чатоқ экан, — деди Ҳамдам афсус билан.

— Розилик берма, — деди Собит гапга аралашиб. — Энди умрингнинг бу ёғи оёқсиз хотин билан ўтадимми?

— Агар кесмаса...

Олимнинг қолган гапи оғзида қолди, Собит унинг сўзини савол билан узди.

— Ўладими? Умри қисқа бўлса, кесса ҳам ўлади, кесмаса ҳам. Сен ўзингни ўйла. Ўтгиз бешга кирган эркаксан! Сенга ҳар қанақа қиз ҳам «жон-жон, акажон!» деб тегеди. Нимага сиқиласан? Хотинни сен касал қилдингми? Пешонасида бор экан, касал бўпти. Яна бу ёғига Худо пошшо! Қани, тур, сўррайма! Кетдик!

— Бормайман, — деди Олим ўжарлик билан.

— Бормасанг, мушукка ўхшаб бўкиб ўтиравер. Қани, Ҳамдам, кетдик. Худо бизни маишатдан қисмасин. Бу кунларам фанимат. Эртага қариб, судралиб қолганимизда бизга ит ҳам қарамай қўяди.

Икки оғайни фанимат деб билган шу кунларида гуноҳ балчиғига обдон ботиб олиш учун чиқиб кетдилар. Олим яна ёлғиз қолди. Улар келгунига қадар қайнотасининг сўзлари қулоқлари остида акс-садо берган бўлса, энди Собитнинг гаплари жаранглай бошлади:

...умри қисқа бўлса, кесса ҳам ўлади, кесмаса ҳам ўлади...

...кесса ҳам ўлади...

Собит беихтиёр «Йўқ!» деб бақириб юбориб, икки қулогини кафтлари билан беркитиб олди.

* * *

Уч кунлик чақалоқ онасини таний оладиган бўлса, бўй етиб бораётган қиз онасининг аҳволига тушунмас эканми? Шариф, гарчи хонадон осмонига ёпирилиб келаётган бало булутини яширишга уринса ҳам, бу булутнинг юзига ташлаб турган сояси аҳволни ошкор қилиб қўйган эди. Ақида «ойимга нима бўлди?» деб сўраган тақдирда ҳам тўғри жавоб ололмаслигини билгани учун ҳам бобосини саволга тутмади. Фақат, тонг отгач, шифохонага боришга қистайверди. Шарифнинг: «Пешиндан кейин бора қоламиз», деганига икала қиз ҳам кўнмади.

Қуш уйқусида алақ-чалок туш кўриб, руҳи баттар эзилиб уйғонган Муниса болаларини соғиниб, шифохонадан қочиб кетишга ҳам тайёр турган эди. Эшик очилиб қизлари кўрингач, юзига урилган шодлик шабадасидан кўзларига умид нури қайтди. Назарида эшик очилиб нажот килиб келгандай бўлди.

Ҳаммасини унутди:

...оёқдаги оғриқни ҳам...

...қалбдаги азобни ҳам...

Бугун-эрта тузалиб кетишига ишонч туғилди. Рисолат, «қизлар келганда йиғламанг», дегани билан кўзлари ёшланди. Буни кўриб Ақида ўзини тутди, Сожида тутолмади – онасига қўшилиб йиғлай бошлади. Шариф маънодор равишда томоқ қириб қўйгач, Муниса шодланганини ошкор қилиш учун:

— Бугун бирам тиниқиб ухладим-ки, — деди жилмайиб, — дўхтирнинг дорилари энди таъсирини бошлаганга ўхшайди. Дори таъсир қилса, уч кунда чиқиб кетасан, дейишган...

Шариф, «рост гапиряпсанми?» дегандай қизига савол назари билан қаради. Муниса ёлғонини яшириш учун кўзларини олиб қочди. Унинг ёлғонига қизлари

ишонишди. Сожида кеча мошхўрда ичиб, бувасиникига боришганини айтганда Муниса норозилик билан бош чайқади:

— Буважонингникига бориб яхши иш қилмабсизлар. Уйда адажонга қараб туришларинг керак эди. Кечқурун чой ичиш одатлари бор. Ким дамлаб беради?

— Адажоним ўзлари айтдилар, «ойинг чиққунича бувангникида турасанлар», дедилар.

Ақида айбини бўйнига олган каби бошини эгди.

— Адажон сизларни аяганлар-да, — деди Муниса уни бағрига тортиб. — Қиз бола адасига меҳрибон бўлиши керак. Адажон кўчадан келганларида дарров пойабзалларини тозалаб, четга олиш керак. Қўл артишларига тоза сочиқ бериш керак. Ишга кетаётганларида, «адажон, яхши бориб келинг», дейиш шарт, деб ўргатувдим-ку? Сизлар уйда бўлмасангиз адажонни ким ишга кузатади, ким салом бериб кутиб олади?

— Хўп, ойижон, бутун уйга борамиз, — деди Ақида.

— «Нега гапимга кирмадиларинг?!» деб урушсалар-чи? — деди Сожида бувасига бир қараб олиб.

— Урушмайдилар, — деди Муниса унинг ёноғидан ўтиб. — Адажонимизга ўхшаган адажон йўқ бу дунёда. Агар озгина урушсалар, аразламанглар. Адажонимиз ишда чарчайдилар, бир хил пайтларда асаблари бузилиб келади. Шунинг учун бақириб юборсалар, сираям ранжиманглар. Хўп, ўқишлар қанақа бўляпти?

— Матем менга яна уч қўйди, — деди Сожида лабини буриб.

— Ким дединг? — Муниса гап ким ҳақида кетаётганини билса ҳам атайин шундай деб сўради.

Сожида бошини онасининг кўкрагига қўйганича индамай тураверди. Унинг ўрнига опаси изоҳ берди:

— Математика ўқитувчисини «матем» дейишади.

Муниса қизининг бошини силади. У қизининг математикага тоқати йўқлигини, дарс тайёрлашни хоҳдамаслигини, «уч»дан юқори баҳо олмаслигини ҳам биларди. Билса ҳам ҳозир уни жиддийроқ айлагиси келмади. «Дарсни яхши тайёрламаган бўлсанг уч қўйгандир», — деб қўя қолди.

— Ҳечам унақамас, — деди Сожида ўжарлик билан. — Ҳаммаданам яхши жавоб бердим. Ўзи мени ёмон кўради.

Ақида, «бўлди, бунақа шикоятнинг билан ойимни қийнама», деган маънода синглизининг билагини аста чимчилаб қўйди. Эркалиги тутаётган Сожида кучли оғриқдан азоблангандай қўлини силтади:

— Чимчилама, нега чимчилайсан? Матем ўзи барибир-гаям ёмон хотин.

— Унақа дема, қизим, ўқитувчининг ёмони бўлмайди. Бу ердан чиққанымда бориб, ўзим гаплашаман. Опангни яна сансираяпсанми? Ваъда берувдинг-ку?

— Ўзи нега чимчилайди. Чимчиламаса сизлардим.

— Энди чимчиламайди...

Ҳамшира кириб қолди-ю, эркалигини давом эттириш ниятидаги Сожиданинг ҳафсаласи пир бўлди. Шариф кечки пайт яна олиб келишга ваъда қилгач, онаси билан қучоқлашиб хайрлашди. Мунисанинг, «кечки пайт овора бўлиб юрманг, ада», деган эътирози учқовлари томонидан кескин рад этилди. Қизларнинг ўжарлиги Шарифга ёқди. Бу ўжарлик бўлмаса кечки пайт келишга баҳона тополмаган бўларди. Ўзига қолса куни бўйи шу ерда ўтирарди. Қизининг сиқилиб сарғайишига йўл қўймасди. «Агар онаси тирик бўлганида ёнидан жилмай ўтирарди», деган ўй унинг қалбини куйдирарди.

Ҳамшира эм игнасини томирга санчиб, томчидорига улаб қўйгач, чиқиб кетди. Рисолат бундай муолажадан озод эди. Дори томчиларига тикилиб ётган Мунисани бадбин ўйлардан чалғитиш учун уни гапга тутди:

— Кичигингиз сал эрқароқ экан-а?

— У адажонимизга тортыпти, — деди Муниса маҳзун жилмайиб. — Озгина ўжарлиги бор. Ўзиникини маъқул деб туриб олса, фикридан қайтариш қийинроқ. Опаси билан жанжаллашган бўлса адажонимиз, «бувангларникига бориб айланиб кела қолларинг», дегандирлар. Адажонимиз қизларга жуда меҳрибонлар. Қизлар ярим соат кўринмаса ҳам дарров зерикиб, ичкиб қоладилар...

Кўп мақталган одамнинг яхши фазилатлари кам бўлишини билган Рисолат ҳамхонасининг гапларини индамай эшитди.

Олим кеча лаънати шайтонни енггандай бўлган эди. Дўсти маишатга чорлаганда бу ҳаром ишнинг гуноҳи катта эканини ўйламаганди. Шунчаки кўнгли рашлиги учун уйдан чиққиси келмаганди. Бугун шайтоннинг ғолиб келиши қийин бўлмади. Куннинг иккинчи ярмида Олим дўстига кўнғироқ қилиб, «кечаги маишатни давом эттириш мумкинми?» деб сўради.

— «Ми?»сини олиб ташлагин-у бозорга тушиб харажат қилиб чиқ, — деди Собит.

Собит мақтаган хотин Олимнинг кўнглини хушлади. Олим эса шайтон амрини тўла-тўкис бажарди. Қоронғу тушганда хотин яқин орада эри сафардан қайтишини маълум қилгач, Собит «бутунга етар, хоҳласанг, эртага келаверасан», деб кетишга отланди. Ростдан ҳам эри сафардан қайтаётганимиди ё навбатдаги хуштори билан аҳдпаймони бормиди – Олим суриштириб ўтирмади. Унинг кайфияти яхшиланди – муҳими шу!

«Собит бало, қанақасини топишни билади, — деб ўйлади у уйи томон борар экан. — Хотин дегани шунақа бўлса-да! Ҳам чиройли, ҳам қувноқ... Бунақа нози билан темир одамни ҳам эритиб юборади. Пешонам шўр бўлмаса куним икки оёқсиз хотинга қолармиди?! Аслида, иккинчи қизни туққанидаёқ, «яна қиз туғдинг» деган баҳонада қўйиб юборсам бўлар экан. Ўғлим бўлмагандан кейин ота деган ном ҳам ҳайф. Энди икки қизу бир чўлоқ хотин билан куним ўтадимми? Ҳозир-ку, қизлар онасига қараб турар, иккаласи узатилгандан кейин-чи? Шу хотин билан битта ўзим қоламанми? Опиглаб юраманми? Собит нима деди? «Кесса ҳам ўлади, кесмаса ҳам...»ми? Тўғри, кесмаса ўлади, кесса-чи? Агар рози бўлмасам-у кесилмагани учун ўлиб қолса, ҳамма мени айбдор қилади. «Кесса тирик қоларди», дейишади. Майли, кесадиган бўлса кесаверсин. Кессин-у... шунини дўхтирга шаъма қилиб қўйишим керак экан...»

Олим хаёлига келган фикрдан қувонди. Унга пўртанали ҳаёт уммонида нажот кемаси кўрингандай бўлди. Бу кемани иблис бошқараётганини эса ўйлаб ҳам кўрмади.

У маишатдан кўнгли тўлиб уйига қайтаётганида она-сининг амрини бажарган икки қиз айвонда қўрқиб ўтиришарди. Ақида қўрқувини яширишга уринарди, енгил титраётган Сожида эса тобора опасининг пинжига кириб борарди.

— Опа, уйқум келяпти, — деди у йигламсираб.

— Майли, кириб ухлайвер, — деди Ақида.

— Йўқ, қўрқаман...

Уйга киришга қўрқаётганини яшириш учун Ақида сингисини бағрига босди.

— Унда бирпас чида, ҳозир адажон келадилар.

— Қоронғу бўлиб кетди-ку, нимага келмаяптилар? — Сожида энди пиқиллаб йиғлай бошлади.

— Ишлари кўп-да... Йиғлама, йиғлаганингни ойижон билиб қолсалар хафа бўладилар. Ким йиғласа, ойиси тез тузалмас экан...

Сожида опасининг гапига ишониб, ўзини йиғидан тийишга куч топди. Шу онда кўча эшиги очилиб, иккови умид билан тикилишди. Олимни кўргач, биринчи бўлиб Сожида: «Адажоним келдилар!» деб қувонч билан хитоб қилди. Остона ҳатлаган Олим югуриб келаётган қизларига кучоғни очмади. Тик турганича қошларини чимирди:

— Ақида? Нега келдиларинг? Мен сенларга нима дедим?

Унинг қаҳрли овози учиб келаётган полапонларнинг қанотларини шарт узиб ташлади – иккала қиз унга яқинлашмай тўхтаб қолишди. Жавдираган кўзларини унга тикиб марҳамат кутишди.

— Ойижон айтувдилар, — деди Ақида қўрқув билан.

— Ойингнинг каласи йўқ, лақиллайверади. Олдига бордиларингми?

— Бордик... сизга салом дедилар. «Адажонга чой дамлаб бериб туринглар», дедилар.

— «Адажоннинг туфлиларини артиб қўйинглар», дедилар, — Сожида шундай деб опасини қувватлади.

Қизларининг бу гаплари Олимни шаштидан туширмади. Яна совуқ оҳангда:

— Дўхтир нима дебди? — деб сўради.

— Биз сўрамадик... Сиз... бормадингизми? — деди Ақида ажабланиб.

Олим сўраганидан афсусланди. Докторнинг болаларга ҳақиқатни айтмаслигини била туриб сўрагани ўзига малол келди. Қизининг саволи эса баттар зардасини қайнатди:

— Ҳа, бормадим! Онангнинг ўрнига энди сен терговчи бўл! Онанг ўргатиб юбордимми?

— Йў-ўқ, — деди Ақида титроқ овозда.

— Борларинг, кириб ухлаларинг!

Яқингинада уйга киришга қўрқиб ўтирган қизлар бошларини эгганларича тобелик билан бу амрни бажардилар. Уйда чироқ ёниб турган бўлса ҳам уларнинг назарида ажинами ё шунга ўхшаган алланима баломи қайси бир тирқишда яшириниб ётгандай эди. Киришлари билан худди чанг соладигандай ёки ямламай ютадигандай эди. Адажонлари бақириб бергач, бу қўрқувни унутдилар. Олимнинг қовоқ солиши, бақирishi улар учун ажина балосидан ҳам қўрқинчлироқ эди.

Олим ҳовлининг ўртасида турганича телефон рақамини терди. Шарифнинг овозини эшитгач, салом беришни ҳам унутиб, совуқ оҳангда гап бошлади:

— Алло, ада, қизларни нимага қайтариб юбордингиз? Оғирликлари тушдимми?

— Унақа деманг, Олимжон, — деди Шариф ҳижолатли оҳангда. — Муниса айтувди...

— Бу уйда хўжайин менманми ё қизингизми?

— Сиз, Олимжон, албатта, сиз хўжайинсиз. Фақат... Муниса қизлар иссиқ-совуфингиздан хабар олиб туришсин, девди.

— Иссиқ-совуғим жойида. Эрталаб келиб, олиб кетинг. Ўша ёққа ўрганиб туришсин.

«Ўша ёққа ўрганиб туришсин?»

Бу гапнинг айтилишидан мақсадни англаган Шарифнинг баданига муз югургандек бўлди. Бир зум жим қолди. «Астаффируллоҳ! Нега совуқ нафас қилади бу бола?!» Жаҳли чиқди. Лекин ғазаб ўқларини отишга шошилмади. Бунақа пайтда қайнотанинг ён босиши афзаллигини билгани учун ҳам аламини ичига ютиб, ҳирқироқ овозда деди:

— Хўп, ўғлим, эрталаб бораман. Сиз... мабодо дўхтирга учрамадингизми?

— Вақтим бўлмади.

— Дўхтир ҳар кунни ғанимат, деяпти.

— Бўпти, эртами-индин борарман...

Шариф куёвидан нолиса ношукрлик бўлади. Хотинини урадиган ёки наshawандликка берилганидан Худо сақласин! Отаси одоб ўргатмаганини ҳисобга олмаса, бип-бинойи эр! Шариф ҳар нарсага бошини эгиб тураверадиган муте одамлардан эмас. Гап келса отасини аямайдиган феъли ҳам бор. Лекин куёвига қаттиқ гапира олмайди. Куёвнинг кўнглини оғритса, калтакнинг бир учи қизига тегишини билгани учун ҳам дардини юзага чиқаришдан ожиз. Ҳозир гўшакни сиққанича ўша ожизлик тутунида бўғилиб тураверди.

* * *

Нонушта пайти Муниса яна эрини мақтай бошлаганда Рисолат пичинг оҳангида деди:

— Бунақа эрни яхши кўриш камлик қилади. Бошда кўтариб юриш керак. Фақат... сал камнамороқчилар?

Бу саволни эшитиб, чой хўплаётган Муниса қалқиб кетди.

— Раззоқ, раззоқ! — деб қўйди Рисолат худди ёш болани эркалаётгандай.

Қалқиш баҳонасида Муниса жавобдан бўйин товламоқчи эди, Рисолатнинг савол назарига дош беролмади:

— Адажонимизнинг ишлари оғир... Ўзим «ҳадеб келаверманг», деб илтимос қилганман... Вақт топишлари қийинроқ-да...

— Эркак зотининг энг яхши баҳонаси — шу! Ҳали келсалар, сиз индамай турасиз, ўзим би-ир бураб қўяман.

Бу гапни чин фаҳмлаган Муниса чўчиб тушди:

— Йўқ, йўқ, опагон, ундай қилманг! — деди ялиниш оҳангида.

Шу пайт эшик очилиб Олим кўриниши билан Муниса Рисолатга ҳавотир назарида қараб қўйди. Олимнинг саломига алик олган Рисолат «би-ир бураб қўйиш» фикридан қайтиб, хонадан чиқиб кетди.

— Келинг, ўтиринг, яхши юрибсизми? — деди Муниса ёлғиз қолишгач. — У ёқда опажоним яхши юрибдиларми?

— Юргандир... Ўн кундан ошди бормаганимга.

— Вой, нега унақа қиласиз? — деди Муниса ранжиб. — Боринг. Опам дарров гина қиладилар-а! Ойижон раҳматли уч-тўрт кунда бир бормасангиз уришардилар. Арвоҳ хотира, бормасангиз, ойижонимнинг руҳларини ранжитган бўласиз.

— Ҳа, хўп, бўпти, ақл ўргатаверма. Сендан дарс олгани келмадим. Ўзинг яхшимисан? Дўхтир нима деяпти?

— Дўхтир... нима дерди?... «Даволаймиз», деяпти...

— Яхши, даволасин. У-бу нарса керак эмасми?

— Раҳмат, ҳамма нарса бор. Фақат... дўхтирнинг гапига қараганда...

— Чайналмасдан айт гапингни.

— Касалим сал чўзиладиганга ўхшайди... — Муниса маъюсланиб шундай дегач, нигоҳини эридан олиб қочди.

— Чўзилса чўзилар. Тузалсанг бўлди.

— Шунақаку-я... лекин... сизга қийин бўлади... — деди Муниса эрига қарашга ботинолмай.

— Бир гап бўлар, — деди Олим ҳафсаласизлик билан.

— Қизларимиз... ҳадемай бўйига етади... — Мунисанинг овози титради. — Уларнинг кўнглига қаранг-а, адажони... Сожидага ширин гапиринг. Хафа бўлса боши оғриб қолади...

— Нима, менга васият қиляпсанми? — деди Олим овозини баландлатиб. — Йиғиштир, вижи-вижингни!

— Йў-ўқ, унақамас, энди... айтаман-да...

— Бўпти, бошқа маънироқ гапинг бўлмаса, мен кетдим, ишим кўп. Сенга термилиб ўтирганим билан чўнтак қаппаймайди.

Олим ўрнидан туриб, эшикка етганда Муниса ялиниш оҳангида деди:

— Дўхтирга учрар экансиз...

— Учрасам учрарман...

Эри шундай деб чиқиб кетгач, Мунисанинг икки ёноғига икки томчи ёш думалади. «Айтолмадим... — деб ўйлади у ўкиниб. — Қандай айтаман? Кўнглим сезиб турибди: бу ердан соғ чиқмайман. Дўхтир яширмоқчи бўляпти. Лекин

қарашидан биламан: касалим бедаво. Адажонига қандай қилиб бўлса ҳам айтишим керак: мендан кейин йил ўтишини кутмай уйланаверсинлар. Лекин қандай айтаман? Тилим айланмай қоляпти... Оғирлашиб, эсимни йўқотмай туриб ёзиб қўйсаммикин? Ҳа, шундай қилганим маъқул...»

* * *

Олим учрашиши зарур бўлган доктор Асиловнинг эшиги қулф эди. У нима қиларини билмай турганида чап томондаги хона эшиги очилиб, хушрўйгина аёл чиқиб келди.

— Даврон Асиловични кутяпсизми? — деб сўради Олимга қараб.

— Ҳа, учрашсин, деган эканлар.

— Кутиб овора бўлманг, бугун иккита диссертация ҳимояси бор. Кечгача банд бўладилар. Бирор кишингиз касалми? Бошқа врачга учрай қолинг.

— Хотиним шу ерда ётибди. Асилов акамизга розилик беришим керак экан.

— Операциягами? Хотинингизнинг фамилиялари нимаиди?

Олим айтди. Аёл негадир қўлидаги қоғозга қараб олди.

— Ҳа... биламан... операцияга тайёрлаяпмиз. Тилхат беришингиз керак.

— Опажон, сиздан бир нарса сўрасам майлими?

— Сўранг...

— Операциядан олдин касалга наркоз берилади, а?

— Касал энгил бўлса, кесиладиган жойнинг ўзига берилади, бемор ухлатилмайди. Оғир операцияда умумий наркоз берилади.

— Ўша наркозни ким беради?

— Нима эди? — деб ажабланди аёл.

— Қайси ҳамшира беришини билиб қўймоқчи эдим.

— Наркозни ҳамшира эмас, анестезиолог врач беради.

— Ўша дўхтир кимлигини олдиндан билсам бўлармикин?

— Жарроҳнинг кимлиги аниқ бўлса...

— Асилов акамнинг ўзлари кессалар керак...

— Унда... балки ёнларида мен бўларман. Буни билишнинг сизга нима кераги бор?

— Опажон, наркоздан одам ўлиши мумкинми?

— Қўрқманг, бунақаси бўлмайди. Ҳозир янги дорилар чиққан, юракка салбий таъсир этмайди.

— Раҳмат, опажон, маслаҳат чиқиб қолса, сизни қандай топаман?

— Ҳар куни шу ердаман. Диёра опа, десангиз чақириб беришади.

Аёл шундай деб кетгач, Олим ҳовлига чиқди-ю, ўйга толиб тўхтаб қолди.

«Шу хотин билан гаплашиб қўя қолсам-чи? Гапга кўнадиганга ўхшаб турибди. Юзталиқ «кўк»ни кўрса унга етарли. Дўхтирга нисбатан шуни илантириш осонроқ. Дўхтирнинг димоғи осмони фалақдадир, тўрттага ҳам кўнмас...»

Олим ўйлай-ўйлай кечки пайт келишга қарор қилди. Оқшом тушишини кутмай, пешиндан кейиноқ келиб, аёлни ҳовлига чақиртирди. Диёра уни кўриб ажабланди:

— Сиз чақиртирдингизми?

— Ҳа, мен. Маслаҳатли зарур гап чиқиб қолди. Хотинимга наркозни ўзингиз берсангиз, деб илтимос қилгани атай келдим. Қўлингиз энгил экан, сизни мақташди.

Диёрага унинг гапи ёқмади. Қошини чимириб, кескинроқ оҳангда гапирди:

— Бу ерда ёмон врач йўқ, ҳаммасининг қўли энгил. Ташвишланманг.

Олим кафтида яшириб турган буклоғлиқ пулни унга узатди:

— Шуни олиб турсангиз...

Пора олишнинг хатарли томони бор. Шунинг учун кўпчилик чўчийди. Пора талаб қилишда айёрликнинг минг бир кўчаларига кириб чиқади. Айниқса пора беришни эпломайдиган ландовурга учраб қолса, азобланиб кетади. Бу ўринда Диёра пора талаб қилувчи айёрлардан эмас, Олим эса пул узатишда қўли қалтирайдиган ношудлардан эмасди. Тижорат ишларига аралашиб тургани учун бунақа пайтда саросимага тушмай, муддаога дангал ўта қоларди.

Диёрага Олимнинг бу қилиғи сурбетлик бўлиб кўриниб, аччиқланди:

- Нима бу? — деди унинг мақсадини англаб турса ҳам.
- Ҳозирча хамир учидан патир. Кейин яна бераман.
- Керак эмас.

Диёра изига қайтмоқчи эди, Олим уни тўхтатди:

- Сиз тортинмай олаверинг, гап бор.

— Қанақа гап? Агар, «дўхтир билан орамизда даллолик қилинг», десангиз, овора бўласиз. Менинг бунақа ода-тим йўқ.

— Дўхтир билан ўзим алоҳида гаплашаман, бу ёғидан хотиржам бўлинг. Ҳали учрашганимизда сиздан бир нарса сўрадим-ку...

- Нимани сўрадингиз?

— Наркоздан одам ўладими? — деб сўровдим.

— Сўраган бўлсангиз, жавобини ҳам эшитгансиз: хавотир олманг, дедим-ку?

— Хавотир олаётганим йўқ, — деди Олим. Диёранинг кўпол оҳангда гаплашаётганидан мақсади нима эканини аниқлай олмай бир оз гангиди. «Ростдан олмайдими ё нархини оширяптими?» деб ўйлади. Чуқур мулоҳаза қилувчи тоифадан бўлмагани учун, «нархини оширяпти» деган тўхтамга келди.

«Ҳозир индамай кетиб, эртага келсам, пастроқ тушар. Пулни кўрди, эртагача юраги ўйнаб туради. «Олаверсам бўларкан», деб ўзини ўзи еб адо қилади...»

- Майли, опажон, хафа қилган бўлсам, кечирасиз...

Шундай деб аёлга маънодор қараганича хайрлашди.

Эртасига эрталаб барвақтроқ келиб, Диёрани кўчада қаршилади.

— Яна сизми? — деди Диёра унинг саломига алик олмай.

— Кеча бир нарсани охиригача билмай кетворибман, — деди Олим, шундай деб кафтини бир очиб-ёпди. «Юз долларни кўрганда ҳар қандай одамнинг кўзи ўйнайди», деб ишонувчи Олим мақсадга ўта бошлади: — Биласизми, опажон... гап шундаки... агар наркоз керагидан кўпайтириброқ берилса-чи? Чикимидан қочмас эдим... Қаттиқроқ ухласа девдим... Ухласа-ю... қаттиқроқ ухлаб қолса... кейин ўшанақаси кетвориши мумкинми?

- Бу нима деганингиз? Эсингиз жойидами?

— Эсим жойида. Томи кетганларданмасман. Хотинимнинг азоб чекишига хотиржам қараб туrolмаяпман. Бу азоблардан... нима десам экан... Чет элда рухсат берадиган қонун бор экан-ку? Хотинимнинг азобдан қутулишин истайман. Бир ухласа-ю...

Диёрага «қўл ҳақи, ҳадя», деб миннатдорчилик билдирадиганлар ҳам топилиб турарди. Лекин бунақа хизматни талаб қилиш?! Диёра қўлидаги сумкаси билан унинг башарасига уриб юборгиси келди.

— Аҳмоқ экансан! — деди нафрат билан.

Олим яна кафтини очди:

— Таранг қилмай шуни олсангиз-у, наркоздан сал кўпроқ берсангиз. Ҳеч ким билмайди, мен даъво қилмайман.

Диёра уни уриб юборишдан ўзини тийди-ю, бироқ, нафратини тил билан баён қилишдан тийила олмади:

— Башаранг қурсин, ваҳший! Беномус! Одаммисан ўзинг!? Ер ютсин сени!!

Олим унинг астойдил қарғаётганини англаб, чўчиди, атрофига аланглаб олди. Ҳеч ким йўқлиги учун у ҳам овозини баландлатди:

— Қарғаманг, опажон, нега қарғайсиз?

— Сенга битта қарғиш кам. Сени ахлатхонага тириклайин кўмиб ташлаш керак. Нима деганингни биласанми ўзинг!?

— Нима дебман? — деди Олим пулни чўнтагига солиб. — Операция пайтида уйғониб кетмасин, наркозни кўпроқ берсангиз қийналмасмиди, деб маслаҳат сўрадим. Шунга шунчами?

— Ҳо-о... мени гўл, калтафаҳм деб ўйлаяпсанми? Турқинг қурсин сенинг! Иккинчи қадам босма бу ерга.

Олим яна атрофга аланглаб олгач, баланд келиб, сенсирашга ўтди:

— Онангнинг уйими бу ер, э, шаллақи! Мен сени синамоқчи эдим. Тўғри ишлаш-ишламаслигингни билмоқчийдим. Агар хотинимга бир нима бўлса, оналарингни кўрсатаман!

Диёра яна қарғаганича қолаверди. Ҳар қандай ҳолатда ғазабни енга олиш одам учун гўзал фазилат саналиши Диёрага ҳам маълум. Лекин ҳозирги ҳолатда ким ва қан-

дай қилиб ғазабини енга олиши мумкин экан – Диёрага шу қоронғу. Ёмонларни ер ютмаса, аблаҳлар устига тоғ қуламаса, золимларни чақмоқ куйдирмаса, шундай ярамасларга дуч келганида аёл боши билан у нима қилсин?

Ишнинг бу даражада чаппасига кетишини кутмаган Олим сўкина-сўкина шифохонадан узоқлашди. Ишга боргиси келмай, анҳор бўйидаги қаҳвахонага ўтиб, телефонда Ҳамдамни чақирди. Дўсти келгунига қадар бир шиша пивони бўшатиб, ҳовури сал босилгандай бўлди.

— Тинчликми, хотининг тузукми? — деб сўради Ҳамдам хавотирланиб.

— Тинчлик...

Ҳамдам телефонда ҳам шундай деб сўраб, шу жавобни эшитган эди. Бу сафар жавобга илова тарзида унга бир шиша пиво узатилади. Ҳамдам шишани кўлига олди-ю, бироқ ичмай четга суриб қўйди.

— Ҳамдам, ошна, бир маслаҳат бор, — деди Олим эзгин бир оҳангда. — Индинга хотинимни операция қилишмоқчи. Лекин хаёлимга бир гап келиб, миямни ровлатиб юборди. Тинчимни йўқотиб қўйдим.

— Ичингда гап сақламай, айт, ошна. Шунақа пайтда ёнингда турмасам, дўст демасанг ҳам бўлади.

— Мен... — Олим дўсти суриб қўйган шишани кўлига олиб, икки қултум пиво ичди-да, лабини кафти билан артди. — Наркоз кўпроқ берилса-ю, азоблардан бира тўла қутулса, девдим.

— Шуни гап деб гапиряпсанми? Бунақа аҳмоқона фикрни қаердан топдинг? — Ҳамдам шундай дегач, «бошқа ичмасин», деган мақсадда шишани унинг кўлидан олди.

— Эсингдами, Собит айтувди: кесса ҳам ўлади, кесса ҳам... Хўп, кесди, тирик қолди, дейлик. Нима бўлади? Яримта одамга айланади. Унга ким қарайди? Яримта ҳолича яна қанча яшайди?

— Билиб турибман, сенга оғир бўлади. Лекин... қанча яшаса ҳам яшаши керак. Ўзинг қаролмасанг, отаси бор, ўтай бўлса ҳам онаси бор.

— Ота-онаси эрта-индин олдинма-кетин ўлиб берса-чи? Бир-иккита дўхтир билан маслаҳатлашдим. Тирик қолиши қийин экан. Яримта бўлиб яшагандан кўра...

— Яримта бўлса ҳам... ҳар ҳолда... — Ҳамдам дўстини фикридан қайтариш чорасини ўйлаб, топгандай бўлди: — Қийналсанг, бошқасига уйланарсан...

— Уйланишга-ку, сен айтмасанг ҳам уйланаман. Лекин яримта кундошини боққан хотинни ҳеч кўрганмисан ё шунақаси борлигини эшитганмисан? Гап шу: ё бутун, ё эртага дўхтир билан гаплашиб берасан.

Ҳамдам ошнасининг мақсадини англаган бўлса ҳам «адашмадиммикин?» деган хаёлда сўради:

— Нимани?

Олим шишани яна қўлига олди. Аммо ичмади. Дўстига синовчан тикилди:

— Операциядан чиқмасин...

Ҳамдам бош чайқади. Худди қочишга жой излагандай атрофга аланглади.

— Хотинимнинг ўзи ҳам шуни истаётганга ўхшайди. Гапларидан сездим...

— Йўқ, оғайни, бу фикрингдан қайт.

— Ҳозир наркоз берадиган хотин билан гаплашувдим. Аҳмоқроқ экан, келиша олмадим. Мўлжалдан кўпроқ сўради. Ундан кўра дўхтирнинг ўзига бериб қўя қолганим маъқул. Пул одамни ҳамма нарсага кўндиради. Сен менга тушунмаяпсан: мен хотинимга яхшилик қилмоқчиман. Азоблардан қутқармоқчиман. Киноларда кўрганмисан: урушда яраланганлар ошналарига, «отиб ташла, азобдан қутулай», деб ялинишади.

— Энди, ошна, кино бошқа нарса. Хотинингнинг уволига қоласан.

— Хотиним билмайди.

— Унда қизларингнинг қарғишига қоласан.

— Қизларим ҳам билмайди.

— Қизларинг билмаса – Худо билади-ку?

— Сени одам деб гапирсам... Собит бўлганида сен «доно»га ялинмасдим. Эрталаб етиб келса, дўхтирга Собитни рўпара қиламан. Келмаса, сен борасан. Йўқ десанг, тамом, ошна-оғайнигарчилик қуйиб кул бўлади!

Ҳамдамнинг бахтига Собит шомдан кейин етиб келди. Олимнинг илтимосини эшитиб бир оз ўйлади. Ҳатто бош чайқаб ҳам қўйди. Аммо Ҳамдамга ўхшаб эътироз бил-

дирмади, ақл ҳам ўргатмади. Эрталаб биргалашиб шифохонага бордилар. Олим кўчада қолди. Доктор Асиловга Собитнинг ўзи рўпара бўлди. Мақсадни, берилажак пул миқдорини эшитгач, Диёрадан фарқли ўлароқ, Асилов бирдан портлаб кетмади. Столи устини бармоқлари билан дўмбира қилиб чертганича ўйланди. Собит бу сукутни ўзича тушунди: «Номи чиққан бунақа дўхтирларнинг нархи ҳам баланд юради. Олим тентак хасислик қилди. «Йўқ» деб қайсарлик қилса, барибир қўшиб беришга мажбур бўлади».

— Акахон, менинг айтганим — аванс. Ошнализнинг бели бақувват, ишдан кейинги миннатдорчилигимиз бошқача бўлади, — деди ҳотамтойлик билан.

Асилов унга тикилиб қаради:

— Пулни «кўк»ида нақд берасанларми?

Пулдан гап очилгунча «сиз»лаб гаплашаётган Асиловнинг бирдан сансирашга ўтиши Собитни ажаблантирди. Буни ҳам пулнинг камлигидан норозиликка йўйиб, қўлини кўксига қўйганича жавоб қилди:

— «Ми?»сини олиб ташланг, акахон, биз насияга иш юритмаймиз.

— Оти нима эди, ошнангнинг?

— Биз «Олим» деб ўрганиб қолганмиз, асли — Олимбек.

— Ҳм... — Асилов яна столни черта бошлади: — Олим...

Олим... Золим...

— Тушунмадим?

— Валломат ошнангнинг ўзи қани? Мен пул берадиган одамнинг ўзи билан гаплашишим керак.

— Ўзи кўчада қолувди.

— Кўчада нима қилади, чақир.

— Савдо пишдимиди, акахон?

— Пишди ҳисоб, чақир.

Собит шифохона дарвозаси яқинида турган Олимни имлаб чақирди-да, «атаганига яна озгина қўшиш»ни тайинлади. Олим Асиловнинг хонасига пулни тайёр қилган ҳолда кирди.

— Демак... сен Олимбексан? Атаганинг қани?

Олим чап қўлидаги пулни унга узатди. Асилов қўлига олди-ю, аммо санаб ҳам кўрмади.

— Чўғи камроқми? — деди норози қиёфада.

— Ҳаммаси юзталиқ... — деди Олим.

— Сен... Асилов деган дўхтирнинг довуғини аввал ҳам эшитганмидинг?

— Эшитганмиз, акахон, — деди Собит енгил таъзим билан. — «Дўхтирларнинг додаҳўжаси» деб эшитганмиз.

— Сен жим тур, — деди Асилов жеркиб. — Мен харидор билан гаплашяпман. Мени сотиб олаётган буми ё сен-мисан?.. Хўш, Олимбек, айт, эшитганмидинг?

— Сизни «зўр» деб эшитганман.

— Ўша «зўр дўхтир»нинг нархи шугинами? Менинг нархим шунчалиқ пастлигини билмаган эканман.

— Дўхтир ака, бу бошланиши, кейин яна бераман.

— Ҳа... шунақами?! Менга қара бола! — Асилов шундай деб шарт ўрнидан турди-да, Олимни ёқасидан олди. — Сен Асилов пасткаш одам, арзон-гаровга сотилади, деб эшитувдингми?

Унинг кутилмаган бу ҳаракатидан саросимага тушиб қолган Олим тисарилиб, ёқасини бўшатмоқчи бўлди. Собит ёрдамга шошилди. Асиловнинг қўлига ёпишди:

— Яна бераман, деди-ку, акахон!

— Нар и тур, ҳароми! — Асилов уни тирсағи билан туртиб юборди-да, Олимни бир-икки силтади: — Сен, ит эмганмисан ё одам боласимисан? Ўз хотинингга ўлим тилайсанми? Мен одам ўлдириш учун қўлимга тиф оламанми? Ундан кўра ўзингни ўлдирсам савобга қоламан.

Собит бу сафар астойдил ёпишиб, дўстини унинг чангалидан қутқариб олди.

— Ўзингизни босинг-е, — деди Олим ҳансираб. — Биз сизни синамоқчи эдик. Агар хотиним операциядан яхши чиқмаса, кўрадиганларингни кўрасанлар!

Олим шундай деб эшик томон юрди.

— Шунақа, акахон, бу бир ҳазил эди. Ёмон ниятда бўлганимизда буёқ суртилган пулдан узатардик. Ҳозир кишанда ўтирган бўлардингиз. Энди... қўлингиздагини берасизми?

Асилов пулни ғижимлаб унинг башарасига отди. Собит ерга сочилган пулларни олиб, шошиласдан тахлаб, чўнтагига солди-да, гап оҳангини ўзгартирмай хайрлашди:

— Худо омадингизни берсин, хайр, акахон!

Улар чиқиб кетишгандан кейин Асиловга хона тордек туюлиб, бўғила бошлади. Деразани ланг очиб юбориши ҳам фойда бермади. Ховлига чиқмоқчи бўлиб турганида эшик очилиб, Диёра кўринди. Асилов ҳозирги савдони унга маълум қилгиси келмади. Асабийлашаётганини яшириш учун жилмайишга ҳаракат қилди. Диёранинг сергак нигоҳи унинг рангидаги ўзгаришни кўрди.

— Кечирасиз, бемаврид кирдим шекилли? — деб изига қайтмоқчи бўлди.

— Йўқ, йўқ, кираверинг, сал чарчаганга ўхшаб турибман.

— Мен бир илтимос билан кирувдим. Айтаману фақат хафа бўлмайсиз-да.

— Айтаверинг, мен билан биринчи йил ишлаётганингиз йўқ-ку...

— Ҳа... биринчи йил ишлаётганим йўқ... Агар хафа бўлмасангиз, эртанги операцияга мен кирмасам. Бошқа анестезиолог кирса...

— Нега?

— Шунақа бўлиб қолди...

— Нима, бешик тўйингиз борми?

— Йўқ... илтимос... суриштирманг... Қўлим бормайди.

— Тушунарли... — Асилов унинг яширин сирини ўқиб олишга қасд қилгандай кўзларига қаттиқ тикилди. — Тушунарли... Ҳозир хонадан икки киши чиққанини кўрдингизми?

— Ҳа, кўрдим... Тўғриси айтсам... киришаётганини ҳам кўрувдим.

— Менга нима деб кетишганини тасаввур ҳам қилолмасиз? Дарвоқе... агар киришаётганини ҳам кўрган бўлсангиз, демак, уларни танийсиз. Мендан олдин сизга учрашишмадими? Фақат тўғриси айтинг.

— Биттасини танийман... касалнинг эри...

— Қойилман! Нима учун мендан олдин сизга рўпара бўлган, билмайсизми?

— Мени гўл-деб фаҳмлагандир-да, афтинг қурғур.

— Қарғиш даражасига етибсиз, демак, суҳбатларингиз дўстона бўлмабди. Агар сиз рози бўлганингизда ишла-

ри арзонроққа битарди. Менинг нархим баландроқ бўлса керак.

— Ер ютгурнинг бети қандай чидади экан шундай дейишга? — Диёра яна қарғаб юборганидан хижолат бўлиб узр сўради.

— Бунақаларни қарғаганда узр сўрамаса ҳам бўлади. Қарғишлар қабул қилиниб, қанийди, ҳаммасини ер ютиб адо қилса. Лекин афсуски... бунақалардан ер ҳам ҳазар қилади, ютгиси келмайди. Ҳайронман, шунча йил ишлаб бунақанга ҳаромиларни сира учратмаганман. Одамлар «тузатиб беринг» деб пул беришмоқчи бўлишади. Булар эса... Бировдан эшитсам, ишонмаган бўлардим. Биласизми, мен нимадан ғазабдаман? Уларнинг таклифидан эмас. Мен билан сизнинг шу ишга қодир, деб ўйлашганини ҳазм қила олмаяпман. Бизнинг ўрнимизда бошқа врачлар бўлишганда кўнишармиди? Бунга ақлим бовар қилмайди! Сиз фикрингиздан қайтинг. Биз бу аблаҳларни жазолашимиз керак.

— Қандай қилиб? — деб ажабланди Диёра. — Гувоҳларсиз гапиришди, гувоҳларсиз пул узатишди...

— Нега гувоҳ бўлмас экан? Виждон-чи? Худо-чи? Биз уларни жазолаймиз. Беморнинг ҳаёти учун курашамиз. Беморнинг тирик қолиши улар учун жазо бўлади.

— Оёғи... кесилмайдими?

— Афсуски, бошқа чорамиз йўқ. Лекин у тирик қолиши керак. Зарур! Биз уни ўлимдан сақлаб қоламиз. Агар кўлимдан келса, унга яна юз йил ҳаёт инъом этган бўлардим. Биз касаллик олдида ожизмиз. Лекин ҳаётини бир неча ойгами ё йилгами узайтиришимиз мумкин.

* * *

Доктор Асиловнинг хонасида шу можаролар бўлиб ўтаётган дамда Муниса яқинларига билдиролмай қийналаётган гапларини ҳамхонаси Рисолатга айтаётган эди:

— Опажон, сиздан илтимосим бор, мени олиб чиқиб кетишгандан кейин адажонимизга айтиб қўйинг: агар бир нарса бўлсам...

— Қўйинг-е, сизга ҳеч нарса бўлмайди, яхши нафас қилинг. Худо, «яхшилиқни истаган кишига яхшилиқни бе-

«аман, ким ёмонликни ўйласа, ёмонликни бераман», деган экан. Шунча кундан бери ётиб бу баннисада одам ўлаганини эшитдингизми? Бу ер тузатадиган жой, ўлдирадиган эмас. Қирқ йил қирон келсаям ажали етган ўлади. Ўн гулингиздан бир гулингиз очилиб турган пайтда шунақа гапларни айтишга уялишингиз керак. Ўлимни ҳечам ўйламанг, оповси ўргилай.

Рисолат кўз ўнгида тобора сўлиб бораётган бу хушсурат жувонга ич-ичидан раҳми келаётгани учун ҳадеб дардини ўйлайвермасин, деган ўйда шу каби гаплари билан далда беришга уринаётганди. Муниса унинг мақсадини англаб турарди. Ҳозир ҳам миннатдорлик билдиргандай жилмайишга ҳаракат қилди.

— Мен унақа ўйлаётганим йўқ, опажон, — деб ўзини оқлади. — Лекин иссиқ жон, билиб бўлмайти-да... Адажонимизга айтиб қўйинг, илтимос, мен у кишидан мингданминг розиман. Адамдан ҳам, ўгай онамдан ҳам, қизларимдан ҳам... хуллас, ҳамма қариндошларимдан, қўшниларимдан... кимники танисам, билсам, ҳаммаларидан розиман. Яна айтинг-ки, адажонимиз «одамлар фисқу расод қилади», деб хижолат тортмай, кун санаб юрмай ўлансинлар. Қанча тез ўлансалар шунча яхши. Фақат... қизларни ўкситмасинлар. Жойлари чиқиши билан тез узатсинлар. Худонинг раҳми келиб, болаларимнинг бахтига тирик қолсам ҳам барибир ўлансинлар. Буни мен ўзларига айтолмайман, сиз етказиб қўйинг.

— Нега унақа дейсиз? Нега тирик хотин устига яна хотин олиши керак экан? Бунақа эркалатманг эржонингизни.

— Опа, ўйланишлари шарт. Оёқларимни кесиб ташлашса, мен у кишига қарай олмайман. Қўл-оёқларини ипсиз боғлаб қўяман-ку? Ҳали ёшлар... у кишига яхши қаров керак... Сиз ёмон хаёлга борманг, опажон, ўланганлари билан бизларни ташлаб қўймадилар. У киши шунақа меҳрибонлар-ки...

Муниса яна эрини мақтаб кетди.

Ҳаётда кўпни кўрган Рисолат бу масалада уни қувватлаб, кўнглига далда беришни истамай жимгина ўтираверди.

Мазкур ҳикояга асос бўлган воқеа шундан иборат. Доктор Асиллов Мунисанинг ҳаётини сақлаб қолди. Шариф оёқлари кесиб ташланган қизини уйига олиб кетмоқчи эди, куёви қаршилиқ билдирмади. Муниса салкам бир йил яшади. Бу сатрларни ёзаётган онларимда тобут ортидан чирқираб қолган қизларининг фарёди қулоқларим остида жаранглаб тургандай бўлаверди. Қизлар оталарининг операция арафасидаги қилғилиқларини билишмайди. Билмаганлари ҳам маъқул. Муниса қизларига, «адажонимиз бизга жуда меҳрибонлар», деб кўп таъкидларди. Майли, қизлар оталарини ҳафталаб кўришмаса ҳам, «адажон меҳрибонлар», деб ўйлайверишсин.

Дарвоқе... Рисолат Мунисанинг гапларини Олимга етказмаган эди. Шуни сезибми, Муниса васиятини қоғозга ёзиб қўйганди. Ёстиқ остида сақланган бир варақ қоғозни олиб ўқиган Ақида аввалига йиртиб ташламоқчи бўлди. Кейин онасининг қўллари теккан бу қоғозни азиз деб билиб яшириб қўйди. Васиятни ҳеч кимга билдирмади. Фақат... адаси уйланганида йиғлаётган сингисини овутиш учун, «Ойижон шунақа васият қилганлар», деб қўйди.

Энди сиз бу воқеа қаерда содир бўлган, деб сўрарсиз? Қаерда содир бўлганининг нима аҳамияти бор? Бундай разиллик ҳар биримизнинг маҳалламизда содир бўлиши мумкин-ку? Фақат биз, бандалар бунга эътиборсизмиз, лоқайдмиз. Энди бундайларнинг жазоси қанақа бўлади, дерсиз? Жазоси тайин: бундайлар қора ниятларини, аблаҳликларини одамлардан яширишга уринганлари билан Яратган Аллоҳдан яшира олмайдилар. Шундай экан, уларга дўзах азоби тайёрлаб қўйилган. Унга қадар, яъни ўлим фариштасига дуч келгунларича тортадиган бу дунё азоблари ҳам бор. Зотан, Аллоҳ дерки: «Эй Одам фарзанди! Яхши эшитиб олгинки, бандаларимдан ҳеч бири ўзининг зулми, макр-ҳийласи, чақимчилиги, тажовузкорлиги ва гаразу ҳасадидан одамларни тинч қўймагунича, ўзи ҳам Менинг азобларимдан тинч ва омонда бўлмайди».

Мазкурни ўқиб, биз билан ҳамфикр бўлган азизларга тинчлик ва омонлик тилайман.

ОҚИБАТУЛ – АМР

Дебоча ўрнида

Ўғлининг зулмидан азият чеккан ота нима қилиши керак? Дардини бировга дарров айта олмаса... Ҳа, сабр қилади. Аммо пичоқ бориб суякка қадалса-чи?

Бу қария ҳам узоқ кунлар эмас, ойлар сабр қилди. Ўғлимга инсоф кириб қолар, деб кутди. Бироқ, умиди ушалмади. Ўғли ҳўкиз ҳайдайдиган таёқ билан ураверди. Охири у муфтийга арз қилиб борди:

— Ҳазратим, ҳузурингизга бир олам дард билан келдим. Юрагимдаги ярага фақат сиз малҳам қўя оласиз, — деди у йиғламсираб.

— Сўзланг, биродар, ҳар қандай ярага шифо фақат Аллоҳдан.

— Ҳазратим, мен ўғлимнинг ёмонликлари хусусинда арз этиб келдим.

— Ўғил хусусинда? Қани сўзланг-чи?

— Ўғлим сўзларимни мутлақо қулоғига олмайди. Мени назар-писанд қилмайди, ўғиллик ҳаддида турмай, менга бақираверади. Бу ҳам етмагандай ҳўкиз ҳайдайдиган таёғи билан елкамга тушириб қолади. Кўп изтироб чекаман, кўп қийналаман. У туғилган чоғида қанчалар қувонган эдим. Қўй сўйиб, биродарларимга зиёфатлар берган эдим. Шароб ичиб, сархуш бўлган эдик. Қариганимда мени азобга қўйсин, деб қувониб эдимми?

Бу гапларни эшитган муфтий ўйга толди. «Ҳақиқатни айтсамми ё айтмасамми?» деб иккиланди. Агар ҳозир қариянинг зардобга тўла кўнглига қараса, ҳавойи гаплар билан овутса, фойдаси йўқ, эрта-индин яна арз-дод билан келаверади. «Кўнглига қанчалик оғир ботмасин, ҳақиқатни айтиш керак, зора тўғри хулоса чиқарса», деган қарорга келган муфтий аста сўз бошлади:

— Биродарим, мен сени яхши биламан. Ўзинг ҳам мени энди кўриб турганинг йўқ. Болалигингдан бери танийсан мени. Лекин ҳеч қачон менга юзланишни ўйламагансан. Йигит чоғингда, уйланишни истаган кезларингда менга маслаҳатга келиб эдингми? «Шаръий оила қурмоқ қандай

бўлар?» деб сўраб эдингми? Ё, никоҳ ўқиб қўйинг, деб келдингми? Айтмасанг ҳам эсимда, ўғлинг туғилганида қўйлар сўйдинг, дўстларинг билан шаробхўрлик қилдинг. Аммо, «ўғлимга чиройли исм қўйиб беринг, қулоғига азон айтиб қўйинг», деб келдингми? Келмадинг! Болалик кезларида «ўқитинг, тарбия беринг», деб ўғлингни ҳузуримга бошлаб келдингми? Келмадинг, а?! Хўп, менга-ку йўлиқмадинг, ўзинг унга дин ўргатдингми? Ота-она ҳақи буюклигини, волидайни ҳурмати икки марталаб фарз эканини бирон марта бўлсин тушунтирддингми? Ўғлингга ахлоқ дарсларини бердингми?

Бу танбеҳдан юраги зириллаган қария муфтийнинг сўзларини қалбан тан олса-да, ўзини оқлаш учун баҳона излади. Ортиқча ўйламади, кўпчилик тилидан учувчи баҳонани айтди:

— Ҳазратим, қишлоқ аҳволи ўзингизга маълум, биз доимо иш билан бандмиз. Тирикчилик ташвишидан ортмаймиз.

Бу баҳонани эшитган муфтий танбеҳлари ҳавога учганини англаб, афсус билан бош чайқади:

— У ҳолда ўғлингдан ранжима. Ҳамиша ҳўкиз ортидан юравергани учун, сени ҳам ҳўкиз фаҳмлаб, таёғи билан уриб қолар экан. Чунки илмсиз ўғлинг онги учун сен ила ҳўкиз орасинда ҳеч бир фарқ йўқдир. У ҳўкизни уряпман, деб сени уриб юборса керак.

— Ҳазратим, сиз бу гапларингиз ила қалбим ярасини баттар тирнаяписиз. Ҳузурингизга ўғлимни жазога буюрарсиз, ҳеч бўлмаса насиҳат қилиб қўярсиз, деган илинжда келиб эдим.

— Жазодан не фойда? Насиҳат вақти эса ўтган...

— Агар сиз иложсиз бўлсангиз, мен ҳазрат халифага арзга бор ъжакман.

— Ихтиёр ўзингиздир. Бормоқ истасанг, ўғлингни ҳам қанотингга олвол. Ҳазрат халифамиз одилдурлар, одил ҳукм чиқармоқлари аниқдир.

Қария малолланиб, изига қайтди. Муфтийнинг танбеҳидан сўнг ўз зиммасида ҳам айб юкини сезиб, гарчи халифа «Умар ул-одил» номи ила шуҳрат топган бўлса-да, унинг ҳузурига арз ила бормоққа журъат қилолмади. Елкасидан

яна бир-икки таёқ егач, йўлга отланди. Ўғлини даъват этган эди, у қаршилиқ билдирмай, ҳамроҳ бўлди. Қария савлатли саройни, унда тилла кўшқда ўтирган подшоҳга рўпара бўлишни хаёл қилган, тилла кўшқ сари таъзим билан бориб, подшоҳ оёғини ўпишни ният қилган эди. Оддий уй саҳнида, бўйра устида ўтирган кишини кўриб, унинг ҳалифа эканига ишонгиси келмади. Таъзимни ҳам, оёқларни ўпишни ҳам унутиб, довдираб қолди. Зотан, бунга саъй қилган тақдирда ҳам ижозат берилмаган бўларди. Қария бўйра устда ўтирган кишининг ҳалифа эканига ишонч ҳосил қилгач, дадилланиб, мурожаат этди:

— Эй менинг улуғ ҳалифам!

Бу мурожаат ҳалифага ёқмай бош чайқади:

— Мен мусулмонларнинг ҳалифасиман, улуғлик ёлғиз Аллоҳга хосдир. Сен дабдабани кўй-да, муддаога ўт. Нима арзинг бор, айт. Кўзарингда бир дард кўряпман.

— Ҳазратим, арзим ўғлим хусусинда. У мени ота ўрнида кўрмайди. Оқибат шу бўлди-ки, ҳўкиз ҳайдайдиган таёғи билан мени урди.

Бу арзни эшитган ҳалифа қошларини чимириб, ўғилга норози қиёфада боқиб деди:

— Эй фарзанд, бу не ҳол? Аллоҳ таоло сенинг бўйнингга фарз қилган отанг ҳақини билмайсанми? Ота-она ҳузуридаги бурчингни англамайсанми?

— Дуруст англайман, эй амиралмуслимин, — деди ўғил айбига иқрор бўлгандай бош эгиб.

— У ҳолда нечун отангга қўл кўтаришга журъат этдинг? Ҳақ таоло ўзининг расули Иброҳим алайҳиссаломга отаси кофир бўлса-да, иззатини жойига қўймоқликни буюрганда сен нечун фарзандлик ҳаддини буздинг?

— Сўроғингизга жавоб қайтармоқдан аввал, ижозат этинг, мен сиздан бир нарсани сўраб олай, — деди ўғил бошини кўтармаган ҳолда. Ижозат бўлгач, ҳалифага қарамоқликка журъат этди: — Эй амиралмуслимин, фарзанднинг ота-она олдида бурчлари зиёдадир ва мен буни англайман. Бироқ, отанинг гарданида ҳам фарзанд ҳақи борми?

— Шубҳасиз, бор! — деб хитоб қилди ҳалифа. — Аввало ота бўлмиш солиҳа, покиза, насли-насаби тоза аёлга

уйланмоғи керак. Токи, фарзанд ўз онасининг ўтмишидан уялиб юрмасин. Иккиламчи, ота фарзандга гўзал исм қўймоғи лозим. Токи, фарзанд ўз исмидан хижолат чекиб юрмасин. Сўнг фарзандга Аллоҳни танитмоғи шарт. Токи, Ҳақ йўлини билсин, фарз амалларни бажармоқни одат қилсин. Сўнгра касб-ҳунар ўргатмоғи жоиз. Токи, ҳалоллик билан тирикчилик ўтказишда қийналмасин. Ниҳоят, солиҳа бир қизга уйлантириб қўймоғи зарур. Англадингми?

— Эй амиралмуслимин, мен-ку англадим. Энди отамдан сўранг-чи, бу ҳақларнинг қай бирларини адо этдилар экан?

Ҳалифа савол назари билан қарияга қаради. Қария иложсиз равишда бош эгди. Орада бир неча нафаслик сукут ҳукмронлик қилди. Ҳалифа йигитга қараб: «Гапиравер», деган ишора қилгач, ўғил тилга кирди:

— Аввало шуки, насл-насабни суриштирмай, ёмон ахлоқни касб қилган, Аллоҳни танимайдиган аёлга уйланганлар. Бутун қишлоқ аҳли ҳалигача надомат қиларлар. Мен ҳануз иснод ўтида ёниб яшайман. Туғилганим ҳамон отамнинг кўзлари саҳронинг қора қўнғизига тушган экан, шу боис, одат бўлиб қолган таомилга кўра менга ўша қўнғизнинг номини бериб «Жуаъл» деб исм бердилар. То ҳануз одамлар мени қўнғизга ўхшатиб майна қиларлар. Менга Аллоҳни танитмадилар. Ҳалига қадар пешонам саждага теккани йўқ. Чунки ўзлари ҳам то ҳануз Яратганни танимайдилар. Касб-ҳунар ўргатишга саъй қилмадилар. Далада ҳўкиз ҳайдашдан ўзга юмушни билмайман. Ёшим ўттизга яқинлашаётган бўлса-да, уйлантирмоқни ҳалигача ўйлаб кўрганлари ҳам йўқ...

Ўғилнинг ҳасратга тўла бу маломатларини эшитган ҳалифа энди отага норози қиёфада боқиб деди:

— Эй ўзини ота санайдиган инсон! Сен фарзандингга жазо тилаб келган эдинг. Маълум бўлди-ки, жазога ўғлинг эмас, ўзинг лойиқ экансан. Гарданидаги оталик бурчини бажармаган инсонга қандай жазо лойиқ – ўзинг ҳукм чиқаравер. Алҳол, мен томонимдан бирор жазо лозим ҳам эмас. Роббимнинг ўзи сени жазолаб қўйибди. Оҳ-воҳ қилмоғингдан энди не фойда?

Амиралмуслимин тилидан учган бу ҳақиқат сўзлари олдида қария ночор қолди. Жавобга сўз тополмай, бошини эгди.

Азизлар, бу ҳикоямизни бадий адабиётдаги анъанавий йўлга хилоф равишда бошладик. Давоми ҳам шу тарзда бўлажакким, ажабланмагайсиз. Қалам аҳли эшитган, билган воқеаларига одатда «бадий тўқима» деб аталмиш ходисалар баёнини қўшади. Биз бу сафар бундай тўқимага эҳтиёж сезмадик. Анъанага хилоф бўлса-да, воқеаларга ўз муносабатимизни билдиришни лозим топдик.

Мазкур ҳикоямизга кичик дебоча ёзиш зарурати туғилиб, чаҳорёрларнинг иккинчиси, ҳазрат Умар (розийоллоху анху) даврларига оид ривоятни эътиборингизга ҳавола этдик. Бу бежиз эмас. Гап шундаки, биз фарзанд бурчи ҳақида кўп гапирамиз. Ноқобил фарзандлардан нолиймиз, уларни аямай танқид қилаверамиз. Ота ва онанинг бурчлари ҳақида эса кам эслаймиз. Ота-онанинг вазифаси фақат фарзандни дунёга келтириш, едириш-ичириш, кийинтиришдангина иборат эмас, балки унинг зиммасида улф бурчлар мавжуд. Бирон бир ўсмир жиноят қилса, қора курсига ўтирса, оқибат қамалиб кетса, айбдорларни излай бошлаймиз. «Мактаб айбдор. Яхши тарбия қилмаган», деймиз. Кўз ёшлари тўкиб турган ота-онага эса раҳмимиз келади. «Боласи қамалиб кетди-я бечораларнинг!» деб ачинамиз. Ҳолбуки, боланинг қамалишидаги асосий айбдор шу ота, шу онанинг ўзлари эмасми? Кимнинг боласи ёмон йўлга кирибди, кимнинг боласи бемехр бўлибди, кимнинг боласи қариган чоғида туққанларини хор қилибди – айбни бошқалардан эмас, ўзидан қидирсин. Бу ҳикоямизнинг мавзуи шу ҳақда. Сиз, азизларга баён этмоқчи бўлганим ҳикояни ота-она меҳри нима эканини билмай ўсган бир қиз менга айтиб берди. Олий ўқув юрталаридан биридаги учрашувдан кейин толиба қиз менга яқинлашиб, суҳбатлашиш нияти борлигини билдирди. «Гапларимни эшитмасангиз бўлмайди», деб таъкидлагач, эртасига кўришдик. Қизнинг гапларини бўлмай эшитдим. Қиз ҳикоясини тугатгач: «Шуларни ёзмасангиз бўлмайди», деб хулоса ясади. Охирги гапи ўринли эди. Бир неча кунлик ўйлаш, таҳлил қилишдан кейин қўлга қалам олдим ва қизнинг ҳико-

ясини асл ҳолича сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этмоқ-
ни лозим кўрдим. Ортиқча тўқимага, узун шарҳларга эҳти-
ёж сезмадим. Ўзларингиз танишиб, мушоҳада этмоқлик-
ларингизни истадим.

* * *

Улар якшанба – дам олиш кунини ёмон кўрар эдилар.
Шу кун етимхона гавжум бўлиб қоларди. Кимнингдир
отаси ёки онаси, кимнингдир бобоси ёки бувиси, ёки ама-
кисими, холасими келиб қувонтириб кетарди. Уларни эса...
ҳеч ким йўқламас эди...
уларга ширинлик керак эмасди...
етимхонада ширинлик етарли эди...
улар ота ёки она ёки қариндошлар меҳри керак эди...
етимхонада шу меҳр етишмасди...
бошларини силашга қариндошнинг бир меҳрибон қўли,
қариндошнинг бир оғиз ширин сўзи етишмасди...

Бутун ҳам якшанба. Бутун ҳам улар учун машаққатли
кун, қалб тирналадиган кун.

«Болалар уйи» деб аталмиш етимхона ҳовлисидаги тўрт
шийпоннинг барчаси банд. Турмушлари бузилиб, ажраб
кетган ота ва оналар етимхонадаги фарзандларини кўрга-
ни келганлар. Инсофли буви ва бувалар, амаки-тоғалар,
амма-холалар ҳам бор. Етимхона панжарасига суянгани-
ча шийпондагиларни кузатаётган бола буларнинг қай бири
ота, қай бири тоға, қай бири она, қай бири амма эканини
билмайди. Буни билишга ҳам қизиқмайди. Қариндошла-
ри келганидан қувониб ўтирган ўртоқларига ҳавас ҳам
қилмайди, балки қалбини ҳасад ўти куйдиради, уларга
нафрат билан қарайди. Қалбида нима учун нафрат уй-
ғонганини ўзи ҳам билмайди. Билишга қизиқмайди ҳам.

Шийпондагиларга қарай-қарай безган бола юзини ўти-
риб, кўчага тикилди. Синфдош қизнинг яқинлашганини
сезмади ҳам.

— Журъат, қарагин, янги берилган кўйлақларини кий-
иб олдим, — деди қиз шодлигини у билан баҳам кўриш
учун. Бола ўтирилди, қаради-ю, индамади, «муборак
бўлсин, ярашибди» деган гапни кутган қизнинг бундан
кўнгли бир оз оғриди-ю, ранжиганини сездирмаслик учун

гапини давом эттирди: — Байрамни кутиб ўтирмай кийиб олавердим. Қарагин, ярашибдими?

Овози раста бўлган йигитча қиз боланинг бундай нозли саволидан кейин юраги бир ҳаприқиб, бошдан-оёқ суқланиб қараб олган бўларди. Журъат болалик оламини тарк этиб, ўсмирликнинг лаззатли боғига ўтгани билан ҳозирги кайфияти қиз боланинг қоматидан ҳузурланишга йўл бермасди. Шу боис тўнглик билан: «Ҳа», деб қўя қолди.

— Сенга нима бўлди? Нимадан жаҳлинг чиқди? — деди Холида аразлаш оҳангида.

— Бор, бошимни оғритма, — деди Журъат янада тўнглик билан.

— Айт, нимадан жаҳлинг чиқяпти? — деди Холида ўжарлик билан.

— Ҳеч нима...

Бу сафар Журъатнинг овозида тўнглик эмас, ўкинч оҳанги сезилди. Ўгирилиб олди. Холида унинг елкасидан ушлаб, енгил силтади, ўжарлигини қўймади:

— Йўқ, айтасан!

— Бошимни оғритма, деярман сенга!

Журъат овозини баландлатган бўлса-да, барибир ўкинч оҳангини яшира олмади. Бундай ўкинч қиз қалбида ҳам бор эди. Шунинг учун Журъатнинг ҳолатини ҳис қилиб, йиғлаб юборай деди.

— Журъат, нимага бунақа қиласан?! Нима учун жаҳлинг чиқаётганини билиб турибман-ку? Сен... Сен... — Холида энди кўз ёшларини тўхтата олмади. — Ойингни кутяпсан!

— Йўқ! Бекор айтибсан! — деб бақириб юборди Журъат. — Кутаётганим йўқ! Кутмайманам... Ҳеч қачон... ҳеч қачон...

Кўкрагини фарёд вулқони куйдираётган Журъат қизга ғазаб ўқларини отиш учун эмас, ожизлигини сездириб қўймаслик учун бақирган эди. Буни англаган Холида ундан ранжимасди. Сениқ овозда:

— Кутмайсан... — деди-да, хўрсинди. — Журъат, ахир келишганмиз-ку, кутмаймиз уларни. Улар... барибир келишмайди. Бизнинг уларга керагимиз йўқ. Биз... улар учун ортиқча юкмиз.

Холида ҳасрат билан гапираётган онда панжаранинг у томонида, кўчада келаётган киши тўхтади. Чўнтагидан бир парча қоғоз олиб ўқиди-да сўнгғижимлаб, панжара томон улоқтирди. Ғижимланган қоғоз панжарага етиб келмай, сувсиз қуриб кетган ариқ лабига тушди. Буни кузатиб турган Журъат орқасига ўтирилиб, Холидага қаради, кўзларидаги мунгни яширишга ҳам уринмай, аламли овозда деди:

— Тўғри айтасан, бизларни кераксиз нарсадай ғижимлаб-ғижимлаб четга отишган. Ҳеч кимга керагимиз ҳам йўқ.

— «Ойи» дейдиган хотинларнинг келмагани ҳам яхши. Анавиларга ўхшаб ойда-йилда бир келиб-кетишларидан нима фойда, а? — Журъат Холиданинг бу саволига жавоб беришни истамай, юзини ўтирди. Холида эса гапдан тўхтагиси келмай, давом этди: — Журъат, анавилар болаларини нима учун бу етимхонадан олиб кетишмайди?

— Билмайман, ўзларидан сўра...

— Мен уларга қараб-қараб бир қарорга келдим, айтимайми?

— Хоҳласанг айт, хоҳламасанг айтма...

— Бўпти, айтаман, эшит: мен ҳеч қачон эрга тегмайман!

Балоғат ёшининг сурурли ва ширин оламига қадам қўйиб, муҳаббатнинг суюкли ва умидбахш осмонида парвоз қилиб ҳузурланиши лозим бўлган қизнинг бу қарори катталар учун ғалати туюлиши, бу аҳднинг сабабини суриштиришлари мумкин эди. Холида гапини гапириб қўйиб, уялди, Журъатдан кўзини олиб қочди. Лекин Журъат у томон қарамади. Қизнинг қароридан ажабланмади ҳам. Кўча томондан кўзини узмай, ҳам тўнг, ҳам киноя оҳангида деди:

— Сенга битта-яримта аҳмоқ уйланмоқчимиз ўзи?

Авваллари «Меҳмон-меҳмон», «Хола-хола», «Келин-куёв» ўйинларини ўйнашарди. «Келин-куёв»да Холида – келин, Журъат эса куёвлик мартабасини эгалларди. Бу ўйинни ўйнамай қўйганларига анча бўлди. Вужудларини ўсмирлик ўти куйдиришни бошламай туриб ҳам Холида бу ўйиннинг ҳаётда амалга ошишини орзу қиларди. Ўзини келинлик либосида, Журъатни эса куёвлик тахтида шодон ку-

лишларини кўп марталаб тушида ҳам кўрган эди. Тушининг ўнгидан келишини дил-дилидан истарди. «Келинкуёв» ўйинини ўйнашдан уялиб, бас қилганларидан кейин ҳам ширин орзулари юрагини куйдираверди. Ҳозир қарорини айтишдан эмас, ўша орзуларига жиёнат қилмоқчи бўлганидан уялди. Гарчи у орзусини йигитчага айтмаган, Журъат ваъда бермаган бўлса-да, қачондир бирга бўлишларига қаттиқ ишонарди. Ҳозирги гапи қатъий қарор эмас, айна дамда Журъатни эзаётган паришонлик булутини ҳайдаш мақсадида айтилган эди. Гап оҳангида озгина эркалик, озгина ноз ҳам бор эди-ки, қизларга хос айёрликни ҳали фарқламайдиган Журъат буни сезмади. Холида қарорини маълум қилганда Журъатнинг ялт этиб қарашини «Эсинг жойидами? Мен-чи?!» дейишини кутган эди. Кутгани содир бўлмагач, киноядан аразлаганини билдириб қўйиш учун йигитчанинг елкасига енгил муштлади:

— Ўша битта-яримта аҳмоқ уйланса – уйланмаса, мен ҳеч кимга тегмайман, — деди лабини буриб. — Бола кўрганнимдан кейин номардлик қилса, мен ҳам боламни шу ерга ташлаб кетаманми? Йўқ! Ўзим бахтсиз бўлиб ўтсам ҳам, болам бахтсиз бўлмаслиги керак! Биз бахтсиз бўлиб туғилган эканмиз. Яна бахтсизларни кўпайтириб нима қиламиз? Журъат, сен ҳам уйланмагин, хўпми? Менга сўз бер: хўпми?

— Билмайман...

— Нега билмайсан?

— Балки уйланарман...

— Нима деяпсан?! Сенга ким тегарди? Ҳеч киминг йўқ, уйинг йўқ... Ташландиқларга биров қизини бермайди, билиб қўй!

Бу гапдан кейин Журъат шарт ўтирилди. Қизнинг гаплари унга ҳақорат бўлиб туюлиб, кўзлари ёнди.

— Мен ўз уйим бўлишини хоҳлайман. Жуда-жуда хоҳлайман. Менинг ўз уйим бўлади, эшитяпсанми, бўлади!

Холида унинг вазоҳатидан чўчиб, тисарилди. Аммо бир гапдан қолишни истамади.

— Ҳа, уйинг бўлади, — деди пичинг билан. — Аданг билан ойингни кутиб туравер, улар келишиб, сени саройларига олиб кетишади!..

Бу гапдан ғазаб олови аланга олиш ўрнига Журъатнинг кўзларидаги ўт ўчиб, ёшлангандай бўлди. Киприклари пирпиради.

— Пичинг қилма... — деди-да, ютинди. Холида ярани тирнаб, туз сепиб қўйганини билиб, энди овутиш учун сўз излади. Журъат бир неча нафаслик сукутдан кейин аламли овозда гапини давом этди: — Анови куни берган китобингда зўр гап бор экан, Қамариддин деган боланинг орзуси эсингдами? Ўша жойни уч марта ўқувдим ёдимга михланиб қолди: «Ҳозир қўлимга милтиқ беришса-ю, дарвозадан отам билан онам кириб келишса, шартга отиб ташлардим. Ана ундан кейин ўзимни отиб ташлашса ҳам майли. Йўқ, аввал суд бўлиши керак. Судда гапиришим керак. «Боласини ташлаб кетган ота-онанинг жазоси шу!» дейман. «Тирик етимлар! Ҳаммангиз аблаҳ ота ва онангизни топиб отиб юборинг! Ёлғон гаплар тўқиб, уларни бир-бирингизга яхши одам қилиб кўрсатманг. Уларни аямай, отиб ташланг!» дейман. «Тирик етимларга милтиқ беринглар!» деб ҳайқираман. Ана шундан кейин мени отишса ҳам майли...» — Журъат шундай дегач, хўрсинди. Аламини ютиб, бўғиқ овозда сўради: — Сенга милтиқ беришса отармидинг?

Холида бу гапни эшитиб чинакамига чўчиб тушди. Вужудига энгил титроқ югурди. Худди кимдир рўпарасида номард ота-онасини боғлаб ташлагандай, сўнг қўлига милтиқ бериб, «Отиб ўлдир, уларни!» деб ҳайқиргандай бўлди. Бир ҳафта илгари кутубхоначи янги олиб келинган китобни бериб: «жуда қизиқ экан», деб мақтаб қўйган, Холида уни қўлдан қўймай, кечаси ухламай ўқиб чиққан эди. Икки-уч кун шу китобда баён қилинган воқеалар таъсирида юриб, яна бир марта ўқиган, сўнг: «Ўзимизга ўхшаган етим боланинг тақдири бор экан», деб уни Журъатга берган эди. Журъат аниқ фанларга қизиқар, лекин бадий китобни ўқишга ҳуши йўқ эди. Холида зўрласа, бирон-бир китобни нари борса ярмигача ўқирди. Буни ўқибди. Ўқибди-ю... тўғри хулоса чиқара олмабди. Холида китобни ўқишга берганидан афсусланди.

Журъат саволимга жавоб беришга мажбурсан, дегандай унга тикилиб тураверди.

— Жиннимисан! — деди Холида зарда билан. — Китобда унақа мақсад йўқ. Қамариддин деган бола онасини отишни хоҳлагани билан отмайди... отолмайди. Ташландиқ бўлгани билан унинг юраги тоза эди... Шунисини пайқамабсан.

— Пайқадим... Унинг ўрнида ўзим бўлганимда ҳам отолмасдим. Лекин афтига тупуришни истардим.

— Тупуролмасдинг... — деди Холида энди синиқ овозда. — Ота-она ёмонлик қилгани билан юзлари... иссиқ бўлади...

Холида йиғлаб юбормаслик учун шарт бурилди-ю, тез-тез юрганича изига қайтди. Қўнглининг пораланишига шу янги кўйлак айбдордай, хонасига кириши билан ечиб, бурчакка улоқтирди.

Янги кўйлакни байрам куни ҳам киймади. Журъатнинг ўзи янги костюмни кийди, лекин Холиданинг янги кўйлак киймаганига аҳамият бермади...

Уларнинг кийим-кечакда, емоқ-ичмоқда бошқа болалардан камчиликлари йўқ эди. Агар бахт тушунчаси фақатгина ширин таомларни емоқ-ичмоқ, чиройли либосларни киймоқ билан белгиланса эди, уларни биз «бахтли болалар», деб атаган бўлур эдик. Афсус шуки, бахтиёрлик саройи бутунлай ўзга пойдевор устига қурилади. Бола фақатгина ўз ота ва онаси бағридагина бахтиёр бўлиши мумкин. Болалик бахти ота ва она меҳри булоғидан сув ичади. Журъат ҳам, Холида ҳам, улар каби яна юзлаб болалар айнан шундай булоқ сувидан бебаҳра ўсдилар. Афсус ери шундаки, етимликда ўсган айрим болалар катта ҳаёт оламига аламзадалик билан билан қадам қўядилар. Уларнинг кўзларига ҳар бир аёл, ҳар бир она ўз оналари каби бемехр бўлиб туюлаверади. Уларнинг айримлари бунданда баттар ҳолга тушадилар – ҳаётдан нафратланаверадилар.

Уларнинг бунга ҳақлари борми?

Уруш йиллари бўлганида етимлик жарига улоқтиргани учун шу урушдан, душмандан нафратланган бўлардилар. Тўкин ва тўкис ҳаёт кечирилаётган даврда тирик етим бўлиб ўсаётганлари учун кимлардан нафратлансинлар? Агар кунларнинг бирида ана шундай етимлик билан ўсган бирон йигит ва қиз билан учрашиб қолсангиз уларнинг

гапларини диққат билан тингланг, дардларини тушунишга ҳаракат қилинг ва бизнинг саволимизга жавоб топишга уриниб кўринг.

Воқеан, паришонлик кунлар билан хурсандчилик кунлар ўрин алмаша — алмаша йиллар ўтди, Журъат билан Холида мактабни битирдилар. Етимхонани тарк этиш фурсати ҳам етди. Мактабни битириш кечасида барчага «катта ҳаёт қўйнига оқ йўл тилашди». Шундай тилак билдириш одат тусга айланган. Лекин тилак билдирувчиларнинг ҳеч бири «катта ҳаёт қўйнида» ёшларни нима кутаётганини ўйлаб кўрмайди. Катта ҳаёт нима – пўртанали денгизми? Йўлида ҳар бир нарсани суриб кетувчи сел оқимими? Ер устидаги барча нарсани гутурт қутисидек ўйнатиб юборувчи зилзилами? Буларни хаёлларига келтиришмайди, ёшларни бу фалокатларни енгиб ўтишга тайёрлашмайди. «Катта ҳаёт, мустақил ҳаёт» ҳамманинг назарида жаннат боғидир. Истаганингча еб-ичасан, ҳузурланасан... Кавсар сувини симирасан...

Етимлик билан ўсган, етимхонани ўз уйи деб билган, катта ҳаёт бағрига чиқиб ҳеч нарсасиз қолганларнинг жаннати қанақа бўлади?..

Ўзларига тегишли кийиму китоб-дафтарларни олиб етимхона билан хайрлашган Журъат билан Холида поездга ўтиришганида Тошкентга йўл олишганини билишарди. Аммо ҳаёт поезде уларни қай манзилга элтишини тасаввур ҳам қилиша олишмасди. Етимхона мудираси уларга бўлган меҳрини ифода қилмоқ учун умумий вагонга эмас, купега чипта олиб берган эди.

Вагон оғаси чиптани текшириб «иккинчи купе, бешинчи — олтинчи жой. Ичкарида ўтирган кампирнинг жойи тепада экан, «алмашсаларинг савоб бўлади», деди. Поездга биринчи марта чиқаётганлари сабабли улар бу гапга унча тушунишмади. Иккинчи купенинг эшиги очиқ эди. Рўмоли елкасига тушган, сочлари оппоқ оқарган хотин иссиқдан беҳузур бўлиб, елпиниб ўтирарди. Журъат ҳам, Холида ҳам уни кўришди-ю ичкарига қадам қўйишга иккиланиб, тўхтаб қолишди. Ёшларнинг тортириб туриб қолганларини сезган хотин ўрнидан турди-да, худди азиз меҳмонларни кутаётгандай уларни қаршилади:

— Вой, айланайлар, келинлар, болажонларим. Ўтиринглар. Ёлғиз ўзларингмисизлар ё ота-оналаринг билан бирга кетяпсизларми?

Хотиннинг лутфи ёқа бошлаган онда, сўнгги саволи улар устидан бир челақ совуқ сув қўйиб юборгандай бўлди. Журъат жавоб бермай, ичкари кириб юқларини ўриндиқ устига қўйди. Холида эса аёлларга хос одат бўйича хотин билан кўришгач, синиқ овозда: «Ёлғизмиз», деб қўйди. «Ёлғизмиз», деган сўзни «ота-оналаримиз уйда қолишган, сафарга ўзимиз чиқдик», деган маънода тушуниш ҳам мумкин эди. Алҳол, Холидага нотаниш бу хотин шундай англади:

— Вой, омон бўлгурлар-ей, сизларни узоқ йўлга ёлғиз юбориб хавотир олишмаганини қаранг-а...

Бу хотиннинг меҳр билан қаршилаши-ю тинмай гапириши Холидага ёқмай кескинроқ гапирди:

— Бизнинг хавотир оладиган ота-оналаримиз йўқ...

Бу гап худди пешонага теккан тарашадай бўлди, хотин ортиқча гапириб юборганини сезиб, пастки лабини аста тишлади. Қиз билан йигитчанинг ярасини тирнаб қўйганидан хижолат бўлиб, энди овутишга сўз излади. «Йўлга чиқишлари учун ота-оналари рухсат беришмаган бўлса, аразлаб шундай дедимикин?» деган ўйда ҳар иккисига бир-бир қараб олди-да:

— Вой, болам, бу нима деганингиз? — деди айбдор одам овозида.

Холида унга жавоб бергиси келмай, жомадонини қўйишга жой излагандай аланглади. Бегона хотиннинг гаплари Журъатга ҳам ёқмаётган эди. Шу сабабли қиз ўрнига ўзи жавоб қайтарди:

— Етиммиз биз, фирт етиммиз. Болалар уйида ўсганмиз...

Бу гапдан кейин хотин росманасига сесканди. Журъат ундаги ўзгаришни сезиб, гапини давом эттирди:

— Холажон, нимага ҳайрон бўляпсиз? Фирт етимларни ҳеч кўрмаганмисиз?

Бу хотин энди нима десин? «Дунёнинг оқ-қорасини кўравериб, аччиқ-чучугини тотавериб бу сочлар оқарди, юрак толиқди, юзни ажин қолади», десинми? Дунё ташвишла-

рини булар тушунитармикин? Тўғри, етимлик қисмати оғир, етимлик оши ғоят аччиқ. Лекин дунёни ўргимчак тўри каби ўраб ётган адолатсизликлар олдидан уларнинг кўрганлари ҳали ҳеч нима эмас. Шуларни айтсинми буларга? Йўқ... айтолмайди... Буларнинг юраги қандай ярадан азобланаётганини билмай туриб, бир нима дейиши қийин. Лекин, гап бошладимиз, энди нимадир дейиши керак.

— Ота-онанглар... ўлиб кетишганми? — деб сўради.

— Билмаймиз, — деди Журъат яна кескин оҳангда. — Балки тирикдир... Биз уларни кўрмаганмиз. Оналаримиз бизларни туғишган-у ташлаб кетишган. Бизларни «ғирт етим», демай, «ташландиқ» десангиз ҳам бўлаверади, — Журъат нотаниш хотиннинг ранги оқара бошлаганини сездим, гапи таъсир этаётганидан ҳатто бир оз қувониб, давом этди: — Сиз оналаримизни «инсофсиз», деб қарғамоқчимисиз? Йўқ, қарғаманг. Улар инсофсиз эмас. Инсофсиз бўлишганида чақалоқлигимизда халтага солиб, ахлатхонага ташлаб кетишарди.

Журъат ўзларини очиқ чеҳра билан кутиб олган хотинга нисбатан бу онда адолатсизлик қилган эди. Аниқроғи, ўзи билмаган ҳолда бу хотиннинг кўп йиллик ярасини темир тирноқлар билан тирнаб, сўнг туз сепганди.

— Унақа деманг... болам... «астағфируллоҳ», денг...

Хотиннинг титроқ овози Холидага таъсир қилиб, «шу гапларни айтишинг шартмиди?» деган маънода Журъатга қараб олди. Хотиннинг тилидан учган «болам...» деган сўз алоҳида бир оҳангда эди. Қиз ҳам, йигит ҳам сезишди. Уларни шу пайтгача биров тил учидан бўлса ҳам «ўғлим», «қизим» деб алқамаганди. Нотаниш бу хотин «болам...»ни чинакам она каби меҳр билан айтганди. Журъат ўз ҳақиқатини охиригача баён қилиш мақсадида ўзига хос тошбағирлик билан гапини давом эттирди:

— «Астағфируллоҳ»ни бизларни ташлаб кетишганлар айтишсин. Шунақа, холажон, бизнинг оналаримиз анча инсофли экан. Мени йигирма кунлигимда топширишган. Мен Холидадан бахтлироқман. Ҳар ҳолда онамни йигирма кун эмганман. Бунга эса онаси туққан-у туғруқхонага ташлаб кетворган. Бу бечора онасининг ҳидини ҳам билмайди.

— Балки... бир сабаб бўлгандир...

Хотин бу гапни худди ўзини ўзи ҳимоя қилаётгандай, гуноҳкор аёл овози билан айтди.

— Сабабми? Билмаймиз... билганимиз – етимхона!

Ҳа, уларнинг билганлари етимхона эди. Уларнинг кунлари соғинч ташналиги билан ўтди. Улар бирон марта кўрмаган бўлсалар ҳам ота ва оналарини соғинар эдилар. Улар умид либосини кийиб яшадилар. Йиллар ўтиб, улғайишгани сайин бу либос титилаверди, титилаверди. Оқибат, умид либосидан ҳоли бўлдилар. Болаларнинг гапларидан изтиробга тушган бу хотиннинг қалбидаги яра эса тирналди...

Норози қарашлари таъсир қилмагач, Холида гапга аралашшишга мажбур бўлди:

— Журъат, бўлди қил, холамнинг бошларини қотираверма! — деди жеркиб.

— Вой қизим-ей, бошим нимага қотаркан? Қариганда лақиллаб қоляпман, шу гапларни сўрамасам ҳам бўларди. Ҳаётда одамнинг бошига ҳар хил савдолар тушади. Ўкинманглар, ҳали бахтли-саодатли бўлиб кетасизлар. Мен сизларнинг исмларингизни билиб олдим. Мени Кўпайсин хола, деяверинглар. Отам раҳматли болани яхши кўрарканлар. Бош фарзанд бўлганим учун Худодан кўп бола сўраб, менга «Кўпайсин», деб от қўйган эканлар. Худо ротданам кўп бола берибди-ю, лекин ҳаммасини битта-битта олибди. Ёруғ дунёда ёлғиз ўзим қолганман. Журъат боламнинг сўзи билан айтганда, менам «фирт етимман», «ўхшатмасдан учратмас», деб шунини айтадилар-да...

Кўпайсин шу гапларни айтаётганида кўз олди хиралаша бошлади. Боши айланди. Бу томонларга келмай туриб ҳам шундай аҳволга тушган, кейин анча даволанган эди. Врач, «узок йўлларга юрманг, сира-сира асабийлашманг, ҳаяжонланманг», деган эди. Қадрдонларини зиёрат қилгиси келиб, унинг биринчи амрига итоат этмади. Иккинчи амрнинг бузилишига у айбдор эмас, болалар билан бўлган ихтиёрсиз суҳбат асаб торларига темир тирноқларини урди. У аввалгидай беҳуш йиқилмади. Ўзи ҳам билмаган қандайдир куч тутиб қолди. Кўз олдини босган қоронғулик пардаси йиртилиб, ёришди. Аммо рўпарасида етим

болалар кўринмади. Унинг кўз олдида аввал бир боғ гавдаланди. Бир қиз ва йигит сурурли дамлардан маст ҳолда ўтирибди. Ажаб! Йигит ўзининг ҳушини ўғирлаган биринчи муҳаббати-ку?! Ҳа, ўша! Кўзларида сеҳри бор, хушсурат йигит... Унга жонини беришга тайёр эди. Қиз — унинг ўзи... салкам йигирма йил аввалги Кўпайсин... Киприклари қайрилма гўзал қиз... Йигит унинг биргина карашмаси учун жонини беришга тайёр эди...

Кўпайсиннинг кўз олдидаги манзара бирдан ўзгарди. Сурурли гулшан ўрнини дўзах алангаси олгандай бўлди.

Сўнг...

...уй,

йигирма кунлик чақалоғини бағрига босиб маъюс ўтирган жувон...

қайрилма қошларни гўё жон тарк этган. Жон олғувчи ўтли қараш ҳам йўқ...

Эшик очилиб, йигит кирди. Бармоқлари қалтирайди. Хумор боқувчи кўзлардан ёвузлик учқуни чақнайди. Чақалоқни жувоннинг бағридан юлиб олиб, чойшабга ўраганича чиқиб кетади...

У жувон бағридан болани юлиб олмади, балки унинг жонини суғуриб олгандай бўлди. Жувон беҳуш йиқилди. Бети темир қовурғали иситгич қиррасига урилиб қонади...

...кўз олдини энди қонли парда қоплади.

Кўпайсин бу манзарани тушида ҳам, ўнгида ҳам кўп кўради. Ҳар кўрганида юрагининг бир томири узилгандай бўлаверади. Ўзига келганда «мен темирдан яралган эканман, аллақачон юрагим ёрилиб ўлишим керак эди», деб кўяди.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Қонли парда дарров кўтарилмади. Вагон филдираklarининг тақира-туқури йўлда кетаётганини эслатиб турибди, болалар эса кўринмайди. Қулоқлари остида эса ўзининг аламли овози жаранглайди:

«Худонинг қаттиқ жазо беришини билардим. Бефарзанд ўтяпман, тирноққа зорман... Энди Худо нима учун мени бу етимларга рўпара қилди? Юрагимдаги ярамни тирнаб, дардимни янгилаш учунми? Ажир бу дард мени бирон кун бўлсин ҳоли қўймади, бирон соатга бўлсин эскирмади-ку?

Журъатни йигирма кунлигида етимхонага топширишган экан. Ўшанда... менинг ўғлим ҳам йигирма кунлик эди... Тўхта... тўхта... ўйла, фикр қил: шу бола менинг ўғлим эмасми? Қош-қўзлари худди отасига ўхшайди... Йў-ўқ... ўғлим ҳаёт бўлганида ҳозир ёши қирқдан ошарди... Бу бола менга набира қатори... Ўғлим ҳаёт бўлганида... Балки ростданам ҳаётдир? Ахир аниқ билмайман-ку? Боламни барримдан юлиб олиб чиқиб кетгандан кейин аввалига уни етимхонага топширганман, девди. Кейинчалик эса, «бўғиб, сувга ташлаб юборганман», деди. Ишонмайман... бунақа ёвузлик унинг қўлидан келмайди. Бевафо эди, лекин ёвуз эмасди... Жаҳл устида айтганди бу гапни. «Боладан қутулсанг уйланаман», деди. Гапига ишондим. Барибир уйланмади. Номард эди... Ҳа, қотил эмас, номард эди... Айб ўзимда. Шунинг учун Худо менигина жазолади. У даврини суриб, ялло қилиб юрибди. Оиласи тўкис, болалари улғайяпти. Мен-чи? Мен ҳам шу бечора болалар каби ташландиқман. Ташландиқман... Ташландиқ эканимни шу пайтгача ўйламабман. Ёлғизлик бошқа, ташландиқ бўлиш бошқа...»

— Ҳа, холажон, нега менга тикилиб қолдингиз?

Журъатнинг овози узоқдан келгандай бўлди. Шу нафасда Кўпайсиннинг кўз олдидаги қонли парда йўқолди. Йигитчага тикилиб қолганини ўзи ҳам сезмаган эди. Нима деб жавоб қайтаришни билмай турганида Холида «бировга ўхшатдилар шекилли» деб, уни хижолатликдан қутқарди.

— Ҳа, ҳа ўхшатдим, болам, — деди қизнинг тахминини маъқуллаб.

— Кимга? — деб сўради Журъат.

— Кимга, дейсизми? — Кўпайсин довдираб қолди. Нима деяётганини ўзи ҳам билмай гапирди: — Ўғлимга... ўхшар экансиз. Тирик бўлганида...

— Ўғлингиз ўлганми? — деб яна сўради Журъат.

Кўпайсин тасдиқ ишорасида бош ирғади-ю, аммо қалби тўрида тирик сақлаётган боласини «ўлган» дея олмади.

— Неча ёшда эди? — деб қизиқишини давом эттирди Журъат.

— Йигирма... — Кўпайсин «йигирма кунлик» деб юборай деди-ю, тилани тишлади.

— Йигирма ёшдамидилар? — деб Холида унинг мушкул-лини осон қилди.

Кўпайсин яна бош ирғаб, тасдиқ ишорасини қилди-ю, ичида ўзини лаънатлай бошлади:

«Нега ёлгон гапиряпман? Нимадан умид қиламан? Қанча қидирдим... Изи ҳам йўқ... Агар шу онда бу йигит менинг ўғлим бўлиб чиқсами... Нима қилади? «Онажон!» деб ўзини бағримга ташлайдими? Ё афтимга тупуради-ми? Ҳа... тупуради! «Айб менда эмас», деб уни ишонтира олмайман. Тупуради... тупуришга ҳаққи бор...»

Унинг безовта юрагида санчиқ турди. Бундан баттар ҳолга тушмаслик учун, сумкачасидан ҳабдори олиб тили остига ташлади.

— Холажон, нима бўлди, мазангиз қочяптимиз? — деди Холида, меҳрибонлик билан.

— Йўл уринтириб қўйди, шекилли...

— Унақада бир ўзингиз юрманг-да, — деди Журъат. Унинг овозида ҳам меҳр оҳанги сезилиб, Кўпайсиннинг кўнгли равшанлашди.

— Бир ўзим юрмайман... Худойимнинг Ўзи асрайди... Атрофимда яхши одамлар кўп. Мана, Худойим сизларни менга йўлдош қилди...

Кўпайсин жилмайди. Тирналган юрак дарди бироз чекингандай бўлди. Шундан сўнг учовлари ҳам тақдир шумликларини эсламай, яхши гаплардан гапиришга ҳаракат қилдилар. Купега тўртинчи йўловчи чиқмагани учун Холида ҳам пастки ўриндиққа жойлашди. Кеч киргач, вагон чироғи хиралашди. Етимхона тартибига кўниккан болалар ухлашди. Ёшларнинг руҳ азобидан тўлғониши ҳам осон, овуниши ҳам осон. Кўпайсин ундайлардан эмас. Ётгани билан кўзига дарров уйқу кела қолмади. Киприкларига уйқу илинган дамда ўша мудҳиш манзара кўринаверди:

...боласини бағрига босиб ўтирган жувон...

...чақалоқни юлиб олиб, чиқиб кетаётган йигит...

Назарида бу тун аввалгиларига қараганда чўзилгандай туюлди. Кун ёйилганда манзилга етиб, вагондан тушдилар.

— Раҳмат болаларим, йўлда менга анча далда бўлдинглар, барака топинглар, — деб дуо қилди Кўпайсин.

— Юкингиз офир экан, уйингизга кузатиб қўя қолайлик. Кейин бизга институтга олиб борадиган йўлни кўрсатиб қўярсиз, — деди Журъат.

Кўпайсин бунақа меҳрибонликни кутмагани учун бир оз довдиради:

— Вой, сизларни уринтираманми... раҳмат, болам... Мени сийлаяпсиз, сизни Худо сийласин. Аслида йўлимиз деярли бир... институтинглар бизникига яқин. Юрақолинглар...

Биргалашиб кетдилар. Ҳовлига киришгач, Журъат жомадонни гулзор ёнига қўйди. Холида остона ҳатлади-ю, тўхтади.

— Хола, хайр, энди биз борайлик, — деди Журъат.

— Шошилманг, болам, бир пиёла чойимни ичмай кетсанглар рози эмасман.

— Институтга вақтлроқ учраша қолайлик, — деди Холида.

— Вой қизим-ей... институтга бориш қочмайди, ҳали эрта, улгурасизлар. Кечгача ҳужжат қабул қилишади. Ҳужжатни имтиҳонгача топширсангиз бўлди-да, ҳали орада бир ой вақт бор.

Кўпайсин шундай деб, Холидага яқинлашди-да, билатдан ушлаб, худди ўжар қизчани етаклагандай сўри томон бошлади. Улар кўпам ноз қилиб турилмади, иккови Кўпайсинга ёрдам бериб, нонушта тайёрлашди. Етимхонадаги навбатчиликларда бунақа ишларни батартиб қилишга ўрганишган эди. Кўпайсин уларнинг ҳаракатларини кузатиб, қувонди. Назарида Худо унга меҳрибон йўлдошларни эмас, бир ўғил ва бир қизни бергандай бўлди.

Нонуштадан кейин Холида чаққонлик билан дастурхонни йиғиштирди. Ёрдамга турмоқчи бўлган Журъатни ҳам, Кўпайсинни ҳам жойига қайтарди.

Холида йиғиштириб бўлгач, кетишга рухсат сўради.

— Болам, юкларингиз шу ерда тура турсин. Аввал бординглар, учрашинглар. Ҳужжатни топширинглар. «Журъатбек билан Холидахон қачон келишаркану, биз қачон уларга ётоқхона эшигини очиб бераркинмиз?» деб илҳақ ўтиришмагандир. Сизлар бориб келаверинглар-чи... Меникида бир кеча меҳмон бўлмасангизлар, рози эмасман.

Холанинг бу меҳрибончилигини қабул қилсакми ё йўқми, дегандай улар бир-бирларига савол назари билан қараб олдилар. Холида бош чайқаб «йўқ» ишорасини қилди-да, жомадонини кўтарди. Журъат бир оз ўйланиб тургач, жомадонни унинг қўлидан олиб, айвонга қўйди. Кўпайсин институтга бориш йўлини тушунтириб қўйгач, «келганин-глاردан кейин шаҳарии ўзим айлантираман», деди.

Болалар кетишгач, хаёлида ғимирлаб, тинчлик бермаётган фикр забтига олди. Кўнгил сирини кимгадир айтгиси келиб турганида ён қўшниси чиқиб қолди. Қўшни кўришиб бўлгач, болаларнинг жомадонларига ажабланиб қараган эди, Кўпайсин ҳаяжонини яшира олмади:

— Айланай, Сарвихон, юрагим би-ир ғалати бўлиб кетяпти, би-ир ғалати бўлиб кетяпти-ки... — деди.

— Тинчликми, нима бўлди? Уч кун олдин қайтишингиз керак эди, роса хавотир олдик.

— Айланай овсин, сизга юз марталаб телпон қилдим-ов, ҳеч уланмаса-я! Норбувини биласиз-ку, соғинганман, деб ҳеч қўйвормаса-я! У томонларнинг одати ҳам қизиқ-да. Қўни-қўшниларникида галма-гал меҳмон бўлмасангиз жуда қаттиқ ранжишади. «Мени менсимади», деб гинахонлик қилишади.

— Эсон-омон қайтибсиз, шунисига шукр, — деди Сарви.

— Овсин, йўлда келаётганимда Худо менга би-ир меҳрибонлик қилганга ўхшайди.

— Меҳрибонлик? Қанақа меҳрибонлик?

Кўпайсин гапни бошлашга бошлаб қўйиб, охирига етказишга иккиланди. Уч-тўрт нафас сукут сақлади-да, жавобни қизиқиш билан кутаётган қўшнисидан нигоҳини олди. Айтадиганига ўзи ҳам аниқ ишонмагани учун ишончсизлик билан деди:

— Худо ўғлимни қайтариб берганга ўхшайди...

Айтгувчининг ўзи ишонқирамаган гапга эшитгувчи ишонармиди? Сарви қўшнисига ажабланиб қараб қолди. Кўпайсин ундан «Худого шукр-ей, бу бахтли кунни кутавериб юракларингиз толиқди, қайтиб бергани рост бўлсин!» деган хитобни кутган эди. Хитоб ўрнига савол эшитди:

— Нима? Ўғлингизни... топдингизми?

— Шунақага ўхшайди...

— Тушунмаяпман? Топдингизми ё топганга ўхшайсизми?

— Шошилмай туринг, — деди Кўпайсин нафас ростлаб. — Ҳаҳ, гапимдан ҳам адашиб кетаман-а... Шу десангиз... ўзимники эмас, лекин ўрнига ўрин, десаммикин...

Кўпайсин йўлдаги воқеани сўзлай бошлади. Ҳам ҳаяжон, ҳам йнғи, ҳам умидли кулгу билан сўзлади. Гапларини шунчаки тил учида айтмади. У йўлда келаётганидаёқ «Худо ўғлимни қайтариб берди», деган фикрга ўзини ишонтира бошлаган эди. Ҳозир қиёматли қўшниси, кўпгина сирлардан воқиф бўлган Сарвини ҳам шу фикрига ишонтирмоқчи бўлди. Сирдошидан: «Ҳа, овсин, тўғри айтасиз, бу бола қуйиб-қўйган ўғлингизнинг ўзгинаси, Яратганга шукр қилинг, Аллоҳ чиндан ҳам сизга меҳрибонлик қилибди», деган тасдиқ гапини кутди. Сарви эса унинг бу ҳолатини тушунолмайд гарангсиди. У дилпора қўшнисининг қувонч-у ташвишларидан хабардор бўлса-да, унинг қалб ярасини, бу яранинг азобини ҳис эта олмади. Ёлғиз аёлнининг дардини фақат тирноққа зор одамгина ҳис эта олади. Фарзанду набиралар бағрида яйраб яшаётган Сарви бу дардга бегона. У, «кўчада учраган бегона болани ҳам «ўғлим» дейиш мумкинми?» деган муаммога жавоб қайтаролмай гаранг. Қанча ўйламасин, саволига тўғри жавоб топа олмади. Ноўрин жавоби билан қўшнисининг яримта кўнглига яна озор бериб қўйишдан чўчиб, фикрини ғоятда қисқа баён этди:

— Ўзингиз биласиз... бир нарса дейишим қийин...

— Бир кун олдин туш кўрувдим. Суви тип-тиниқ дарё эмиш. Дарёда бир чақалоқ оқиб келаётганмиш. Нукула қийқириб кулиб, менга қараб талпинармиш. Тутиб оламан, десам тутолмайман. Шунда оппоқ соқоли бир одам болани баланд кўтариб: «Мен Хизр бувангман, мана ўғлинг, қараб қўй — у тирик! Ол, бу сенинг боланг!» деди. Гапларини аниқ эшитдим. Болани қўлимга олиб, бағримга босдим. Эмизмоқчи бўлган эдим, кўкрагимга сут келди... Айланай овсин, бу тушимда бир ҳикмат борга ўхшади...

Сарви бу гапларни эшитиб, енгил хўрсинди-да, яна:

— Ўзингиз биласиз, — деб қўйди.

Бу жавобдан Кўпайсин қоникмади.

— Гапингиз бирам мужмал-ки, овсин, «синалмаган бола» демоқчисиз-да, а?

— Энди... билиб бўлмайди-да... «Одам оласи – ичида», дейишади-ку?

— Биламан, овсинжон, биламан. Уни дарров «ўғлим», деб уйимнинг тўрини бериб қўя қолмайман. Аввал бир-икки ой шу ерда яшасин, ўқишга кириб олсин. Унгача... ҳаҳ, нима дерди... ҳа, ижарачи бўлиб туради. Ҳозир ҳужжатларини топшириб келгунича кичик уйни бўшатиб қўйсаммикин? Шунақа қила қолай. Қиз менинг хонамда ёта туради. Ўғил болага алоҳида хона керак.

Ҳужжатларни топшириб келган Журъат билан Холида Кўпайсиннинг таклифини эшיתיб, иккиланишди. Кўпайсин уларни тезроқ кўндириш учун ҳазил тариқасида, «ижарачи бўлиб турасизлар» дегач, бир-бирларига савол назари билан қараб олишди.

— Ижара ҳақи тўлашга пулимиз йўқ, — деди Холида.

Кўпайсин ҳазили ўхшамаганидан хижолат бўлиб, унинг бошини силади:

— Ҳазиллашдим, қизим, яхши ўқиб, одамларга яхши хизмат қилиб юрсангизлар ўша ижара ҳақи бўлади, яхшиликларингизнинг савоби менга ҳам тегади, — деди.

Шундай қилиб, улар Кўпайсиннинг уйида яшай бошладилар. Холида тез кунда у билан она-боладай бўлиб кетди. Бу уйда яшашга дарров унаган Журъатнинг эса кўникиши қийинроқ кечди. Кўпайсин меҳр кучоғини очиб яқинлашгани сайин ўғил ўрнини босиши лозим бўлган бу йигитча ундан ўзини олиб қочаётгандай эди. Кунлар ўтиб борар, Кўпайсин йигитчадаги фазилатларни ўзича кашф этаверарди. Иллатларидан эса кўз юмарди. «Етимлик, тарбиясизлик оқибати», деган баҳона билан уни оқларди. Бу интилишлар ўз самарасини бера бошлади – Журъатга нисбатан бўлган меҳри ошса ошдики, камаймади. Оқибат — она-бола тутинишни, маҳаллага ош бериб, маълум қилиб қўйиш нияти борлигини айтди. Унинг асл мақсади Журъатни элга «тутинган ўғил» деб таништириш эди. Холида Журъат билан ака-сингилдай бўлгани сабабли уни «қизим» деб атади. Сарвигани ниятини айтиб, маслаҳат сўраган эди,

у: «Шошяпсиз, аввал яхшилаб синанг», дея олмади. «Балки Худо чиндан ҳам бахтини бергандир», деб ўйлади.

Янги йил арафасида Кўпайсин муддаосига етди: маҳаллага ош бериб, тутинган фарзандларини таништирди.

Кўпайсиннинг ҳам, Журъат билан Холиданинг ҳам тақдиридаги адолатсизликка шу тарзда барҳам берилгандай бўлди. Барчалари бахтиёр эдилар. Бахтсизлик ортда қолгандай эди...

Лекин... тақдир этагига илашган бахтсизлик дарров чекина қолмайди.

Холида дарсдан кейин тўғри уйга келарди. Бу сафар ҳам одатига хилоф қилмади. Яхши кайфият билан остона хатлаб ҳовлига кирди-да, баланд овоз билан салом бериб:

— Ойижон мен келдим! — деди.

— Келдингми, қизим, «ойижон!» деган тилларингдан айланай. Аканг шу пайтгача келмади-я?

— Дарслари кўпдир-да...

— Ишқилиб бошинглар омон бўлсин. Тўйларингни кўрайин. Аммо... кўнглим бир нарсадан хавотирда-да, қизим.

— Нимага хавотир оласиз, ёш бола эмас-ку?

— Сен шунақа деяверасан-да. Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада бўларкан. Сезмаяпсанми, акангнинг машқи анча паст. Нимадандир сиқияпти.

— Сизга шунақа туюлгандир. Ҳозир имтиҳон пайти, кўнглига бошқа гап сиқмайди.

— Имтиҳонлари ҳам бор бўлсин. Болаларни мунча қийнашмаса! Ё... домлаларига бориб би-ир учраймикин-а?

Бу гапни эшитиб Холида кулиб юборди.

— Бориб нима дейсиз? Эркатоимни қийнаманглар, дейсизми?

— Жудаям унақа демасман. Ҳар ҳолда бир учраб қўйсам ёмон бўлмайди.

— Менинг домлаларимга ҳам борасизми? — деди Холида қувлик билан.

— Боринг, десанг боравераман. Болаларимнинг жонлари темирдан эмас, инсоф қилинглари, дейман.

— Қўйинг-е, ойижон, борсангиз уят бўлади. Ҳамма биздан кулади.

Холида шундай деб турган онда кўча эшик очилиб Журъат кириб келди. Кайфиятсиз ҳолда салом бериб, хонасига кириб кетди. Бундан ажабланган Кўпайсин билан Холида кўз уриштириб олдилар. Холида Журъатнинг кўнглида бир дард борлигини олдинроқ сезган, Кўпайсинни ортиқча ташвишга солмаслик мақсадида «имтиҳонлари кўп», деган баҳона билан чалғитмоқчи бўлганди. Журъатнинг ҳозирги қилиғидан кейин тутинган онасини овутадиган сўз тополмай қолди. Кўпайсин бир оз ўйланиб тургач, Журъатнинг изидан хонасига кирди.

— Эсон-омон келдингми, болам, — меҳрибонлик билан шундай дегач, Журъатнинг пешонасини ушлади. — Тобинг қочмадимми, ишқилиб? Жон болам, дардингни айт, билиб турибман, сиқилияпсан. Сенга қараб туриб, мен ҳам эзилиб кетяпман. Дардингни менга айтмасанг, кимга айтасан?

Бу саволни эшитиб, Журъат беихтиёр уфлаб юборди. Энди «ҳеч қанақа дардим йўқ», дейишга баҳона топа олмади. Кўпайсин саволини такрорлагач, эзгин овозда:

— Имтиҳонлар кўп... топшириш қийин... домлалар эзворишди... — деди.

— Домлаларингга борайми?

— Бориб нима қиласиз?

— Боламни ортиқча қийнаманглар, дейман-да...

— Шугинами? — Журъат истехзо билан кулди. — Қизиқсиз... улар қуруқ гапга қулоқ солишмайди.

— Қуруқ гапга? — Кўпайсин ажабланди. — Нима, у-бу нарса бериш керакми?

— Томоқларини мойлаб туриш керак. Бошда билим йўқ, аммо чўнтаги тўла бойваччалар уларни ёмон ўргатиб қўйишган. Энди улар билимли-билимсиз, бой-камбағалга қарашмайди.

— Вой ўлмасам, ўшанақа жойда ҳам олишадими?

— Қизиқсиз... Бу ерга бошқа дунёдан келганмисиз? Олишларини ростданам билмасмидингиз?

— Шундай мўътабар жойда-я! — Кўпайсин «аттанг!» дегандай бошини сарак-сарак қилди. — Эшитардим-у... ишим тушмагани учун унча ишонмасдим...

— Ишонаверинг, бизда биттаси бор. Наҳанг балиқнинг ўзгинаси. Чайнаб ўтирмай, ликқа-ликқа ютади. Тўймай-

ди. Ҳозир ўшанга рўпара келиб қолганман. Минг билимингиз бўлсин, унга сариқ чақа. Бошқаларида унча-бунча инсоф бор. Уларнинг имтиҳонидан ўтаман. Буниси томоққа қадалган қилтаноққа ўхшаб туриб олган.

— Баднафс бўлмай ўлақолсин. Шунақа экан, ўзингни қийнама болам, сўраганини бериб қўя қол. Қанча сўраяпти?

— Нима деяпсиз?! Бир тийин ҳам бермайман! Билимим бор, яна бир уриниб кўрай-чи...

— Пулга ўрганган бўлса, у ергина ютгур олмагунича қўймайди. Айтавер, болам, пулим бор, қанча сўраяпти?

— Керакмас... — Журъат шундай деб бошини эгди.

— Айт, болам, мени кўп қийнама.

— Бир хил болалар йигирма «кусок»дан беришибди.

— Кусогинг нима?

— «Минг» дегани.

— Вой, ўлмасам, беш мингми? Беш минг сўрайдими, а? Вой қорингинанг ёрилгур-а...

— Менга учтага қўйиб беради, ҳар ҳолда билимим бор.

— Қачон бериш керак?

— Бугун... охирги муддат...

Журъат кейинги гапини худди ажалга рўпара турган бечоранинг аламли овозида айтгани учун Кўпайсин шошиб қолди:

— Ҳозир болам, ҳозир. Бераман сўраганини. Сенларни қийнайдиган нафси гўрда чирисин-а...

Кўпайсин жаврай-жаврай, ўзи кўрмаган муаллимларнинг гўрига гишт қалай-қалай, сандиқ тубидаги пулдан олиб берди. Пулни олаётганда Журъатнинг бетлари сал қизаргандай бўлди, лекин Кўпайсин буни сезмади. Журъат уялганидан унинг кўзларига қарай олмади. Кўпайсин буни ҳам сезмади. Алҳол унинг бутун ўй-хаёли адолатсиз ва ноинсоф домлаларда эди.

Кўпайсиннинг қарғишлари шамолга қарши қичқиришдай каби, эгасини топиб боролмайдиган бир гап эди. Чунки Журъатдан ҳеч ким пул талаб қилмаган, дарсларни яхши ўзлаштиргани учун имтиҳонлардан ўтиб бўлган эди. Гарчи пул олаётганида салгина уялган бўлса-да, ёлғон гапириш унинг учун янгилик эмасди. Етимхонада бирон ёмонлиги

учун жазодан қутилишнинг ягона чораси – ёлғонни усталлик билан гапириб, тарбиячиларни ишонтириш эди. У чоқларда айбини яшириш учун айтарди ёлғонни. Энди эса... гуноҳ орттириш учун ишлатди бу маҳоратни. Ишлатдию... қандай гуноҳга ботганини фаҳм этмади. Унинг учун энг муҳими — пул унди! Гапига бу содда хотин ишонди!

Пулни олиши билан «инсофсиз домла билан ҳисоб-китоб қилиш учун» шошилганича уйдан чиқди.

Унинг дарди институтдаги имтиҳон эмас, юрагини ишғол қилган қиз ҳузуридаги синов эди. Ўтган ойда сабоқдош ўртоғининг зўри билан дискотекага борди-ю, унда қошлари қалин, кўзлари шаҳло бир қизни кўриб, тинчини йўқотди. Ўртоғи буни билиб, қиз билан таништириб қўйди: Наргиза! Агар бошқа бир одам Холида билан Наргизани ёнма-ён турганини кўрса, чиройни қиёсларди-ю, шубҳасиз, Холидага ишқи тушарди. Лекин кўнглига ҳукм ўтказиб бўлмайди. Наргиза билан танишгандан бери, унинг билагини ушлагандан бери Журъат ақл-ҳушидан айрилган. Уни бир томондан жиловсиз севги ўти куйдирса, иккинчи томондан бу қизга етишишнинг мушкуллиги азобларди. Энг охирги таомилда кийиниб юрувчи, пулдор бу қизнинг ҳеч кими ва ҳеч нарсаси йўқ бир етимга тегиши мумкин эмаслигига Журъат қаттиқ ишонар ва бу ишонч уни иложсизлик ботқоғига тобора ботирарди.

Бугунги учрашувга қуруқ боришдан иснод қилди. Сандиқда пул борлигини биларди. Бир куни сандиқ тепасидаги кўрпаларни олиб, Кўпайсинга ёрдам берганда кўрган. Пулни яширинча олмоқчи ҳам бўлди. Ҳа, айнан: «ўғирла-саммикин?» деб эмас, «бекитиқча олсаммикин...» деб ҳам ўйлади. Ўғирлаш билан бекитиқча олишнинг айнан бир эканини фаҳмлаб, бу ишни амалга оширишга виждони йўл қўймади. Бироқ, бекитиқча олиш билан алдаб олишнинг гуноҳи ҳам бир эканини ўйлаб кўрмади.

Ўйлаб топган ёлғони натижасида бутун қиз кўнглини овлашга ишонч билан кўчага чиқди. Йўлдан гулдаста сотиб олиб, белгиланган жойда Наргизани кутди. Олдинги учрашувларида қиз кечикмаганди, бу сафар ҳаялмагани учун у ташвишланди. Наргизанинг қаерда яшаши унга маълум эмасди, келмай қолган тақдирда қаердан излаш-

ни ҳам билмасди. Кутиш билан ўтган ярим соат унга ярим йилдай туюлди. Ниҳоят қиз келди! Орқа томондан келиб, кафти билан Журъатнинг кўзларини беркитди. Қизнинг кўкраги курагига тегиб, йигитнинг юраги ўйнаб кетди. Ўғирилди-ю, беихтиёр равишда қўлини қизнинг белига юборди. Наргиза нозланиб, ўзини четга олди.

— Журъатчик, обижатся қилма, хўп? Энди чиқаман, деб турувдим, уйга папамнинг родственниклари келиб қолишди. Бунақа пайтда овқат сал не то бўлса, папам ваабше бушеват қилиб ташлайдилар. Мамамга азгина қарашвордим. Так что, извини, — деди лабини нозли чўччайтириб.

— Хафа бўлганим йўқ... — деди Журъат жилмайиб. — Сиз... овқат қилишни биласизми?

— Короче, унча-бунча могу. Слушай, сен нимага яна сизлаяпсан? Келишганмиз-ку, на «ты». О, кей?

— Хўп, о, кей! Кетдикми?

— Сен — кавалер, значит, нима десанг – шу! Қаерга борамиз?

— Ўзинг айта қол, — деди Журъат, ўзини қул чоҳига тушириб, қизни эса қулдор мартабасига кўтариб. Бунинг учун уни айбламаслик керак. Чунки қизнинг билагига тирсаги тегса ҳам юраги ўйнаб кетадиган ҳар бир йигит ўзини қиз оёғига ташлашга тайёр туради.

Журъат ўзини пастга олмаса ҳам, Наргиза ўзининг мартабаси баланд эканини биларди, шу боис йигитга ҳукм ўтказа олишига амин эди. «Ўзинг айта қол», дейилгач, ўйлаб ҳам ўтирмай деди:

— Ваабше, бугун мен сени мамамга кўрсатмоқчи эдим. Анув противнийлар келиб қолишди. Ну ладно, короче, дискотекага борамиз. О, кей?

— Хўп, хоккей, — деди Журъат кулиб.

Буни эшитиб, Наргиза қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Унинг жарангдор кулгиси йигит кўнглини баттар ўртади.

— «Хоккей» эмас, ну, деревня! О, кей! — деди Наргиза кулгидан тўхтамай.

— Ай эм сори, мисс Наргиз, — деди Журъат енгил таъзим қилиб.

Унинг бу ҳазили қизга ёқиб, қўлтиқлаб олди.

— Сен неисправимий болтунсан, — деди-да ҳамёнини кавлади. — Ваабше, ресторанга борсак ҳам бўлади. Мамам бугун шедрий бўлиб кетдилар.

— Бўпти, ресторанга борамиз, — деди Журъат уни қувватлаб. — Лекин шартим бор: менинг ҳисобимга ўтирамиз. Бугун мен ҳам бойваччаман.

— О, шундайми, мистер миллионер, гап йўқ! — деди Наргиза киноя оҳангида. — Адашмадимми? Эҳтимол, «мистер миллиардер»сиз? Сир бўлмаса, айтинг-чи, пулни қаердан олдингиз, миллиардер-студент жаноблари?

— Топдим-да...

— Қаердан? — Наргиза шундай деб қошларини чимирди.

— Ишлаб топдим, «МарДУ»да дарс бердим, — деди Журъат қувлик билан.

— «МарДУ»? Что за «МарДУ»? — деб ажабланди қиз.

— Эшитмаганмисан? «Мардикорлар университети» Бўш пайтимда чиқиб, унча-бунча ишлаб тураман.

Бу гапнинг ҳазил эканини тушунмаган қиз аччиқланди.

— Чтоб, мен буни бошқа эшитмай. Билдинг? Пока мен борман, ҳаммаси за мой счет. Сен студентсан. Так что, ўқишингни бил!

— Студентман, тўғри, — деб эътироз билдирди Журъат, — лекин энг муҳими – эркакман! Бир қизга боқиманда бўлишни истамайман.

Наргиза унинг эътирозини эшитишни ҳам хоҳламай, гапини бўлди:

— Забуд это! Бизнинг орамизда бунақа гап бўлмайди, о, кей? Қани, кетдик. Сен пулингни мелкий расходларга асраб қўй.

Ресторандаги ўтириш Журъат орзу қилгандан ҳам афзалроқ бўлди. Ярим кечада қизни уйига кузатиб қайтгач, тонгга қадар ухлай олмади. Кўзи илинганда Кўпайсин кириб, уни уйғотди.

— Болам, тура қол, чой совиб қолди. Ўқишингдан кеч қолмагин. Холида қизим шошилиб кетди.

Журъат қимирлашга ҳам эриниб, битта кўзини очганича соатига қараб олди-да, «барибир биринчи соатга кеч қолдим», деб туришга ҳаракат ҳам қилмади.

— Унақа дема, болам, тура қол. Чойингни ичгину так-сида бўлса ҳам етиб олгин. Ўқишдан қолмагин. Бир марта бормасанг, кейин интизомсизликка одатланиб қоласан.

Бу гапдан сўнг Журъат енгил уф тортиб, қаддини кўтарди. Лекин туролмади, яна ётиб олди.

— Нима бўлди, болам? — деди Кўпайсин хавотирланиб.

— Бошим айланиб кетди, — деди Журъат, кўзларини чирт юмиб олиб.

У алдамаётган эди. Қаддини кўтараётган дамда кўз олдидаги барча нарсалар чир-чир айлана бошлаганди. Кўпайсин унинг рангсиз юзига боқиб кўрқиб кетди. Кафтини пешанасига қўйди.

— Вой, ўлмасам, иситманг баланд-ку? Ёта қол, қимир-лама! — деди.

Аслида Журъат турганидан кейин, «кеча баҳо қўйиб берадиган домланг билан ярим тунгача гаплашдингми, нега кеч қолиб кетдинг?» деб сўрамоқчи эди. Унинг аҳволини кўриб, тергашни ҳам унутди. Тўрт хонадон нарида яшовчи қўшни врачни чақирди. Табобатдан ҳам хабари бўлган врач Журъатнинг томир уришига диққат қилиб, кафтидаги чизиклардан ниманидир ўқигандай бўлди.

— Терлаб туриб совуқ сув ичганга ўхшайсиз-а, азамат? Ҳеч қиси йўқ, бир-икки кунда югуриб кетасиз. Эрта-лабки бадантарбия билан шуғулланиб, озгина чиниқишингиз керак. Фақат сиз эмас, ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги шу масалада танбал бўлиб қолишган, иродалари ҳам қувватсиз, — деб маслаҳатлар берди. Кўча эшигига қадар кузатиб чиққан Кўпайсинга бошқа гапни ҳам айтди: — Шамоллаши-ку, бугун-эрта ўтиб кетади. Лекин болангиз анча заиф. Иштаҳаси қанақа?

— Кам овқат ейди, жудаям чимхўр.

— Шамоллаши тузалсин-чи, яна маслаҳат қилармиз. Гиёҳлардан дори тайёрлаб берарман, — шундай деб кўчага чиқди-да, ёдидан кўтарилган асосий гапни эслагандай ўтирилди: — Болангизнинг хатти-ҳаракатини сал сергакроқ кузатишингиз керакка ўхшайди.

Врач Журъатнинг кафтидаги чизикларга қараб унинг феъъл-атворини, хусусан, ёлгонга ва худбинликка мойиллигини ўқигандай бўлган эди. «Сергакроқ кузатинг» де-

ганда «хамма гапларига лаққа тушиб ишонаверманг», демоқчи эди. Кўпайсин унинг огоҳлантиришига кўпам эътибор бермади. Уни Журъатнинг ҳозирги аҳволи, заифлиги кўпроқ ташвишлантирарди. «Сергакроқ кузатиш»ни ҳам унинг саломатлигига нисбатан айтилган гап сифатида қабул қилди.

Врач айтганидай, Журъат кўп ётмади. Учинчи кун и дарсга борди. Ундан нари учрашувга ошиқди. Ҳолсизланиб, деворга суяниб турганида қиз ял-ял ёниб, унга яқинлашди.

— Ҳело, мистер Журъатчик, — деб ёноғидан ўпиб қўйди: — Ну как, сенга нима бўлди? Бурга тепди что ли?

— Озгина шамоллабман.

— Вой, бу пустяк, — шундай деб қўлтиқлаб олди. Бир икки-қадам босгач, тўхтади: — Мунча шалвирайсан, нима бўлди?

— Ҳолим йўқ. Иситма пачоғимни чиқариб ташлади. Дўхтир ўқишдан бир йилга таътил оласан, деяпти.

— Серъёзно? — Наргиза йигитнинг кўзларига тикилди. — Раз шунақами, унда где-нибудь у моря отдыхат қилиш керак. Давай, сени мамам кўриб қўйсинлар. Давай, эртага, а? Кўриб, может путевка ҳам тўғирлаб берадилар. О, кей?

Эртасига Журъат ўқишга бормади. Тўйиб ухлаб турди. Нонушта қилиб бўлиб кийинаётганида Кўпайсин «Қаёққа отланыпсан, болам?» деб қизикди.

— Дўхтирга. Курсдошимнинг онаси зўр дўхтир экан, кўриб қўймоқчи.

— Тўхта, менам бирга борай, — деди Кўпайсин.

Журъат «ўзим бораман», деб унамади. Кўпайсин эса аҳдида қаттиқ туриб олди:

— Унақа дема, бир ўзингни сираям юбормайман. Кеча кўчага ёлғиз чиқиб хавотирга қўйдинг мени. Қайтганингда рангингни кўриб, қўрқиб кетдим.

Она-бола шу масалада тортишиб турган онда Наргиза онасига бугунги режасини баён қилаётган эди:

— Мама, бугун Журъат приемингизга боради. Осмотри его ладно? Какой-то чокнутый дўхтир «дам олгин», дебди. Ваабше, бу идея! Мен ҳам дам олишим керак. За одно иккита путёвка устроит қилишингиз керак.

Лабига буйёқ суртаётган Зубайда қизининг топшириғи-ни ҳеч бир эътирозсиз қабул қилди:

— Без проблем. Қаерга Чимёнгами?

— Что, издеваешься?! — деди қиз лабини буриб. — Фақатгина у моря. Или Кавказ или Крым. Ти же сама обещат қилгансиз-ку?

— Обещат қилганман, тўғри, лекин иккита путевка қанча туради, представляеш?

— Ну, мамул, сиз папамга ўхшаган зануда эмассиз-ку! — Наргиза шундай деб онасининг ёноғидан ўпди. — Сизга айтганман-ку, бола что надо! Его қўлдан чиқармаслик керак. У него прекрасный уй бор. Понимаеш? Почти в центре, свой дом. Он ёлғиз ўғил. Кампир такая дряхлая. Бугун или эртага помрет. Уй сотилса, знаеш, сколько будет? Сразу авто сотиб оламиз. Это же целый бойлик!

— Бўпти, ну ладно, аввал кўрай-чи, а дальше посмотрим.

Аҳдида қаттиқ турган Кўпайсин Журъат билан бирга келди. Зубайда уларни кутиб олиб, Журъатни ичкарига бошлади, Кўпайсин даҳлизда қолди.

— Аҳволингиз ничего, унақа угрожающий эмас. Но, яхши ҳам эмас. Коридордаги онангизми?

— Ҳа... шунақа деса ҳам бўлади.

— Как? — Зубайдага қизи Журъатнинг асранди ўғил эканини айтган эди. Бу ҳақиқатни йигитнинг ўз оғзидан эшитиш учун сўради: — Бу нима деганингиз?

Журъат «боқиб олган онам», дея олмади. Шу боис қийналиб бўлса-да, «Ҳа... онам...» деб ерга қаради.

— Сиз чиқиб туринг, онангизга бир-икки гапни тайинлашим керак.

Журъат чиқиб, Кўпайсин киргач, Зубайда уни ўтиришга таклиф этмай, тик турганича гап бошлади:

— Ўғлингизни осмотрет қилдим. Касали опасний эмас. Но, вақтида олдини олиш керак. Унга срочний отдых керак. Дам олмаса бўлмайди. У денгиз бўйидаги курортга обязательный бориши шарт.

— Денгиз бўйига? — Кўпайсин ўйланиб қолди. — Ҳозир бунинг иложиси бўлармикин?..

— Иложсиз нарса борми, бу дунёда? Конечно... если хоҳ-ласангиз... помоч қилишимиз мумкин. Коллегаларим путёвка топиб беришади.

— Путёвка?.. Қанча тураркин?..

— Пока точно билмайман, — Зубайда шундай деди-да, стол устига эгилиб, бир парча қоғозга телефон рақамини ёзиб, унга узатди: — Ҳали по позже звонит қилинг. Мен справка наводит қилиб, кейин тоҷнасини айтаман. Путёвка пулини-ям, самолёт кирасининиям уточнит қилиб қўяман.

Йўланма ва кира ҳақларининг осмон барабар бўлишини ҳозирнинг ўзидаёқ чамалаган Қўпайсинни ваҳима босди. «Шунча пулни топиб бера олармикинман?» деб хавотирланди. Лекин ташвишини юзага чиқармай, Зубайдани дуо қила кетди:

— Барака топинг, синглим, ўғлим соғайиб кетса бас. Пул топиладиган нарса. Соғлиқ топилмади. Ҳозир доридармон ёзиб бермайсизми?

— Йўқ, пока керакмас. Унга свежий ҳавода отдих зарурроқ.

Қўпайсин унинг гапларига ишониб, дуо қилганича чиқиб кетди. Зубайда оқшомда уйига қайтиб, унинг ҳолатини қизига кула-кула айтиб берди. Журъатни кечки таомга таклиф қилганини ҳам айтди. Қошини тераётган Наргиза кўзгудан кўз узмай кулиб, онасини мақтади:

— Ваабше сиз умница, мамуль. Балванни уйга чақиртириб умний иш қилибсиз. Ўзимам пригласит қилмоқчийдим.

— Вақтида аралашмасам, буниям қўлингдан чиқариб юборасан.

— Ну нет, мама, бу балван никуда и никогда не улетит. Мен уни шунақанги окутат қиламанки, до конца жизни оёғим остида путат қилади. Вот увидеш. Старухасига нима дедингиз?

— Все, что надо. Курортга обязательный борсин, дедим. Путёвкасини топиб бераман, дедим. У бирпас туриб звонит қилади. Путёвка билан заодно самолёт пулини айтаман.

— Ну мама, пулсиз дедим-ку? Хотъ раз одамга доброта керакми? Пусть он болван, лекин у меник-ку! Завтра он сизга куёв, в конце-да концов.

— Бўди, болтат қилаверма. Прекрасно тушунаман. Ўзинг понимат қилишни хоҳламаяпсан. Бесплатно тўғри-лаш ваабше мумкинмас. Сразу подозрит қилишади. Луч-ше пока пулини оламиз. Сен беспокоится қилаверма, тўйингдан кейин ҳамма пулини до копейки ўзингга воз-врат қиламан.

Она-боланинг баҳси ниҳоясига етай деганда эшик қўнғироғи чалинди.

— Қара-чи, на pewno куёв бола келгандир? — деди Зу-байда.

Наргиза онасига эркаланиб қараб олиб, ноз билан бу-риди-да, кўча эшик томон юрди. Дам ўтмай уйга Журъ-атни бошлаб кирди-да, уни нонуштадан бери йиғишти-рилмаган дастурхон тўрига ўтқазди.

— Хуш келибсиз, Журъатжон, келганингиздан... ну во-обшем очен рада. Энди буни обмиват қиламиз.

Шундай деб жавондан конъяк олиб, қадаҳларга қўйди.

— Мен ичмайман, — деди Журъат бу мулозиматдан ҳижолат тортиб.

— Сизга бу фойдали, — деди Зубайда. — Буни как врач айтяпман. Буни специально сиз учун купила.

— Журъатчик, менинг маманинг қўлларини ҳали ҳеч ким қайтармаган. Даже висший чиновниклар ҳам, — Наргиза шундай деб қадаҳни унинг қўлига мажбурлаб тутқазди.

Журъат қадаҳни олгач, жавон устидаги суратга тики-либ қолди.

— Бу менинг папам, — деди Наргиза. — Кеча служеб-ный командировкага кетдилар. Ҳозир заграницада юриб-дилар. Мен сенга айтганман, он у нас важный персона.

Журъат бу уйда сархуш бўлган онда Кўпайсин Сарви-ни йўқлаб чиққан эди.

— Айланай, овсин, бағрим тўлиб, Худога шуқр қилиб юрганимда Журъатжоннинг хасталиги кўнглимни ярим-та қилиб қўйди. Болам дам олиши шарт экан. Дўхтирлар «курортга юборинг», дейишяпти. Болам шўрлик етимлик тузини ичиб анча қийналган-да.

«Синамай туриб асраб олган болани бунчалик эркала-тиб юборманг», дейишга Сарвининг тили бормади. Били-нар-билинемас бош чайқаб:

— Ўртоқлари билан тоғу тошларга чиқса, ҳаво алмаштириб кўнгли ёзилади. Бу ёғи баҳор... — деб қўйди.

— Тоққа чиққани билан фойдаси кам экан. Денгиз бўйидаги курортга бориши шарт эмиш. Дардига даво фақат ўша ерларда топиларкан. Дўхтирлар билмаса бир нима демайди, денгизнинг ҳавоси бўлакча-да.

Бу гапдан Сарвининг гаши келди. Кўшнисига тикилиб қолди: «содда деса – содда эмас, лақма деса – лақма эмас. Қандай балого учраб, эс-ҳушини йўқотди бу хотин?» Сарви кўшнисининг кўзларини очиш учун қаттиқроқ гапиришни маъқул кўрди:

— Намунча! У ёққа бориб-келишнинг ўзи бўларканми? Жуда ҳам эркалатворманг бу болангизни. Нима деса, хўп, деб ҳовлиқтирманг.

— Вой, унақа деманг, — деб қўшнисидан гина қилди Кўпайсин. — Курортга боришни ўзи айтмади, дўхтирларнинг гапи бу.

Кўпайсиннинг бу изоҳи ҳам Сарвиге ёқмади:

— Мен бир нима деёлмайман, ўзингиз биласиз, — деди ҳафсаласизлик билан.

— Айланай овсин, аввал ҳеч кимим йўғиди. Ўлсам ким кўмаркин, деб ташвишланардим. Худога шукр, энди болаларим бор. Бир амаллаб тепкилаб-тепкилаб кўмишар. Бу ёғидан энди хотиржамман. Курорт сал серчиқим экан. Уйдаги пулим етмаса керак, шунинг учун сизни безовта қилдим.

— Қарз керакми? Хўп, адалари келсинлар, маслаҳат қилиб кўрармиз.

Сарви бу гапни кескинроқ оҳангда, «биздан қарз сўрамаганингиз маъқул эди», деган маънода айтди. Кўпайсин унинг мақсадини тушуниб, маънос кулимсиради:

— Йў-й қ... қарз керакмас... Ўлимлигимга аталган пулни сизга бериб қўйган эдим. Шуни бера қолсангиз... Кўнглим сезиб турибди, ҳали-бери ўлмайман. Бултурги касалим бутунлай тузалиб кетди.

Бу талабни эшитиб, Сарви лабини тишлади:

— Ўзингиз биласиз... Лекин... аталган нарса-я...

— Ҳа энди, аталса-аталмаса, бир пул-да. Бултур оғриганимда кўнглимга ваҳима тушиб бериб қўйган эдим. Энди

ваҳима ҳам йўқ. Ўзим, Худойимга шукр, соппа-соғайиб кетдим.

«...соппа-соғайиб кетдим...»

«Айтган гапига ўзи ишонармикин?.. — деб ўйлади Сарви. — Омонатини топширгудай бўлса шу икки етим кўмармикин? Ўлик кўчада қолмайди, маҳалла ўраб-чирмаб, охирги манзилига олиб бориб қўяди. Лекин... бунча тор ўйлайдиган бўлиб қолди, бу хотин?»

Ўтган йили айвонида чалажон ётган Кўпайсиннинг аҳволи кўз олдига келиб юраги кўйди. Кўпайсин қишин-ёзин барвақт туриб кўча супуришни канда қилмасди. Қўни-қўшнилар ҳазиллашиб «ибратли келин», деб ҳазиллашишарди. Кўпайсин уларга жавобан «мен қайнонамнинг дуоларини олмаганман, маҳалланинг дуосини олай», деб кулиб қўярди. Сарви ўғлини уйлантиргач, «сиз энди кўчага супурги кўтариб чиқманг, бу ишни келинимга қўйиб беринг», деганда ҳам Кўпайсин одатини тарк этмади. Ўтган йили, кунларнинг бирида келин қўшни томонга супурги тегмаганига ажабланиб, Сарвиге айтди. Бу хабардан юраги ғашланган Сарви шошилиб қўшнисиникига чиқди. Кўпайсин айвонида узала тушиб ётарди. Сарви уни ўлиб қолган, деб гумон қилиб, кўрқиб кетди. Йўқ, юраги уришдан тўхтамаган экан, врач вақтида келиб, жонини сақлаб қолди. Касалхонадаги врач «юраги заифлашибди, эҳтиёт қилмасангиз, охири яхши бўлмайди», деб Сарвини огоҳлантирган эди.

Сарви шуларни эслаб, бош чайқаб қўйганича уйга кириб кетди-да, беш-олти дақиқадан сўнг тугунча кўтариб чиқди.

Зубайданинг ҳаракати билан иккита йўлланма ҳам топилди, самолёт чиптаси ҳам олинди. Йигирма тўрт кунда қайтиши керак бўлган ёшлар уйларига бир ойдан кейин кириб келдилар. Кўпайсин денгиз офтобида қорайган асранди ўғлининг бетларини меҳр билан силади. Тўлишиб қолган Журъатнинг яхши кайфият билан қайтганидан хурсанд.

Зубайда ҳам мамнун. Аммо меҳмон кутишга тоқати йўқлиги учун дастурхон тузаб овора бўлиб ўтирмади. У қизининг тўлишган қоматига меҳр билан боқди. Унга коньяк қўйиб узатди.

— Ичмайман, что-о не хочется, — деди Наргиза қадаҳ-га қўл узатмай.

— Озгина ичавер, напряжениянгни олади. Йўлда уста-ло, навроно.

Наргиза бир оз иккиланиб тургач, қадаҳни олиб, коньякдан икки қултум ҳўплади.

— Ана энди расказжи, нималар бўлди? — деб сўради она.

— Нима бўларди? Ну, он как миленький: ёт, десам — ётади; тур, десам — встанет и все! Хоть эртага с утра ЗАГС-га борсак ҳам бўлади. У лично меники! Никуда не денит-ся. Энди у моя собственност!

Наргиза келганида отаси ухлаб ётган эди. Она-боланинг овозидан уйғониб, ўрнидан турди. Лекин меҳмонхона остонасига келганда, тўхтаб, ичкаридаги гапга қулоқ солди. Эрининг уйғониб, гап пойлаётганидан беҳабар Зубайда насиҳатини бошлади:

— Насчет ЗАГСa сал шошилмай тур. Аввал уйни решат қилиб олиш керак.

— Как? — деб ажабланди Наргиза.

— Как, деганинг нимаси?! Ўзинг думат қилиб қўр-чи? Унинг онаси сен айтгандай «дряхлая старуха» эмас. Яна юз йил будет жить. Сен унга как служанка бўласанми? Ну, йўқ! Сен у меня единственная! Надо сделать так: сен балванингга скажи, чтоб у уйни ўз номига ўтказиб олсин. Ўз номингда уй бўлмаса сенга тегмайман, деб айт. Даже миллионерларнинг ўғлига ҳам соғлашатыся қилмаганман, деявер. Подумай, у ҳали студент. Уни яна неча йил кормит қилишим керак?

— Мама, кормит деганингиз нима? — деб лабини бурди Наргиз. — Ахир у чужой эмас, эрим.

— Допустим, эринг. Но, ейди, ичади, кияди. Кимдир уни обеспечит қилиши керакми?

— На счет уй айтдим уже. Уйни ўзининг номига оформит қилади. Свадьбадан кейин сотамиз. Старухага бир хонали квартира купим. Шаҳарнинг окраинасида арзон квартиралар бор.

— Буни хорошо придумали. Яна бир арзон вариант бор. Бунисини потом айтаман. Сен энди кўришганигда сунчи ол.

— Қанақа суюнчи?

— Айтгин-да, что беременная. Ну... как там... «ҳомила-дорман», дегин.

— Как? — Наргиза онасига ҳайрат билан боқди. — Беременный эмасман.

— Сен шунақа деб айтавер. Иш шунда ускорится қилади. Уйни тез оформит қилмасанг, бу судебний иш, деб кўрқит.

Она-боланинг фитнасидан ғазабланган Мурад йўталиб кўйиб, ичкари кирди. Наргиза туриб, уни ёноғидан ўпди. Мурад қизи билан ноҳуш кайфиятда сўрашди.

— Папажони, уйғондингизми? — деди Зубайда ўрнидан қимирламай. — Турганингизни билмабсиз. Бунча тез турдингиз?

— Уйғонмаслигим керакмиди? — деди Мурад дағал оҳангда.

— Ну почему так? Просто сўрадим. Садись. Чой ичасизми?

— Овқат қилмадингми?

— Что-то, мазам йўқ. Наргизканинг келганини ресторанда отмечают қиламизмикин, дегандим. Уже стол заказ қилиб қўйганман.

— Ўларинг бораверларинг, мен чарчаганман, шовқинга тоқатим йўқ.

— Заграницада юрганингизда ресторанларнинг шовқини ёққандир? — деб пичинг қилди Зубайда.

— Ну папа, мен сизни так соғинганман-ку? — деди Наргиза эркаланиб.

— Наргизкамизда яхши новост бор, обмиват қилсак ҳам бўлади: қизимизни бир йигит... ну, короче, яхши кўриб қолибди. И полюбил очень и очень крепко.

Мурад аввал хотинига, кейин қизига норози қиёфада қаради-да, ғазабли оҳангда деди:

— Эшитдим гапларингни... Бола бечорани тинч қўйларинг.

— Папажони, сиз что! — Зубайда шундай хитоб қилиб, қошларини чимирди: — Нима деяпсиз? Сиз в своем уме?

— Менинг ақлим жойида. Сенларники жойидамас шекилли?

— Яна мен виноватами? Сиз қизингизнинг бахти ҳақида совсем ўйламайсиз! — деди Зубайда овозини янада баландлатиб.

— Мен-ку етарли ўйлайман, сен калта ўйлайсан. Наргиз қизим, сенга қўп айтдим: онангнинг ногорасига ўйнай-верма. Ҳали ҳам бўлса эринг билан яраш.

Бу насиҳатни эшитган Наргиза салчиб кетаёзди:

— Ни за что, папа! — деди кўзларини чақчайтириб. — Гап бўлиши мумкинмас! Мен черномазий таксист билан турмайман!

— Яна шу гапми? — деди Мурод уф тортиб. — Ахир ўғлинг бор. Айтсак, Сардор таксичилигини ташлайди. Ўша «черномазий»ни мен топмаган эдим. Ўзинг яхши кўриб теккан эдинг.

— Унда любила. Ҳозир уни яхши кўрмайман. Биз Журъатчик билан уже договорились.

— Оти Журъатми у бечоранинг. Сенинг болалик хотин эканингни биладими?

— Конечно йўқ.

— Кейин сир очилса-чи? Тўйдан бир ҳафта ўтмай сени ташлаб кетса-чи? Учинчи марта эр қидирасанми?

— Папажони, это уже слишком! — деди Зубайда гапга араллашиб. — Худога шукр, қизим – красавица! У бошқаларга ўхшаб эр қидирмайди. Эркакларнинг ўзлари влюб-лятса қилишади.

— Ўйлаган ишларинг барибир амалга ошмайди.

— Негайкан?

— Мен рухсат бермайман.

— Папа, сиз чересчур феодалсиз! — деди Наргиза йиғ-ламсираган бўлиб. — Шу мировоззрениянгиз билан юз ки-шилик коллективни қандай руководит қиласиз? У нас любовь. Мен болалик хотинманми или қиз боламанми, Журъатчик учун не имеет значения, ваабше фарқи йўқ.

— Ҳар ҳолда мен Журъатинг билан гаплашишим ке-рак, — деди Мурод ўжарлик билан.

— Почему? — деди Зубайда чимирилиб.

— Мен унга ҳақиқатни айтаман. Агар ҳақиқатни билиб туриб уйланишга кўнса, майли, билганларингни қилавер-ларинг.

— Йўқ, этого делать нельзя! — эрининг гапларидан тоқати тоқ бўлган Зубайда ўрнидан туриб кетди. — Бу ишни ёшларнинг ўзлари решать қилишсин.

— Мен аввал Журъат билан гаплашаман. Ана ундан кейин тақдирларини ўзлари ҳал қилаверишади.

— Ах так! — деди Зубайда худди юлишга чоғлангандай эри томон бир қадам босиб. — Если сиз бунга решатся қилсангиз, мен министрингизга чиқаман.

Зубайда нозик жойдан тутган эди. Мурод ҳориж сафаридан қайтгач, вазир унинг фаолиятидан хурсанд эканидан айтиб, муовинлик ўрнига номзодини кўрсатганини билдирган эди. Оилавий можаро юқори идорага етиб борса, бу мансабдан қуруқ қолиши ҳеч гап эмасди. Мурод шуни ўйлаб, жаҳл билан қўл силтади:

— Энди қизингнинг турмушига министрни аралаштиришинг етишмай турувди. Билганларингни қилларинг!

* * *

Журъат гарчи ўзини хурсанд қилиб кўрсатишга уринса-да, юраги тубида бир дарди борлигини Холидадан яширолмади. Кўпайсин бозорга кетиб, ёлғиз қолишгач, Холида уни сўроққа тутди:

— Яхши дам олинганми? Қайтганингга уч кун бўлди, очилиб гаплашгинг ҳам келмайди.

— Нимага унақа дейсан? Гаплашяпман-ку? — Журъат шундай деб унинг ўткир нигоҳидан кўзларини олиб қочди.

— Тўғри, гаплашяпсан, лекин ичингдагини яширишга уриняпсан. Ойим ҳам сезиб юрибдилар. Сени касал, деб эзилиб кетдилар. Дардинг бўлса, айт, ўзингни ҳам қийнама, бошқаларни ҳам сиқма.

— Холий... сенга айтсам, тушунарсан, лекин... хола тушунармикин?

— Яна «хола» дейсан-а! Юзларига айтолмасанг, ҳеч бўлмаса орқаларидан «ойи» деб қўйгин. Сени «ўғлим», деб жонларини беришга тайёрлар. Мени ҳам сен туфайли «қизим» дейдилар. Мен «ойи», деб чақирганимда қанақанги қувонадилар. Шу хотиннинг хурсанд бўлиши учун бир мартагина «ойи» деб қўйсанг, тилинг узилиб тушадими?

— Холий, тилим келмаяпти, нима қилай? Айтолмаяпман... Шу пайтгача бировни «ойи» демаганман... Тилим қотиб қолган... Агар ўзимнинг онам келиб қолса ҳам «ойи» деёлмасдим.

— Тошбағир экансан...

— Бунга мен айбдор эмасман...

— Хўп, бу гапларни қўя турайлик. Сен барибир ўзингникини маъқуллайсан. Сен менга дардингни айт. Ойимга айтишни хоҳламасанг, ўзим секин тушунтираман.

— «Дардинг, дардинг...» деб жудаям оширвординг. Дард йўқ менда. Фақат... уйланмоқчиман...

Бу янгилик қизни лол қолдирди. У болалик дунёсини тарк этиб, қизлик оламига қадам қўйган кезлари тақдирини Журъат билан боғланишини истаган, бироқ йиллар ўтиши билан «Журъат менга уйланармикин?» деган орзудан узоқлашаверган эди. Шунга қарамай ҳозир умид чинниси қўлдан тушиб чил-чил синган бечора қиз ҳолига тушди. «Журъатнинг гапини хато эшитдимми ё мени мазах қилмоқчими?», деган ўйда қайта сўради:

— Уйланмоқчиман?

— Ҳа... — деди Журъат айбдор одам овозида. — Бир қизни жудаям яхши кўриб қолдим. Усиз яшашим қийин. Биз аҳду паймон қилиб қўйдик.

Журъат қувлик билан қараганида эди, мазах қилаётгани билинарди. Ерга қараб гапиряптими, демак, ҳазилга ўрин йўқ. Демак... ўртада севги бўлмаса-да, ака-сингиллик алоқасига ҳам барҳам берилар экан... Холиданинг кўнгли бу мудҳиш айрилиқни сезиб, юраги эзилди.

— Журъат, ахир... турмуш қурмаймиз, деб онт ичганмиз-ку? — деди йиғидан ўзини аранг тўхтатиб.

— Эсингни ебсан, — деди Журъат унга қараб. — Бу гапни сен айтгансан. Мен уйланишим керак.

— Намунча?! Қаердан топа қолдинг? Курортингда илаштирдингми?

— Йўқ, шу ерда танишганман. Адаси амалдор, онаси дўхтир. Мен худди шунақа оилани орзу қилардим. Эшитяпсанми, энди ўз уйим, ўз оилам бўлади!

— Ўз уйим... ўз оилам... — Холида Журъатнинг гапларини ўйчан тарзда такрорлаб, жим бўлди. Кейин унга ти-

килди: — Жуда осон ҳал қилмаяпсанми, бу масалани? Ўйлаганинг сароб эмасми? Интилаётган уйинг муздан ясалган бўлса-чи? Офтоб чиқиши билан эриб кетса-чи?

— Фалсафа сўқима менга! — деди Журъат ғўдраниб.

Бундай фикр ўзининг хаёлида ҳам ғимирлаб тинчлик бермаётган эди. Шунинг учун ҳам бақирмади. Унинг аҳдидаги қатъийлик суст эканини сезган Холида фикрини давом эттирди:

— Хўп. Биз шу ёшга етгунча нонга зор бўлмадик. Меҳрга зор бўлиб ўсдик. Шунинг учун ҳақиқий меҳр қанақа бўлишини биз билмаймиз. Мен, ҳатто Кўпайсин ойимизнинг меҳрибонликлари чинми ё сунъийми эканини аниқ билмайман. Алдамчи, дейишимга ҳаққим йўқ. Чунки алдаш эвазига ойим биздан нима оладилар? Ҳеч нима! Фақат биздан меҳрга жавобан меҳр кутадилар.

— Нима демоқчисан? — Журъат бу сафар овозини сал баландлатди. Холиданинг гаплари ёқмагани учун эмас, ҳақиқат бўлгани учун аччиқланди.

— Сен кўнгил қўйган, сен бахт умид қилаётган оиланинг меҳри чинми ё алдамчими? Сен ҳақиқий меҳр нималигини биласанми ўзинг?

— Биламан, — деди Журъат мағлуб одам овози билан.

— Биласанми... унда анча ақлли бола бўлиб қолибсан. Уйлансанг, уйланавер. Фақат бунақанги тумтайиб юриб, ойимнинг юраklarини эзма. Мен ойимга дардингни айтаман. Йўқ демайдилар, қайтага қувонадилар. Келин қўлидан чой ичарканман, неvara кўрарканман, деб бошлари осмонга етади. Фақат билиб қўй: бутундан бошлаб ойимни «ойижон» дейсан. Ўша топганинг ҳам «ойижон», деб иззатларини жойига қўяди. Ҳурмат қилмаса, сочларини битта-лаб юламан.

— Ҳамма бало шунда-да... — деб Журъат хўрсинди.

— Бу нима деганинг?

— Наргиза... ёлғиз қиз.

— Демак, унинг исми Наргиза экан-да?

— Ҳа. У катта хонадонда ёлғиз ўсган. Бу ерда... кўпчилик ичида... қийналиб қолармикин?

Холида унга ҳайратланиб қаради. Мижрғовланиб айтилган сўзлар остига қандай маъно яширинганини англади.

— «Кўпчиликнинг ичида» дедингми? Унақада ойим иккаламиз уйни сенларга бўшатиб берайликми? — деди аламли истеҳзо билан. — Ҳа, сенга яхши таклиф: айтишинга қараганда уларнинг уйлари нақ подшоҳнинг саройидек бўлса керак, а? Яхшиси сен ўша саройга ичкуёв бўла қол.

— Эсинг жойидами? Ичкуёв – пуч куёв, дейишади-ку? Хотинсиз ўтсам ўтаманки, ичкуёв бўлмайман.

— Ў, зўрсан! Унда ойимга айтаман, биз биронта уйни ижарага олиб чиқиб кетамиз. Сизлар бемалол яшайверинглар. Бу диққинафас жойда нозикниҳол маликангиз сиқилиб қолмасинлар.

— Холий, сен гапимни тўғри тушунмадинг. Ойимнинг чиқишлари шартмас.

— Ҳа... демак, мен... — Холида йилаб юбормаслик учун пастки лабини тишлади. Кейин бир хўрсиниб олди-да, йигини енгиб, гапини давом эттирди: — Тўғри ўйлагансан. Ҳатто туғишган сингиллар ҳам келин билан чиқишишмайди. Мен эса... етти ёт бегонаман.

— Унақа дема, — деди Журъат қизни овутмоқчи бўлиб. Холида эса уни силтаб ташлади:

— Ҳа, нима, бегона бўлмай кимман? Фақат болалар уйида бирга ўсдим. Тақдирим салгина сеникига ўхшарди. Мен ҳам сенга ўхшаган ташландиқман. Кўнглимиз бир-биримизга озгинагина яқин эди халос. Бошқалар билан айри-айри бўлиб кетдик. Сен билан ҳам ҳудди шундай ажралишиб кетаверамиз. Орамизда «ака-сингил бўлиб умрбод бирга яшаймиз», деган аҳд йўқ. Барибир бу йил бўлмаса келаси йил шундай бўлиши керак эди. Шундай бўлишини кўнглим сезиб турарди. «Бирга туғилмоқ бор, бирга турмоқ йўқ», деган ҳикмат бор. Биз эса бирга туғилмаганмиз. Фақат... тақдиримиз бир йўлга тушган эди. Энди... йўл иккига ажраладиган вақт етди. Сен сиқилаверма. Мен хафа эмасман.

— Сен нотўғри тушундинг. Бу вақтинча чора. Ярим йил... узоғи билан бир йилча ётоқхонада тура турасан. Кейин яна бирга яшаймиз.

— Хафа эмасман, деяпман-ку? Қайтага яхши. Балки мен ҳам бирон бойваччани учратиб қоларман. Балки уй-

ланар. Ҳеч бўлмаса... ўйнашликка ярарман, — тилидан учаётган, Журъатнинг қалбини яралаши лозим бўлган аламли сўзлари ўзининг юрагига ҳам қадалиб, лаблари титради. — Биздақалардан яхши ўйнаш чиқади. Орқамиздан юриб, номусни даъво қиладиган ота-онамиз, ака-укаларимиз йўқ...

— Холий! Бунақа гапларни гапирма!

— Бу шунчаки бир алжиш, Журъат. Эрга текким келса, сенга тегиб олардим. Мен қасам ичганман, қасамимга хоинлик қилмайман. Мен дунёдан ёлғиз ўтаман.

Холида ҳўнграб юбормаслик учун кафтини лабига босди-да, бошини эганича тез-тез юриб, уйга кириб кетди. Ичкарига кириб, пешанасини муздек деворга тираганича унсиз йиғлади. Етимхонада дардини овоз чиқармай тўкишга ўрганган қиз овултгучи меҳрибони йўқлигини билгани учун юраги эзилиб турган бўлса-да, узоқ йиғламасди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ўзини овутиш учун уйни йиғиштиришга тутинди. Кўча эшигида Кўпайсин кўрингач, югуриб чиқиб, унинг қўлидан халталарни олиб, ошхонага кирди. Кўпайсин ҳам ошхонага кириб, совуқ чой ичди. Холида халтадаги сабзавотларни саралай туриб, янгиликдан гап бошлади:

— Ойижон, ўғлингизнинг дардини билдим, — деди ишдан бош кўтармай.

— Нима экан, соғлиғидан шикоят қилдими? — деди Кўпайсин хавотирланиб.

— Йўқ, соппа-соғ! — Холида шундай деб Кўпайсинга бир қараб олди. — Хавотир олманг... Дарди... хуллас, биттасини ўлардай яхши кўриб қолибди. Уйланмаса бўлмас экан...

Холидани эзиб, адо қилаёзган бу янгилик хабари Кўпайсин қалбини қувонч мавжлари билан тўлқинлантирди.

— Шуми? Ҳайрият-е! Яхши-ку! — Кўпайсин кутилмаган хушхабардан энтикиб, айтишга сўз ҳам тополмай қолди. Мижжаларидан қувонч ва бахтиёрлик ёшлари сизиб чиқди. — Ўзим ҳам дарди шунақамикин, деб гумон қилятувдим. Худойимга шукр! Дарди шу бўлса, давоси жудаям осон. Қизнинг уйи қаердалигини айтсин, эртагаёқ остонасига бош уриб, розилигини сўрай. Уч-тўрт ойнинг

ичида тўй қилиб юборсак ҳам бўлади. Икки уй, бир даҳлизни келинга атаб турувдим. Катта уйни меҳмонхона қилишса, буниси ётоқлари бўлар. Икковимиз Журъатнинг хонасига кўчиб ўтамиз. Ҳаммомни қайтадан бошқачароқ қилиб қурдирсаммикин, деб турувдим. Энди тезлатамиз бу ишларни...

Кўпайсин гапларини ҳаяжон билан айта туриб ҳамёнидан пул чиқарди-да, Холидага узатди:

— Бу сенга суюнчи, қизим. Мен анчадан бери бунақа қувонмаган эдим.

Холида дардли юрагини эзаётган хабар учун суюнчи пулини олишни истамади. Кўпайсин хафа бўлажagini қайта-қайта такрорлаб, пулни унинг мушт қилиб тугилган қўлига мажбурлаб қистирди. Хонаси деразасидан уларни кузатиб турган Журъатнинг ташқарига чиқишга юраги бетламади.

Кўпайсин Журъатнинг хонаси томон қараб-қараб қўйди. Ҳозирнинг ўзида ўғли билан гаплашгиси келиб турган бўлса-да, ўзини тутди. Аввал ўғилдан садо чиқишини кутишга қарор қилиб, кийимини алмаштириш учун уйига кириб кетди. Холида сабзавотларни жойлаб бўлган онда ярим очик кўча эшигидан Зубайда кириб келди. Эшик қўнғироғини чалмади, овоз бериб уй эгасини чақирмади. Остона ҳатлаб ичкарига уч қадам босгач тўхтаб, атрофга кўз югуртиргач, бурнини жийирди. Холида уни кўриб ошхонадан шошилганича чиқди-да, салом берди.

— Уйда ким бор? — деди Зубайда саломга бош ирғаб алик олгач.

Унинг қилиғи қизнинг ғашини келтирди.

— Мен борман, — деди унга тик қараб.

— Сен борлигинг так и так ясно. Яна ким бор?

Холида жавоб беришга улгурмай Кўпайсин уйдан чиқиб келди. «Келинг, айланай, овсин», деб у билан кўришди.

— Ҳм, узнават қилмадингизми? — деди Зубайда чимирилиб.

— Кўзимга иссиқ кўриняпсиз-а...

— Памятингиз чатоқ экан.

— Тўғри айтасиз, овсин, бултур инсулт деган бир бало менга меҳмон бўлувди. Асорати қолганми, хотирам чатоқ.

— Ничого, бу страшний эмас, яхши бўлиб кетасиз. Мен врачман. Ўғлингиз Журъатчикни осмотрет қилганман. Энди эсладингизми?

— Ҳа-я, — деди Кўпайсин чеҳраси очилиб. — Эсгинам курсин! Келинг, келинг, овсин. Қани, ичкарига киринг.

— Нет, шу ерда ўтирамиз. Менинг срочний ишларим бор. Ўтиринг серёзний гаплар бор, посоветоватся қилишимиз керак.

Зубайда шундай дегач ёғоч сўрига омонат ўтирди-да, «сен гап пойламай нари бор», дегандай Холидага қараб қўйди. Бу қарашнинг маъносини англаган Холида жаҳл билан шарт бурилиб, уйга кириб кетди. Кўпайсиннинг, «қизим, кўрпача олиб чиққин», деган топширигини бажармади. Кўпайсин уй томон қараб олгач, «мен чой дамлаб келай», деб ошхонага қараб юрмоқчи бўлганда Зубайда уни тўхтатди:

— Не стоит, ўтиринг.

— Тинчликми? Ўғлимнинг соғлиги...

— Ўғлингиз яхши. Совершенно здоров. Кеча яна осмотрет қилдим. Яна битта профессорга ҳам кўрсатдим. Касали йўқ. Курорт ёқибди. Так что, тўй қилиб уйлантирсангиз ҳам бўлаверади.

— Хайрият... — деди Кўпайсин жиламайиб, — шунақа умидим ҳам бор...

— Но, ўғлингиз курортда бир проблема чиқарган. Тез договорится қилмасак, вақт ўтса, кейин йиғлаб қоласиз.

Бу гапни эшитиб, Кўпайсин сесканди, яқингинада ёнган қувонч олови устига бир челак сув сепиб ўчирилади.

— Нима бўлди, гапира қолинг, юрагим ғалати бўлиб кетди-я!

— Ну, короче, курортга менинг қизим ҳам борган эди. Ну... молодёж... ўзингиз биласиз... Хилватда баловатся қилишган. Лекин бу криминал иш. Милиса билиб қолса, қамоққа тикади.

— Қамоққа? Кимни? Нимага?

— Как? Тушунмадингизми? Журъатчик қизимни... ну, короче, зўрлабди.

— Вой, қўйинг-е, менинг болам унақа эмас!

— Если менинг гапимга верит қилмасангиз ўзидан сўранг. Менда медицинское заключение бор. Қизим беремный бўлиб қолган.

— Нима? Росту биланми?

Кўпайсин шундай деб, «бу гапларни биров эшитмади-микин?» деган хавотирда атрофига аланглаб қўйди. Унинг қўрқувга тушиши Зубайда учун айнаи муддао эди. Шу боис гапини бамайлихотир давом эттирди:

— Нимага удивляются қиласиз? Сиз ёшлигингизда влюб-ляться қилмаганмисиз? Ҳаммамизнинг бошимиздан ўтган-ку? Но иккаламизнинг болаларимиз немножко шошили-шибди. Журъатчик кеча сизни бошлаб уйимизга келмоқ-чи эди. Кеча вес день сизни кутдим. Но сиз келмадингиз. Вот и ўзим келавердим. Бу проблемани срочний решат қилиш керак. Тўғрими?

Кўпайсин бу саволга дарров жавоб қайтара олмади — гапини йўқотди. Дунёда содда одамлар кўп. Ҳеч бир айби бўлмаса-да, милициянинг номини тилга олиб пўписа қилин-са бас, дарров талвасага туша қолади. Кўпайсин ҳам шу-ларнинг бири — агар ҳозир Зубайда кўчадаги оддий ми-лиционерни бошлаб кирганида қўрқув нима экан, Кўпай-син бу даъвони эшитгач ҳушидан кетиши ҳам мумкин эди. Аввал текшириш шарт, ҳақиқатни аниқлаш зарур, деган ўй унинг хаёлига келмади.

Бир неча дақиқа олдин совчиликка боришга тайёр экан-нини Холидага баён қилган эди. Совчиликка эмас, шар-мандали чодирдан чиқиб кетиш йўлини топиш учун бу хотин ҳузурига бормоғи шарт экан. Бу шармандаликни одамлардан яшириш чорасини топишар, лекин Худо ҳузу-рида ҳисоб беришда қанақа баҳона топишади, буни ўйла-шармикин? Бу хотин қамоқни тилга олди, наҳот бу ин-софсизликдан қайтмаса? Жавобсиз турли саволлар оқимида гангий бошлаган Кўпайсин ўзи билмаган ҳолда Журъатни ҳимоя қила бошлади:

— Тўғрилиқка тўғри... Журъатжон айтувди... Мен бор-моқчи эдим... зарур ишим чиқиб қолди...

— Ничего, вот, ўзим кела қолдим. Энди договорится қилайлик. Сизам, менам ҳаёт кўрган одаммиз.

— Хўп, овсинжон, даговор бўлса даговор-да, — деди Кўпайсин ҳар қандай шартга кўнишга тайёр бўлиб. — Биз қизингизга харидормиз. Сизда бир гул бор экан, бизда бир бўлбул. Икки ёшни қўшиб қўйсак – савоб!

Бундай гаплар хурсандчилик кemasида туриб айтил-гувчи эди. Айтгувчи ҳам, эшитгувчи ҳам сурур лаззати-дан маст бўлгувчи эди. Ҳозир Кўпайсин чириб, тешилган кемада тургандай ҳис қилди ўзини. Ҳадемай чўкиб ҳалок бўладигандай қўрқув титроғида айтди сўзларини. Эшит-гувчи Зубайда эса ғолиб одам шоҳсупасини эгаллаб, бу ҳолдан мамнун бўлди.

— Вот и отлично! — деди у жилмайиб. — Журъатчик менинг қизимга женится. Это – раз. Уйингиз старомодный экан, уни срочно ремонт қилиш керак, это два.

— Ҳа, ҳа, албатта бўятаман, — деди Кўпайсин, қўйила-ётган шартлар енгил туюлиб, ўзидан ҳам қўшди: — Ҳам-момни ҳам янгилатаман.

— Вот и яхши, фақат йигирма кунда готова бўлсин.

— Йигирма кунда? Овсинжон, улгурмасман-ов. Уста топилса бўёқ топилмайдиган, бўёқ топилганда уста анқо-нинг уруғи бўладиган замон ҳозир.

— Бу сизнинг проблемангиз. Сиз нимани ўйлаяпсиз? Қизим қорнини мана бундай қилиб келин бўладими? — Зубайда шундай деб хунук бир ҳаракат қилди. – Мен сизга уступка қиляпман. Аслида бу криминал иш. Милиса билиб қолса, ўғлингиз за изнасилование камида ўн беш йил ўтиради қамоқда. Просто бола жалко! Қизим аборт қилди-риб, бошқасига тегиб кетаверади. В крайнем случае, ту-ғиб, бундан орттирган болани детдомга бериб юборади. Бунақаларни давлат ўзи боқиб олаверади. Но, Журъат қамоқда чириydi.

Бу пўписа Кўпайсинга ҳукм каби эшитилиб, қўрқувдан сапчиб тушай деди:

— Йўқ-йўқ! Айланай, овсинжон, унақа деманг, хўп, ило-жини топаман. Боламга раҳмингиз келсин. Иккови бир-бирини яхши кўрса, бахтига зомин бўлмайлик.

— Вот и прекрасно! Ҳа, уй кимнинг номида?

— Уйми? Менинг номимда... Нима эди?

— Значить, Журъатчикнинг уйи йўқми? Любой время кўчада қоладими? Уйсиз болага бераманми қизимни?

— Нега уйи бўлмас экан? Шу уй-жой ўғлимники-да... Мендан кейин ҳаммаси унга қолади. Ишонмасангиз, васиятнома қилдириб қўяман.

— Васиятнома? Зачем это? Русларда бир мақол бор, — Зубайда шундай деб ўнг қўли билан чап қулоғини ушлади. Кўпайсин бу ишоранинг маъносини тушунмай қараб тураверди. Бундан энсаси қотган Зубайда мақсадни лўнда қилиб тушунтирди: — Бу нимага керак? Лучше сразу уйни Журъатчикнинг номига ўтказинг, и все! Лишний оворагарчилик нимага керак? Ё ўғлингизга ишонмайсизми?

Кўпайсин бундай таклифни кутмаган эди. Унга бу онда қамоқ кўркувининг ўзи етиб ортарди. Энди бу ташвишнинг кўндаланг бўлиши тамоман гангитиб қўйди. Зубайдага бақрайганича қараб тураверди.

— Бу идея сизга ёқмадими? — деди Зубайда унга тик қараб.

— Ёқди... ёқди... — деди Кўпайсин ўйчан тарзда. — Маслаҳатлашиб кўрай... жавобини сизга айтаман.

— Конечно ўйланг, конечно маслаҳатлашинг. Но вақтни упустил қилманг. Руслар «время – денги», дейишади. Маъносини тушунасиз, а? «Вақтнинг ҳар нафаси пул» дейишмоқчи. Сизнинг аҳволингизда «Время – тюрьма».

Зубайда ерга қулаган душмани кўксига найза санчган бераҳм жангчи ҳолатида ўрнидан туриб, унга ғолибона назар ташлади. Бу хотин тилидан учган сўз найзалари кўксига санчилган Кўпайсин хайрлашишга ҳам куч тополмади.

Хонасида ўғри мушукка ўхшаб пусиб, ҳамма гапдан хабардор бўлиб ўтирган Журъат Кўпайсиннинг ҳовлидан уйига кириб кетишини интиқ кутди. Кейин ҳеч кимга сездирмай кўчага чиқиб кетди. У ўзича, «чиқаётганимни ҳеч ким сезмади», деб ўйлади. Аслида Холида ҳам, Кўпайсин ҳам кўрган эди. Кўрсалар-да, уни тўхтатмадилар...

Бўлажак қудасининг бутун қувватини ўзига олгандай дадиллашган Зубайда эса уйига шодон қайтди.

— Все! Ҳаммаси великолепно бўлди! — деди остона ҳатлаши билан.

— Нима ҳаммаси? — деб сўради Наргиза.

— Балбесингнинг уйига бордим. Старухаси билан гаплашдим. Криминал иш, девдим, ваабше очумела. Все, бир ойдан кейин тўй! Да, между прочем, до тўйгача уйни балбесинг номига ўтказади. Ўтказмаса ўғли тюрмада чирийди.

— Шуни айтдингизми?

— А как же! Конечно айтдим. Балбесинг ҳечам айтолмайди бунақа гапни. Мен айтдим, что сен беременная, что ўғлини за это минимум ўн беш йилга қамашлари мумкин. После этого ҳаммасига согласится қилди. Сен балбесингга беременная эканингни айтдингми?

— Йўқ...

— Ну и аҳмоқсан. Тур, ҳозир найди и дарров скажи. Мен биттаман, ҳаммасига успеват қилмайман.

Наргиза эринибгина ўрнидан туриб, кийимини алмаштириш учун жавон томон юрди. Жавон эшигини очди-ю кўйлагини олмай, онасига юзланди:

— А тўй в каком ресторане бўлади? Договорится қилдингизми?

— Пока йўқ. Тўйга слишком кўп одам айтмаймиз. Скромно ўтказамиз. Зачем лишнего гап-сўз? Папанг заграницадан келгунича тўйни қилиб олишимиз керак.

— Ну мама, мен бунақа хоҳламайман...

— Перестань! Одамлар знаешь нима дейди? И вот еше: тўй ҳақида никому и ҳеч ерда гапирма. Молчи! До свадьбы жим юр.

Онасидан етарли йўл-йўриқ олган Наргиза учрашувга шошилди...

Эртасига Журъат нонуштадан сўнг ўрнидан кўзгалганида Кўпайсин уни жойига қайтарди:

— Журъатжон, болам, шошиламай тур, сенда гапим бор...

— деди. Журъат тасодифий ҳамла хавотирида учишга шайланган қуш каби омонат ўтирди. Кўпайсин буни сезиб, «учиб кетишингга йўл қўймайман», дегандай унинг елкасига кафтини қўйиб, силади. — Журъатжон, мен сени тил учида «ўғлим», демаганман. Бутун юрагим билан «болажоним», деганман. Сенинг товонингга зирапча кирса, менинг юрагим зирқирайди. Арзимаган, кичкинагина дар-

динг бор экан, менга айтмай сиқилиб юрганингни қара. Холида айтди, қизнинг онаси ҳам келиб кетди. Худо хоҳласа, бир ойда тўй қиламиз. Бугун Сарви холанг билан бориб, патир синдириб, бошларингни боғлаб қўямиз. Мен келиннинг келишига, набирамнинг туғилишига муштоқ бўлиб юрсам-у сен тортиниб, хушхабарни айтмасанг-а...

— Ойи... ойижон...

Журъатнинг томоғига нимадир тиқилиб гапиролмай қолди.

— «Ойи» деган тилингдан айланай, болам! Бугундан уйга уста тушади. Тўйгача уйни қўғирчоқдай ясатиб қўямиз. Сен эртага ўртоқларингни ҳашарга айт. Этакдаги деворни бузиб, берироқдан оламиз.

— Деворни? Нега? — деб ажабланди Журъат. У Кўпайсиннинг мақсадини англагандай бўлса ҳам, сабабни унинг ўз оғзидан эшитишни истаб шу саволни берди.

— Шу десанг... қўшнилари озгина ер сўрашятувди. Болалари кўп-да... Яна уй солмоқчи экан. Бизга ҳовлимизнинг ярми ҳам етади...

Кўпайсин ёлғонни эплаб гапира олмади. Журъат мақсадни англаб, норози оҳангда яна сўради:

— Нима деяпсиз? Ҳовлининг ярмини сотдингизми?

— Ҳали сотмадим-ку... лекин сўраяпти-да...

— Сотмайсиз. Пул керак бўлса, ўзим топаман.

— Қандай топасан, болам? — деди Кўпайсин афсус билан бош чайқаб. — Йўқ, сен уринма. Майли, сотмасак сотмасмиз. Йиққан-терганларим етиб қолар. Етмаганига қарз—қавола қилармиз. Ҳа, айтмоқчи, болам, сен Холидага насиҳат қилиб қўйгин. Синглинг ётоқхонага чиқиб кетмоқчи. Одамлар мени маломатга кўмиб ташлашади-я...

Журъат «Холидани уйда қолишга кўндираман», деб Кўпайсиннинг кўнглини хотиржам қилди. Лекин қизнинг феълани билгани учун ўша куни ҳам, эртасига ҳам бу ҳақда сўз очмади. Холида ётоқхонага чиқиш ҳаракатини тезлаштирди. Журъат билан деярли гаплашмай қўйди. Кўпайсин буни сезди, «болада кўнгли бор экан-да», деб афсусланди.

Журъат уйдаги ҳар бир гапни Зубайдага етказиб, маслаҳат олиб туришга ваъда берган эди. Ҳовлининг ярми

соттиш режалаштирилганини айтганида Зубайда тутақиб кетди:

— Сотмоқчи? Сен что!? Бунга нивкоем случае йўл қўймаслик керак! Сотса қолган каталаги кимга керак? Ким олади уни?

— Кўндирдим, сотмайдиган бўлдилар. Балки... қарз кўтарармиз...

— Қарз? Кимдан?

Журъат қарз кўтариш ҳақидаги фикр айтилгач, бўлажак қайнонаседан, «қарз деганингиз нимаси, биз турибмиз-ку, ҳамма оғирликни ўзимиз кўтарамиз», деган ҳимматни кутган эди. Қошлар чимирилган ҳолда айтилган савол унинг умидини бўғиб, дарров ўлдира қолди. Чорасизлик ботқоғига бўғзигача ботиб, аранг жавоб берди:

— Билмадим...

— Слушай: ҳозир биров бировга просто так қарз бермайди. Менда ҳам лишний пул йўқ. Қизимнинг сепига биласанми, сколько надо? Хоҳласанг, сенга по знакомству топиб беришим мумкин. Но, процент билан қайтаришингга тўғри келади. Балки сто на сто. Тушундингми?

— «Сто на сто»? Нима бу? Тушунмадим?

— Қайси галактикада яшайсан? Нимаси непонятно экан? Юз сўм олсанг, устига яна қўшасан юз, и икки юз қилиб қайтарсан. Вот и все. Возможно, юзга саксон или тўқсонга кўндирарман. Ну как, рози бўласанми?

Журъат хўрсиниб «Розиман», деди. Оқибатни ўйлаб ҳар кўрмади.

Хуллас, Зубайда нимани истаса, ҳеч қандай қаршиликка учрамай, ўшани амалга оширди. Адолатсизлик содир бўлаётганини Сарви ҳам, Холида ҳам сезиб туришарди. Аммо Кўпайсиннинг хоҳишига қараб, гап кўпаймасин, деган илтимосига риоя қилиб, курашмоқликдан чекинишни афзал билишди. Зубайда биринчи марта ҳовлига қадам босиб кириб, уй ҳақида гап очганидаёқ Кўпайсин унинг мақсадини англаган, «Аллоҳнинг менга атаган жазолари ҳали охирламаган экан, эҳтимол асосий жазога энди мубтало бўлаётгандирман. Бу уйни ота-онам менга ҳаром қилишган эди, қариганимда кўчада қолиб хорлансам ўзимдан бошқа яна ким айбдор бўлиши мумкин?» деб ўйлаб,

ўзини тақдир ҳукмига топшириб қўя қолган эди. Унинг ҳар нарсага кўнаверишини Зубайда лақмаликка йўйиб қувонган, Холида билан Сарви эса ғашланишган эди. Аҳдида қатъий туриб, ётоқхонага чиқиб кетган Холида кунда бўлмаса ҳам, кунора тутинган онасини йўқлаб турди, ишларига қарашди. Ҳатто тўйда ҳам хизмат қилиб, кўпнинг дуосини олди. Ўғил уйлантириш истагида юрган баъзи аёллар қўл-оёғи чаққон бу истарали қизни кўз остига олиб ҳам қўйишди.

Тўй ўтди. Наргиза бу уйда бир ҳафтагина чидаб яшди. Икки марта ҳовлини, бир марта кўчани супурган бўлди. Тўйдан кейинги еттинчи кун Кўпайсин одатига хилоф қилмай кўчани супуриб қўйган эди. Кун ёйилганда ноз уйқудан уйғонган Наргиза гулзорда теша чопиқ қилаётган Кўпайсинга яқинлашди-ю, «менга наррошно кўчани супуряпсизми, мақсадингиз мени ҳаммага дангаса қилиб кўрсатиб унижат қилишми?» деб жанжал кўтарди-ю уйига жўнаворди.

Кутилмаган бу жанжал Кўпайсиннинг жонини суғуриб олгандай бўлди. Гулзордан чиқишга ҳам қурби етмай ўтириб қолди. Кейин нафаси қайтиб, ёнбошига йиқилди. Наргизанинг шанғиллашидан кейин бирдан жимиб қолишдан хавотирланган Сарви ҳовлига мўралади-ю, гулзорда ётган Кўпайсинни кўриб, ёрдамга шошилди.

Кўпайсин касалхонада узоқ ётди. Бу орада Зубайда қарзни қистаб, ҳовли-жойни соттирди. Кўпайсинни шу хасталик олиб кетар, деб ўйлаган эди. Унинг оёққа тура бошлаганини билиб, қариялар уйдан жой ҳозирлатиб қўйди. Журъат Кўпайсинни уйига эмас, қариялар уйига олиб бориб қўйди. У айбини англаб, Кўпайсиннинг кўзига қарай олмади. Узр сўрашга ҳам тили айланмади. Кўпайсин унинг аҳволини сезиб, маломат қилмади. Журъат кетар маҳалида: «Бу ерга олиб келганинг яхши бўлди, тенг-тушларим билан бирга бўлсам, зерикмайман, тез тузалиб кетаман. Сен ўзингни айблама, ич-этингни ема. Худонинг амри шу бўлганидан кейин, сенам, менам ожизмиз. Сен бахтингни топган бўлсанг, менга шунинг савоби етади», — деди.

Якшанба кун Холида келди. Тутинган онаси билан йиғлаб кўришди. Журъатни қарғогиси келди-ю Кўпайсин-

нинг ярасини баттар тирнамаслик учун тилини тийди. Ётоқхонада алоҳида хона беришганини, «онангизни олиб келиб яшайверинг», деб ижозат берганларини айтганида Кўпайсин маҳзун жилмайди:

— Вой қизим-ей, меҳрибон бўлсанг айланай сендан. Ёшларнинг орасида менга нима бор? Менга шу ер яхши. Вақтинг бўлганда келиб-кетиб турсанг етарли менга, — деди.

Холида кетишга чоғланганида Сарви келди. Икки қўшнининг суҳбати чўзилса ҳам Холида кетишга шошилмади. Сарви эри билан маслаҳатлашганини, бугун-эрта олиб кетажagini айтганда Кўпайсин кўзларига ёш олди. Бу меҳр-оқибат учун миннатдорлик билдирди-ю, «яна бирор ой шу ерда яшаб кўрай-чи, жонимга тегса кейин бо-рарман», деб қўйди.

Қариялар уйидан чиқиб, қўналғада автобус кутиб туришганда Холида Сарвигга юзланди:

— Одамга қайғу бир илашса қўйиб юбориши шунчалик қийинми? Опоқи, бунақа бахтсизликлар қаердан пайдо бўлади? — деб сўради.

Сарви қўшнисининг боши узра тўпланган абри балонинг қайдан ёпирилиб келганини биларди. У келин бўлиб тушган кунлари қўшни хонадонда бахтиқаролик юз берганини эшитган эди. Ёлғиз қизнинг ота-она розилигисиз, энг даҳшатлиси – никоҳсиз эрга тегиб олгани ва бунинг оқибатида оқ қилингани ҳақидаги гап кўп кунлар давомида маҳалла аҳли тилидан тушмаганди. Қиз оқ қилингани билан ота-она кўнгли тинчир эдимми? Бадбахт қизнинг тақдирини ўйламай қўйишарми? Йўқ! Фарзанд оқ қилинганидан кейин ота-онанинг бир дарди ўн бўлади. Дуойибад ота-онани шармандалик ботқоғидан қутқариб ололмайди. Бу шармандалик охир-оқибат отани ҳам, онани ҳам гўрга тикди.

Сарви оқпадар қизни ўшандан кейин кўрди. Гарчи ота ва она Кўпайсинни оқ қилган, уйни унга ҳаром дейишган бўлса-да, бу аҳдларини қоғозга муҳрлашмаган, қонунга кўра қиз асосий меросхўр эди. Шу ҳақидан фойдаланиб, уйга кўчиб келди. Маҳалла оқсоқоллари олдида тавба қилиб, кўз ёшлари тўкди, ота-онасининг

маросимларини ўтказди. Тақво қилувчи оқсоқоллар «оқпадарнинг таоми бизга ҳалол эмас», деб бу ҳовлига қадам босмадилар. Яқин қўшнилари арвоҳ хотира деб, кирдилар. Маҳалла аҳли Кўпайсинни кечирди. Лекин ота-она кечирмаган эди. Демак, Аллоҳ ҳам кечирмаган экан...

Сарви Холиданинг саволига шу гапларни жавоб тарзида айтиши мумкин эди. Лекин қизни бу сирдан огоҳ қилишни истамади. «Билмайман», деган маънода елка қисиб қўя қолди.

— Журъатни яқин орада кўрмадингизми? — деб сўради Холида. — Мен уларнинг бир-бирларини севишига унча ишонмайман. Бахтини топганига ўзи ишонармикин?

— Бахт? — Сарви шундай деб ўйланиб қолди. — Бир муштипарнинг бахтсизлиги эвазига топилган бахт билан қанча яшаш мумкин?

Саволга савол билан жавоб олган Холида жимиб қолди. Ҳаётнинг заҳарли мавжлари ҳам мавжудлигини ҳали тўла фарқлай олмайдиган қиз бир нима дейишга ожиз эди...

Кўпайсин ёлғиз қолгач, дардли ва аламли ўйлар гирдобига фарқ бўла бошлади. Йиғи қайғуни енгилатиши мумкин эди. Лекин йиғмай олмади. Шом қоронғулиги бостириб келган онда у ўзини ўлим зулматига шўнғиб бораётгандай ҳис этди.

«Ниҳоят, ҳақиқий жазога етдим, — деб ўйлади у. — Демак, ўғлимдан ажралишимга аввало ўзим гуноҳкор эканман. Журъат... ўғлимга ўхшатган эдим... қош-кўзлари ўғлимга ўхшарди-я... Одам боласи шунчалик ҳам бемехр бўларканми, а? Бемехр бўлиб туғилганмикин ё етимликда ўсгани учун юраги тош бўлиб қолганмикин? Менинг болам ҳам етимхонада улғайган бўлса, тошбағирлиги туфайли кимларнидир қақшатганмикин? Ё Худойим, бунинг гуноҳи ҳам менинг бўйнимгами? Журъатнинг онаси боласининг бу гуноҳи учун ҳам ҳузурингда жавоб берадими? У бечорани ҳам жазолайсанми? Йўқ! Йўқ! Боласини нима учун етимхонага топширгани сабабини мен билмайман. Сен уни кечир, Худойим! Мен Журъатнинг айбидан ўтдим. Бола ёшлик қилди, сен уни ҳам, муштипар онасини ҳам кечир. Журъатимга қўша-қўша ўғиллар бер.

Уларга меҳр-оқибатни мўл қилиб бер. Менга Журъатнинг қўли билан жазо беришни ирода қилган экансан, бу жазоингга розиман, Журъатимдан ҳам розиман. Мен унга ишонаман: қачон бўлса ҳам қилган ишига пушаймон ейди. Рухимга дармон бўладиган дуолар қилади. Худойим, сен унинг тавбаларини қабул қил, дуоларини ижобат эт...» Кўпайсин кафтларини очиб, қўлларини баланд кўтарганича дуо қилгач, кўнгли бир оз равшанлашгандай бўлиб, ўрнидан турди. Турли дорилар ҳиди анқиб турган даҳлиздан ўтиб, ҳовлига чиқди. Осмон тунд, ёмғирнинг ёқимли ҳиди димоққа уриларди. Эти жунжикса ҳам орқасига қайтмади.

«Мен шу пайтгача умид билан яшадим, — деб ўйланди у. Кейин ўзига ўзи савол берди: — Нимани умид қилдим? Ёлғиз ҳолимда бахтли бўлишними? Одам якка ҳолда бахтли бўла олар эканми? Бўлади шекилли... Озгина бўлса ҳам бахтга етишдим-ку? Боламнинг оғзидан «ойи» деган сўзни эшитдим-ку? Шу биргина сўз учун ҳовли-жойни эмас, жонимни берсам ҳам арзийди-ку! Худога шукр, келин саломни ҳам кўрдим, келинимнинг қўлидан бир пиёла бўлса ҳам чой ичдим. Келиним ёмон эмас... ҳозирги ёшлар шунақа инжиқроқ бўлиб қолишган. Уларни тушунишимиз қийинроқ... Одамлар «уйдан ажралгани учун касали тутиб қолди», дейишаётгандир. Бўлмаган гап! Худо менга шунча бахт бериб, эвазига уйимни олиб қўйса норози бўламанми? Уйимда яшадим нима-ю, бу ерда яшадим нима? Барибир умримни яшаб бўлдим ҳисоб... Юрагим чарчади... Энди шу иморат ичида, шу ҳовлида ивирсиб кун ўтказаман. Кампирларга қўшилиб, ўтганкетганларни ғийбат қиламан... Кун санаيمان... Очдан ўлиб қолмаслик учун кунда уч маҳал овқат еб, ўлимимни кутаман... Кутиш... Бахт кутиб узоқ яшадим... Ўлим кутиб қанча яшайман? Бахтга эришишим ўзимнинг ихтиёримда эмас эди. Ўлимим эса... ўз қўлимда. Кутиб, қийналиб яшашим шартми? Бир неча нафасда бўладиган иш-ку? Агар ўз ўғлим ўшанда чиндан ҳам ўлган бўлса... нариги дунёда уни кўраман-ку? Қандай яхши!.. Ўшанда хўжайиним, «ўғлингни сувга ташлаб юбордим», деган эдилар... Демак, боламни сувдан топаман... Ҳа, у ўша ерда,

мени кутяпти... Нега шу пайтгача бунни ўйламадим? Боламни нега бунча узоқ куттирдим? Аввалроқ борсам бўлмасмиди?..»

Шундай хаёлларга банди бўлган Кўпайсин аста-аста қадам босиб ҳовли этаги томон юрди. Пастда анҳор суви шовқинсиз оқади. Кундузи тепадан туриб қаралса, оқар сувга эмас, кўлга ўхшаб кўринади. Кеча булутсиз осмонда сузган ой акси сувга тушиб, ажиб манзара кашф этган эди. Бу тун у гўзаллик йўқ. Кўпайсин қоп-қора тубсизликка тикилиб бир оз турди. Осмонни қоплаган булут чоки сўкилиб, Ой кўринди. Сув сатҳи ёришди. Ой ҳали уфқ томонда бўлгани сабабли сув сатҳида акси кўринмади. Унинг ўрнига... бир бола кўринди... Дўмбоққина, сочлари жингалаккина, қош-кўзлари қоп-қорагина, ширингина, асалгина чақалоқ кўринди... Таниди: ўзининг ўғли! Дўмбоқ кўлчаларини унга чўзиб, интиляпти. Сув уни қаърига ютмоқчи. Чақалоғини қутқариши керак! Тезгина! Тез...

Хотима ўрнида

Бу воқеа ўзгачароқ тарзда яқун топмоғи ҳам мумкин эди. Мавҳумлик ўрнини тўлдиришни муҳтарам ўқувчининг ўзига ҳавола этишни маъқул топдим. Мен Холиданинг ҳикоясини эшитгандан кейин бир неча кун мутаассир бўлиб юрдим. Кимга ачинишни, кимни айблашни билмай қийналдим. Шундай кунларнинг бирида телефоним қўнғироғи жириглаб, нотаниш одам мен билан учрашмоқчи эканини билдирди. Не ажабки, мен билан учрашишни истаган одам Наргизанинг отаси экан. У Кўпайсин фожиасида ўзининг ҳам гуноҳи борлигини англаб, лоқайдлиги учун пушаймонда эканини айтди. Лоқайдлиги учун кишининг қандай жазога мубтало бўлишини Аллоҳ билади. Бир кишини зулмдан тўхтатиб қолишга уринмаганлик учун ҳам жазо мавжудлигини билганимизда эди, қанчадан-қанча зулмларнинг олдини олган бўлардик.

Мазкур баёндан сиз, азизларга айтмоқчи бўлган мақсадимизни англагандирсиз? Инсон бу дунёда ҳар бир қада-

мини ўйлаб босиши керак. Агар ўйламаса, пала-партиш ҳаёт кечирса, оқибат хайрли бўлмайди. Эҳтимол, бу ҳикматни қалби пушаймонликдан азоб чеккан бир бечора бизга ибрат сифатида айтиб кетгандир?

*Билмайин босдим тиконни, тортадирман
жабрини,*

*Билсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим
ул тиконнинг жабрини...*

ОХИРАТ

Кўзига уйқу илиниши қийин бўлган эди. Бир неча кундан бери бу аҳвол такрорланаётгани учун юрагининг ярадор қуш сингари потирлаб уриб қўяётганига ҳам эътибор бермади. У ўлимдан чўчимас эди. Ажал етганда иймон калимасини айтишга улгурмай жон таслим қилишдан қўрқарди. Намоз фарз бўлиш ёшига етмасдан илгарийёқ қулик вазифасини бажара бошлаган, пешанаси неча ёшида илк марта саждага текканини аниқ билмаган, фоний дунёда қарийб минг ой умр кечирган Муҳаммадалининг бу хавотиридан хабар топган одамнинг ажабланиши табиий эди. Дадаси раҳматли, «рўза пайтида онангни кундузи эммай қўярдинг, онанг сени бетаҳорат эмизмаган сира. Эмиб бўлгунингча «Ёсин»ни ўқиб ўтирарди», дер эди. Дадаси унинг кўнглини кўтариш, илм олишга рағбатини ошириш учун айтармиди бу гапларни ё чиндан ҳам шундай бўлганмиди — у билмайди. Ёши улғайиб, тарих ва ҳикмат китобларини ўқий бошлагач, валийлар гўдаклик чоқларида шундай фазилатларга эга бўлганларидан хабар топиб, юраги ҳаприқиб кетган эди. Шундан сўнг унинг ибодатлари валиуллоҳлик шуҳратини эгаллаш умиди билан эмас, балки, «Аллоҳнинг валийларига насиб этган фазилатларга мен доғ тушириб қўймасмикинман?» деган масъулият билан зийнатланди.

Айниқса умр шомига етгач, шайх Санъон тарихини кўп эслайдиган, мўъминлар «султоним», деб эъзозловчи ҳазрат Яссавийнинг «Шайтон ғолиб, жон чиқарда шошдим

мано...» сатрини тез-тез пичирлаб айтиб қўядиган бўлган эди. Шарафли ҳадисдаги «ўлмай туриб ўлинглар» ҳикматини ҳамиша ёдда тутса-да, банда бўлгани учун зарур онда ожизлик қилиб қўйишдан қўрқарди.

Бу тун юраги безовта бўла бошлагач, калима келтирди, истиғфор айтди. Юраги бир меъёрда уриб, нафас сиқиши чекингач, қуллиқ қилиш дамларини узайтиргани, яна каттами-кичик хайрли иш қилиб қолиш бахтини бергани учун Аллоҳга ҳамд айтди.

Хўроз безовталаниб, қанотларини патиллатди. Барчага хўрозлигини билдириб қўйиш мақсадида қичқирмоқчи эди, уйқуси очилмагани учунми ё субҳ вақти етмагани сабаблими овози чиқмади, қуриллаб қўйишдан нарига ўтмади. Унинг безовталигига ёнидаги товуқлар ҳам парво қилишмади.

Хўрознинг бевақт безовталаниши алдамчи тонг — субҳи козибдан дарак эди. Муҳаммадали қаддини кўтарди. Сўнг ўрнидан турди. Ташқарига чиқиб таҳорат олди. Таҳажжуд намозини ўқишга ният қилди. Саждага бош қўйганида юраги яна потирлай бошлади. Шу ҳолда жон бериш ҳақидаги фикр хаёлини яшин каби ёритди. Куръонни ўргатган устози омонатини сажда ҳолатида Эгамга топширганида Муҳаммадали «Аллоҳ севган бандасига шундай ўлим неъматини беради», деб қўйган, умр шомига қадам қўйгач, айни охиратни умид қилган эди. Ҳозир шу неъмат бахтига етишмоқ учун «Субҳана роббийял аъло»ни кўп такрорлади.

Ажали етмаган экан, юраги яна бир меъёрда ура бошлади.

То хўроз қичқириб, сўнг муаззин азон чақиргунича жойнамоздан турмади – тасбеҳ айтишдан толиқмади. Кейин масжидга отланди. «Меҳмонлар уйғонишганмикин», деган ўйда айвонга қараб қўйди. Ўғлининг шаҳарлик биродарлари хуфтон намозидан кейин ҳам ярим кечгачамикин суҳбат билан банд бўлган эдилар.

Бомдоддан кейин масжид қавми билан биргаликда қўшни қишлоқдаги тўйга бориб келди. Уйга қайтганида меҳмонлар нонушта қилиб ўтиришарди.

Меҳмонлар билан суҳбатлашиб ўтирганда кимдир чақирди. Ўғли кўчага чиқиб, тезда қайтди. Отасининг савол

назарига жавобан «Қизил мўйловнинг қўшниси келибди, «ошнангиз» ўсал эмиш», деб қўйди. «Ошнангиз» деган сўз киноя оҳангида айтилганини ўтирганлар фаҳмлашмади. Аммо «қизил мўйлов» дейилиши уларнинг эътиборидан четда қолмади.

— «Қизил мўйлов» дедингизми? Бунақасини энди эшитишим, мўйловини хинага бўяб юрадимиз? — деб сўради биринчиси.

— Бўямайди, қилиб юрган иши «қизил» бўлган, — деди ўғил.

Меҳмонлар ўсал бўлиб ётган кишининг қачонлардир болшевикча вазифасини ҳаддан ошириб бажаргани учун шундай лақаб орттирганини англаб, кулимсираб қўйишди. Мезбон эса изоҳ беришни лозим топди:

— Ҳарбийдан қайтганидан кейин комсомолга ишга ўтиб, мактабга етакчи бўлиб келган экан. Ўқувчиларнинг эсларини тескари қилиб юборган, дейишади. Миллионга худосизга дарс берадиган қилиқлари бор экан-да. Рамазонда ҳар кун синфларга бирма-бир кириб нон тишлатиб чиқаркан. Ким рўзаси бузилаётганидан йиғламсирайдиган бўлса, «Худо йўқ!» деб айтишга мажбурларкан. Шунда иймони собит болалар дилларида «Аллоҳдан бошқа», деб такрор-такрор айтиб, тиллари учиде «Худо йўқ», деб қўйишаркан.

— Боплашаркан! — меҳмонлар шундай деб кулишди. Муҳаммадали эса «ғийбат қилма», деган маънода ўғлига норози нигоҳда қараб қўйди. Ўғил бу қарашга эътибор қилмай, гапини давом эттирди:

— Бир кун ҳаммани ҳовлига тўплаб, «Эй Худо, менга бурама конфет бер!» деб ялининглар», дебди. Биров айтибди, биров айтмабди. Шунда: «Қани, Худо сенларга нима берди?! Энди мендан сўранглар», дебди. Бир-икки бола: «Устоз, конфет беринг», дейишган экан, уларга берибди. Кейин: «Ана кўрдиларингми, Худо йўқ, мен эсам борман!» деган экан.

— Астаффируллоҳ! — деб ёқа ушлашди меҳмонлар. Муҳаммадали эса ўғлини ғийбатдан тўхтатиш учун енгил йўталиб қўйди.

Муҳаммадали Қизил мўйловнинг бетоблигини кеча эшитган, бугун жума намозидан кейин йўқлашни дилига

туғиб қўйганди. Гарчи Қизил мўйловнинг туҳмати туфайли минг бир балого учраган бўлса-да, мўъминга хос фазилатига хиёнат қилмайдиган Муҳаммадали озодликка чиқиб, қишлоғи тупроғига қадам қўйган онидаяқ уни кечирган эди. Гина сақлаб, аразлаб юриши мумкин эмасди. Ўртада устознинг хотираси бор эди. Кейинчалик «Қизил мўйлов» лақабини олган Неъматуллоҳ устознинг ўғли, қолаверса, ота томондан қариндошлиғи ҳам бор эди.

Неъматуллоҳ туғилганида отаси олтамиш ёшдан ошгани сабабли, қишлоқдагилар уни баъзан эркалатиб «Олтамишвой», деб ҳам аташарди. Шаҳардаги мадрасада улуғлардан сабоқ олган устози советлар таъқиби авжга чиққан онларда ҳам болалар қалбига иймон уруғини экишга ҳаракат қиларди. Қишлоқ уйқута кетган тунлари Муҳаммадали тупроқ кўчалардан қўрқа-писа юриб устознинг уйига келарди. Субҳи содиқда бомдодни ўқиб, уфқ бўзармай уйига қайтганда отаси ҳам, онаси ҳам ҳовли ишлари билан банд бўлишарди. Бир томондан устози «Ҳар қандай ҳолатда ҳам бомдоддан кейин ухлама», деб ўргатгани учун, иккинчи томондан ота-онаси тер тўкаётганда ётиб олишга уялгани сабабли ишга уннарди. Отаси урушга кетгач, бир-икки кун ўқишдан қолган эди, онасидан танбеҳ эшитди: «Уруш бутун бўлмаса эртага ўтади-кетади. Ўқишсиз ўтган кунинг, бой берган вақтинг қайтмайди. Вақтнинг исрофи учун қиёматда ҳисоб берасан. Аллоҳнинг ҳузурида уялиб қолмай десанг, ҳар тун бир оятни ё бир ҳадисни ўрган», деб ярим тунда устозникига жўнатди.

Неъматуллоҳнинг ўқишга ҳуши йўқ, айниқса тунда ҳарфларга тикилиб ўтириш унинг учун азоб эди. Муҳаммадали унинг ялқовлигини эркатойликдан деб биларди. Бир тун уйқудан туравермагач, устози афсус билан бош чайқаб: «Луқмага ҳаром аралашган пайтда бўлиб қолган бу бола. Янганг шавлага бошқоронғи бўлган экан, қўшни овқат чиқарса, суриштирмай еяверибди, гумоним ўша таомда. Бизникига кирадиган ҳар бир дона гуручга ҳам, буғдойга ҳам ҳаром аралашмас эди. Бутун умидим Аллоҳда, тавбамизни қабул этиб, фарзанду аржумандимизга ўзи инсоф бермаса, бошқа чорамиз йўқ», деган эди. Илм бобида ўғилдан кутадиган шарафни Муҳаммадалидан орзу

қилди. Муҳаммадали аскарликка жўнаганда, кейин қамалиб кетганда ҳам унинг қайтишини орзиқиб кутди. «Жанозамни Муҳаммадали ўқисин», деб васият қилди. Хасталик тўшакка михлаган кунларнинг бирида Муҳаммадали қайтганини эшитиб, Аллоҳга ҳамд айтди, шукроналикни изҳор этиш учун нафл намозини ўқиш ниятида ўрнидан кўзғалмоқчи бўлди. Не ажабки, қаддини кўтаришга куч топди. Ёстиқ ёнидаги жойнамозни ҳам ўзи солди. Фақат тик туrolмади. Намозни ўтириб ўқиди. Иккинчи ракаатнинг иккинчи саждасига бош қўйди-ю жон берди... Уни Муҳаммадалининг ўзи ювиб, кафанлаб, ўзи жаноза ўқиди. Неъматуллоҳ партия ишига ўтган эди, жанозада ҳозир бўлишдан кўрқди. «Шошилинич Тошкентга чақириб қолишди», деган баҳонага қишлоқ аҳли ишонмади. У дамларда «Қизил мўйлов» лақабини олишга улгурган Неъматуллоҳ ота розилигига етишолмагани камлик қилиб, қишлоқ аҳлининг лаънатига ҳам қолди.

Шу одам ўсал ётган эмиш...

Қизил мўйловнинг дарвозаси қаршисига келиб, тўхтади. Унинг бу туришини кўрган одам, «домламин кирсамминкин, кирмасамминкин?» деб ўйланиб қолдилар, киришга оёқлари тортмаётганга ўхшайди», деган хаёлга бориши мумкин эди. Аслида эса ундай эмас, у бир пайтлар қишлоқда энг маҳобатли ҳисобланган уйнинг мунғайиб қолганига ажабланиб тикилиб турарди. Неча йиллардан бери оқланмаган, сувоқлари кўчиб туша бошлаган уй унинг назарида эгаси ўлмай турибоқ етим каби мунғайиб қолганди. Шу қишлоқда биринчи бўлиб қад ростлаган темир дарвоза бўёқлари ҳам кўчиб, кўп жойларини занг босган эди.

Хонадон соҳиби амал отида юрган кезлари бу уй, бу ҳовли икки хизматкорнинг ҳаракати билан гуллагани унга маълум. Мансабдан тушгач, кетмон ушлашга ўзининг қуввати етмай қолди. Ёлғиз ўғли ўзи каби ялқовроқ бўлгани учун эгилмади. Шаҳардаги ўқишни битиргач, қишлоққа қайтмади. Уйланганидан кейин янада камқатнов бўлди. «Қизил мўйлов»лик шуҳратида юрганида қариндошларини менсимай қўйгани, ҳатто бездиргани оқибатида Худо уни бутунлай «яккамоҳов» ҳолига тушириб қўймаган бўлсада, йўқловчиси йўқ ҳисобида эди.

Қизил мўйловнинг ўғли аввалги йили қишлоққа келганида Муҳаммадали унга атайин учраб, ота ҳолидан хабар олиб туриш вожиб эканини айтди. Ўғил унинг гапларини лоқайдлик билан тинглади. Муҳаммадали ота ҳатто кофир бўлса ҳам хизматини бажариш шартлигини таъкидлаганда: «Менинг отам кофирми?» дегандай таажжуб билан тикилди. Муҳаммадали болалик кезлари Қуръонни бирга ўрганган дўстини «кофир» деб айблаш фикридан йироқ эди. Дўсти кейинчалик муртадлик кўчасига кириб кетганида ҳам уни ошкора айбламаган, аксинча, дуоларида Аллоҳдан дўсти учун ҳидоят сўраган. Ўғилнинг ҳидоятдан нари бўлгани ҳолда «отам кофирми?» дегандай қараб туришидан Муҳаммадали ноқулай аҳволга тушиб, ота кофир бўлган тақдирда ҳам фарзанднинг ҳаддида туриши Аллоҳ томонидан Иброҳим алайҳиссаломга буюрилганини, бу амрга итоат этмоқлик барча учун вожиб эканини тушунтирмоқчи бўлган эди. Ўғил унинг гапларини тинглади-ю амал қилмади. Ўшандан кейин унинг отасидан хабар олгани келганини Муҳаммадали эшитмади. Қизил мўйловнинг ён қўшнисини масжид қавмидан эди, иссиқ-совуғидан хабар олиб турарди. Муҳаммадалининг ўзи устозининг жанозасидан кейин маъракаларига киргани ҳисобга олинмаса, бу ҳовлига қадам босмай қўйган эди.

Муҳаммадали шу кўчадан ўтгудай бўлса, хотиралари уйғониб, юраги уни ичкарига тортарди. Ҳовлига қадам босиши билан устози пешвоз чиқадигандай туюлаверарди. Юраги амрига итоат қилиб бир марта кирди ҳам. Ҳовлидаги сўрида лўлаболишга суяниб ёнбошлаб ётган дўсти саломга алик олди-ю, аммо қаддини кўтармади. Муҳаммадали болалик кезлари келганида устози кўпинча шу сўрида ўтирган бўларди. Шогирдининг саломини эшитгач, мутолаа қилиб ўтирган бўлса ҳам, китобини қўйиб, уни ўрнидан туриб қарши оларди. Муҳаммадали бундан хижолат бўлганида «толиби илмни иззат қилган одамни Аллоҳ иззат қилади, сенинг баҳонангда мен Роббим иззатига етишгайман, инша Аллоҳ!» деб қўярди. Устознинг ўғлига Худонинг эмас, ўзидан юқорироқ амал курсисида ўтирганларнинг иззати ва эътибори муҳимроқ эди. Шу боис ҳам жойидан жилмай «устозинг ўлиб кетган бўлса, энди бу

хонадонда сенга нима бор?» деган савол назари билан қараб ётаверди.

Қизил мўйлов амал кўшқида боши айланиб юрган кезлари киндик қони тўкилган ота уйини буздириб, ҳашаматли иморат солдирди. Эски уйни бузиб, янгисини солиш айб эмас. Шундай бўлса-да, Муҳаммадалининг кўнгли эзилди. Назарида дўсти эски уйни бузиш билан устоз хотирасини ҳам бу ҳовлидан суриб чиқариб ташлаган эди...

Муҳаммадали остона ҳатлаб ҳовлига киргач, икки-уч қадам юриб яна тўхтади. Кўшни вақт-бемаҳал қараб тургани билан ҳовли эгаси кўчиб кетгандай ивирсиб қолган эди. Кўнгли инжиган Муҳаммадали уй томон юрди. Бемор ҳузурида ҳеч ким йўқлигини гумон қилса ҳам, «эҳтимол, кўшни шу ердадир», деган ўйда: «Ким бор?» деб овоз берди. Уй остонасига бориб, бир оз жавоб кутди. Ичкарида шарпа сезилмагач, даҳлизга кирди. Рўпарадаги ва ўнгдаги эшик берк, чапдагиси қия очиқ эди. Бемор шу томондадир, деган ўйда эшикни каттароқ очиб, қаради. Қизил мўйлов дераза томондаги каравотда ҳаракатсиз, сассиз ётарди. Деразадан тушиб турган офтоб нурида рангсиз юзи ўликниқига ўхшаб қолган эди. Муҳаммадали «кечикибман шекилли?» деган хаёлда «Инна лиллаҳи...» деб каравот томон шошилади.

Қизил мўйлов шарпани сездими, ё вужудини кемираётган дард азобиди инградими, ҳар ҳолда заиф овоз чиқарди. Беморнинг керилган бурун катакларига қараб қўйган Муҳаммадали пичирлаб шаҳодат калимасини айтди. Жон одамни қачон тарк этишини Аллоҳдан ўзга ҳеч бир кимса билмайди. Айримлар беморнинг оғир аҳволига қараб, «эрта ё индин жон таслим қилади», деб ўзларича тахмин қилишади. Яқинларга хабар юборишади. Бемор эса худди ўчакишгандай яшайверади, ойлаб, ҳатто йиллаб яшайди. Муҳаммадали ҳеч қачон ўзигча тахмин қилмаган. Лекин ажал аломатларини сезгандай бўлганда калима қайтаришни унутмайди.

Муҳаммадали бемордан кўз узмай салом берди, қоқсуяк бўлиб қолган қўлни олиб сўрашди. Қачонлардир бу қўлнинг чангали худди осмондаги юлдузни узиб оладиган даражада эди. Қачонлардир шу қўл туҳмат хатига имзо

чекиб берган эди. Бу қўл бутунги аҳволга тушгунига қадар, узоқ йиллар Аллоҳга муножот қилиб кўтарилмаган, дўстлик меҳри билан бировга узатилмаган ҳам эди. Муҳаммадали ўзини турмага тикишга сабабчи бўлган бу қўлни кафтлари орасига олиб силади. Дуо ўқиб, беморга дам солди. Аллоҳга илтижо қилиб, бу нотавон бандага шифо тилади.

Қизил мўйлов кўзларини аста очди. Бошини буриб Муҳаммадалига қарашга уринди. Беморнинг ўлим олдидаги бундай ҳолати Муҳаммадали учун янгилик эмас. Қишлоқда кимнинг кунни битиб қолаёзган бўлса, яқинлари уни чорлашади. У беморнинг кўнглини нима деб кўтаришни, яқинларини қандай сабрга чақиришни яхши билади. Ҳозир эса тилига гап келмай қолди.

Кўнглида шумлик бўлганида, «Аҳволинг шу экан-ку, керилиб юриб, одамларнинг кўнглини оғрита-оғрита топган мукофотинг шу бўлдими? Йўлингда учрагани янчиб ташлардинг, қани энди охират азобидан ўзингни ҳимоя қилиб кўр-чи? Мени кўшнинг чақиртирди. Охирги нафасингда мен ёнингда бўлар эканман-ку? Қаматганингда бундай кунга тушишингни ўйламагансан. Шундай аҳволда жон беришингни билганингда ўша онда туҳматдан тийилган бўлармидинг? Тийилмасдинг. Чунки сен Аллоҳдан узоқлашиб, иблис билан оғиз-бурун ўпишишни одат қилган эдинг. Қани ўша иблис? Нега сени азоблардан ҳимоя қилмаяпти? Ҳа... иблиснинг хоинлигини билардинг. Била туриб дўст тутиндинг. Энди баттар бўл!» деб маломатлар қилган бўларди. Бундай шайтоний гаплар унинг хаёлига ҳам келмайди. У бутун қалби ила Аллоҳга илтижо қилиб, дўстини авф этишни сўрарди.

Қизил мўйловнинг кўзлари ёшланди. Лаблари қимирлади. Нимадир демоқчи бўлди, аммо овози чиқмади. Муҳаммадали «Калима қайтармоқчи шекилли», деб ўйлаб, кўзларини ярим юмганича муножот қилди: «Аллоҳим, биродаримга раҳминг келсин. Бир дақиқага бўлса ҳам тилини бер. Истиффор айтиб, калима келтирсин. Дилида айтаётгандир, тилида ҳам айтса кўнгли равшанлашади...»

— Кишининг хасталиги, дард азоблари қилинган гуноҳларга каффорот бўлар экан, буни ўзингиз ҳам биласиз. Аллоҳ севган бандасига дард беради, Фиръавнга ҳатто бош

оғриғини ҳам бермаган экан, бу ҳам ўзингизга маълум. Аллоҳнинг марҳаматидан умид қилаверайлик, — деб беморнинг пешанасига кафтини қўйди. Кейин юзини силаётган эди, ёноққа думалаган ёш кафтига тегиб энгил сесканди. «Кўздан ёш чиққани яхши, — деб ўйлади, — иймонини бутунлай қўмиб ташламаган экан...»

* * *

...Уруш тугаб, жангчилар қайтаётган маҳалда иккови бараварига ҳарбийга чақирилди. Омадлари чошиб, иккови ҳам бир ҳарбий қисмга тушди. Лекин мусофирлик азоби уларни икки йўлга айириб ташлади. Муҳаммадали сабр йўлини маҳкам тутди. «Ҳарбийдагиларни чўчқа гўшти билан боқяшади», деб эшитгани учун биринчи кунданоқ гўшт емади. Чўчқа фақат байрам муносабати билан сўйилишини, бошқа кунлари қозонга озгинагина мол гўшти тушишни билганидан кейин ҳам емади. Очликка чидолмайдиган Немаътуллоҳ томоғидан қандай луқма ўтаёганига парво қилмади. Уйда намозни отасининг зўри билан ўқирди. Бу ерда намозни ҳам тарк қилди. Дўстининг танбеҳини қулоққа илмади. Пахтали кўрпа-ёстиққа ўргангани учун похол тўшакда ётиш унга дўзах азоби бўлиб туюлиб, жони ором олиши учун ҳар қандай пасткашликка ҳам тайёр бўлиб қолди.

Муҳаммадали ҳарбийдалигида устозидан бир мартагина хат олган эди. Мактубда устоз унга соғлик-омонлик тилагандан сўнг «ўртоғингни назардан қочирма, ҳидоятдан оғишига йўл қўйма», деб ёзган эди. Ўғлининг феълини билгани учун Муҳаммадали зиммасига шу вазифани юклаганди. Отанинг сўзини олмаган одам дўстининг насиҳатига қулоқ солармиди?! Муҳаммадали устозининг вазифасини бажара олмади. У қайсар дўстини айбламайди, балки «мен томонимдан амр ва наҳйи етарли бўлмади», деб гуноҳни ўз бўйнига олади.

Ҳали қасамёд қабул қилмасларидан илгари ошхонада картошка арчишаётган эди. Шом намозининг вақти киргани учун Муҳаммадали ўзини даврадан сал четроққа олиб, ўтирган ерида имо-ишора билан намозни ўқиди. Дераза ортида интендант хизмати майори кузатиб тургани-

ни сезмади. Қисм командирининг хўжалик ишлари бўйича муовини ҳисобланган бу майор урушда яраланганидан кейин шу соҳага масъул қилиб қўйилган эди. У аввалига Муҳаммадалини ялқовлик қилиб четга чиқди, деб ўйлади. Кейин унинг ҳаракатларини кузатиб, лаблари қимираётганини кўриб, ибодат қилаётганини англади. Муҳаммадалининг намозни тутатиб, картошка арчаётганлар даврасига қўшилишини кутди. Кейин ичкари кириб, йигитлар билан сўрашган бўлди-да, нигоҳини Муҳаммадалига қадади.

— Картошкани яхши арчаркансан, — деди кулимсираб. — Ўзбексан-а? Ўзбекларнинг бир мақолини биламан: «Пиёзни бойнинг боласи, сабзини камбағалнинг боласи арчсин», дейишади. Бунинг маъносини биласанларми?

Майор шундай деб йигитлардан жавоб кутди. Тайинли жавоб олмагач ўзи тушунтирди:

— Сабзининг пўстини юпқа қилиб арчиш керак, пиёзнинг дум томонини аямасдан кўпроқ олиб ташлаш керак. Бойнинг боласи исрофчи бўлади, аямай арчади. Сабзининг ярмини пўчоққа чиқариб ташлайди. Камбағалнинг боласи тежамкор бўлади, эҳтиётлаб арчади. Сенларнинг арчишларинг бойнинг боласиникига ўхшайди. Қўлларингга тушган муштдай картошка арчганларингдан кейин ёнғоқдай бўлиб қоляпти. Сенларга пўчоққўр чўчқалар раҳмат айтишади.

Яна бир оз суҳбатлашган бўлиб, сўнг Муҳаммадалини ўзи билан олиб чиқиб кетди. Хонасига олиб кириб, икки кесим қора нон, бир чақмоқ қанд билан уни меҳмон қилди. Муҳаммадали нонга ийманибгина қўл узатди.

— Намоз ўқийсанми? — деб сўради майор унга тикилиб.

Муҳаммадали кутилмаган бу саволдан чўчиб тушди. Командирнинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари аскарлар билан биринчи учрашувдаёқ диний ташвиқот учун қатъий жазо берилишини айтиб огоҳлантирган, насронийчасига чўқиниб қўйиш, мусулмончасига дуо қилиш ёки намоз ўқишга интилиш ҳам диний ташвиқотнинг бир тури эканини алоҳида таъкидлаган эди. Майорнинг тикилиб қарашида зулм учқунлари кўринмаган бўлса-да, Муҳам-

мадали чўчиди. Майорнинг жазо беришидан эмас, намозни яширинча ўқиш имкониятининг беркилиб қолишидан кўрқди. Ҳозир «Йўқ, ўқимайман», деса биров «ўқийсан», деб исбот қилиб бера олмайди. Майорнинг жазосидан қутулиб қолиши мумкин. Лекин ёлғон гапиргани учун Яратганнинг жазоси бор...

— Ўқийман, — деди Муҳаммадали.

Майор унинг «ўқимайман», деб ўзини оқлашини кутган эди. Тўғрисиқлигидан мамнун бўлди:

— Эҳтиёт бўлишинг керак, — деди майор. Унинг овозидаги меҳр оҳанги Муҳаммадалига далда берди. — Динга доир сиёсатга ишониб бўлмайди, баҳорнинг об-ҳавосига ўхшаб ўзгариб туради. Уруш йиллари ибодатга рухсат беришган эди. Ҳатто ҳалок бўлган мусулмонларга жаноза ўқилишига ижозат берилувди. Энди эса... ибодат қилсанг балога қоласан. Ибодат қилувчи ёлғон гапирмайди, демак, хиёнат ҳам қилмайди. Армияга қанақа одам керак? — майор шундай деб афсус билан бош чайқаб қўйди. — Гўшт емаётганингни менга айтишди. Сен ажабланма, атрофингдаги икки одамнинг бири ҳар қадамнингни текшириб, бизга етказиб туради. Сен ҳалоллигингни ошкор қилаверма. Косангга бир мисқол гўшт тушса тушади, бўлмаса йўқ. Қасамёд қилганларингдан кейин мен сени ошхонага оламан. Сенлар ҳалол ишлайсанлар, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмайсанлар. Сен нон кесиб тарқатасан. Битта ушоқни ҳам исроф қилмасликларинг менга ёқади.

Майор сўзининг устидан чиқди. Муҳаммадалига осондай кўринган бу иш аслида ғоят оғир эди. Хизматга аввалроқ келиб «қария» ва «бобо» мартабасида керилиб юрувчи аскарларнинг қўшимча нон сўраб зўравонлик қилишларидан майор уни огоҳлантириб қўйганди. Муҳаммадали бошқаларнинг ҳақи ҳисобига уларни тўйдиришни истамагани учун тунлари тепки еса ҳам бўш келмади. Неъматуллоҳнинг талаби эса уни оғир аҳволга солиб қўйди. Неъматуллоҳ «қорним тўймаяпти, шу ерда очдан ўлиб кетсам товонимга қоласан», деб ҳам кўрди, бошқа баҳоналарни ҳам ўйлаб топди. Талабига жавобан дўстидан сабр ҳақидаги, ҳалоллик тўғрисидаги насиҳатларни эшитди. Эшитди-ю, амал қилишини истамади, насиҳатга жавобан:

«Ҳалоллигинга тупурдим, мен бу ердан тирик қайтишни хоҳлайман, бахтли яшашни истайман!» деб жавоб берди. Отасининг: «Чинакам саодат саройига ҳалоллик сўқмоғи орқали бориш зарур», деган ўғитини унутди. Охири: «Сен бизникида кўп туз тотгансан, агар нон бермасанг, бизникида еганларингга рози эмасман, томоғингдан ўтгани ҳаром!» деб унинг дилини вайрон қилди. Шундан сўнг Муҳаммадали ўзи ейиши лозим бўлган бир кесим нонининг ярмини унга берадиган бўлди. Биров кўрмаслиги учун чўнтагига яшириб, кечаси ҳамма ухлаганида берарди. Майор, «атрофингдаги икки одамнинг бири ҳар қадамнинг текшириб, бизга етказиб туради», деб бекорга огоҳлантирмаган эди. Неъматуллоҳга нон бераётганида ушлаб олишди. Бу тасодифий ҳол эмасди, уни пойлаб туриб, кейин ушлашди. Муҳаммадали бу фитнада дўстининг ҳам иштироки борлигига ишонгиси келмади.

Махсус бўлимда ишловчи капитан барчани «ширин суҳбати»дан баҳраманд қилмаган бўлса-да, бундай «суҳбат»ларнинг довуғи тилдан-тилга кўчиб юргани учун капитанни кўрган ҳар бир аскарнинг тиззасида титроқ турарди. Бу ваҳимали гапларнинг асосли эканига Муҳаммадали гарданига қайноқ сув томчилари томизилганда ишонди. У диндорлиги билан совет аскарларига салбий таъсир кўрсатаёганликда айбланмади. Интендант майори иштирокида ошхонада махсус текширув ўтказилиб, нон тарқатишда камчилик топилмаган бўлса-да, капитан ундан ўғирлик гуноҳини олиб ташламади. Муҳаммадали капитаннинг асосий мақсади диндорлиги учун уни қамаб юбориш эканини англаб турарди. Аммо тўғридан-тўғри шундай айблаётганига ажабланарди. Бундай айб тақалиши советнинг сиёсатдаги фирромлигини олам аро ошкор қилиб қўйиши мумкинлигини у тушунмас эди. У ибодатда собит бўлгани сабабли қамаб юборишса, ҳатто отиб ташлашса мингдан-миг рози эди. Бироқ, тухмат билан, «ўғри» деган шармандали айб билан юришни истамасди. Капитан Неъматуллоҳнинг тухмат билан тўйдирилган хатини кўрсатгач, бу ердаги тақдири ҳал этилганини англади. Буни Аллоҳнинг бир синови сифатида қабул этиб, сабрни ўзига фан қилди.

Муҳаммадалини «ўғри» деб қамаб юбориш учун капитан етарли далил тўплаган эди. Лекин у шошилмади. Бу ўжар боланинг таъзирини бериб роҳатланди. Қишнинг совуқ тунларида ҳожатхона тозалатди. Уч кун оч қолдириб, сўнг сўроққа чақиртирганда бир кесим нон устига чўчқа ёғи қўйиб узатди. Муҳаммадали унинг қўлидаги нонга бир қараб олди-ю, бошини эгди.

— Емайсанми? — деди капитан ғазаб билан. — Ҳаром дейсанми? Сенлардаги ақидага кўра, ўлар олдида жонини сақлаб қолиш учун еса гуноҳ бўлмайди.

— Мен ўлаётганим йўқ, Худога шукр, — деди Муҳаммадали пичирлаб. У ўзбекча гапирган, капитан сўзларини аниқ эшитмаган бўлса-да, нима демоқчи бўлганини англади. Сўкинганича ўрнидан туриб, ёғни унинг оғиз-бурни аралаш сурта кетди...

Капитан бир ўқ билан икки ўлжани мўлжалга олган эди. Муҳаммадалининг иши унинг учун айтарли қийин эмасди. У интендант майорини ҳам даф қилмоқчи эди. Туғилган кунини нишонлаш мақсадида озиқ-овқат омборига келиб ул-бул олмоқчи бўлганида майор уни тўхтатган, раҳбарият ҳузурида шармандасини чиқарган эди. Капитан бу ҳақоратни унутолмасди. Лекин жанговар хизматлари туфайли раҳбарият ҳузурида эътиборли ҳисобланган бу майорни йўқотиши ҳам осон эмасди. Майорнинг ўғрига шериклигини исботлаш учун кўп уринди. Муҳаммадали «ўғирликни майорнинг топшириғи билан қилдим», деган қоғозга имзо чекиб берса, жазоси енгиллашиши мумкинлиги ҳақида кўп ваъдалар эшитди-ю, бироқ, иймонига қарши бормади. «Муҳаммадали нон сотиб, пулини майорга берарди», деган маълумотни Неъматуллоҳ билан яна икки «бобо» аскар ёзиб берган эди...

Неъматуллоҳ хиёнатни учун ўшанда Худодан жазо кутган эди, лекин капитан томонидан мукофотланиб, боши кўкка етди. Дастлаб нон кесиш унга топширилди, кейин озиқ-овқат омборига ўтказилди. Текинтомоқларнинг раъйини қайтармади. Ўзи каби аскар йигитларнинг ризқини қийиб тўйди, ҳаромхўрларни ҳам тўйдирди. «Ҳамқишлоғинг аҳмоқ эди, сен ақл билан яшайвер», деди бир куни капитан уни мақтаб. Неъматуллоҳ бу мақтовдан талтай-

ди. Капитан назарда тутган ақл отаси ўргатган ақлдан тубдан фарқ қилишини, бу ақл иймонсизликдан иборат эканини ўйлаб қўрмади. Отаси, «қилинган гуноҳ учун бандага Аллоҳ ўша заҳоти ёки ўша куни ёки ўша ойда жазо бермайди. Ўзи билиб вақтида жазолайди», деб Аллоҳнинг газабидан қўрқишни ўргатган эди. У қўрқмади. Гуноҳларнинг жазосиз қолишига ишонди...

Ҳарбий трибунал ҳукми билан Муҳаммадали бориб тушган «жарима батальони» деб аталган қамоқ лагерида тан азоби бор эди. Лекин Яратган уни руҳ азобларидан асради. Сталин ўлгач, сиёсий маҳбуслар озод қилина бошланди. Бироқ, у «ўғрилик» моддаси билан қамалгани учун ҳукм муддатини охиригача адо этди. Оқланмади. Тужмат туфайли елкасига ёпилган шармандали жанда олиб ташланмади.

Сталин ўлиmidан кейин бошланган амнистиядан норози бўлиб, Хрушчевни сўкиб юрган Неъматуллоҳ Муҳаммадалининг эсон-омон қайтганини эшитганида унга рўпара келишдан уялмади. «Мени мажбур қилдилар», деб ўзини оқламади ҳам.

Устозининг ўлиmidан эзилган Муҳаммадали унинг кечирим сўрашини кутмади...

Ҳозир ўлим шарбатини тотаётган Қизил мўйлов киприкларини пирпиратганда, ёноғига ёш думалаганда ўша воқеаларни эсладимикин? Кечирим сўрамоқчи бўлдимикин? Агар бир дақиқага тили қайтариб берилса, тавба қилармиди? Аллоҳ билгувчидир...

Муҳаммадалига унинг кечирим сўраши шарт эмас, мўъминлик вазифасини адо этиб, аллақачон айбидан ўтган. Унинг учун ҳозир энг муҳими – дўстининг сўнги нафасда иймон калимасини айтиши эди. Умри давомида у қанчалар кўп гуноҳ қилган, ҳатто муртадлиқ ботқоғига ботган бўлмасин, Аллоҳ истаса Ўзининг Раҳмон ва Роҳийм сифатлари билан бу бандасининг гуноҳларини кечириши мумкин, деган умидда дуо қилаверди.

«Зулм қилган бандани жабрланувчи банда кечирмагунича Аллоҳ у гуноҳкорнинг тавбасини қабул қилмайди», деган нақдга биноан дўстининг айбини кечириб юборганлигини муножотларида қайта-қайта таъкидлади. Сўнг

шаҳодат калимасини овоз чиқариб айта бошлаганда бемор кўзларини катта-катта очиб, аланглади, атрофдан ниманидир излагандай бўлди. Унинг бу ҳолати Муҳаммадалига устозининг бир ҳикоятини эслатди. Бу ҳовлида устоздан ёдгорлик бўлиб турган тут дарахти ўша суҳбатга гувоҳ эди. Шу дарахт остидаги сўрида устознинг бир ёнида Муҳаммадали, яна бир ёнида Неъматуллоҳ ўтирган эди. Устоз ҳаром луқманинг оқибати ҳақида гапира туриб бу воқени устозимдан эшитганман, деб мисол тариқасида айтиб эди:

«Паришон бир йигит ярим тунда устозни уйғотиб, «дадам хасталар, ўқиб қўйинг», деб илтимос қилибди. Борибдилар. Бемор беҳуш ётган экан. Устоз унинг қулоғига «ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ...» деб шаҳодат калимасини айтибдилар. Бир маҳал бемор ҳушига келиб дебди: «Нимага мени мажбур қиляпсиз? Кўрмаяпсизми, тарозининг бош қисмидаги темирини томоғимга санчиб-санчиб олиш-япти...» Шундай дебди-ю, жон берибди. Устоз ажабланиб, сўнги нафасда айтилган аламли гапнинг сабабини марҳумнинг хотинидан сўрабдилар. «Бу гапнинг сабабини сўраб, дилимни ўтмас пичоқ билан тилманг, устоз, — дебди бева йиғлаб. — Эрим тижоратчи эдилар. Иккита тарозулари бор эди. Бирини мол сотиб олаётганда ишлатардилар, иккинчисини эса сотишда. Олаётганларида тарозу молнинг оғирлигини кам кўрсатарди, сотаётганларида эса кўп...»

Ҳаромдан ҳазар қилмаган одамнинг қисмати аянчли яқун топганига устоз гувоҳ бўлган эканлар...»

Бу ҳикоятни Муҳаммадали ёдида сақлаб қолган эди. Немаътуллоҳ-чи? Балки ҳозир эслаб қолгандир? Аллоҳ билгувчи...

Девордаги соат зангининг ўн икки марта жаранглаши уни дуодан тўхтатди.

— Мен жума намозидан кейин яна келаман, Аллоҳга илтижо қилинг, Роббимдан умидвор бўлинг, — деб ўрнидан турди.

Уйига қайтиб бориб, таҳоратини янгилади. Ўғли меҳмонларга мастава сузаётган экан, «дада, ичиб олинг», деб чорлади. Масжидга чиқишга пича фурсат бор эди. Лекин

дўстининг ҳозирги аҳволдан кўнгли эзилгани учун томоғидан овқат ўтмасди. «Иштаҳам йўқ», деса бунинг сабаби сўраларди. Шу боис: «Масжид қавми кутиб қолмасин», деб отланди.

— Қори дада, мавъиза бугун қайси мавзуда бўлади? — деб сўради меҳмонлардан бири. Муҳаммадали жавоб беришга улгурмай, меҳмонларнинг иккинчиси таклифини айтди:

— Ҳалолдан ҳаромни фарқлаш ҳақида бўлса яхши эди. Бозорда тарозудан урадиганлар кўпайиб кетди. Қори дада, шу мавзунинг эшитамизми?

Муҳаммадали «Иншааллоҳ!» деб масжидга шошилди. У ўтган жумъадаги илтимосга кўра, ғийбат хусусида маъруза қилишни режалаштирганди. Қизил мўйлов ҳузурида устознинг ҳаромдан ҳазар қилмагани оқибатида аянчли ўлим топган тижоратчи ҳақидаги ҳикоятини эслаб, мавзунинг ўзгартиришга ҳам ўйлаганди. Меҳмонларнинг таклифи маъқул келиб, масжидга кириб, минбардан жой олгач, Шуаро сурасидан тиловат қилиб, кейин дуога қўл очди-да, ҳаромдан асрашни Аллоҳдан сўради.

Устози уйда яширинча сақланадиган китобларнинг айримларини олиб ўқишга рухсат берарди. Муҳаммадали Сўфий Оллоҳёр байтларини алоҳида қизиқиш ва меҳр билан ўқиб ёд олган эди. Дуодан сўнг шу сатрлар тилига келди:

*«Кўнгли Ҳақ файзига бўлсун десанг чок,
Ки, аввал мартаба халқингни қил пок...»*

Байтни айтгач, қавм маъносини чақсин, дегандай сукут сақлади. Кейин ўзи шарҳлай бошлади:

— Ҳазрат Сўфий айтмоқчиларки, агар кўнглингни Аллоҳнинг илҳоми кириши учун очиқ қилай десанг, унинг биринчи шarti – томоғингни буткул ҳаромдан пок қилмоғинг кераклигидир. Чунончи, яна дейдиларки: «*Ема зарра ҳаром огушта нондин, бўлур чоҳи нажас бир қатра қондин*». Бўғизни қон қилмоқлик аввал бошда ҳаром аралашган неъматлардан емаслик билан бўлади. Агар еган неъматингда бир заррача ҳаром бўлса-да, ул таомни емаслик

керак. Чунки, қудуққа бир томчи қон ёки хамр тушса, нажас қилар. Шунга ўхшаб кўп ибодатдан ҳосил қилган савобинг бир оз ҳаром қатишган неъматдан ейиш билан йўққа чиқар...

Муҳаммадали масжидга шошилиб уйдан чиққанидан кейин меҳмонлар маставани намоздан кейин ичишни ният қилиб, унга эргашган эдилар. Ҳонақоҳ кичикроқ бўлгани учун, бўш жой қолмаган эди. Шу боис улар шийпондан жой олишди. Мавъизани жон қулоқлари билан тинглашди.

— Ҳадиси Қудсийда Аллоҳ бандаларига хитоб қилиб дейдики: «Эй одам фарзанди, Мени осойиш кунларда эсланган бандани ёки ҳаром жойда, яъни ҳаромлик содир бўлаётган ҳолатда мендан қўрққан кишини Мен дўзахдан озод қиламан...»

Муҳаммадали кейин гапларни айтаётганда овози титради. Бир оз сукут қилди. Кейин давом этди:

— Ҳа, азизлар, ҳалол яшаган одам жаннатга ҳисобсиз киради...

Йиғламсираб айтди бу гапни. Сўнг... жимиб қолди. Қавм «домламиз нафас ростлаяптилар», деб ўйлаб, мавъизанинг давомини кутди. Кейин минбар томондагилар безовталаниб қолишди. Шийпондагилар ҳам беихтиёр ўринларидан туришди. Муҳаммадалининг ўғли шошилганича хонақоҳга кирди. Отаси минбарда ҳассага суянганича қотиб қолганди. Кўзлари қавмга тикилган, лабларида ёқимли табассум бор эди – мавъиза қилаётганида жаннат хабарини олиб қувонгандай эди гўё... Аллоҳ билгувчи...

Жумъа намози ўқилди – Муҳаммадалининг ўғли имомликка ўтди. Қавм аср намозида жанозага ҳозир бўлди.

Муҳаммадали никоҳлаган одамларнинг фарзандлари жанозага саф тортдилар. Муҳаммадали жанозасини ўқиган марҳумларнинг фарзандлари Аллоҳга муножот этиб, унинг ҳақиға дуо қилдилар. Муҳаммадали қулоғига азон айтган мусулмон фарзандлари унинг тобутини елкаларига олдилар.

Тобутни устознинг кўчасидан олиб ўтдилар.

Халқ Неъматуллоҳ деб иззатламаган, аксинча «Қизил мўйлов», деб лақаб берган кимса бу онда жон берган, кўзла-

ри қўрқувдан чақчайган, ияги тушган ҳолатда ётарди. Қўшнилари Муҳамадалининг жанозасида бўлганлари учун бу кеч ундан хабар ололмадилар...

ЦУНАМИ

— Наима, уйдამисан?

Ажаб савол. Уйдаги телефонга қўнғироқ қилгандан кейин гўшакни кўтарган одам уйда бўлмай қайда бўлсин?

Наима бу савол туфайли энсаси қотгани билан, аслида уни ғашлантирган нарса опасининг овози эди. Неча вақтдан бери юзқўрмас бўлиб кетган жигарининг тонг сахарда қўнғироқ қилиб яна «уйдამисан?» деб сўраши унинг қўнғилга озгина хавотирлик ҳам солди. Опаси «Сендек синглим йўқ!» деб хитоб қилганида у ҳам «Менинг опам йўқ», деб, лабини тишлаган эди. Тил билан айтиш осон, аммо дилнинг ажралиши қийин эди. «Опам йўқ», дегани билан онаси келиб унга бошқа опа туғиб берармиди?

— Уйдამисан, деб сўраяпман? — деди опаси титроқ овозда.

— Уйдаман... тинчликми?

— Вой, эшитмадингми?

— Нимани?

— Тайландни «цунами» деган бир бало босибди-ку?

Наима ажабланди. Ҳинд уммонида зилзила бўлиб, тоғдай тўлқинларнинг бир неча мамлакат қирғоқларини босганини, минглаб одамлар ўлганини кеча телевизор хабарларидан билган эди. Аммо опасининг, билимсиз, дунё ҳаётидан беҳабар бир кампирнинг цунамидан хавотирланиши унинг учун ғалати туюлди.

— Тайландни цунами босган бўлса сизга нима? — деди ажабланишини яширмай.

— Бу нима деганинг? Матлуба эри билан ўша ёққа кетувди— ку? Билмасмидинг?

Бу саволи ҳам ғалати. Борди— келди йўқ бўлгач, ўзи едириб- ичириб катта қилган қизнинг тўйига ҳам таклиф қилишмагач, келин-куёвнинг биргалашиб Тайландга кетишганини қаёқдана билсин? Ҳозир «Вой, Матлуба эрга

тегдими, қачон?» деган заҳарли савол билан опасининг гашига тегиш шароити туғилган эди-ку, лекин унинг ово-зидаги хавотирни сезиб, оловга мой сепмаслик учун «бил-масдим», деб қўя қолди.

— Кечаси билан ит азобида қийналдим. Телефонлари жавоб бермаяпти, — деди опаси йиғламсираб.

Авваллари бунақа ҳолатда Наима опасига дардкаш бўлиб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қиларди. Ҳозир юпатишни ҳам ўйламади. Чунки опаси ташвишланган она-ри ҳамдарад бўлишга ундовчи меҳр ўти сўниб кетган эди. Шу боис:

— Мен нима қилишим керак? Тайландда танишларим йўқ, — деди.

Бу гапни пичинг билан айтмади. У опасининг ҳозирги мақсадини билмасди. Шунга кўра, опасига қандай ёрдам бериши мумкин эканини тасаввур ҳам қилолмасди. Авваллари, жигарлик меҳр-муҳаббатлари ўлмай туриб, опасининг иши тушса, «фалон ерда танишинг борми?» деб гап бошларди. Ҳозир ҳам назарида опаси шундай дегандай бўлиб, «Тайландда танишим йўқ», деган гапни беихтиёр айтиб юборди.

— Тайландда танишинг йўқлигини ўзим ҳам биламан. Матлубадан хавотирдаман. Сен уни қаттиқ қарғамаган-мидинг?

Кутилмаган савол бўлди.

Қариндошларнинг ажиб-ажиб одатлари бўлади. Ёшларнинг тақдиридан ўзга ташвишлари йўқдек «қачон турмуш қурасан?» ёки «ёшинг ўтиб кетяпти-ку, бирни ўпоқ, бошқасини сўпоқ, деб юраверсанг қариб қоласан», деб танбеҳ бераверадилар. Ёшлар турмуш қуриб, бошлари узра ташвиш булутлари тўплана бошлангудай бўлса, ҳаммаси ўзини панага олиб қочади. Наима бу даражага бормади. Куни қариндошларнинг танбеҳларини эшитиш билан ўтаверди. Турмушга чиқмади. Институтда ўқиб юрганида баҳонаси тайёр эди. Кейин аспирантурани битириб олай, деди. Сўнг эса танбеҳларга жавобан, «қари қизни ким ҳам оларди», деган ҳазил билан жавоб қайтараверди.

Турмушга чиқмаётганлигини асослайдиган тайинли баҳонаси йўқ эди. Йигит ва қизнинг турмуш қуриши табиий

эхтиёж деб изоҳланса-да, у ҳам ўша «табiiй эхтиёж»дан бебаҳра бўлмаса-да, эрга тегишни, ҳаётини ким биландир боғлашни истамасди. Айримлар сингари «эркин муҳаббат» тарафдори ҳам эмасди. Унинг ўз олами бор эди ва бу оламида ёлғиз яшашни хоҳларди. Атрофидагилар эса унинг қўнгли майлини тушуна олишмасди. Ўзларича гап-сўз қилиб юраверишарди. Фақат онаси ҳис қиларди. Дам-бадам, «қизим, турмуш қурсанг кўзим очиқ кетмасийди», деб зорланиб қўярди-ю, «эрга тегасан!» деб қатъий талаб қилмасди. Дадаси эса бу масалада оғиз очмай дардини ичига ютиб юраверарди. Наима эрга тегмай юргани учун ота-онасининг қўни-қўшни, қариндош-уруғ олдида хижолат эканларини биларди, уларнинг дардларини ҳис этарди. Бироқ, ўз қўнғил истагини бўғиб ўлдиришга куч тополмасди. «Мен эрга тегаманми ё йўқми, бошқаларнинг нима ишлари бор? Тўғри яшаб юрибман-ку? Оиламиз шаънига доғ туширмаяпман-ку?!» деб ўзига ўзи далда берарди. Пок яшовчи қизнинг атрофида миш-миш балчиқлари кўп бўлиши гагини келтирса ҳам бу тубанликдан ўзини баланд олиб юришга интиларди.

Эски шаҳардаги уйлари бузиладиган бўлганда бир томондан қайнона-келин, бошқа томондан овсинларнинг можароларидан безган акаси билан укаси алоҳида-алоҳида яшашни ихтиёр этишди. Наима диссертация ҳимояси ташвишлари билан банд бўлгани учун ота-онаси яшайдиган уйни олиш ҳаракатларини опаси ўз зиммасига олди. Биров ўргатганмиди ё ўз ақли биланми, ҳар ҳолда рўйхатга оиласини тиркаб, икки ўрнига тўрт хонали уй олишга эришди. Ўшанда уйнинг опаси номига расмийлаштирилганига Наима айтарли эътибор бермаган эди. «Вақти келиб опам уйни мендан тортиб олади», деган гумон етти ухлаб бир тушига кирмаганди. Опаси ўшанда: «Ҳали у идорага бориб қўл қўйиш керак экан, ҳали бунисига югуриш керак экан, ҳадеб сени чалғитавермай ўзимнинг номимга ёздириб қўя қолдим», деб изоҳ берганида эътиборсиз равишда «яхши қилибсиз», деган эди. Поччасининг шаҳар этагида катта боғи бор, уларнинг уй-жойдан ташвишлари йўқ эди.

Янги уйга кўчиб ўтишгач, онаси, «қизим, ёлғизлик ёшликда билинмайди. Қариликнинг иши қийин. Опангнинг

қизини ўзинг бағринга ол. Тарбия қил. Кейин, истасанг, шу уйга ичкүёв қиларсан», деганида қувонди. Жингалак сочли, киприклари узун-узун, тили ширин жиянини ўзи ҳам яхши кўрарди. Матлубани қиз қилиб олиши масаласига поччаси осонгина кўнди. Қизни биринчи синфга ўзи олиб борди.

Кейин...

Ота-она дунёдан армон билан кетди. Ҳаёт эса давом этаверди. Наима бошига ёғилажак ғалва дўлларида бе-хабар, асранди қизининг бахтини ўйлаб яшайверди. Биринчи совчи келганида қувончини сиғдиролмади. Опасиникига бахт қуши қанотларида учиб борди гўё. Матлубанинг бўйи етгач, бир-икки танишлар қизини сўраб оғиз солишгани учун опаси бу хушхабарни оддий гап ўрнида қабул қилди. Қизининг бахтини у ўзича тасаввур этди. Наима «Опа, суюнчи беринг, Матлубага совчи келди. Яхши оилага ўхшайди, суриштириб келамизми?» деган гапига «Шошилма, аввал уйни бир ёқлик қилишимиз керак», деган жавобни эшитиб ажабланди.

— Қайси уйни? — деди таажжубини яширмай.

— Қайси бўларди, яшаётган уйлариингни-да. Тўрт хонали уйда икки киши тураверасанларми? Сен бизникига кўчиб келасан. Поччанг этакдаги уйни сенга чиройли қилиб ясатиб беради. Матлубани узатамиз. Уйларнинг нархи кўтарилган пайтда сотиб юборишимиз керак.

Опаси бу гапларни маслаҳат тарзида эмас, ҳукм оҳангида айтгани учун Наима гангиб қолди.

— Опа, ўйлаб гапиряпсизми? — деди бир озлик сукутдан кейин.

— Поччанг билан ўйлайвериш бошларим шишиб ҳам кетди. Энг тўғри йўл шу.

— Опа, адам билан ойим шу уйда яшаганлар, шу уйдан чиқарганмиз... қанақасига сотамиз? Шу уйда излари бор...

— Эсинг борми? Шунча йилдан бери излари қолармиди? Эски уйда ҳам яшашган, ҳаммамиз эски уйда туғилганидик, ҳукумат из-пизи бор, деб ўтирмай бузиб ташлади-ку?

Наима «из» деганда ота-она хотирасини назарда тутган эди. Аввал отаси, сўнг онасини охириги манзилга

кузатгач, уйни супуришга ҳам қўли бормаган эди. Худди уларнинг изларини супуриб ташлаётгандай қийналганди.

Ота-она фарзандларини бир хил меҳр билан ардоқлашади. Фарзандларнинг ота ва онага нисбатан бўлган меҳр ва севгилари эса бир хил бўлмайди. «Бир ота ўн ўғилни боқади, ўн ўғил битта отани боқа олмайди», деган нақл шунинг оқибатида юзага чиққан. «Ота-онам мени эмас, акамни (ёки укамни) яхши кўради», деган нотўғри тушунча улар қалбидаги меҳр даражасини пасайтириб қўяди. Бошқаларни билмайди-ю, лекин опасида шундай бемеҳрлик борлигини Наима сезиб юрарди. Сезса-да, сингилик бурчига вафо қилиб, опасига бўлган ҳурматига хиёнат этмасди.

Опасининг ҳозирги гапи юрагига ханжар каби қадалгандай бўлиб, кўзларидан ёш чиқди.

— У уйда... мен яшайман-ку? — деди титроқ овозда.

Аслида, «бу уй меники, нега сотар экансиз?» демоқчи бўлган эди. Лекин айта олмади бу гапни. Ота-она вафотидан кейин уй талашиб, оқибатда тескари бўлиб кетаётган ака-укалар можароларини эшитганда кўнгли эзиларди. Қачондир акаси ёки укасининг уй даъвосини бошлашини хавотир билан кутарди. Лекин бу можарони опаси бошлашини сира кутмаганди. Одамлар ака-укаларнинг уй жанжалига кўникиб қолишган. Лекин опа-сингиллар жанжали камроқ учрайдиган нохуш ҳодиса.

Опаси унинг аҳволига парво қилмади.

— Энди меникида яшайсан. Сенга барибир эмасми? Битта ўзингга битта уй етади.

Дардди ҳолати чекиниб, энди Наимани ғазаб олови чулғади.

— Опа, у уйда мен яшайман! — деди жаҳл билан.

— Уй меники, демоқчимисан? Шунақа жанжал бошлашингни билганийдим.

— Жанжал бошлаётганим йўқ. Бугун бўлмаса эртага уй барибир қизингизга қолади.

— Бўпти-да! — деб жилмайди опаси. — Матлубани уза-тиб юборамиз. Уйни сотамиз. Кўрқма, ҳамма пулни ўзим еб кетмайман. Ҳақингни бераман.

— Шунақами? — деди Наима қошларини чимириб. Кейин пичинг қилди: — Босит акам билан Холиднинг ҳақларини ҳам берасизми?

— Нега берарканман! — деди опаси пичинг оҳангига аҳамият бермай. — Уларинг эски уй ҳисобидан янгисини олволишган. Бу уй менинг номимда. Ҳеч кимнинг ҳақи йўқ! Қаёққа бориб дод деса деяверишсин!

Бу гап ўзига ҳам тегишли эканини англаган Наима титраб кетди.

Суюнчи хабар билан бахт қуши қанотларида учиб келган Наима ўша кунни опа-сингиллик ришталари узила бошлаганидан кўнгли чўкиб, дард ва алам қайиғида уйига қайтган эди.

Ситамдийда дардини кимга айтиши мумкин? Аксига борган эди у: «Менинг ҳам, Холиднинг ҳам даъвоимиз йўқ, ҳаммаёққа овоза қилмай, ўзларинг келишинглар», деб гапни калта қилди. «Хола» демай, ҳамиша «ойижон» деб иззатлаб келган Матлуба уй можароси бошлангач ўзгариб қолди. Можаро авжига чиққанда кийим-кечагини йиғиштириб, Наима билан хайрлашмаёқ онасиникига кетди. Босит «овоза қилмаларинг» дегани билан иш судга бориб тақалди. Қонун опаси томонда эди. Наима уйини бўшатиб чиқди. Опаси, «меникига кўчиб келмасанг алоҳида тура қол», деб шаҳар ташқарисидаги бир хонали уйни берадиган бўлди. Мағрур Наима воз кечди. Ўшанда опа-сингил бир-биридан юз ўгирган эди.

Лекин... Матлубани қарғамаганди. Ҳатто опасини ҳам қарғамаган эди.

— Нега қарғайман... у менга ёмонлик қилмаган... Мен... ҳеч кимни қарғамайман...

Наима «сизни ҳам қарғамаганман», демоқчи эди, лекин бу гапга тили айланмади. Чунки ўшанда «Худога солдим!» деганди. Кейинчалик кимдандир бунинг ҳам қарғишининг бир тури эканини билиб, кўнгли хижил бўлганди. Опаси ёмонлик қилгани билан унинг бошига бало ёғилишини истамаганди.

Цунами ҳақидаги хабар энди уни ҳам ҳавотирга солди. Гўё ўша қарғиши туфайли асранди қизи уммон тўлқинла-

ри остида қолиб кетгандай титради. Бир неча нафаслик сукутни яна опасининг овози бузди:

- Уйингда ўтириб тур, ҳозир бораман...
- Қаерда яшашимни биласизми?
- Нега билмас эканман?..

Наима ижарада турувчи уйга опаси сира келмаганди. Телефон рақамини-ку, ишхонадан сўраб билиши мумкин. Лекин уйнинг манзилени қайдан аниқлади экан? Наима буни сўраб ўтирмади. Одамлар шундайки, баъзан бемехрликларини яшириш учун турли баҳоналар ўйлаб топадилар. Қариндошларини узоқ ойлардан, балки узоқ йиллардан бери йўқламай қўйишган бўлишса-ю, кейин бир ишлари тушиб келишса бу баҳоналар дастурхон қилиб ёзилади. Шулар орасида, «янги уйга қўчган экансиз, ундан-ундан сўраб, суриштириб аранг топиб келдим», деган «қаҳрамонона» баҳона ҳам бўлади. Лекин опаси ўзини оқлаш учун баҳона изламади. Наима ҳам сўрамади. Опаси орада ҳеч қандай нохуш гап-сўз бўлмагандай кириб келди. Мехрибонлик билан эмас, шунчаки инсоф юзасидан «Яхши юрибсанми?» деб ҳол сўраб ҳам қўйди.

Опаси қўнғироқ қилганидан кейин телевизорни ёқиб, «Евроньюс» каналини очиб қўйганди. Дунё хабарларидан узлуксиз огоҳ этиб турувчи бу канал ҳар ярим соатда цунами босган ерлардаги воқеалар тафсилотини бериб турган эди. Опаси кириб келгач, «янгиликларни эшитиб, ваҳимаси баттар ошмасин», деб телевизорни ўчириб қўйди. Қайноғи ўлмаган чойдан қуйиб узатди. Опаси чойдан бир ҳўплаб «уф-ф»лади.

— Сен бу қиз ўлмагурни жудаям талтайтириб юборгансан. Мен тўйдан кейин «умра»га борларинг девдим. Диний идорадан таниш топиб, гаплашиб ҳам қўювдим.

- «Умра»га дейсизми? Матлуба намоз ўқиятувдими?
- Қаёқда? Сен ўргатиб қўювдингми?
- Ўзимам билмайман-ку? Куёв ўқирканми?

— Куёв ичаркан. Ўша ёққа бориб келса ташлармикин, девдим. «Асал ойи»ни Тайландда ўтқизамиз, деб туриб олишди. «Асал ой»лари ҳам балогинага учрасин!

— Унақа деманг... Цунами ҳаммаёқни бараварига босмаган. Ҳозир телефон алоқаси ҳам ёмон ишляпти. Худо хоҳласа, эсон-омон келиб қолишади.

— Айтганинг келсин... Лекин... сен барибир... Матлуба-ни кечирининг керак. Қарғишингни қайтиб ол.

— Қарғамаганман, дедим-ку?! Матлуба менга ёмонлик қилмаган.

— Қарғамаган бўлсанг, бизникига кўчиб борасан. Кўчиб бормасанг... у дунё-бу дунё рози эмасман!

Буни эшитиб Наима бир сесканди.

Ўшанда ҳам шундай деган эди. Лекин ундаги оҳанг бошқача эди. Эндигиси... Наҳот юрагидаги меҳр-муҳаббат ўлмаган бўлса? Худо опасига инсоф берганмикин... Биждони уйғонганмикин... Хаёлига шу умидли фикрлар келиб, ичида «илоҳим... илоҳим...» деб қўйди.

Эски уйда туришган пайтда опасига бир хасталик илашиб, врачлар «тузалишига умид йўқ», дейишгач, бу соҳанинг пешқадамлари қаерда эканлигини аниқлаб, ўша шаҳарга олиб борди. Салкам икки ой опасининг ёнида ўтирди. Ўшанда опаси «яхшилигингни ўла-ўлгунимча унутмайман, ўзимнинг умрим етмаса, болаларим остонангга ётиб олиб бўлсаям хизматингни қилишади», деган эди.

Опасининг қасам ичиши осон, нутиши унданда осон. Наимани бу ҳақиқатга ишонтириш учун ортиқча мисол келтириш шарт эмас. «Кўчиб бормасанг... у дунё-бу дунё рози эмасман!» деган гапнинг дилдан эмас, тилдан учганига ишончи комил эди. Шунинг учун ҳам ҳаяжонланмади, кўзларига ёш ҳам келмади. Балки, истеҳзо билан кулимсираб қўйиш билан чекланди.

— Мени қаргаган бўлсанг... — опасининг овози титради, кўзларига ёш олди, — қаргаганлигинг аниқ... бу қарғишингни ҳам қайтариб ол. Қайтариб олмасанг... ойим гўрларида тик турадилар, билиб қўй!

Қарғишни қайтариб олишни истаган одам узр сўраши, тавба қилиши лозим эди. Опаси кириб келганида Наима шундай узрхоҳликни кутганди.

«...қайтариб ол... қайтариб олмасанг... аям гўрларида тик турадилар, билиб қўй!»

Кечирим сўралмай, талаб оҳангида гапирилиши уни ғашлантирди. «Аямнинг гўр азобида ётишларига мен айбдор эканманми?» деган фикр юрагини ўртаб, йиғлаб юборай деди. Бақриб юборишдан ўзини тутиш мақсадида

шарт ўрнидан туриб, дераза олдига борди. Ташқарига тикилди. Қарашида маъно йўқ эди. Опасининг заҳил юзига қарамаслик учунгина ўтирилганди.

— Мени Худо урай деб турибди, қарғишингни қайтиб ол, қайтариб олмасанг, юрагим ёрилиб ўлсам товонимга қоласан.

Бу даъво ортиқча эди. Юмшай бошлаган қалбида энди ғазаб ўти ёнди. Нима қилсин? Нима десин энди бу нодон хотинга?! Ҳа, унинг томирларида отаси билан онасининг қонлари оқяпти. Ҳа, онаси унга бошқа опа туғиб бермайдди! Ҳа, унинг сингиллик бурчи бор!

Бу бурчни онаси юклаб кетган. Опаси уйга ҳар келганида бир олам ҳасратини тўкарди. Ҳасратини тўкардию сўнг, «уйда сарёғ йўқ, гўшт йўқ», деб ошхонани қури-тиб кетарди. Наима бундан ғаши келса ҳам индамасди. Онаси «опангга ёрдам бериб тур», деб пул сўраганида опасининг муҳтож эмаслигини билса-да, унинг раъйини қайтармасди. Аммо онаси ётиб қолганида ҳам опаси келиб, ҳасратини дастурхон қилавергач, бир куни танбеҳ беришдан ўзини тиймади. «Аямни кўнгилларини кўтариш ўрнига азоблаб кетяпсиз. Аям шу ётган ҳолларида дардингизга шерик бўлишлари керакми? Эрингиз чойхонадан бери келмаётган бўлса аям нима қилиб бера оладилар? Ўғлингиз имтиҳон топшира олмаган бўлса аям домлага югуришлари керакми?» деб қаттиқ-қаттиқ гапирганида, «Опангга бунақа дейишга ҳаққинг йўқ», деб онасидан дакки эшитган эди. Опаси аҳмоқ эмас, онасига ҳасрат қилиб, сингисидан ёрдам кутарди ва бу ёрдамга эришарди.

Онасининг сўнгги куни, киртайган кўзларидан нур қочиб, бурун катаклари кенгайган онда опаси келган эди. Наиманинг «бутун ётиб қолинг» деган илтимосига: «Бутун бодринг тузлашим керак. Поччангни биласан-ку, қиши билан тузлама еб чиқади», деб жавоб қилганди. Онаси ўша кеч узилганди. Опаси жанозага йиғилганлар ҳузурда «вой онам!»лаб сочларини юлганди. Одамлар кўзига меҳрибон қиз бўлиб кўринганди. Наима ўшанда уни ҳайдаб юборгиси келганди, аммо... арвоҳ хотира... ўзини тутганди.

Ҳозир ҳам ҳайдаб юборгиси келди.

Ҳозир ҳам арвоҳ хотира...

— Шу пайтгача тошдек юрак ёрилмаган, сизники ҳам ёрилмайди, қўрқманг. Товонингизга қолмайман. Мен... эсимда йўқ, агар сизни қаргаган бўлсам, қайтиб олдим ўша қарғишимни. Қизингиз эсон-омон қайтиб келсин, бахтини кўринг.

Наима авваллари алоҳида бир меҳр билан «қизим» дерди, бу сафар «қизингиз» деган сўзга атайин урғу берди. Опаси буни сезмади. Ўзи билганича чала-чулпа дуо қилиб, ўрнидан турди.

— Матлуба эсон-омон келса, поччангнинг қўйларидан биттасини сўйиб худойи қиламиз. Албатта борасан. Бормасанг, сендан рози бўлмайман. Кейин иккаламиз «умра»га бориб келамиз.

— Умрада нима қиламан, намоз ўқишним билмайман-ку?

— Менам билмайман. Бораётганларнинг ҳаммаси намоз ўқийди, деб ўйлайсанми? Кеннайим борганида биз борсак нима бўпти! Борамиз, аям билан адамнинг ҳақларига дуолар қилиб келаверамиз.

Опаси шундай деб жаврай-жаврай чиқиб кетди. Агар уларнинг суҳбатига бирон-бир иймон эгаси гувоҳ бўлганида, «умрага боришдан олдин бир-бирингизга меҳр ва муҳаббатли бўлишни ўрганинг, силаи раҳм қилинг, шунда Ота-онангиз гўрларида тинч ётишади», дермиди...

Оқшомга яқин опаси яна қўнғироқ қилди:

— Худога шукр, бошимиздан бало ариди. Матлуба тирик экан. Кейинги ҳафтада келишса, поччангнинг қўйларидан биттасини сўйиб худойи қиламиз...

Худойи қилишини айтди-ю, лекин у сафар «албатта келасан, келмасанг, рози эмасман», деб таъкидламади.

Матлуба келди. Худойи ҳам қилишди.

Лекин... Наимани чорлашни унутишди. Атайин эмас, келди-келди ташвишлари билан бўлиб унутишди.

«Умра»га бориш ҳақидаги ўша гапи гаплигича қолди...

ҚАРҒИШ

Бола ўлик туғилди. Бир кун ўтмай хотини ҳам жон берди. Жаноза кунни шомдан кейин туғруқхонанинг бош врачидан элчи келиб, бир қоп сабзи-пиёз, ярим қоп гурч, қўйнинг сон гўштини ташлаб кетди. Эрталаб пайдо бўлган иккинчи элчи бош врачнинг ҳукумат мукофоти-га номзоди қўйилганини айтиб, «ғалва чиқармай ўтиринг, хўпми», деб кетди. Тайинламаса ҳам «яхши қарамаганликларинг учун ўлди», деб туғруқхонадагиларга даъво қилиш нияти йўқ эди. У ердагиларга пул беришга қўли калталиқ қилганди, энди даъволашишга тили калталиқ қилди.

Хотини: «Тўртинчи болани туққанямдан кейин тўхта-таммиз. Шуларни эплаб боқиб, катта қилиб олсак ҳам катта гап», деган эди. Тўртинчисини туғди ҳам, ўзи билан олиб кетди ҳам... Учтасини боқиб, катта қилишни унинг зиммасига юклаб кетди... Каттаси ўн учда, кичиги ҳали икки ёшга ҳам тўлмовди. Бировлар хотинининг дунёни эрта тарк этганига, яна бировлар унинг ўзига ачинишди. Бу дунёдан кетганларнинг қабрдаги ҳаётини кўпчилик ўйламайди, тўғрироғи, билмайди. У ҳаёт Яратганнинг Ўзигагина маълум. Аммо уч бола билан бева қолган эрнинг тақдири-ни ўйловчи яқинлари унинг эртанги кунидан, норасидаларнинг қисматидан ташвишланишди.

Бева эрнинг муаммосини ҳал этиш осондай туюлади. Биронтасига уйланса яна бахтини топгандай бўлади. Лекин болаларнинг бахт топишлари мушкул. Уйларига дунёдаги энг меҳрибон ўтай она кириб келса ҳам кемтик бахтларининг ўрни тўлмайди.

Эргашнинг уйланишига доир фикрлар яқинларининг хаёлида жаноза куниеқ уйғонган бўлса-да, марҳуманинг қирқидан кейин тилга кўчди. Эргаш табиатан ялқовроқ бўлгани учун рўзғор ташвишларининг бир учини эмас, асосий қисмини хотини кўтарарди. Томорқани ҳам эпларди, тўйи бўлаётган келинларнинг кийимларини тикиб беришга ҳам улгурарди. Чеварлиги атроф қишлоқларга тарқгани учун, айниқса тўй мавсумлари қўли-қўлига тегмасди.

Хотинидан кейин томорқа ҳам қаровсиз қолди. Болаларнинг бетларидан қон қочиби, сарғая бошлашди. Қишлоқ одатига кўра, бева эрнинг бир йил давомида уйланиши айб саналса-да, қариндошлар кенгашиб, бу муддатни икки ойга келтиришди. Аёллар зиммаларидаги вазифаларини тез бажаришди – шаҳарга яқинроқ қишлоқда яшовчи хотиннинг чиройи кўнгилга чироқ ёқа оладиган даражада бўлмаса-да, икки марта турмуш қуриб фарзанд кўрмагани учун, Эргашга маъқул келди. Қариндошлар йиғилишиб, никоҳлаб қўйишди. Раҳиманинг қўл-оёғи чаққонгина эди. Рўзғор ташвишларини зиммасига олди. Аммо қўл-оёғига мос равишда тили ҳам чаққон эди. Бир ҳафтадан кейин ялқов эрини гап ўтида қовуришни бошлади. Тилга гаплари Эргашга таъсир этмагач, заҳрини болаларга соча бошлади. Эргаш унинг фарзандсизлигини эшитганида, «тирноққа зор бўлса болаларимга меҳр қилар», деб ўйлаганди. Чиндан ҳам Аллоҳ тирноққа зор аёллар қалбига етимларга нисбатан меҳрни мўл-мўл беради. Лекин бундай аёллар орасида юрагини меҳр эмас, аламзадалик заҳри билан тўлдирганлари ҳам учрайди. Бу хотиннинг исми жисмига, айниқса руҳига мос эмас, «Раҳима» аталгани билан қалбида раҳм-шафқат озроқ эди. Агар рўзғорни Эргашнинг ўзи тебратганида эҳтимол, унинг тили ҳам, қўли ҳам узун бўлмасмиди... Бир тарафдан фарзандсизлик алами, иккинчи томондан эрнинг дангасалиги, ғайратсизлиги ундаги ғазаб денгизини тўлдириб-тошириб юборарди.

Раҳима биринчи эрини яхши кўрарди. На қилсин у бечора, ширин турмуши беш йил давом этди. Иккинчи эри ҳам ёмон эмасди. Лекин у ҳам фарзанд талабида эди. Бунисида бундай талаб йўқ, фақат қорин ғами бор. Раҳима қисматига шукр қилувчилардан эмасди, ўз тақдирини лаънатлашга қониқмай, эрини, кейин болаларни ҳам қарғай бошлади. Қарғаб-қарғаб ургани билан, болаларни очнаҳор ташлаб қўймасди. Кичкинтойнинг иштонларини ювишдан ирганмасди. Эргаш шунинг учун ҳам унинг заҳарликларига чидади.

У-ку чидади, бироқ, болаларнинг чидаши қийин эди. Бу уйдан чиқадиган ҳар бир товушга зийраклик билан қулоқ тутувчи холаларининг чидамлари ҳам узоққа бор-

мади. Эргашнинг катта қайин эгачиси болаларни кўргани келган куни ўртанча ўғил дастурхонга чой тўкиб юборди. Раҳима «ҳа, шумгина етим!» деб қарғанди-ю чап қўли билан тарсаки туширди. Ўртада қиёмат ғалваси бошланиши учун шунинг ўзи кифоя қилди. Бир-бирларининг сочларини юлишмади-ю, бироқ, тиллари билан бир-бирларига кафан бичишди. Охири Раҳима, «Болаларга раҳминг келса, олиб кет!» деб ҳайқирди. Хола эса: «Олиб кетаман, Худо бекорга сени уриб қўймаган экан!» деб жавоб қилди.

Бу онда Эргаш чойхонада улфатлари даврасида яйраб ўтирган эди. Уйга хуфтонда ширакайф ҳолда қайтиб, ғалати манзарага дуч келди: хотини айвонда ўтириб олиб қўл-оёқлари юлиб ташланган қўғирчоқнинг бошига игналар санчарди. Бу уйда ўғил болалар қўғирчоқ ўйнашмасди, қайдан топди экан, деб ўйламади. У хотинининг ҳаракатига тушунмай анграйиб қолди. Раҳима эрининг келганини кўрса ҳам, ўрнидан жилмай, ишини давом эттирди. Эридан: «Нима қиялпсан?» деган саволни кутди. Эргаш анқайиб туравергач:

— Ҳа, кўча хандон, уй зиндон, келдингизми? — деб мингирлади.

— Келдим, — деди Эргаш. — Нима қиялпсан?

— Илму амал қиялпман.

— Бу нима деганинг?

— Ҳали қайнагачим келиб сасиб-сасиб кетди. Жиянларига ачиниб, олиб кетмоқчи. Менинг яхшилигимни билишмади, уруғларингиз. Сиз ҳам билмайсиз. Худо олсин, ҳаммаларингни. Мени ёмон деганларинг учун, энди ёмонлик қанақа бўлишини мендан кўрасанлар. Болаларингизни мана шунақа жоду қиялпман. Агар холаси эртага олиб кетмаса, учаласи бирин-кетин тил тортмай ўлади. Энди болаларингизнинг бу уйда туришлари мумкинмас, ҳатто шу кўчадан ўтишса ҳам ўлишади. Мени ҳайдайман, деб овора бўлманг, фолбин жоду қилиб қўйди: бу уйдан чиқиб кетган куним болаларингиз ўлишни бошлайди. Менга энди барибир, нима қилсангиз қилаверинг.

Бу гапларни эшитиб, Эргашнинг бутун бадани музлаб кетди. Хотини охирги гапни айтмаганида муштини ишга солиши, кейин уни ҳайдаб солиши аниқ эди. Эргаш чора-

сиз қолди. Хотинини сўкишга ҳам тили бормади. Тақдирини лаънатлади-ю ҳовлига чиқиб бирпас туриб қолди. Кейин божасиникига қараб юрди. Қайин эгачиси уни нохуш кайфиятда қаршилади. Бир-икки пиёла чой ичилиб, болалар қисматидан гап очилгач, кун бўйи тўплаган барча заҳрини Эргашга соча қолди. Эргаш: «Менда нима айб? Бу хотинни ўзим топиб уйланибманми?» деса ҳам осон қутула олмади. Яхшики Раҳиманинг жоду ҳақидаги гапларини айтмади. Айтганида балолар дўли остида қолиб кетиши аниқ эди. Эргаш: «Хотиним инсофга кириб қолгунича болалар сизларникида турса бўлармикин?» деб илтимос қилишга оғиз жуфтлаганида қайин эгачиси болаларни эрталаб олиб келишини билдириб, мушкулани осонлаштирди. Бу қарорга божаси монелик қилмади.

— Етимларнинг ризқлари ўзлари билан бўлади. Бу қисмат барчамизга бир синов, етимлар баҳонасида савоб амалларимизни кўпайтириб оламиз, — деди. Ўзининг тўрт фарзанди ёнига яна уч етимнинг қўшилиши оқибатида тирикчилик аравасини тортиш мушкуллашиши ҳақида гап очмади. Фақат Эргашни кузатиш чоғида: «Аҳли аёлингизга насиҳат қилишдан чарчаманг, етимларнинг кўнглини оғритиб, гуноҳкор бўлиб қолмасин, бунинг жазоси оғир бўлади», деб кўйди. «Бу гуноҳга сиз ҳам шериксиз», демоқчи бўлди-ю божалик ҳурматини сақлаб, тилини тия қолди. Эргаш эса божасининг огоҳлантиришини унутиб юбориладиган оддий бир гап ўрнида қабул қилди.

Раҳима болаларни чиқариб юборишни истаётган бўлгани билан уларнинг бу уйда ўлишларини хоҳламас эди. Эрини кўрқитиш учунгина айтганди. Лекин кўғирчоқнинг бошига игналар санчаётганини катта ўғил – Йўлдош эшик тирқишидан кўриб ўтирганди. Ўсмирлик остонасида турган бола ўғай онасининг гапларини эшитиб титраб кетди. Жоду ва ўлим ҳақидаги гап Эргашнинг баданини музлатган бўлса, Йўлдошни ҳушидан кетгизай деди. Онасининг ўлими фожиасидан ҳали ўзига келмаган бола укаларининг ҳам ўлиб қолишини тасаввур этиб, кўрқиб кетди. Ярим кечаси укаларини уйғотиб, уйдан қочишни ҳам ўйлади. Лекин холасининг, «сенларни эртага олиб кетаман», деган гапига ишониб, фикридан қайтди.

Холаси алдамади. Нонушта пайтида келди. Йўлдош ўгай онасининг уришиб беришидан кўрқиб, иштаҳаси бўлмаса ҳам нон чайнаб ўтирган эди. Холасини кўриб, қафасдан қутулган қуш шодлигида енгил тортди. Бахтига, холаси ўтирмади, кечаги жанжални давом эттирмаслик учун: «Йўлдошжон, болам, нарсаларингни тезроқ йиғиштир», деди. Йўлдош олиб кетадиган кийим-кечак, дафтар-китобларини кечаси тайёрлаб қўйганди. Укаларига, «холамникига бориб ўйнаб келамиз», дегач, улар қувнашди. Ўзининг назарида онасининг руҳи кезиб юрадиган, онасининг ҳиди анқиб турадиган бу уйни, бу муқаддас гўшани бутунлай тарк этаётганини билгани учун юрагини биров юлиб олгандай бўлди.

...кечалари онаси келгандай бўларди. Оқ шарпа кўринишида кириб келган онасининг бағрига ўзини отарди. Онаси билан гаплашарди...

...энди... онаси кириб келганда уни ким кутиб олади? Онаси уларни қидириб бўзламайдими?..

Кўчага чиқиб, йигирма қадамлар юргач, ортига қаради. Ўгай онасининг дарвоза олдини супураётганини кўриб ажабланди. Бу онда холаси ҳам қаради-ю, супуришдан мақсадини фаҳмлаб: «Ҳа, қилиғинг қурсин!» деб қўйди. Бирон бир ёқимсиз меҳмоннинг яна қайтиб келишини истамаган аёл унинг кетидан супурарди ёки майда тош отиб қўярди. Раҳиманинг супура туриб изларидан майда тош отганини кетувчилар билишмади.

Боланинг хаёлот олами ғоят бой бўлади. Катталар энг яқинларининг ўлимига тез кўникишади, ҳатто унута бошлашади. Бола кўника олмайди. Марҳум уларнинг хаёл оламида яшайверади.

Холасиникига кўчиб боришгач, биринчи тунда Йўлдош безгакка учраган каби тўлғониб чиқди. Онасининг бу уйга ҳам кириб келишини кутди. Неча бор қаддини кўтариб, укаларига тикилиб ўтирди. Ўгай онасининг жоду ҳақидаги гапларини эслаб, яна титради.

Эртасига мактабга отланаётганида укаларига, «уйимизга бормаларинг, кўчамиздан ҳам ўтмаларинг», деб тайинлади. Кенжатой унинг гапига тушунмади. Бош ирғаб қўя қолди. Аммо ўртанча ўғил «Нимага?» деб сўради.

Йўлдош: «Агар ўтай онамиз кўриб қолса, дўшпослайди», деб уни кўрқитди.

Кунлар ўтаверди. Йўлдош адасини соғинганида чойхонага қараб ўтарди. Бора-бора адасини камроқ кўришга ўзи ҳам, укалари ҳам кўникашди. Дастлабки кунлари, «адамга борайлик», деб ялинадиган укалари хархаша қилмай қўйишди.

Бунга Эргаш ҳам кўникди. Божасининг уйи узоқ эмасди, болаларини ҳар куни келиб кўриб турса ҳам бўларди. Раҳима билиб қолган тақдирда ҳам, «нега болаларга серқатнов бўлиб қолдингиз!» деб тўполон қилмасди. Қуруқ кириб боришдан уялиш баҳона бўлиб, узоқлашаверди. Чойхонага бир кун чиқмаса гангиб қоларди, ҳаётини чойхонадаги улфатларисиз тасаввур қила олмасди. Лекин болаларини узоқ вақт кўрмай, соғинчсиз яшай олиши мумкин эди...

Ота шундай бўлгач, болада соғинч қоладими? Йўлдош отасиз яшашга ўргана борди. Бироқ, онасиз яшашга кўникаши оғирроқ бўлди. Отани соғинмай яшаш мумкин, лекин уй соғинчига чидаш мушкулроқ экан. Йўлдош пайт пойлаб, ўтай онаси йўқлигида уйга кириб чиқишни ҳам ўйлади-ю, жоду ва ўлим ҳақидаги гапни эслаб кўрқди. Бир куни кенжатай ўзбошимчалик қилиб уйига бормоқчи бўлибди. Аранг ушлаб қолишибди. Мактабдан келиб, бу хабарни эшитган Йўлдош баттар кўрқди.

«Энди болаларингизнинг бу уйда туришлари мумкинмас, ҳатто шу кўчадан ўтишса ҳам ўлишади...»

Йўлдош шундай бўлишига, кўчаларида ўзиними ё укалариними ажал пойлаб турганига ишонарди. Дардини холасига айтса, у бориб Раҳима билан жанжаллашарди, ўтай она эса яна қарғарди... Йўлдош шунисидан чўчиди. Ўйлай-ўйлай, жодудан қутулиш чорасини топди: ярим кечада турди-да: «Ўлсам ўзим ўлиб қўя қолай, укаларимга тегмасин», деган қарорда уйига қараб юрди. Қўрқа-писа қадам босди. Дарвозаси қаршисида пича турди. Қўшқанот темир дарвоза ўртасидаги эшик ғийқиллаб очилиб, ўтай она кўринишидаги ажалнинг ташланиб қолишидан кўрқиб, титради. Йўқ, эшик очилмади. Ажал ҳужум қилмади. Аксинча, ҳовли ёришгандай, дарвоза ортида онаси юрган-

дай бўлди. Беихтиёр равишда эшикка қўл узатди. Онаси тириклигида эшикни сира тамбаламасди. Аксинча, эрта саҳар туриб, «хонадонимизга Худо барака киритсин», деган ниятда эшикни қиялаб очиб қўярди. Раҳима келгач, шом қоронғуси тушиши билан эшик тамбаланадиган бўлган эди. Бир куни Эргаш «намунча қўрқасан, бўри ейдими?» деб танбеҳ берганида, «ўрисларнинг мақоли бор: «Ўзингни эҳтиёт қилсанг, Худо ҳам сени сақлайди», деб жавоб қайтарганди.

Йўлдош бу тун ўғай онасининг одатини унутиб, эшикни очмоқчи бўлган эди...

Ўша тун ажал чанг солмаган бўлса-да, кун давомида қўрқувдан қутулмай юрди. Ранги оқарганини, иштаҳаси тортилганини холаси сезиб, «касалмисан?» деб пешанасини ушлади, кейин бетидан ўтди.

Икки кундан кейин кўчасига яна борди. Бу сафар кўпам қўрқмади. «Ўғай онамнинг қарғиши менга ура қолсин», деб Худодан сўради.

Шундан сўнг уйқуси ўчган тунлари ўрнидан туриб, уйи атрофини айланиб келишни одат қилди. Бир куни холасидан: «Биров бировни қарғаса, бу қарғиш неча кундан кейин уради?» деб сўради. Холаси зийрак аёл эди. Унинг мақсадини англаб, бошини силади:

— Яшшамагур ўғай онанг қарғаганмиди? Қўрқма, унинг қарғиши ўтмайди, — деди.

— Нега? — деб ажабланди Йўлдош.

— Худо уни ёмон кўради, ёмон кўргани учун ҳам шунақа ёмон қилиб яратган. Бунақаларнинг қарғиши ўзига уради. Худо қарғовчи одамларни ёқтирмайди. Бошқаларга яхшилик тилаган одамларни яхши кўради. Болам, сен катта бўлиб қолдинг, укаларинг тушунишмайди. Ўғай онанг ёмон бўлса ҳам, сен унга ёмонлик тилама. Шунда Худо ҳам сени яхши кўради...

Онаси ҳам: «Ким яхшилик қилса, Худо уни яхши кўради», дерди. Ўлимидан икки ҳафта олдин бир қизнинг келинлик сарполарини тикиб берганди. Тикувчилик бу қишлоқда ўғил боланинг ҳунари ҳисобланмаса-да, Йўлдош онасига кўмаклашишни ёқтирарди. Айрим ишларга қўли ҳам келиб қолганди. Бўлажак келин келиб, тайёр бўлган сар-

поларини кийиб кўргач, кўзлари ёшланди. Онаси ажабланди. «Кувёв болага кўнглингиз йўқми, зўрлаб узатишяптими?» деб сўради. Қиз пастки лабини тишлаб, ёшли кўзларини жавдиратиб тураверди. Онаси: «Ҳозир ёқмаса, кейин кўнглингиз юмшайди, ташвишланманг. Қиз боланинг тақдири шунақа оғирроқ бўлади», деб унга далда берган бўлди. Шунда қиз йиғи сабабини айтди: тикувчининг ҳақини беришга ночорлигини билдирганида онаси уни кучиб, пешанасидан ўпди-да: «Сингилжоним, бу тикканларим тўйингизга холис бир хизмат. Мендан сизга тўёна. Худо менга бу сафар қиз берса, уни узатаётганимда сиз ҳам тўёна қилиб узарсиз», деди. Қиз қувониб, раҳмат айта-айта кетгач, онаси: «Бизнинг ризқимизни Худонинг Ўзи беради. Яхшилиқ қилиб, Худонинг муҳаббатига етиш мумкин экан», деган эди.

«Ҳаммага яхшилиқ қилаверганлари учун Худо яхши кўриб, чақириб олдимикин?»

Дунё ва охират савдоларидан беҳабар боланинг онги шу фикр билан банд эди.

Холаси насиҳат қилмаса ҳам, Йўлдош ўғай онасига ёмонлик тиламаётган эди. У адасининг бу хотинни ҳайдаб юборишини, укалари билан уйларига қайтиб, тўртовлон бахтли-саодатли яшашларини истарди, холос...

Йўлдошнинг илмга муҳаббати зўр эди. Муаллимлари уни мақтай-мақтай, шаҳардаги лицейга юборишни таъкидлавериб, холаси кўнди. Шаҳарда ўқишнинг харажати оиланинг моддий аҳволига таъсир этса ҳам, сингисининг арвоҳи хотираси учун бу заҳматни ҳам бўйнига олди. Бу заҳмат уч-тўрт ҳафтагина давом этди. Холасини кутилган қийинчиликлардан Йўлдошнинг одоби, зеҳни халос қилди. Бадавлат оиланинг ёлғиз фарзанди билан ёнма-ён ўтириб, дўстлашиб қолган Йўлдош унинг дарс тайёрлашига ёрдамлашди. Ҳатто қўшимча дарс берувчи зукко муаллимига айланди. Ўзини тутиши бу боланинг ота-онасига ҳам маъқул келиб, уйларида бир хонани ажратиб беришди. Уларнинг «Етимга қараш савоб», деган тушунчаларига, Йўлдошнинг эркатой ўғилга ҳар томонлама далда эканидан қаноатланиш ҳисси қўшилди. Гарчи хизматкор бўлса-да, ҳов-

лининг юмушларини Йўлдош ўз зиммасига олиб, уларни қувонтирди.

Икки йил давомида Йўлдош бу оиланинг фарзанди мартабасидаги иззатга эришди. Эркатоининг илм олишга зеҳни ўткир бўлмаса-да, интилиши бор эди. Унинг камчиликларини Йўлдош тўлдириб, институтга ҳам бирга киришди. Таҳсилнинг учинчи йили хориж дорилфунуни кўриги талабларини ҳамжиҳатликда бажариб, ўқишга биргалашиб кетишди.

Йўлдош инглиз тилини яхши билгани учун хориждаги талабалар билан тез дўстлашди. Дўстига, «чет элдаги ўқишни битириб келган», деган номнинг ўзи кифоя қилгани учун, илм олишга қаттиқ киришмади. Бир гўзалга ишқи тушгач, дарс тайёрлашга тоқати етмай, Йўлдошни ўз ҳолига қўйди.

Ётоқлари ўрмонга яқин бўлгани учун Йўлдош бўш вақтини, айниқса якшанба кунини дарахтзорда ёлғиз ўтказарди. Ўшандай кунларнинг бирида ўрмонга ўт тушди. Ер юзида шундай бало офати бўлиши мумкинлигини у тасаввур ҳам қилмаган эди. Катталарнинг: «Эй Аллоҳим, сув балоси, ўт балоси, қуруқ туҳмат балосидан Ўзинг асра!» деб дуо қилишлари бежиз эмаслигини шу ёнғинни кўриб англади. Сув балоси – сел ўзининг юртида ҳам бўлиб турарди. Гарчи ўзи дуч келмаган бўлса-да, туҳмат балосининг қандай фожиалар ёғдиришини эшитган, ўқиган. Лекин бунақа ўт балосининг даҳшатига энди дуч келиши эди. Назарида ўрмонга юз бошли аждаҳо макон қуриб олиб, тинмай ўт пуркаётгандай эди. Эрталаб эсаётган майин шабада қаердандир куч олиб, шамолга айланган, олов алангасини у дарахтдан олиб, бунисига урарди. Бир неча ҳафталик сувсизликдан ҳолсизланган дарахт шохлари олов тилига дош беролмай тезлик билан ёна бошларди. Олов дарахтлар орасидаги уйларни ҳам ямлаб-ямлаб олға интилаверарди. Аҳолининг чаққонроги қочишга улгурган, қолганлари тириклайин куярди.

Бу даҳшатдан гангиб қолган Йўлдош келган йўлига қараб қоча бошлади. Ёнаётган бир уй яқинидан ўтаётганида қиз боланинг чинқиривини эшитди. Ўзининг жони ҳам қил устида турганига қарамай, у тўхтади. Аланглади. Алан-

га тиллари ямлаётган дераза ортида ўсмир қизнинг даҳшатдан чақчайган кўзларини кўриб, ўша томон ташланди. Атрофи ёна бошлаган эшик қулфлоғлиқ эди. Йўлдош эшикни тепа-тепа очди. Ичкарига отилиб кирди-да, тутундан бўғилиб ҳушсизланган қизни кўтарганича изига қайтди. Ҳозиргина кириб келган эшик оғзи аланга билан тўсилган эди. Ўйлашга, чора излашга фурсат йўқ эди. У таваккалига ўзини аланга оғзига урди. Ташқарига чиққанида ўзининг ҳам, қизнинг ҳам кийимлари ёна бошлаган эди. Юзлари ачишиб, кўнгли айниди, боши айланди. Кимнингдир қораси кўринди...

Бу онда уй соҳиби келиб қолиб, уни ерга йиқитганича оловни ўчирганини, машинасига ўтқизиб бу дўзах балосидан қутқариб олиб чиқиб кетганини шифохонада ҳушига келгач билди. Қизнинг бобоси ўзини мистер Белден деб таништириб, дунёдаги ёлғиз юпанчини ўлимдан сақлаб қолгани учун раҳмат айтди. Мистер Белден шифохонага кунда икки марта келиб, Йўлдошнинг ҳолидан хабар олар, изига қайтишга шошилмай, суҳбатлашиб ўтирарди. Шундай суҳбатларнинг бирида ўғли билан келинининг йўл фожиасида ҳалок бўлганини, ўзи набираси билан ёлғиз қолганини айтди. Йўлдош ўзининг ҳаракатини қаҳрамонликка йўймаган, чолдан бир нима таъма ҳам қилмаган эди. Ҳатто қимматбаҳо шифохонадаги муолажа ҳақини тўлаганини билиб озгина хижолат ҳам бўлди. Йўлдош шифохонадан чиққач, мистер Белден уни шаҳар марказидаги қасрмонанд уйига таклиф қилди. Йўлдошнинг куйган юзидаги доғларни кетгазиш учун шифокор билан гаплашиб кўйганини айтди. Кейин, «Менинг мулким набирамга аталган эди, сен уни сақлаб қодинг. Энди меросга тенг шериксан», деб Йўлдошни ҳайратга солди. Йўлдош бундай марҳаматни қабул қила олмаслигини айтса ҳам, у ўз қарори қатъий эканини билдирди-да, ўзи ва оиласи ҳақида батафсил гапириб беришни талаб қилди. Йўлдош бошидан ўтганларнинг ҳаммасини ҳасрат дастурхонига тўкмади. «Онам вафот этганларидан кейин отам уйландилар, икки укам билан холамникида яшадик. Укаларим ҳозир ҳам ўша ерда», дейиш билан чекланди. Шунда мистер Белден холасининг манзилини айтишни талаб қилди. «Миннатдор-

лигимни баён қилиб, укаларингга совға юбораман», деди. Йўлдош айтди, лекин бу одамнинг кўп миқдорда пул юборишини ўйлаб ҳам кўрмади.

Йўлдошнинг даласидан нарида нималар бўлаётганидан беҳабар поччаси уммон ортидаги мамлакатдан бир неча минг долларни бу қишлоққа бир неча соатда етказиб берувчи тезкор молиявий хизмат тури мавжудлигини тасаввур ҳам қила олмас эди. Шу боис шаҳарга тушиб пул олиши шартлигини билгач, аввал ишонмади. Кейин ўйланиб қолди. Бу хабарни Йўлдошнинг шаҳарда бирга ўқиган дўсти етказган эди. Пул нима сабабдан юборилганини у ҳам аниқ билмасди. Поччани хавотир сели боса бошлади. Болалиги, ёшлигида чет эл жосуслари ҳақида кўп эшитарди. Хаёлига келган биринчи гумон шу томондан бўлди. «Йўлдош жосуслик қилаётган бўлса пул беришгандир», деб ўйлаб, шаҳарга боришдан бош тортди. Қарорини хотинига айтган эди, у ҳам тасдиқлади. Эр-хотин ташвиш тўрига ўралганича қолаверишди. Йўлдошнинг дўсти уйга қайтгач, бу воқеани интернет орқали маълум қилди. Шундан кейин Йўлдош ёнғин воқеасини баён қилмай туриб, бу юртда ҳимматли бир одамга дуч келганини, юборилган пул ҳалол эканини қисқагина қилиб тушунтириб, бу маблағни уйларни таъмирлашга ишлатиш мумкинлигини айтди. Дўсти буни ёзув дискига муҳрлаб, енгил компьютерини кўтарганича қишлоққа борди. Дискни қўйиб берди. Кичик патнис ҳажмидаги қутичанинг мўъжиза кўрсатиши Йўлдошнинг холасига ҳам, поччасига ҳам ажабтовур эди.

Хуллас, шаҳарга тушиб, пул олинди. Унинг доврўғи ўша куниеқ қишлоққа ёйилди. Шубҳасизки, Раҳиманинг қулоғига ҳам етди.

— Вой, савил! — деди у ғижиниб. — Отаси тирик туриб пулни нимага поччасига юборади!

Шундай деди-ю, миясида санчиқ турди. Дори ичганидан сўнг, оғриқ сал босилгандай бўлгач, дийдиёсини давом эттирди:

— Боринг, лаллайиб ўтирманг! Отанинг ҳақини чўзиб қўйишсин.

Раҳима ҳадеб силталайвергач, Эргаш эринибгина ўрнидан турди. Қош қораймаган эди. «Божам даладан қайт-

магандир», деган ўйда чойхонага кирди. У ердагилар ҳам гапни пул ҳақидаги хабардан бошлашди:

— Ўғлинг топармон-тутармон бўлиб кетибди-ю, писмай-иб юрасан-а!

— Текин ошни паққос туширишни билади у! Эртанги ош харажати тўлалигича шунинг бўйнида!

— Божанг элик минг доллар олибди, сенга қанчаси тегади?

Шу гап ғалати бўлди. Унинг уйига етиб келган хабарда пулнинг миқдори йигирма минг доллар эди. Хотинлардан эшитган хабардан кўра чойхонада айтилган гап Эргаш учун ҳақиқат эди. Шу сабабли шом қоронғуси тушишини кутишга тоқати етмай, элик мингнинг ярмини ундириш мақсадида ўрнидан турди. Божаси ҳовлидаги сўрида ётган экан, ўрнидан туриб кўришди. Ошхонадан чиқиб келган қайин эгачиси унинг келишдан мақсадини англаб, қўлини сочиққа артганича сўрига яқинлашди. Саломлашиб, сўрашди-ю, лекин эркакларнинг ёнига чиқиб ўтирмади. Гап пойлаш хунук одат эканини билса ҳам, тураверди. Эри гапни чўзмади:

— Оқшом сизникига ўзим ўтмоқчи эдим, Йўлдошбойдан яхши хабар келиб қолди.

— Эшитдим... Пул юборганмиш. Ақлли бола-да, менинг ўғлим...

Бу гапи қайин эгачисига ёқмади. Қўлидаги сочиқни сўри суянчиғига ташлаб, унга ғазабли нигоҳини қадади:

— Пул юборгани учун энди сизнинг ақлли ўғлингиз бўлиб қолдими? Ҳар ҳолда бу ёққа хотинингиз юборгандир? Ҳақингизни талаб қилинг, дегандир, а?

Эргаш «ҳа» дейишини ҳам, «йўқ» дейишини ҳам билолмай қолди.

— Ҳақни талаб қилишмас-ку... лекин озгина камчиқимлигимиз бор... — деди чайналиб.

Қайин эгачиси яна гапирмоқчи эди, божаси томоқ қириб уни тўхтатди.

— Эргашбой, камчиқим бўласизми ё кўпчиқиммисиз, барибир бу пулдан сизга беролмайман.

— Ие, ҳаммасини ўзингиз еб кетмоқчимисиз? — деб юборди Эргаш.

— Шуни гап деб гапиряпсизми, божа?! Мен бировнинг ҳақидан ҳазар қиламан. Бу пулни тийинига ҳам хиёнат қилмай сақлаб тураман. Йўлдошбой келганида нима қилишни ўзи билади. Хоҳласа, ҳаммасини сизга беради. Менимча, шундай қилгани дуруст бўлади.

— Нега дуруст бўларкан? — деди хотин бу қарордан норози бўлиб.

— Сен гапга аралашмай, ишингни қил. Ҳар қандай ҳолатда ҳам отанинг ҳақи улуғлигича қолади. Сен жиянингни боққанингни миннат қилма. Биз савобталаб одамлармиз, буни унутма.

— Отанинг ҳақи улуғ бўлса, оталигини қилмайдими?

— Бор, ишингни қил!

Божаси яхши гапиргани билан, аҳдида қаттиқ туриб, пул бермади.

Эрининг қуруқ қайтганидан ғазабланган Раҳиманинг бош оғриғи кучайди. Оғриқ эртасига ҳам тўхтамади. Индинига ҳам... Кейин врачга учради. Ёзиб берган дориларини ичди, фойдаси бўлмади. Шаҳар марказидаги врачга ҳам учради. Бир врач иккинчисига юборди, текшир-текшир ҳафталаб давом этаверди, шифодан эса дарак бўлмади. Эргаш дори-дармонга пул зарур деб, яна божасига йўлиқди. Ўжар божаси Йўлдош юборган пулдан бермади, ўзининг асраб қўйган маблағидан берди.

Бу орада Йўлдош таътилга чиқиб, уйига қайтди. Мистер Белден катта жомадонга жойлаган совға-саломлардан қариндошлар мамнун бўлдилар. Йўқловчилар кетишгач, Йўлдош поччасининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб сўради:

— Уйларни янгиламабсиз-ку?

— Уйни янгилаш қочмайди, сен аввал менга бунча пулни қаердан олганингни айт. Ҳаром аралашган бўлса сендан розимасман.

Қатъий оҳангда айтилган бу сўздан кейин Йўлдош ёнғин воқеасини сўзлади-да, мистер Белден бериб юборган пулни олиб, унга узатди:

— Уйларни тузатиб, акамни уйлайлик, опаларимни узатайлик, — деди.

— Аканг билан опаларингнинг ризқлари ўзи билан. Бу пулга ўзингга, укаларингга уй соламин. Ўзларингни уйлаймиз, Худо хоҳласа. Сен ҳозир отангни ёлғизлатма. Ўгай онангнинг тоби йўқроқ эмиш. Отанг камчиқимроққа ўхшайди. Унга ёрдам беришинг керак.

Эргаш ўғлининг қайтганини эшитса ҳам кўргани келмаган эди. Йўлдош эртасига чой, ширинликлардан халтага солиб, тўғри чойхонага борди. Айни дамда Эргаш ўғлининг меҳрсизлигидан нолиб, улфатларига ҳасрат қилаётган эди. Эшикдан кириб келган ўғлини кўрди-ю, гапи офзида қолди. Йўлдош салом бергач, халтани чойхоначига узатиб, барча билан алоҳида-алоҳида сўрашди. Кейин яна чойхоначига юзланиб:

— Амак, битта ош дамлайсиз энди. Бу ерларнинг ошини софинганман. Ош пишгунча дадам билан шифохонага бориб келамиз, — деди.

Шифохонада миядаги огриқ азобида тўлғониб ётган Раҳима Йўлдошни кўргач, кўзларини юмиб олди. Оғриққа чидолмай шундай қилдими, ё Йўлдошни кўришни истамадими ёинки ундан уялдими – билиш мумкин эмасди. Аслида кўзларини юмиб олинисида учала сабаб ҳам мужассам бўлганди. Ҳол-аҳвол сўралганда, агар бемор тилдан қолмаган бўлса, «Худога шукр» деб қўйгувчи эди. Тилдан қолган оғир бемор ҳам кўз ишоралари билан шукронасини баён қиларди. Раҳиманинг мияси оғриётган бўлсада, тили бийронлигига қарамай, жавоб бермади. Кўзларини ҳам очмади. Йўлдош бир неча дақиқа сукутда ўтиргач, даҳлизга чиқиб, бош врач хонаси томон юрди.

— Мияда ўсимта пайдо бўлган, тобора ичкарига қараб ўсяпти. Бирдан бир чора — операция. Лекин отангиз ҳам, онангиз ҳам кўнишмаяпти, — деди бош врач норози оҳангда.

— Нега? — деб ажабланди Йўлдош.

— Юз фоиз кафолатни талаб қилишяпти. Бундай кафолатни ҳеч ким беролмайди.

— Чет элга олиб борсак-чи?

Бу савол бош врачга ёқмай, қошларини чимирди. Чарм муқовали дафтарни столи устидан олиб, унга узатди.

— Бу нима? — деди Йўлдош ажабланиб.

— Ишларимиз натижаси. Сиз айтган чет элдаги беморлар бизга келишяпти. Ўқимишли йигитга ўхшайсиз. Истангиз интернет орқали суриштиринг, — шундай деб сайт номини айтди-да, қўшиб қўйди: — Мен сизга ташвиқот қилмоқчи эмасман. Беморнинг ҳаёти учун ҳар бир кун эмас, ҳар бир соат ганимат. Чет элга олиб боргунингизча масаласи ҳал бўлади.

Йўлдош отасини бу суҳбатдан огоҳ қилмади. Шаҳарлик дўстиникига борди-да, компьютер орқали бу хасталикка доир маълумотларни аниқлади. Дунёдаги энг кучли клиникалар рўйхатида бу шаҳардаги шифохона номини ўқигач, бош врачни ранжитганини фаҳмлаб афсусланди. Ундан узр сўраш учун изига қайтди. Сўнг отасини бу гаплардан хабардор қилди. Операциянинг бўлиш-бўлмаслиги Эргаш учун аҳамиятсиз эди. «Ўладиган ҳам ўзи, тирик қоладиган ҳам ўзи, аперайса бўладими-бўлмайдами, ўзи ҳал қилаверсин», деган тўхтамда қатъий эди. Уни кўпроқ бу муолажанинг чиқими қизиқтирарди. Йўлдошдан: «Бу хотин бизга оналик қилмади, бизни ҳайдаб чиқарди, энди нега мен даволатишим керак?» деган даъвони кутиб, хавотирланди. Йўлдош ўтган зулми эсламади, таъна ҳам қилмади. Узоқ йиллар давомида юрагини тирнаб келган машъум хотира тирноқларини юзага чиқаришга уринмади. Аксинча, даволаш учун зарур бўлган барча чораларни амалга оширишга тайёр эканини айтиб, уни тинчитди. Врачлар тавсия этишса, чет элга олиб бориш имконияти ҳам мавжудлигини билдирди.

Эргаш ўша куниёқ бу хабарни хотинига етказди. Бундан Раҳима қувониши керак эди. Лекин кўнгли баттар ғашланди. Ўғай ўғилнинг марҳаматини қабул қилишни истамади.

— Божангизга боринг, — деди инграб. — Пулни Йўлдош келганида бераман, деганмиди? Ана, келди. Ҳақингизни олинг. Менга садақалари керакмас.

Ёмонлиги учун яхшилиқ қайтаётганини унинг қашшоқ қалби қабул қилолмаётган эди. Мия офриғига энди виждон офриғи ҳам қўшилганди. «Дорилар таъсир қилиб, тузалиб кетаман», деган умидда яна бир неча кун ётди. Кучли дорилар ҳам офриқни қолдиришга ожизлик қилиб қолгач,

операцияга розилик берди. Охирги текширув натижаларини кўрган врач бош чайқади. Энди операциядан умид йўқлигини билдирди.

Шифодан умид бўлмагани билан ажал ҳам узоқда эди. Раҳима ўлишни, бу азоблардан тезроқ қутулишни истарди. Лекин бу дунё охирати унинг истаги билан ҳисоблашмасди...

Ўғай онасининг кўришни хоҳламаётганини билган Йўлдош ўзини тортди. Поччасининг талабига итоат этиб, пулнинг бир қисмини отасига берди. «Уйга ҳам қараб кўйинг, ҳаммасини созуриб юборманг», демади. «Нима қилсангиз – ихтиёрингиз», деди. Отасига инсоф беришни Худодан сўради. Фарзанднинг дуо қилиши албатта яхши. Лекин Аллоҳ бандасининг қалбини муҳраб кўйган бўлса-ю, банданинг ўзида ҳидоятга интилиш кўринмаса юракдаги қулфнинг дуо билан ечилиши қийин экан. Эргаш беморнинг дардига шерик бўлиб ўтирадиган меҳрли эрлардан эмасди. Унинг меҳрибонлиги дори-дармон олиб келиш билан чекланарди. Раҳима шифохонадан олиб келинганч, аввалига қариндошлари галма-галдан қараб туришди. Қайсидир нодон: «Касалнинг ўлгани яхши, бошқаларнинг қутулгани яхши», деб бекорга айтмаган экан. Раҳиманинг касали чўзилганч, қариндошларнинг меҳрибонлик денгизи ҳам саёзлашаверди. Раҳиманинг уйда ёлғиз қолиши одатий ҳолга айланди. Бундан хабар топган Йўлдош ўғай онасига, ҳатто отасига билдирмай кўшни аёлни энага вази-фасига ёллади.

Йўлдошнинг таътили ниҳоясига етиб, сафарга отланиш олдидан уйига борди. Онасининг излари қолган уй ҳавоси унинг қалбидаги ҳам ширин, ҳам заҳарли хотираларни уйғотди. Раҳима ҳушсиз эди, унинг кирганини, саломлашганини, сўнг шифо тилаб хайрлашганини билмади.

Кичик жомадонини божхона кўригидан ўтказаетганида Йўлдошнинг ён телефони жириглади. Кўнгли бир хираликни сезиб, телефонни қулоғига тутди.

— Ҳали учганинг йўқми? — деб сўради дўсти.

— Йўқ... Тинчликми?

— Билмадим... Даданг келиб кетдилар. «Бир-икки кун кетмай турса бўларди», дедилар. Ўғай онанг оғир, шекилли. Нима қиласан?

Йўлдош кўп ўйланмади. Юкини олди-да, қишлоққа қайтди. Холаси уни кўрибоқ:

— Отанг чақиртириб олдимми? – деди норози оҳангда. Кейин норозилиги боисини билдирди: — Бекорга қайтибсан, орқага қайтишнинг ҳосияти йўқ. Хотини ўлса, кўмишнинг харажатини ўзимиз кўтарардик. Сенинг туришинг шарт эмасди...

Холасини тинчитиш учун Йўлдош ёлгон гапирди:

— Ўқишимга телефон қилувдим, таътилни чўзишибди...

Холаси ёлгонга ишонгандай «яхши бўлибди», деб қўйди. Йўлдош ҳовли ўртасида туриб қолган эди. Холаси унинг ниятини англади. «Тўхтаб тур, бирга борамиз, куни битган бўлса рози-ризолик сўраб қолайлик. Майли-да, ёмон бўлса ҳам Худонинг бир бандаси эди...» деб ичкарига кириб кетди.

Раҳима ётган уйда унинг икки қариндоши паст овозда гаплашиб ўтирарди. Раҳиманинг танаси ҳаракатсиз, рангида ҳам ҳаёт нишонаси қолмаган. Фақат аҳён-аҳёнда кўзларини катта-катта очиб, алаҳсираб қўярди. Холаси қариндошлар билан сўрашаётганида Раҳима яна алаҳсиради:

— Қўғирчоғим қани, қўғирчоғимни бер...

Шундай деб ингради. Қариндошларидан бири кафтини унинг пешанасига қўйди.

— Эрталабдан бери қўғирчоғини сўрайди, — деди қариндошлардан иккинчиси. — Болалигини эслаяпти, шекилли...

Раҳиманинг алаҳсираши сабабини Йўлдош англади. Кўп йиллар муқаддам худди шу уйда қўл-оёғи узиб ташланган қўғирчоқнинг бошига игналар санчаётган Раҳима кўз олдига келди. Унинг «Болаларингизни мана шунақа жоду қиляпман. Агар холаси эртага олиб кетмаса, учаласи бирин-кетин тил тортмай ўлади. Энди болаларингизнинг бу уйда туришлари мумкинмас, ҳатто шу кўчадан ўтишса ҳам ўлишади...» деган гаплари қулоқлари остида жаранглаб, акс-садо бергандай бўлди. Кўзлари тиниб, боши айланиб, қўл-оёғи бўшашди. Бу уйда яна бир дақиқа турса ҳам ҳушидан кетиши мумкинлигини англаб, ташқарига шошилди. Занглаб кетган темир сўрига омонат ўтирди. Ҳаммасини эслади...

Ичкаридан чинқириқ овози келди:

— Қўғирчоғим қани, қўғирчоғимни бер...

Раҳима гўё Йўлдошнинг чиқиб кетганини билгандай чинқирган эди.

Бир оз нафас ростлагач, Йўлдош ичкарига қайтди. Аёллар жон таслим қилса жағи, оёқларини боғлаш учун оқ рўмолни шайлаб ўтиришарди. Холаси нима учундир беморнинг оёқ томонида ўтирарди.

Раҳима яна инграб қўғирчоғини сўради. Холаси савол назари билан Йўлдошга қаради. Онаси тириклигида ҳаммалари шу уйда яшашарди. Бир қатор бўлиб ётишарди. Онаси вафот этиб, Раҳима келгач, ёндаги хужра уйчага айлантирилиб, уч ўғилга жой қилиб берилганди. Йўлдош тунов кунни хайрлашгани кирганида ихтиёрсиз равишда шу хужра эшигини очиб қараганди. Болалик хотираларини уйғотувчи барча нарсалар шу хужрада айқаш-уйқаш бўлиб ётганди. Ҳозир бу хужра томон беихтиёр юрди. Эшикни очиб, бошларига игна санчилган ўша қўғирчоқни буюмлар орасидан излади. Орадан йиллар ўтган бўлса-да, бу бошнинг шу ерда ётганига ишонди. Ишончи алдамади. Эски кийимлар тагида ётган қўғирчоқнинг бошини қўлига олди. Бошга учта игна санчилган эди. Олиб ташлашни ҳам, ташламасликни ҳам билмай гарангсиб, холаси томон ўтирилиб қаради. Холасига айтишни истамасди. Холаси унинг қилиғига тушунмай ҳайратланганича тикилиб ўтирган эди. Ўрнидан туриб келиб, игна санчилган бошни кўрди-ю, ҳаммасини англади. Бошни унинг қўлидан олди.

— Суғуриб ташлайми? — деб пичирлаб сўради Йўлдош.

— Сен тегма. Бор, отангни топиб кел, — деб буюрди холаси.

Йўлдош чиқиб кетиши билан қўғирчоқнинг бошидаги игналарни олиб ташлади. Шу пайт Раҳиманинг қариндошларидан бири уни чақирди:

— Опа, келинг, узилдилар, шекилли...

— Худога шукр, азобларидан қутулди, — деди иккинчиси...

КУРОРТ

Бундай воқеалар ҳозир юз бермайди. Замонлар ўзгариб кетган. Эҳтимол бунақа гапларни унутиб юбориш маъқулдир? Балки яқин ўтмишдаги воқеаларни эслайдиганлар ҳам бордир? Шундай мулоҳазалар билан юра-юра, йизирма йил аввалги курорт воқеасини баён этишга қарор қилдик.

У раиснинг хонасидан чиқиб, болаларга қанд-курс олай, деб дўконга кирди. «Ҳа, Аҳмадбой, раис йўқлабдиларми?» «Йўқлабдилар, курортга юбораман, деяптилар». Бор гап шу. Тракторчи буни дўкон остонасида эшитди. Тракторининг мотори одатдагидек ўчирилмаган эди, ўтирди-ю, ғизиллатди. Уйига ҳаш-паш демай етиб борди. Янгиликни хотинига айтди. Бу гап кўчага югураётган ўғлининг қулоғига илинди. У кўчага чиқиб, Самадга дуч келди. «Ҳей, Самад, отанг курортга бораркан», деди. Самад эса уйига қараб учди.

Ўғлининг «отам курортга кетяпти эканлар», деган гапини эшитган Назира жонқолатда «Вой, ўлмасам!» деб юборди. Унинг кўзига эри эшиқдан иккита сатанг хотинни бошлаб келаётгандай кўриниб, юраги «шув» этиб кетган эди.

Отасининг курортга бориши болалар учун қутилмаган шодлик эди. Ахир курортнинг бошидан охиригача магазин бўларкан. Отаси у ердан қуруқ қайтмас. Район марказидан белбоғини тўлдириб майда-чуйда олиб келадиган одам курортдан бир дунё нарса билан қайтар. Фақат... каттароқ жомадон бериб юбориш керак...

— Отам курортга кетяпти эканлар!..

Самаднинг бу ҳайқириғи бир пой калиши паст тушиб, бир пойи панжасига илиниб қолганича сўрида оёқларини осилтириб, оппоқ соқолли энгагини кўкрагига тираб мудраётган Матқобул бувани чўчитиб юборди. Бошини кўтариб, набирасини излади.

— Ҳой, нима дединг, қанисан ўзинг?

Самад югуриб келиб, бувасининг елкасига қўлларини қўйди-да, даҳанини чўзиб бақирди:

— Отам курортга...
— Ҳе, бақирма-е! Районга кетибдими?
— Курортга борар эканлар.
— А? — Матқобул буванинг юзидан қони қочди. Самад бу ўзгаришни сезмади. «Бувам эшитмадилар шекилли», деб яна овозини кўтарди.

— Ку-рорт-га!

— Бас! — Матқобул бува болани нари итарди. Бир оз гангиб ўтирди-да, ерга тушди. Шундагина бир оёғида калиш йўқлигини билиб, эғилди. Самад чаққонлик қилиб унинг оёғига калишни илди.

— Ҳассамни олиб кел!

Самад бу амрдан ажабланди:

— Катта дада, қўлингизда-ку?

Матқобул бува чеварасига майна бўлишни истамай:

— Бунисини эмас, — деб танбеҳ берди.

Самад гап қайтармай, анчадан бери тутилмагани сабабли катта сўри тагига ташлаб қўйилган эски ҳассани олиб берди.

Чол унга яна бир нима деб бақирмоқчи бўлди-ю: «Бунда нима гуноҳ, нимага заҳримни сочаман», деб инсофга келди. «Бу Аббоснинг иши. Болаларимга тикилган кўзларини ўйиб оламан», деб тўнғилади-да, эски ҳассасини тўқиллатиб, кўча томон юрди.

Кўчага чиқиб, ўттиз қадам ҳам босмай неварасини кўриб тўхтади.

Аҳмад бригадир ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ, қўлида тўрхалта, пиджаги елкасида, дўпписи чапга бир оз қийшайган ҳолда туя юриш қилиб келарди. Чолнинг кўча ўртасида туриб олганини кўриб, қадамини тезлатди.

— Ҳа, катта ота, тинчликми?

Чол неварасини энди кўраётгандай бошдан оёқ разм солиб, унинг кўзларига савол назари билан тикилди:

— Қаёққа кетяпсан?

— Уйга.. — деди Аҳмад бригадир, чолнинг саволидан ажабланиб.

— Курорт-чи?

— Қанақа курорт?

— Кетаётган эмишсан-ку?

— Ҳа... дарров етиб келдими? — Аҳмад бридагир «катта отам «бемаслаҳат иш қипсан», деб ранжияптилар», деган хаёлга бориб, кулимсиради. — Ҳали хом гап бу, катта ота, сиздан бесўроқ бир ёққа борармидим?

— Раис борасан, деяптими?

— Ҳа, шунақа гап бўлди.

— Аббос, а?

— Раисимиз битта-ку, катта ота.

— Бормайсан!

— Хўп.

Неварасининг дарров кўна қолгани чолда шубҳа уйғотди.

— Бормайсан, деяпман!! — бу сафар қатъийроқ гапирди.

— Хўп, дедим-ку... — бу сафар неvara янада осонлик билан кўнди.

— Наритур, — деди чол қўли билан ишора қилиб.

— Қаёққа бормоқчисиз?

Матқобул бува жавоб бермади. «Болаларимга тикилган кўзларини ўйиб оламан», деб гўлдираб юриб кетди.

Вафот этган қариндошларини кунда, кунора тушида кўравериб, «ёғоч отдаги сафарига шайланиб қолган» чолнинг юрагида қирқ беш йилдан бери яшириниб ётган армонни бу хабар бехос туртиб, уйғотиб юборган эди. Чол бу армонини шу топгача бировга билдирмаган, шунча йилдан бери ўз ёғига ўзи қовирилди.

* * *

Ўшанда келини шу Аҳмадга бошқоронғи эди.

Бир куни ўғли тўнини елкасига ташлаб, хуфтон вақти ишшайиб кириб келди.

— Ҳа, лаб-лунжингни йигиштиролмай қопсан. Бевақт санқима, деб сенга айтувдимми, ё бувингнинг такасигами? — деди у астойдил аччиқланиб.

— Ота, идорада эдим, мажлис бўлди.

— Аббос гўзани мажлис билан тўйдирияптими, мунча йиғинларинг кўп?

— Битта одам курортга бориши керак экан, шуни муҳокама қилиб, мени лозим кўришди.

— Нима? — чол у пайтда курорт нималигини билмас эди. Муҳокама қилинган бўлса, ёмон жой шекилли, деган фикр миясига урилади. — Нима гуноҳ қилувдинг?

— Ие, ота, курортга гуноҳ қилганларни юборишмайди. Курорт томоша қиладиган жой-ку?

— Ҳа... унда майли. Қаерда экан, шу райондами?

— Йў-ўқ, узоқроқда. Поездда беш кунлик йўл дейишди.

— А?! Э... сени лақимлатишибди, бола. Беш кунлик йўлга яхшиларни юборишмайди. Районга борсанг бир нави, ҳа, ана, Қўқонга бор, томоша ўша томонда. Аббосдан чиқдимми шу гап? Энасини Учқўрғоннинг қайқисидан кўрсатиб қўярман. Менинг боламини беш кунлик йўлга жўнатадиган зўр ҳали туғилмаган!

— Ота, сиз тушунмадингиз, ўйнаб, дам олиб келгани юборишмоқчи.

— Жим бўл, бола!

Ўша куни раис билан сан-манга борди-ю, аммо устун келолмади. Ўғли икки кунда жўнаши лозим экан. Ўғлини шартта қўшни қишлоққа, опасиникига жўнатди. Икки кундан кейин раис юк машинасида келди.

— Матқобул, ўғлинг қани? — деди этиги қўнжигга қамчи билан уриб қўйиб.

— Курортингга жўнаворди, — деди Матқобул сўридан тушмай.

— Ҳой эса йўқ, ҳукумат яхши ишлаганлар меҳнатининг роҳатини кўрсин, деяпти, тушунсанг-чи?!

— Унда ўзинг боравер.

— Бултур бордим-ку?

— Бу йил ҳам бор, мен розиман.

— Жифимга тегма!

— Ўғлим бормайди.

— Боради. Қаердалигини айт. Қарорни бузишга ҳақдинг йўқ.

Матқобул бу дағдагани сариқ чақага олмаслигини бир қўл силташ билан ифода этиб қўя қолди.

— Айтмасанг... қаматиб юбораман, билиб қўй.

— А?! — Матқобул энди ўрнидан туриб кетди. — Мени-я!?

Раис унга яқинлашиб, паст овозда деди:

— Мени биласан-а, жигимга тегма. Кечаси ҳовлингга буғдой ташлатаман-у, азонда тўртта гувоҳ билан келаман. Матқобул серрайиб қолди.

— Ошначилигимизнинг оқибати шуми?

— Унда ўғлингнинг қаердалигини айт.

— Аббос...

— Тез бўл. Э, галварс, одамлар у ерларга боришни орзу қилишади. Каллангни ишлатгин. «Кимсан, Матқобулнинг ўғли курортга борибди!» дейдиган гапдан қувонсанг-чи!

Ошна бўлгани билан Аббоснинг раис деган мартабаси бор. Калласига нима келса қилаверишдан тап тортмайди.

— Ростданам ўзинг борганмисан?

— Э, носқовоқни сенга ўша ердан олиб келганман-ку?

Аббос алдади: ошнасига совға олмаганидан хижолат чекиб, йўл-йўлакай Қўқон бозоридан чиройли носқовоқ харид қилган эди. Матқобул совғани эслаб, ўйланиб қолди: «Ҳа, курортдан олиб келдим, девди-я. Носқовоғига қараганда, ўзимизнинг жойларга ўхшаркан...»

— Ўғлинг қаерда? Бўл тез, бутун поездга чиқиши керак.

— Сенам беш кун йўл юрганмисан?

— Юрса нима?

— Йў-ўқ, бўлмайди ошна. Хотинининг ой-куни яқин.

— Ўзиники-чи?

— Нима «ўзиники»?

— Ўзининг ой-куни яқин эмасми? Йўл-пўлда туғиб кўяди, деб кўрқяпсанми? Бўпти, айтмасанг, айтма, ўзим топиб оламан, — раис шундай деб кўчага чиқди-да, ҳайдовчига нимадир деб тайинлаб, изига қайтди. Юк машинаси кўчани чангитиб юриб кетди.

— Ўғлинг ҳозир келади. Келинингга айт, йўлга у-бу тайёрлаб қўйсин.

— Мошин қаёққа кетди?

— Опангникига.

Матқобул довдираб қолди: қаёқдан билади? У раиснинг икки кун ичи бу хонадонга яқинлиги бор уйларни дараклаганидан беҳабар. Раис ошнаси билан гаплаша туриб бирдан унинг опаси эсига тушиб қолди. Матқобулнинг ака-

укалари йўқ, ёлғизгина бир опаси бор. Ўғлини ўша ерга яширмай, қаёққа яширарди? Ҳозир Матқобулнинг ташвишга тушганини кўриб, тахмини тўғри чиққанини билди.

«Гуноҳкор» ярим соатда уйда бўлди. Хотини тайёраб қўйган тугунни олди-ю, хайр-хўшлашиб жўнади...

Матқобулнинг армони шу — ўғлини олиб қолишга қурби етмади. Раис «қаматвораман», деб пўписа қилса, қўрқиб ўтирибди.

Олиб қолиши керак эди.

Олиб қолиши шарт эди...

Чунки... ўн кундан кейин уруш бошланди. Ўғли ўшанақаси урушга жўнабди. Икки йилгача хат келиб турди... Аҳмад отасини кўрмай ўсди.

Аббос раис энди уни ҳам курортга юбормоқчи...

Қирқ беш йил аввал «курорт» деган сўзни эшитиб, ёмон жойдир, деб ўйлаган Матқобулнинг кўзига ўшандан бери уруш майдони бўлиб кўринади...

* * *

Аббос раис қиёматли ошнасининг ҳассасини дўқиллатиб кириб келишини билса-да, хабарнинг тез тарқалиш тезлигини ҳисобга олмагани учун уни эртага келса керак, деб ўйлаган эди. Матқобулни идора ёнидаги самовархонада кутиб олиб, сўрига бошлади. Ҳол-аҳвол сўради.

— Икки оёқда юриб, тил билан гапиряпман, ҳали бу дунёдан умидим бор, — деди Матқобул. — Нимага келганимни билиб турибсан-а?

— Ҳа.

— Битта ўғлим етмаганмиди сенга?

— Бу гапингни қўй, ошна. Уруш қўпга келган тўй эди. Ўғлинг шу ердан ҳам кетарди-да.

— Ҳеч бўлмаса рози-ризалик тилашиб қолардим-ку, ўғлини кўриб кетарди-ку?

— Мен билибманми... — раис шундай деб четга қаради.

— Энди Аҳмадга осиялсанми? Уни нимага юбормоқчисан?

— Баҳорда нима бўлгани эсингдан чиқдимми? Далада юрагини чангаллаб ётиб қолдимми? Силласи қуриб кетган бола пақирнинг. Дўхтирлар «дам олиши шарт», деб менга

қайта-қайта айтишди. Шу пайтгача курортга борсин, девдимми? Э, ишлаганидан кейин дам олишни ҳам ўргансин-да!

— Ўзинг ўрганавер.

— Мен ҳар йили бораман. Шунинг учун ҳам сенга ўхшаб ҳассага таяниб қалтилаб қолмаганман. Мендан уч ойлик кичиксан. Аҳволингни қара!

— Аҳмад бормайди.

— Бекор айтибсан.

— Қаматворсанг ҳам юбормайман.

— Боланинг жонига жавр қилма. Биламан, аламинг бор. Лекин ҳозир замон яхши. У даврлар бошқа эди. Илгари беш кун йўл юрган бўлса, энди уч соатда боради, уч соатда келади. Билиб қўй: юрагини даволатмаса... бунингдан ҳам ажраб қоласан, билиб қўй, дарди ёмон, боланинг умрига зомин бўласан!

— Қўқонлик дўхтурларга бора қолса-чи?

— Бўлмайди. У денгиз бўйида даволаниши шарт. Ўша қўқонлик дўхтурлар шунақа дейишди.

— Рост айтяпсанми?

— Касали бўлмаганида юбормас эдим. Дардингга мен шерик бўлмасам яна ким шерик бўлади. Сени ташвишга қўйиш менга лозимми? Мен ҳам қаридим. Колхозни бу йил топшираман. Элик йил тебратибман, етар. Ўрнимга келадиган одам Аҳмаднинг ҳолидан хабар оладими, йўқми... Ҳозир курорт отликлардан ортмай қолган. Аҳмадга курортнинг қоғозини оламан, деб эна сутим оғзимга келди. Сен қайсарлик қилма.

Матқобул лаққа тушганини ўзи ҳам билмай қолди. Икки ошна сўрида ёнбошлаб, чойхўрлик билан кунни хуфтон қилишди.

* * *

— Дадаси, у ерларда...

— Айтавер гапингни, бунча чайналиб қолдинг?

— Йўқ, қўйинг, айтадиган гап эмас.

— Энди кўнгилни хижил қилма, айт.

— Бир гап эшитдим... У ерларда ҳалигидақа... хотинлар бўлармиш...

— Ҳе, эси йўқ! Ҳе, бетамиз!

— Аччиғингиз чиқмасин. Эшитганимни айтяпман-да.

— Бунақа гапларни эшитадиган қулоқнинг кар бўлгани яхши!

— Қўйинг, яхши нафас қилинг. Кўрганлар айтди-да. Эркак одам уйдан узоқлашса...

— Юм оғзингни! Минг лаънат сендақа лақмага! Отам юрган ерларда шунақа иш қиламанми!?

Шундай деб тескари ўтирилиб ётиб олган эди. Шу гап баҳона бўлиб, йўлга чиқар олдидан хотинини суйиб эркаламади.

Ҳозир, самолёт тоғдай булутлар уюми орасидан чиқиб, титроғи босилганидан кейин кўзлари мудроқ ихтиёрига берилган дамда ўша қисқа, аммо ўзини лов этиб ёндириб юборган суҳбатни эслади-ю, афсусланди.

Соддалик ҳам хотин кишининг ҳуснига киради. Биров шу гапни айтибди, у ишонибди. Эрини азбаройи яхши кўрганидан қизганибди. Э, хом сут эмган банда! Шундай хотиннинг қадрига етмади, етмади-я!

Юраги санчиб, уйқуси қочди. Врачнинг ўтитини эслаб, чўнтагини пайпаслади. Волидол олиб, тилининг тагига ташлади. Уйқуси ўчган бўлса ҳам, бари бир кўзларини юмди.

Гапнинг ўғил боласи — Қора денгиз бўйига бориб дам олиши аниқ бўлганидан кейин бунақа гапларни ўзи ҳам эшитди. Тўғрироғи, илгари бир-икки қулоғига чалингану унча аҳамият бермаган эди. Бу сафар бир эмас, уч-тўрт киши айтди. Уларнинг таърифидан кейин юрагининг бир четида ғалати майл уйғонди. Аввал денгиз бўйида юриб даволаниб қайтишни ўйлаётган бўлса, энди соҳил кўз олдига келганида бир-икки офатижонлар ҳам «учрай» бошлади. Ўзи бошқаларнинг гапига лаққа тушиб, яна хотинини лақма, деб койиб, аразлаб ётибди-я!

Унинг тўсатдан ловиллаб кетишига бу бир баҳона, холос. Асл сабабини билса ҳам, тан олгиси келмайди.

«Пулинг бўлса халтада – боравергин Ялтага».

«Мен Ялтага кетмаяпман-ку?»

«Бу бир гап-да, Аҳмадбой. Пулинг бўлса бор. Қад-қоматдан Худо сени қисмаган. Қирчиллама ёшдасан. Дўхтир-

пўхтир деб юрма. Юракнинг давоси – нозаниннинг биргина нозли карашмаси. Бирор сўзамол йигит билан улфат бўлгин-у, орқа олдинга қарама – полний вперед! Йигирма тўрт кун ичида йигирма тўрттасини татиб кўрмасанг ҳисобмас».

Шунақа «насиҳат»лардан кейин хаёлида бир йигит билан дўст тутинди. У икки қизни бошлаб келди... Хаёлидаги бу кўнгли изҳори кўпга чўзилмасди. Фикри тиниқлашиб, ўзига келиши билан, чиндан ҳам «чап»га юргандай сесканиб кетарди. Ҳатто хотинининг кўзларига қарай олмаган вақтлари ҳам бўларди. Хотини ўша тун гумонини айтганида, у аввалига «сири» фош бўлгандай қалқиб тушди. Аччиқланиш учун шунинг ўзи кифоя эди.

«Сен унақа ҳар кимнинг гапларига қулоқ солаверма. Раис бувами ёки райком бувами айтсалар ишон. Улар ўша томонларда кўп бўлишган. Сен айтгандақа жой бўлса, мени юборишармиди? Ўзинг ўйлаб кўр-чи, ғўза шонага кирман, деб турган маҳалда қайси бригадирнинг дам олишига рухсат беришган!?»

Хайрлашар пайтидаги гапларини эслаб, кўнгли таскин топди: «шуни яхши айтдим...»

Аҳмаднинг тўнғичи бу йил мактабни тугатди. Кўз очиб кўргани Назираси билан сира сан-манга бормаган. Бошқа бировга қараш етти ухлаб бир тушига кирмаган. Эркак зотининг ҳам минг бир тури бор. Юрган йўлида бегоналарни кўмсайдиганларни Аҳмад кўрган. Уйда гулдай хотини, болалари туриб, чакки қадам олувчи танишларидан ҳаммиша нафратланиб, аниқроғи, ҳазар қилиб келган. Бундайлар саргузаштларини кўпириб ҳикоя қилаётганларида Аҳмаднинг хаёли қочмаган, шайтон васваса қилмаган, дейилса, ёлғонга йўл берилган бўлади. Аммо бу ҳис яшинсимон ва ўткинчи бўлиб, уни кўп тобе қила олмаган.

Мана энди, уйдан узоқлашар маҳалида, ғалати ҳислар гирдобига тушиб, гангиб юрибди.

Мақсад – даволаниш. Уват бўйига йиқилиб қолмаганида бу ҳам йўқ эди. Авваллари юраги санчиб-санчиб қўйса ҳам эътибор қилмасди. Юрак билан ўйнашиб бўлмас экан. Касалхонада ётганида хотини «Худо сизни болаларингизга қайтариб берди», деди. Энди батамом тузалиш учун

кетяпти. Аммо баъзан орага шайтон оралаб, ҳислари жиловини бўшатиб қўяди. Ўзи хоҳламоса ҳам хаёли бошқа томонларга чорлайверади.

Ёнида икки жувон ўтирибди. Кўхликкина. Назарида иккови ҳам унга ўғринча қараб қўйяпти. Гапни эркак киши бошлаши керак. Нима дейди? «Қачон етаркинмиз?» деб сўраса-чи? Э, йўқ, ҳозиргина сув олиб келган кузатувчи қиз аниғини айтиб кетди. «Дам олгани боряпсизларми, қаерга?» десинми? «Сизга нима!» деб қайириб ташласа-чи?» Гап билмаганидан кейин индамай кетгани маъқул. Агар бирор илинжлари бўлса, ўзлари гап бошлашар...

Йўқ иккала жувон ҳам унга қарамади.

Аҳмад самолётдан бир ўзи шўппайиб тушди. Юклари олиб, кенг майдонга чиқди. Биров бировга қарамайди. Бировнинг биров билан иши йўқ. «Самолётдан тушишим билан нозанинлар ўртасида талаш бўлиб кетаман», деган ўйга ҳам борган эди. Атрофига қараб, ҳафсаласи пир бўлди. Чиройли қиз-жувонлар оз эмас. Аскин бирови унга қиё боқаман демайди. Уларга гап отувчи лаб-даҳан эса унда йўқ.

Бу ҳолдан мамнун ҳам бўлди — шайтон васвасасидан қутулди. Айни пайтда бекорчи ҳисларга берилгани учун ўзидан ўзи нафратланди.

«Овози раста бўлган бола ҳам менчалик бефаросатмасдир. Нималарни хаёл қилиб юрибман?!»

* * *

Аҳмад қабулхонада хушрўй йигитга рўпара бўлди. Қошлари худди териб қўйилгандай текис, қирра бурун, узунчоқ оқ юзли бу йигит пича уриниб қолган жомадонли Аҳмадни жилмайиб қарши олди. Аҳмад юкини бир четга қўймай туриб, йигит унга бошдан-оёқ разм солишга улгурди. Аҳмад бунни сизди. Жилмайишининг сохталигини, хизмат юзасидангина шундай қилишга одатланиб қолганини фаҳмлади. Бу ерга келишдан олдин: «Мева-чеваларни ўртага қўйиб, тузукроқ жой сўрайман», деб ўйлаган эди. Йигитнинг димоғини кўрди-ю, феъли айниди. Йигит ўзини «навбатчи врач» деб таништириб, қоғозларни тўлдирди. Босимни ўлчаган бўлди.

— Даволаймиз! — деди қоғозларни четга суриб. Кейин Аҳмаднинг кўзларига тикилди. — Касалингиз хавфли эмас. Сизни икки нарса даволайди. Биринчиси – ҳаво ва сув. Иккинчиси... ҳўш, нима?

Аҳмад йигитнинг айёрона боқаётган кўзларига қарай олмади, елка қисди.

— Иккинчиси... — йигит кулди, — аввалига ҳамма ўзини билмаганга солади. Ҳай. Майли, билмасангиз билиб оларсиз: иккинчиси шўхлик! Шўхлик ва яна шўхлик!..

Аҳмад йигитнинг нимага шаъма қилаётганини тушунди. Аввалига хижолат тортди. Кейин йўлга чиқиш арафасида хотинидан шунга ўхшаш гап эшитиб, қандай ғазабга минган бўлса, шундай ҳолга тушди.

— Менга қара, бола, — деди дабдурустдан сенсираб, — бу ерга мен ишларимни ташлаб келганман. Болаларимнинг ризқидан чегириб пул сарфлаганман. Сен нима деб юрибсан?! Бузуқлик қиладиган бўлсам, шундан шунга аҳмоқ бўлиб келаманми? Ҳе, сени бу ерга ўтқизиб қўйганни...

Йигит унинг вазоҳатидан чўчиб, ўрнидан туриб кетди.

— Ие, ие, асаблар чатоқ-ку! Ҳазилни ўзингизга олманг. Ҳазиллашдим, ахир.

— Бориб энанг билан ҳазиллаш!

«Ҳазилкаш» врач Аҳмадни овутган бўлди-ю, аммо эртасидан бошлаб уни кўрса ҳам кўрмаганга олиб ўтишни одат қилади.

Курорт деганлари Аҳмадга ёқмади. Хотинлар дўконма-дўкон изғишдан, эркаклар улфатчиликдан бўшамайди. Аҳмад бошқа ҳамқишлоқлари каби, умрида бирон-бир кунни бундай бекорчилик билан ўтказмаган. Одам кун бўйи бўш ўтириши мумкин, деган ҳақиқатни танасига сингди-ролмас эди. Раис: «Аҳмадбой, ишни дўндирдинг, бир ой ружсат сенга, дамингни олвол», деса ҳам уйданми, устахонаданми бир юмуш чиқариб, ивирсиб, кунини ўтказарди. Бу ерда бутунлай бўш бўлиб, гангиди... Йўл яқинроқ бўлганида машина кира қилиб бўлса ҳам жўнаворарди. Нима қилсин, самолёт паттаси чўнтагида турибди – йигирма тўрт кунни шу азобда ўтказишга мажбур.

Бир-икки кун ён-атрофни сайр қилди. Назарида дадаси худди шу оромгоҳда ётган, шу сўқмоқларда юрган, шу

соҳилда уйдагиларини соғиниб ўтирган... Дадасининг қайси курорт шаҳрида бўлганини билмайди. Раис ҳам унутворган. Катта отасига бир нарсагина маълум: ўғли курортга деб кетган ўшанда. Аҳмад: «Отам шу ерда бўлганлар», деб ўзини ишонтириб, гўё дадасининг изларини зиёрат қилгандай юрди. Вужудда қарор топган мана шу ҳис йўлга чиқиб, то шу ерга келгунича бот-бот уйғониб, бесаранжом қилаётган шаҳвоний майлларини бўғиб ташлади.

Тўрт кундан кейин ҳамхонаси кетиб, ўрнига бошқаси келди. Буниси аввалига унга маъқул тушди. Ўзини Дониёр деб таништирган думалоққина бу йигит саккиз яшар ўғлини бирга олиб келибди.

«Эҳ, калла! Саматимни ёнимга олволсам бўлмасмиди! Би-ир яйраб кетарди-я! Ўн иккига кириб, даладан бошқа нарсани кўрмади. Хотиннинг ҳам калласи ишламайди-да. «Ўғлингиз ҳам биргалашиб борсин», демайдами? Э... у бечора қаерданам билсин... Дониёрнинг эси бор экан. Ҳам ўзи яйрайди, ҳам боласи...»

Йўқ, эртасидан бошлаб Дониёрдан кўнгли қола бошлади. «Онаси менга қоровул қилиб юборди, дейдими? Вой, даъюс-е, гапи қизиқ-ку, бунинг. Ўғлини олиб келганидан пушаймон шекилли...»

Дониёрдан «Қоровулни ухлатиб келдим», «Қоровул кинода, бир ярим соат вақтим бор», деган гапларни эшитгани сайин ундан нафратлана бошлади. Дониёр ўғлининг кўзини шамғалат қилишга уринган дамларда Аҳмад уйдагиларни эслаб эзилаверди. Бирорта боласини олиб келмаганидан афсус чекаверди.

Дониёр Аҳмаднинг тобора совуқроқ муомала қилаётганига эътибор бермади. Табиати шунақа тўнг бўлса керак, деб ўйлади. Аҳмадни ҳоли-жонига қўймай ҳали кинога судрайди (буниси майли), ҳали танцага (кошки Аҳмад танца тушса), ҳали юзта-юзтага таклиф қилади (жини суймаган одам билан ичгунча бошини кундага қўйишга ҳам рози). Бир хонада тургандан кейин ҳаммасига чидар экансан. Хотин бўлса экан – қўйиб қутулсанг, қўшни бўлса экан – ҳовлингни сотиб қутулсанг. Бор-йўғи уч ҳафталик ҳамхона. Уч ҳафта — уч йил эмас, деб ўзига таскин бериб юраверди. Кутилмаган воқеа содир бўлмаганида балки

муддат тутагунга қадар ҳам у билан бир хонада яшайверарди. Аммо ўша воқеа юз берди-ю...

Аҳмад соҳилда офтобда тобланиб ўтирган эди. Бир қўлида майда-чуйдага тўла халта, бир қўлида магнитофон кўтарган Дониёр лопиллаб келиб қолди.

— Э, Аҳмад ака, тулинг тезроқ, — деди у, тўрхалтани қумга қўйиб. — Боғимизга иккитагина қушча учиб келди. Эндиям чиқмасангиз қаттиқ ранжийман, ака. «Қоровул»-ни теплоход сайрига юбордим. Икки соат вақтим бор.

— Қўйинг, Дониёржон, бунақага юрмайман, биласиз-ку.

— Вой, акагинам, курортга қиз келиб, қиз кетмоқчимисиз, тулинг-е, эшитганлар уят қилмайдими!

Хуллас, Аҳмад у деса, Дониёр бу деди, охири қалтисроқ бир гап айтди-ю, боришга кўндирди. Орият кучлилиқ қилди.

Дониёр шу кунга қадар ҳам Аҳмадсиз ишини дўндириб юрган эди. Бугун (аксига олади-да!) пичоққа илинадиган шерик топилмай қолди. Йўқдан кўра бор, деб Аҳмадга осилди. Аҳмад эса буни тушунмади.

Улар юқори томондаги дарахтзорга кўтарилишди. Чоғроқ яланглиқда, буталар панасида икки қиз ўтирар эди.

— Новчаси сизга, қорачаси менга, — деб шипшитди Дониёр.

Аҳмад тиззасини қучоқлаб ўтирган қизнинг ёнидан жой олди. Дониёр тўрхалтани бўшатди. У тинмай гапирар, қизларга ҳазил қилар, ҳазили совуқроқ бўлса ҳам қизлар қиқирлашдан тўхташмасди.

Озгина ичишди. Дониёр магнитофонни қўйди. Қорачадан келган қизни қўлидан тортиб турғазди.

— Бир хил дориларга «ичишдан олдин чайқатиб олинг», деб ёзиб қўйилади. Танца ҳам шунақа – чайқатиб олиш керак, — деди у Аҳмадни ҳам туришга ундаб.

Аҳмад жойидан жилмади. Қиз ҳам унга ер остидан қараб-қараб қўйди-ю, куйга монанд равишда тебраниб ўтираверди. Аҳмад қизнинг юзига тик қарашга ботинмади. Қиз ёш, чиройли эди. Аҳмад шундай чиройли қизнинг бегона эркак билан бемалол ўтиришини ҳеч ҳазм қила олмади. Ногоҳ унинг оёқларига қаради: болдири бўлиқ, тирноқлари бўялган.

Хотинини эслади. Назиранинг қомати чакки эмас. Шунақа кийинтириб қўйсанг, ҳеч ким уни олти бола тукқан хотин демайди. Фақат қўлининг суяклари йўғонроқ. Кўп кетмон чопганидан шунақа бўлганмикин... Оёқлари... то-вони кўп ёриларди. Оғриси ҳам эрига айтмасди. Пишиқ гиштга ишқалаб ювиб, кечаси ёғ суриб ётарди. Кўп азоб чекарди бечора, бироқ, фиринг демасди. Оёғининг тирноқларини бўяш хаёлига ҳам келмас...

Яна озгинадан ичишгач, орадан шарм пардаси бутунлай кўтарилди.

— Маиший хизмат нималигини биласизми? — деди Дониёр Аҳмадга кўз қисиб, кейин қизни қўлтиқлаб, буталар орасига кириб кетди...

* * *

— Тўпори одам экансан, — деди қиз.

Аҳмад унга қарамади:

— Шу юришингни онанг биладимми?

Даҳанини тиззасига тираб ўтирган қиз унга ажабланиб қарадию жавоб бермади.

— Эрга тегсанг бўлмайдимми?

Қиз чимирилди.

— Эр чиқмаяпти.

— Нимага?

— Ишинг бўлмасин.

Аҳмад: «Юришинг шу бўлса, сенга эр гўрдан чиқармиди», демоқчи бўлди-ю, гап таъсир қилмаслигини англаб тилини тия қолди. Бошқа гаплашишмади. Аҳмадни тер босди. Ўзидан ўзи ирганди. Бутун вужуди булгангандек, ҳатто томирларида ирkit қон оқаётгандек эди.

У Дониёрнинг қайтишини кутмади.

Қизга хайр демади.

Қиз ҳам индамай қолди.

Хонасига кириб, душга тушди. Кўнгил жижилиги ёзилмади. Баданида қитмир чумолилар галаси юргандай туюлаверди. Устидан атир қуйди. Бўлмади. Дониёрнинг ароғини олиб, ярмини устидан қуйди, қолган ярмини бир кўтаришда бўшатди. Ана шундан кейин сал ҳоври босилгандай бўлиб, каравотига чўзилди.

Курортга кела-келгунича ўйлаганига, сирли бир гирдобга тушишига бир баҳя қолган эди. Қўлини узатса – бас! Нимага узатмади? Ҳайиқдими? Йўқ. Аммо вужудида шундай ишларга йўл бермайдиган ғойибона куч борлигини сезди. Ана шу куч бир имласа бағрига сингиб кетишга тайёр турган қизга қўл юборишдан тийди. Ҳатто қизнинг қўлини ҳам ушламаган бўлса-да (балки бир стакандан ароқ ичганидандир), вужуди кирланиб кетгандек туюлди. Аҳмад ғойибона бу кучнинг оддийгина «поклик» деб аталишини билмасди.

Арақ таъсир қилди. Вужуди бўшашди. Соғинч ҳисси уйғонди. Болалари хаёлида бир-бир гавдаланди. Қайтиб борган маҳали улар билан кўришишнинг юз хил турини кўз олдига келтирарди. Дам катта қизининг пешанасидан ўпарди (ахир, у эсли қиз бўлиб қолган, отасидан уялади), дам кенжасини осмонга отади (аввал ўпармикин ё осмонга ирғитиб эркалармикин?), фақат хотини билан қандай кўришишни билмас эди(одамларнинг нигоҳи уларда бўлади-да!)

Энди на хотини, на болалари кўришишни иташади... Аҳмад йиғлаб юборай деди.

Эшик шашт билан очилиб, Дониёрнинг пишиллаши эшитилди:

— Хол қўйибсиз-ку, акам, бизни шарманди қилибсиз! Унақа эмас-да, энди...

Аҳмад ётган жойидан жилмади. Ҳамхонасига қарамади. Унга ҳолатини тушунтира олмасди. Шу сабабли индамади. Эртасига ҳам, индинига ҳам чурқ этмади.

Дониёр бош врачни авраб, бўлак хонага чиқиб кетди. Аҳмад ёлғиз қолди...

Самолётда уйига қайта туриб, буларни яна бир карра мулоҳаза қилди, ўзини айблашга асос топмади.

Самолёт бир маромда гувиллайди. Аҳмаднинг икки ёнида икки жувон (худди атайин уюштирилгандай боришда ҳам, келишда ҳам жувонлар билан учяпти-я!) Бирининг икки яшар ўрилчаси хархашасини бас қилиб, ухлаб қолди. Жувон боласининг майин сочига юзини оҳиста қўйиб, мудраяпти. Тинимсиз сақич чайнаётган чап ёнидаги жувон эса китобдан бош кўтармайди. Аҳмад худди

икки ёнида икки жувон эмас, икки соқчи ўтиргандай қимирлашга ҳам журъат этолмади, бошини ўриндиққа тираб, ўй суради:

«Аҳмад полвон, мазза қилиб ҳордиқ чиқардингми?»

«Узоққа бориш бизга тўғри келмас экан, раис бува, ичкиб қоларканман».

«Бе, ёш боламисан, ичкиб, давронинг келибди, ўйна, кул...»

«Кетаётганимда ҳам шундай девдингиз. Бола-чақани ташлаб...»

«Олиб кетгин эди».

«Шунга ақлим етмабди. Роса ичим ачишди. Раис бува, бир нарсани хаёл қилдим ўша ерда».

«Нимани?»

«Қақраб ётган адирни оқсоқолларимиз обод қилиб беришди, сиз ҳовуз қазитдингиз. Қаранг: фир-фир шабада. Ўша ерни курорт қилсак-чи?»

«Колхознинг меҳмонхонасини айтяпсанми?»

«Биз далада ишлаганда хотин, бола-чақа ўша ерда яйраб дам олса. Оқсоқолларимиз чиқишса... Меҳмонингиз кунда келмайди. Меҳмон келгудай бўлса, четга чиқиб турамыз. Пастроққа бир бостирма қилиб, иккитагина сигир боқиб қўйсак, болаларга сут-қатиқ...»

«Илгари ҳам айтувдинг, яхши гап».

«Айтолмовдим, раис бува, хижолат бўлувдим. Бошқа одамдан эшитгандирсиз?»

Самолёт қалқиб, хаёли тўзиди. Чап томондаги жувоннинг кўзи китобда, ўнғадагиси мудрапти...

* * *

Уйига пешинга яқин кириб келган бўлса, то оқшомга қадар йўқловчилардан бўшамасди. Хотини билан уч-тўрт кўз уриштирди-ю, айбдор одамдай нигоҳини олиб қочаверди.

Хотини билан ҳали сўрашгани йўқ. Ҳали кеч кирсин, болалар ухласин...

Катта отаси билан ҳам дурустроқ гаплашолмасди. «Катта ота, уринмаяпсизми?» «Эсон-омон бориб келдингми?» — шундан нарига ўтишмасди. Оқшомда дастурхон йиғил-

гач, жомадон очилди. Аҳмад иссиқ нимчани катта отасига узатди.

— Ўзинг кий, совуқда далада дайдийсан. Мен уйда ўтирадиган одамман.

— Олаверинг, катта ота, мазорбосди-да, курортдан совға.

— Совға дегин, нима, менга биров курортдан совға келтирмабдими? Ана, раисинг носқовоқ олиб келган. Сен кичиклигингда босиб синдиргансан. Аммо жуда боп носқовоқ эди.

Аҳмад кулиб, нимчани чолнинг тиззасига қўйди. У носқовоқ воқеасини биларди – раис айтган.

— Сен менга қара бола, курортда отангни суриштирмадингми?

— У ерда уруш бўлмаган, катта ота.

— Э, содда бола-е, суриштиравермайсанми, ошна-оғайниси чиқиб қолармиди...

Аҳмад бошини қуйи эгди. Ўнлаб курорт шаҳарлари борлигини, уларда одам қайнаб ётганини, қирқ беш йил илгари оддий бир деҳқоннинг келиб-кетиши уммонга томчи тушгандай бир гап эканини унга қандай тушунтирсин?

Матқобул бува неварасини койишга койиди-ю, уни ранжитганидан афсусланди. Нимчани олиб, дуо қилди-да, ўрнидан туриб, уйига кириб кетди. Ҳар куни ўрик остидаги сўрида ётарди. Бутун дим бўлса ҳам, уйига кирди.

Совғалардан бошлари кўкка етган болалари суюна-суюна бирин-кетин ухлашди.

Аҳмад чалқанча ётганича хотинига бир гап айтишни ўйлайди. Суйганига хиёнат қилмаган бўлса-да, ўзини айбдор ҳис қилади. Хотини ҳам индамайди. Назира бетайин бир гумон билан қолган эди. Шу гумон қозонида қоврилиб, бўладигани бўлди. Ҳар тунги тушида эрини кўрарди. Ҳар сафар... биров билан... Ҳозир эрининг индамай ётишидан яна ташвишга тушди: бирор суюқоёқ кўнглини ундан совутдимми?.. Сўрай деса, тили бормайди.

Аҳмад хотинининг ёмон фикрда қолганини унутгани йўқ. Энди, поклигича қайтгач, шуни маълум қилиб қўйиши лозим эди. Дабдурустдан айтса, ишонмайдигина эмас, «нимага ўзини оқлаяпти», деб баттар шубҳаси ортади. Аҳмад кўп ўйлади, аммо айтиш йўлини тополмади...

...Ғалати туш кўрибди: раис унга ўдағайлаётганмиш: «Болаларни нимага чопиққа чиқардинг?! Ўзинг яйраб келдинг, болалар офтобда қовжираб юрсинми? Ҳовузни томошага қазитибманми, чиқар ҳаммасини даладан, мазза қилиб чўмилишсин...»

Аҳмад қараса, кичкина ҳовуз, росмана денгиздай шовуллаётганмиш. Суви тип-тиниқ, офтоби йўлида ғуборлар йўқ эмиш...

ВАСИЯТНОМА

Бу хунук хабарни айтиш шунчалар осонми? Бундай гапларни айтавериб, дийдаси қотиб қолганми?

«Зийрак бўлиб турунглар, жони шу кеча узилади... Тонггача ё боради, ё бормайди...»

Бу сўзлар: «Энди ёлғиз қоламанми?» деган ваҳимани уйғотиб, юрагига ўқдек қадалди. Хотинини алдади: «Касалхонани вақтинча беркитишар экан, иситгичлари янгиланар эмиш...»

Саида бу «янгилик»ни эшитиб, жилмайиб кўйди. Қосимнинг назарида унинг кўзлари қувончдан чақнаб ҳам кетгандай бўлди. «Нимага жилмайдийкин? Уйга қайтаётганидан хурсандми? Ё... алдаётганимни сездими? Балки... кўнгли сезган бўлса... жоним уйда узиларкан, деб қувондимми?..»

Сайданинг уйга қайтишидан қизлари беҳабар эдилар. Қосим табиблар замбилида бемажол ётган хотинини ҳайдовчи йигит ёрдамида уйга олиб кириб ётқизди. «Хизмат ҳақи», деб пул узатган эди, йигит унга ажабланиб қарадию, изига қайтди.

«Нега пул олмади? Ё «ўлаётган одамни кўтарганим учун ҳақ олмайман», демоқчи бўлдими? Бу фикр Қосимнинг миясига чўқмордайин урилиб, то товонига қадар зириллатиб юборди. Кичик қизига кўнғироқ қилгач, хотини ётган уйга кирди.

— Нилу келади, — деди у. — Бир аччиқ мастава қилсин, ичсанг тер билан чиқиб кетади...

«...тер билан нима чиқиб кетади?..»

«...жон терга кўшилиб чиқиб кетиши мумкинми?..»

Ўз оғзидан чиққан гапни хаёлида кавлаштириб, кўнгли баттар ғашланди. Хотинига бир қараб олди. Саида бу қарашга жавобан яна бир жилмайиб қўйди. «Нимага жилмайяпти? — деб ўйлади у. — Нимага унинг кўзларига қарай олмаяпман? Бунақада сездириб қўйсам...» Қосим ҳам ўзини, ҳам хотинини чалғитиш учун нимадир дейиши керак эди. Ўша «нимадир» тилига кела қолса-чи? Илгарилари аразлашиб, сўнг ярашганларида каловланиб, айтишга гап тополмай шунақа соқов бўлиб қоларди. Йўқ, у ҳозир ўша дамларни эсламади, буни у кейинроқ, хотинини дафн қилиб келганидан сўнг хотирлайди. Ҳозир эса дарс тайёрламай, муаллими рўпарасида мулзам бўлиб турган бола ҳолида — айтмоққа бир яхши гап излайди.

— Одамлар ҳам қизик, — деди у кулимсираб, — пул ўзгарармиш, деб тўзиб юришибди. Ҳой, дунё ўзгариб кетяпти-ку, пул ўзгарса нима экан, дейман.

— Куйиб қолмайлик, деб қўрқишади-да...

Хотини шундай деб тамшаниб қўйди. Сўнг уни ҳиқичоқ тутиб, кўзларини юмиб олди.

«Айтишга шундан бошқа гап йўқ экан, мен аҳмоқ жим туравермайманми? Пул ўзгарадими ё куйиб кетадими, унга нима?!»

У хотинининг бошини аста кўтариб, лабига пиёлада совуқ чой тутди. Саида бош чайқади — ичмади. Шу дамда ҳовлидан Муҳаррамнинг овози эшитилди. Муҳаррам – Саиданинг тенгқури. Тўрт хонадон нарида туради. Қариндошдан ҳам аълороқ даражада яқин кўшни. Очиқ кўнгили, шаддодгина бу аёл уларнинг барча тўй-маъракаларига бош-қош бўлиб, оғирларини енгил қилган.

Ҳовлида ҳеч ким бўлмаса ҳам у кириб келаётганини маълум қилиш учун ўзига-ўзи гапирарди: Болалар: «Саида опоқим келдилар», дейишди.

— Саида опоқинг келсалар, жонларига менинг жоним қоқиндиқ. Баннисада мазза қилиб ётган эрка хоним буку, бир ҳафтада соғиниб, сиқилиб ёрилай деган мен бечораман. Эрка хоним қанилар?

Муҳаррам шундай деб ичкари кириб, ҳиқичоқ тутиб ётган дугонасини кўрди-ю, овозини пастлатди. Бироқ,

юрагида уйғонган ташвишли туйғуни сездирмади. Саида билан кўриша туриб, ёстиғини тузатди. Бошини кўтариб-роқ ётқизди.

Четдан кузатган киши бу аёл яна бир неча соатдан кейин жони узиладиган дугонаси билан эмас, оромгоҳдан ёки хориж сафаридан қайтган қадрдони билан чақчақлашиб ўтирибди, деб ўйлаши мумкин эди. Муҳаррамнинг юзида кулги бўлса-да, дугонасига қарагани сайин юрагидаги зардоб тобора тўлиб борарди. Зардоб косаси қачон тўлади, қачон бу ёлғон кулги йиғига айланади, ўзи ҳам билмайди.

Нилуфар келгач, унинг мушқули осонлашди. Оиланинг кенжаси билан кўришаётиб: «Опаларингни ҳам чақирдингми?» деб сўради. «Ҳа, чақирдим», деган жавобни эшитгач, бир оз хотиржам тортиб, ҳовлига чиқди.

Қосим уч тарафи панжара билан ўралган тахта каравотда оёқларини осилтириб ўтирарди.

— Муллака, дўхтир бир нима демадимми?

Қосим унга бир қараб олди-ю, индамади. Ҳақиқатни англаб етиши учун Муҳаррамга шу қарашнинг ўзи кифоя қилди.

— Бир нима деган бўлса... гапи ростга ўхшайди. Хабар келиб қолибди... — Муҳаррам кейинги гапни йиғламсираб айтди. — Қизларга маълум қилиб қўйиш керакмикин... Фафлатда қолишмасин. Узоқдаги қариндошларга ҳам хабар қилдириб. Кейин сиздан ўпка-гина қилиб юришмасин. Тириклигида рози-ризалик сўраб қолишсин.

Қосимнинг шу ёшга кириб эгилмаган боши шарт эгилди. Бунини ўзи ҳам сезмади. Шу кўйи узоқ ўтирди. Ўртанча қизи кириб келганида ҳам шу алфозда эди. Арофат отасининг ўтиришини кўрибоқ пиқиллаб йиғлаб юборди. Муҳаррамнинг танбеҳидан сўнг овуниб, уйга кириб кетди.

— Туринг, бундай ўтираверманг, — деди Муҳаррам буйруқ оҳангида.

— Мен унинг қадрига етмадим...

Қосим бу гапни ўзи учун, паст овозда айтган эди. Аммо Муҳаррамнинг бағоят зийрак қулоғи бунини эшитди.

— Одам Атодан кейин қайси эркак хотинининг қадрига етибди? Қўйинг, куйманг, дунёнинг бўлгани шу, одам-

зод бир-бирининг қадрига бошига ташвиш тушган пайт-да етиб қолади. Туринг, уйга киринг.

Тўнғичи Наима келгач, Қосим ҳам уйга кирди. Саиданинг ҳиқичоғи тинган, осмонга қараган ҳолда енгил хуррак отиб ухларди. Бурун катаклари бир оз керилган эди. Муҳаррам лабини тишлаб, бош чайқаб қўйди-да, Қосимнинг қулоғига шивирлади:

— Домла чақириб келинг, ўқитиш керак...

Бошқачароқ ҳолат бўлганида Қосим: «Нимага? Шартми? Ўқиб нима каромат кўрсатарди?» деб ланжлик қилиши мумкин эди. Ҳозир баодоб боладай «хўп» деб орқасига қайтди. Келадиган домла унинг назарида биргина «куфсуф» қилсаёқ, хотини туриб кетадигандай эди. Домлани айтиб келаман, деб кўчага чиқди-ю, ўйланиб қолди: домла ким? У қаерда туради? У маъракаларда домлаарни кўрган, лекин бу атрофда қайси бири яшашини билмас эди. Рўпарадаги қўшнининг ўғли дарвозага суяниб, сақич чайнаб турган экан, ўшани чақириб сўради:

— Домланинг уйини биласанми?

— Қайси домлани?

— Ўқийдиган домла.

— Билмайман... мачитда турса керак.

— Қайси мачитда?

— Ана, янги мачитда.

— Бориб айтиб кел. «Тез бораркансиз, шахсан Қосим Мажидович илтимос қилдилар», дегин.

Бола истамайгина «хўп», деб бурилганида, «болага йўқ деб юбормасин, ўзим бора қолай», деган хаёлда: «Тўхта, бирга борамиз», деди.

Ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги имомга гапни узоқдан бошлашнинг ҳожати йўқ эди. Қосим чайналиб гап бошлагандаёқ, у мақсадини англади. «Янгамиз хастамилар?», деди-да, Аллоҳдан шифо тилаб дуо қилиб, ўрнидан турди.

Домла ўқиётганида Саида кўзларини очди. Каравотнинг оёқ томонида ўтирган қизларига қараб жилмайиб қўйди. Бу жилмайиш барчаларининг қалбига умид нурини берди. Домла «Ёсин»ни ўқиб бўлгач, дуо қилиб ўрнидан турди. Ҳовлига чиққач, Қосимнинг пул узатган қўлига қараб олиб:

— Масжидга беринг, — деди. Кейин қўшиб қўйди: — Умид ёлғиз Аллоҳдан, аммо... эҳтиёт – шарт! Ҳар хил бекорчи хаёлларга берилмай, калима келтириб туринг.

Домла шуларни айтгач: «Калима келтириш нималигини биласизми?» дегандай унга савол назари билан қаради.

Қосим ҳам унга жавобан савол кўзи билан боқди. Домла: «Ла илаҳа иллоллоҳ» тилингиздан тушмасин», деди-да, кўча эшик сари юрди.

Бу калимани Қосим кўп марталаб эшитган, маъносини ҳам яхши билади. Бироқ, айтиб юрагани учун тили қотиб, дарров такрорлашнинг эвини қилолмади. Сўри олдида туриб калимани такрорлаб машқ қилаётганда Наима чиқди.

— Ада, домла нима дедилар?

— Домла... «Умид ёлғиз Аллоҳдан», деди. Худо хоҳласа, ойинг тузалиб кетади

— Айтганингиз келсин, ишқилиб. Ҳозир анча яхшилар. Гаплашяптилар. Ада... — қиз ялиниш оҳангига ўтди: — мен уйимга кетаверайми?

— Ётиб қолмайсанми?

— Бодринг тузлаётган эдим...

Қосим қизини биринчи марта кўраётгандай унга ажабланиб қаради. Кейин аччиқланди: онасидан кўра бодринг афзалми бунга? «Эрим кўп ичади», деб-ку, ҳасратидан чанг чиқади. Яна унга ўзи бодринг тузлаб беради... Зардаси қайнаган Қосим дўхтирнинг гапини қизига айтгиси ҳам келди. Кейин: «Кетаверсин, ўтиргани билан нима фойда?» деган тўхтама келди.

— Куёвингизга арзонроқ бодринг учраган экан, бир қопини кўтариб келибдилар. Вақтида тузланмаса ириб кетади-ку? Эрталаб азонда етиб келаман.

— Боравер...

Наима отланмасидан туриб, Арофат ҳам узрини айтди: эртага куёвўра «гап» берар эканлар! Шунга сомса, норин дегандай... Бу кеч тайёрлаб қўймаса, эртага кундузи қайси бирига улгуради?

Отадан рухсат теккач, қизлар онанинг кўнглини кўтариб, сўнг изн олмақ мақсадида ичкари кирдилар.

Саиданинг орқасига қўш ёстиқ қўйилган, у қаддини тутиб ўтирар эди. У қизларнинг кўзларига бир қарашдаёқ мақсадларини англаб, жилмайди:

— Адангларнинг турган-битганлари – ваҳима. Сизларни бекорга овора қилибдилар. Худога шукр, тузукман. Бўлмаса дўхтир уйга рухсат берармиди? Сизлар уйлариингга бораверинглар. Нилу, жоним, сен ҳам борақол, қайнонанг яримжон, қийналиб қолмасин. Лекин... яна кўнгилларингга келмасин-у... Ёнимдаги каравотда ётган хотин эскичани биларкан. Ёшми, қарими, ўладиган касалми ё соғми – фарқи йўқ, бир-биридан рози-ризолик сўраб туриши керак экан. Ойим раҳматли ҳали касал бўлмай туриб, шундай қилган эдилар. Сабабини энди билдим.

— Вуй, ойи... — Нилуфар шундай деб йиғлаб юборди.

— Агар йиғласаларинг, мен буни бошқача тушунаман. Кўнглим ранжийди. Гапимни охиригача эшитинглар: кеча тушимда адам раҳматли билан ойим раҳматлини кўрдим. «Сени ҳали-бери чақирмаймиз, аммо биз қилиб қўйган ишни қилиб қўйгин», дейишди. Улар қилган иш – рози-ризолик-да. Мен ҳаммаларингдан розиман. Сизлар ҳам мендан рози бўлинглар: эҳтимол бесабаб уришгандирман, ранжитгандирман, ўзимни тутолмай қарғаб юборгандирман, қарғишларим юракдан бўлмаган, Худо кечирсин, сизлар ҳам гуноҳимдан ўтинглар. Адаси... сиз ҳам рози бўлинг, сизга вақтида яхши қарай олмадим...

— Қўйсанг-чи шу гапларни...

— Энди сиз чиқиб туринг. Қизларга бир-икки оғиз гапим бор.

Қосим яна ноилож ташқарига чиқди.

Саида, «отам билан онам чақиринмас экан», деб барчани алдаган эди. Бир ой аввал тушида у кавушини ўғирлатди. Ўшандан бери кўзи илинди дегунча, отаси билан онаси уни чақираверади, чақираверади... Саида бу чақирикларнинг оқибатини яхши билади. Бир ой бурун Қосимнинг тушида жағ тиши тушган эди, лекин у бундай ирим—сиримларга ишонмайди.

Дам ўтмай уччала қиз кўнгиллари вайрон бўлган ҳолда, ҳовлида кўрунишди. Ҳозир бодринг тузлаш ҳам, эрининг

эртанги «гап»ига тайёргарлик ҳам уларнинг хаёлидан кўтарилаган эди. Саиданинг уларга доимо қилиб юрадиган насихатларидан кейинги гаплари қизларни қарахт қилиб қўйган эди. Ҳовли ўртасида қаққайиб турган оталари кўзларига нечундир хунук кўринди. Унга ғалати қараш қилиб, совуқроқ ҳолда хайрлашишди. Қосим ичкаридаги гаплардан хабари йўқ, қизларидаги ўзгаришни сезди-ю, аммо, «Онанг нима деди?» деб сўрамади. Улар чиқиб кетишгач, уйга кирди. Саиданинг орқасидаги ёстиқлар олинган, энди у шифтга тикилганича бемажол ётарди. Нафас олиши бежо, танасида уйғонган оғир азобни енгиш учун онда-сонда инграб қўяди.

— Муҳаррам... кўкрагимни озгина босинг...

«Оғриқ кўкракда экан-да?» деб ўйлади Қосим.

— Оғрияптими? — деди Муҳаррам меҳрибонлик билан. — Менинг қўлларим эмас, Луқмони ҳақимнинг қўллари. Аллоҳим, ўзинг шифо бер...

Саиданинг мижжаларидан икки томчи ёш сизиб чиқди. Муҳаррам буни кўриб Қосимга қаради-да «во-ей, қизлар кетишмаса бўларди», деб пичирлади. Саида кўзларини юмиб, аста тамшанди.

— Сув олиб келинг, — деди Муҳаррам паст овозда. — Тоза пахта ҳам...

Қосим шошилганидан пахта топа олмай, бир пиёлада сув кўтариб кирди.

— Вой-ей, эркак зоти бунчалар ношуд қилиб яратилмаса, — деди Муҳаррам зорланиб. — Лабига томизинг. Бармоғингиз билан томизинг.

Қосим Муҳаррам айтгандай қилди. Шу пайт Саида кўзларини шарт очди. Шифтда нимадир қидиргандай олазарак бўлди-да, сўнг... яна аста юмди.

— Ла илаҳа иллоллоҳ! — деб юборди Муҳаррам. Сўнг Саиданинг бош томонига ўтиб, жағини ушлади. — Бўлди, боринг, қўшни хотинларни чақиринг. Қизларни ҳам, — деди.

«Нимани «бўлди» деяпти? — ажабланди Қосим. — Ўлди-ми? Шу қадар осонми жон бериш... Шу қадар беозор... Шу қадар беозор-а... Мен унинг қадрига етмай яшадим-а... Қадрига етмадим-а...»

...Жаноза ўтди. Уч кун аза ҳам ўтди. Қосим «қизлар кетса, ёлғиз қоламанми? Тунлари билан Саиданинг руҳи ёнимда бўладими?» деб ўйлади.

— Қирқлари ўтгунича ойимнинг уйларида ётамиз. Қирқ кунгача арвоҳ келиб хабар оларкан, — деди Наима.

Қосим индамади. Бироқ, кўнглидан, «тириклигида келиб ёнида ётсаларинг бўлмасмиди?» деган армонли гап ўтди.

Қизлар Саиданинг жони узилган уйда хонтахта атрофида холалари билан гурунглашиб ўтиришарди. Қосимга бир тоғдан, бир боғдан бўлаётган гаплар ёқмади. Юраги сиқилиб, ташқарига чиқди. Сўрига бориб, энди ўтирган эди, Муҳаррам ҳам уйдан чиқиб, унга яқинлашди.

— Ҳадеб «уф» тортаверманг. Эркак одамга уят бўлади, — деди у.

Қосим бошини эгган ҳолда минғирлади:

— Эзилмасдан бўларканми? Мен унинг қадрига етмадим...

— Оббо... ҳадеб шунақа деяверманг. Қадрига етгансиз. Хотинини норози қилганларни ҳам ер кўтариб юрибди-ку?! Саида ўртоғим сиздан рози бўлиб кетди. Шукр қилинг.

Бу гапни эшитиб, Қосим бошини кўтарди:

— Ўзи айтдимми?

— Ўзингиз эшитдингиз-ку? Менга ҳам алоҳида айтди.

Дарвоқе... айтиб эди. Лекин кўнғил таскини учун биргина «розиман» деган сўзнинг ўзи кифоямикин? Саида Қосимдан рози экан, Қосим-чи? Унинг ўзи-ўзидан розими? Кўнғил таскини кўпроқ шу саволнинг жавобига боғлиқ. Қосим бу фикрини кўшни аёлга ошкор қила олмайди.

— Қизларни олиб қолиб нима деган эди? Қизлар ранжиб чиқишди, мен сездим.

— Қизларгами?.. — Муҳаррам эшитганини айтишга истиҳола қилди. — Вақти келса қизларнинг ўзи айтади. Хавотирланадиган ери йўқ.

— Шунчалик сирли гапмиди?.. Нима учун ўзимга индамади?

— Вой, эсим курсин, у сизга айтадиганларини бир варақ қорозга ёзиб қўйган экан. «Кейинроқ ўзлари ўқиб оларлар», деган эди-я...

— Қани ўша хат?

— Ичкарида. Хитойдан бир алламбало чойнак олиб келган экансиз. Ўшанинг ичига солиб қўйибди.

Қосим ўрнидан турган эди, Муҳаррам уни жойига қайтарди.

— Намозшомда олиб ўқиманг, хосияти бўлмайди. Эртага тонг отганда ўқирсиз.

Кейинги кунлар ичи ким нима деса Қосим одобли бола сингари «хўп» деб қулоқ соладиган бўлиб қолди. Биров келиб, «ҳовлида ўтин ёрманглар», дейди. Бошқасининг гапига қаралса, бодом чақиш мумкинмас. Қосим «нима учун?» деб сабабини сўраб ўтирмайди. «Қоидаси шунақа экан-да», деб қўя қолади. Агар ҳозир биров келиб: «Марҳуманинг жони узилган уйнинг сувоғини кўчириб, қабристонга ташлаш керак», деса, шу ишни қилишдан ҳам тоймайди. Муҳаррам: «Хатда юракни эзадиган гаплар бўлса, кечаси билан беҳаловат бўлмасинлар», деган мақсадда, «тонг отганда ўқирсиз», деган эди. Қосим бунинг фаҳмига етмай, «шунақа одат ҳам бор экан-да», деб қўйди.

Уч кунлик азада ҳориган аёллар уйқуга кетишди. Қосим қизларининг қистови билан хонасига кириб, бир оз ётди. Баданига ҳукмини ўтказаетган ҳордиқ уйқуни чақирарди. Лекин бедор киприклар қовуша қолайлик дейишмас эди. Муҳаррам уни тунги безовталиқдан асрамоқчи эди, акси бўлиб чиқди – хаёлини Хитойдан келтирилган чойнак ичидаги хат банд этди: «Нима учун ўзимга айта қолмади гапини? Нима учун ёзди? Ўзимга айтишдан истиҳола қилдимми? Нима деб ёзган бўлиши мумкин?» Муҳаррам унга гўё «тунда эрмак қилинг», деб бир тугун чигил саволлар ипини ташлаб кетган эди. Қосим юраги ҳаприқиб, ўрнидан турди. Тонгга қадар сабри чидамаслигини билиб, хатни олиб ўқимоқчи бўлди. Хат – чойнак ичида. Чойнак – жавонда. Жавон – Саиданинг жони узилган уйда. Уйда эса аёллар ётишибди. «Шарпасиз кириб, олиб чиқаман», деб ўйлади. Уйда чироқ ўчмаган. Эшикни қия очиб, ичкари қаради: жавон ёнида кенжа қизи ётибди. Худди хатни қўриқлаётгандай... Жавонга етгунча икки қайинсинглисининг устидан ҳатлаб ўтиши керак. Қосим ноиложлиги-

дан афсусланиб, эшикни ёпди. Аммо хонасига қайтмади. Ҳовлига чиқди.

«Мен унинг қадрига етмадим... У мендан рози бўлибди... Балки тил учида айтгандир... Дилидагини қорозга битгандир... Нималарни ёзиши мумкин? Балки... ўша биринчи марта....»

...биринчи хиёлати....

Кўп йил бўлди бунга. Лекин ўша воқеанинг буткул тафсилоти ипидан-игнасигача ёдида турибди. Унингки ёдида турибдими, Саида ҳам унутмагандир. Аёл учун уч ўлим бор: бири – жисмоний ўлими – бу дунёни ташлаб кетади. Лекин унга қадар неча марта ўлиб тирилади: бири – кўзи ёриганда. Иккинчиси – кундош кўрганда. Қадимда ошқора равишда хотин устига хотин олаверишган. Эндигиларнинг айримлари баъзан саноксиз уйланишади, бироқ – пинҳона! Балки, «хотиним билиб қуймасин ёки ўлиб-тирилмасин», деган яхши мақсадда пинҳона иш тутишар. Энди бу ҳол Аллоҳга маълумдир, биз гуноҳкор бандага буниси қоронғи. Хуллас, ўша, биринчи хиёлатда Саида биринчи марта ўлган эди.

Ўшанда Қосимнинг бахти кулган кезлар эди. Уч йил хорижда ишлади, топиш-тутиши дуруст бўлди. Уйланди. Саиданинг қадами қутлуғ келиб, хорижда тўплаб қўйган пулига «Волга» автомашинасини олди. Яхшигина идорага ишга жойлашди.

...келишган йигит. Ишга «Волга»сида келади. Бармоғида машина калитини чир айлантириб ўйнатади.

...хоналарида чиройлигина, кулишлари ширингина бир жувон бор. Бир куни ялиниш оҳангида: «Тобим қочиб қолди, кузатиб қўя олмайсизми?» — деди.

...кузатди.

«Эрим кўп сафарга чиқади, ҳозир ҳам сафарда», — деди жувон.

«Эрининг сафардалигини бекорга айтмаётгандир?» — деб ўйлади Қосим.

«Уйга киринг. Бразилия қаҳвасидан бир ҳўпламгина ичинг», — деди жувон.

Одам Ато билан Момо Ҳавво шайтон васвасасига банди бўлганларида қўшилишларидан аввал олма ейишган экан, эндигилар қаҳва ичсалар етарли...

Қосим уйлангунига қадар бўлганларини хиёнат ҳисобламайди. Улар бўйдоқликка хос кўнгилжушликлар эди. Уйлангач, бу йўлга қадам босмасликка онт ичганди. Бу жувон тушмагур уйига олиб келиб, лабини чўзиб тургандан кейин нима қилсин? Қаҳва ичиб кетаверса уят бўлмасмикин... Жувон ҳисобдан адашган эканми ёки эрининг кўнгли бу шумликни сезиб, сафар муддатини қисқартирганми, ҳар ҳолда, уқпар булутлар устида сархуш сузишаётган паллада эшик кўнғироғи жаранглаб қолди. Апил-тапил кийиниб, иккинчи қаватдан сакради. Машинада кетатуриб баланддан сакрагани ҳолда оёқларига шикаст етмаганига бир қувонса, кўшнилари кўриб қолмаганига, «ўғри» деган гумонда қувишмаганига бир суюнди. Бу йўлга бошқа юрмайман, деб қасам ичди...

...Уйда эса...

Хотин кишининг димоғидек сезгир нарса йўқ. Саида бегона ҳидни дарров илғади. Бироқ: «Менга шундай туюлгандир», деб ўзини овутиди. Ётар маҳали Қосим ечинаётганда эса... тескари кийилган ичкўйлак гумонини тасдиқлади. Саида ўшанда жанжал қилмади. Лекин... уни қирқ кун ўзига яқинлаштиради.

Қосим ҳозир ўша воқеани эслади. «Хиёнат эди», деб тан берди. Шунча йилдан бери барча айбни ўша жувонга юкларди. Ҳозир ўзи ҳам сезмаган ҳолда хиёнат қилганини бўйнига олди: «Саида мени ўша куниёқ ташлаб кетиши мумкин эди. Лекин кетмади. Нимага кетмади? Хатда шунинг сабабини ёзганмикин? Ҳар ҳолда хотин эмас, фаришта эди... Қадрига етмадим...»

Қосим ўрнидан туриб деразага яқинлашди. Ичкарида хотинлар ўша алфозда ётишибди: хат турган жавон гўёки қўрғон-у, улар посбонлардай...

«Йўқ, у бунақа гапларни кавлаштирамайди, — деди у сўрига қайта туриб. — Шунча йил индамаган, энди ёзиб кетадимми? Кейин қўлга тушганимда ҳам «ғинг» демаган... Балки... «бузуқ!» деб сўкканимни ёзганмикин? «Сиз ўшанда менга тўхмат қилгансиз, бу тўхматни кечира олмайман», деганмикин? Тўхмат эди... тўғри...»

Ўшанда «Қўрққан олдин мушт кўтарар», деган ҳикматнинг ҳаётдаги исботи бўлган эди. Хорижликларни Масков-

дан бошлаб келган таржимон қиз қаймоқдеккина экан. Унгача қасамини такрор ва такрор бузган Қосим учун яна бир марта гуноҳга ботиш ҳеч гап эмасди. Қаҳвахонага ўтаверишда айвончада музқаймоқ еб ўтирган Саида билан катта қизи Наимани кўрди-ю, «қўлга тушдим», деб юраги шув этиб кетди. Тўғри, қўлга тушган эди. Лекин Саида қизи олдида уни шарманда қилишни истамади. Бепарво ўтираверди. Ўшанда уларнинг ёнидаги бўш курсига бир киши келиб ўтирди. Қизалоққа нимадир деб кулиб қўйди. Музқаймоқ еб бўлишгач, Саида билан қизи туришди. Нотаниш киши жойида қолаверди. Унинг нотанишлиги кундек аён эди. Ўша дамда Қосимнинг кўнглида гумон уйғонмаган ҳам эди. Гумон, аниқроғи – баҳона уйга қайтганида бош кўтарди. Кира солиб дабдурустан: «Кимлар билан музқаймоқ ялашиб юрибсан?!» деди. Саида бундай ҳужумни кутмаган эди — довдираб қолди. Қосим эса авжига чиқиб, беихтиёр: «Бузуқ!» деб юборди. Айтишга айтди-ю, тилини тишлади. Саида бир кун йиғлади, эртасига ҳам кўзлари қизариб юрди. Қосим нотўғри иш қилганини билса ҳам, мақсади ўзини оқлаб олиш бўлгани сабабли чекинмади, узр сўрамади.

Орадан кунлар, ойлар ўтиб, бу нохушлик унутилгандай бўлди.

«Унутмаган эканми? — деб ўйлади Қосим. — Балки... «Ўзингиз бузуқ бўла туриб, менга шундай туҳмат қилган эдингиз-а» деб ёздимикин? Ёзса ҳаққи бор. Ҳеч бўлмаса ўша гап учун узр сўраб қолмадим-а... Чакки бўлди. Агар ўшани эслаган бўлса, қарғаб-қарғаб ёзган бўлса ҳам розиман. Ҳаққи бор... Лекин... у буни ёзмайди. Юзимга айтмаган одам ўлиши олдидан ёзиб кетмайди. Унда нимани ёзади? Балки... «отамдан хабар олиб турунг», дегандир? Шу фикр Қосимнинг қоронғи фикрини ёритгандай бўлди. «Ҳа, шуни ёзган. Отаси билан ярашиб олишимни хоҳлар эди. «Боринг, узр сўранг, уйга олиб келинг, бирга яшанг», деган».

Қосим қайнотасини эслаб, этлари жимирашиб кетди. Шу онда тақдирларининг ўхшашлигини кашф этди.

Унда ҳам уч қиз. Қосимда ҳам. У ҳам эликдан ошиб-ошмай бева қолган. Қосим ҳам...

Фақат...

Энди қайси куёви Қосимни қариялар уйига олиб бориб топширар экан?

Қайнотаси Саидани яхши кўрар эди. Саиданинг ҳам отасига меҳри баланд эди. Отасини бирга яшашга кўндирганида Қосим қилиқ чиқарди. Қайнотасининг бирга яшашини хоҳламади. «Уйни сотиб, ўзини қариялар уйига берайлик, хабар олиб турамиз», деди. Саида йиғлади. Аммо эри билан бу сафар ҳам уришмади. Бемеҳрликда айбламади.

«Қайтар дунё» дегани шуми? — деб ўйлади Қосим. Ўша гапим учун энди жазоландимми? Саида шунинг учун мени ташлаб кетдимми? Қайси куёвим олиб боради мени?.. Йўқ!..»

Қосимнинг кўкраги қизиби, нафаси қайтди. Ошхонага кириб, совуқ сув ичди. Чиқаётиб туртиниби кетди, нимадир тушиб синди. Шарпадан уйғонган Нилуфар ўрнидан туриб ташқарига чиқди.

— Ада, мазангиз қочдимми? — деди у меҳрибонлик билан

Қосим бош чайқади.

— Озгина ухлаб олсангиз бўларди.

Шу пайт субҳи содиқ кирганини маълум қилиб, азон товуши янгради.

— Саҳар бўлди, ада, кириб ётинг.

— Қизим, Хитойдан олиб келган чойнагим бор-ку? Биласан-а? Ўшанинг ичида хат бор экан, олиб чиқ.

— Ҳозирми? — деб ажабланди Нилуфар.

— Ҳа, ҳозир. Фақат... ўқима, хўпми? Тўхта, Нилу, охириги куни ойинг мени чиқариб юбориб сизларга нима деди?

Нилуфар унутган нарсасини эсламоқчи бўлгандай, ерга қараб бир оз жим қолди. Қосим, «жавобни тез айтасан», деб шоширмади. Саида ўша куни қизларига: «Агар ўтиб қолсам, қирқ кундан кейин адангларни албатта уйлантириб қўйинглар», деган эди. Нилуфар бу гапни отасига айта олмади. «Ҳозир ёдимда йўқ, опам турганларида айтарлар», деди-да, тез-тез юриб уй томон кетди. Дам ўтмай кафтдек қоғоз кўтариб чиқди. Қосим ошхонага кириб, буклоғлик қоғозни очди-да, чироқ ёруғига тутди. Хат бир неча сатрдан иборат эди:

«Бир киши ҳадеб автобусга салом берар экан. Сабабини сўрашса: «Шу автобус қизим келин бўлиб тушган маҳалладан ўтади, қуда томоннинг ҳурмати-да», деган экан. «Куёвни пайғамбарлар сийлайди», дейишган. Адаси, жон адаси, кўп айтдим, қулоққа илмадингиз. Энди охирги илтимосимни бажаринг: куёвларингиз келишганда ўтирган бўлсангиз, ўрнингиздан туриб саломлашинг, хўпми?..»

Қосим хатни икки марта ўқиб чиқди. Давоми йўқми, деб қоғознинг орқасига ҳам қараб олди. Сўнг... бағрини тўладириб йиғи келди. Ўзини тўхтата олмади – ўкириб йиғлаб юборди.

* * *

АЛҚИССА: Ё Танграм, бандаларингни Қосимдай бўлиб қолишидан ўзинг асрагин. Омийн йа Раббил олабийн!

ҚАСОС

*Номуссиэлик гар илашса никоҳ ипиэа
Аёл қалби шу қадар ҳам қонсирагайки,
Тополмайсиз ер юзидан бунақасини!
(Еврипид. «Медея». Асқар Қосим таржимаси)*

Дугонаси хушхабар айтиб, суюнчи сўради.

Латифа буни эшитиб, қувониши лозим эди. Чунки, шу ҳол юз беришини истаб, Худога неча бор муножот этди. Аллоҳга илтижоларим етиб борармикин, ниятимга етмай ўлиб кетмасмикинман, деб қўрқиб юрган кезлари ҳам бўлди. Ниҳоят... оҳлари Яратганга етиб борибди. Шу ҳол юз берса армоним қолмайди, қувончларим дунёга сиғмай кетади, деб ўйларди.

Хушхабарни эшитиб нимага қувонмади? Вужудига нима учун афсус тўр ёя бошлади? Кўнгилга шодлик бахш этиши лозим бўлган янгиликни етказган дугонасига нима учун жавоб қайтармай, жимиб қолди? Бу ҳолати суюнчилаб телефон қилган дугонасигагина эмас, ҳатто ўзига ҳам номаълум эди.

— Латиф, эшитяпсанми? — дугонаси гўшакнинг гаранг қулоғини очмоқчи бўлгандек, бир-икки қаттиқ пуфлади.

— Эшитяпман, — деди Латифа синиқ овозда.

— Эринг қўл-оёқсиз, шол бўлиб қолибди. Тили ҳам айланмасмиш. Хотини уйига олиб келмай, касалхонадан тўппа-тўғри қариялар уйига олиб бориб ташлабди. Вой тавба-я! Ўттиз беш ёшли йигитни ҳам қариялар уйига олаверишар эканда-а? Эшитяпсанми?

Латифа эшитар, аммо дугонасининг сўзларини дуруст англамас эди. Гўшакни аста жойига қўйди. Бармоқлари титраётганини ўзи сезмади – деразага орқа қилиб ўтирувчи Маъсума сизди. Тўғрида ўтирадиган, Латифага тез-тез ўғринча қараб қўядиган Содиқжон ҳам сизди. Латифа ҳайкал ҳолига кирган эди. Ўзига дам-бадам қараб қўяётган нигоҳларни сезмасди. Уни чуқур ўйга ботди, деб ҳам бўлмайди. У ҳеч нимани ўйламас, боши ғовлаб, бўшаб қолгандай эди. Содиқжон «Аҳволини сўраб, билсангиз-чи?» деган маънода Маъсумага кўз тикди. Маъсума бу қараш замирида қандай мақсад яширинганини сезса-да, сезмагандай ўтирди. У беғамлиги учун семирганми ё семириб сўнг беғам бўлиб қолганми – буниси Яратганга маълум, ҳар ҳолда ҳеч бир ишда шошилмайди. Мана шу одати баъзан кулгига сабаб бўларди, баъзан эса ҳамхоналарининг юраклари тарс ёрилиб кетай дерди. Содиқжон ҳозир шу ҳолга тушди. Томоғини қириб, яна унга қараб қўйди. Маъсума қоғозларини титиб, нимадир қидирди. Шундан сўнггина Латифага қаради:

— Латифа, олдинги ойнанинг ҳисоботидан сизда қолмаганми? Қуриб кетгурни қаёққа қўйганимни билолмаяпман.

Бу савол Латифани карахтлиқ домидан озод қилди. Лекин Маъсуманинг гапини дарров англай олмади. Маъсума эса унинг аҳволини сезмагандек гапираверди:

— Бутун мудиримиз чап ёни билан турганми, эрталабдан бери менга минғирлайди. Ўтган ой ҳисоботини қайта кўриб чиқинг, дейди. Бир нусхасини сизга бермабмидим?

Латифа энди унга ажабланиб қаради – эрталаб ҳам шуни сўровди. «Эси оғиб қолганми, нима бало?» деб ўйлади-да, қисқа қилиб: «Йўқ», деди. Маъсума Содиқжонга қаради. Унинг беғам боқувчи кўзларидан: «Фаросатингиз борми, чиқиб турсангиз-чи», деган маънони уққан Содиқжон қўлига илинган бир варақ қоғозни олиб, ўрнидан тур-

ди. У чиқиб кетиши билан Маъсума Латифани саволга тутди:

— Тинчликми, Латифа, ёмон гап эшитмадингизми, ишқилиб?

Латифа унга ялт этиб қаради. «Қандай сезди, бу беғам? Бирдан ўзгариб кетдимми?»

— Тинчлик... дутонам сал ҳовлиқмароқ... Бир танишим касал экан... шунга...

— Ҳа-а... Энди иссиқ жон, бир касал бўлади, бир тузалади. Чойнакни қўйиб юборинг, чой ичадиган вақт бўлди.

Электр улагич китоб жавонининг панасида, Латифанинг шундайгина ён томонида эди. Шу сабабли хонада чойхоначилик вазифасини ҳаммавақт беминнат бажарса-да, бу сафар малол келди. Чойнакни тоққа улаб, ўрнидан турди-ю, даҳлизга чиқди. Маъсума унинг изидан маънодор қараб қолди.

Даҳлиздаги дераза олдида Содиқжон бир варақ қоғозни буклаб ушлаган ҳолда турарди. Латифанинг чиқишини кутмагани учун нима дейишини билмай, тараддудланди.

Содиқжон билан Латифа тенгдош, институтда бирга ўқишган. Талабалик йилларидаёқ бир-бирларига майллари бўлган, лекин тақдир йўриги дегандек, турмуш йўллари айри-айри тушди. Улар бир-бирларини ёқтирар эдилар. Аммо бу ёқтириш ота-она истагига қарши исён кўтара олувчи қудратга, аниқроқ айтилса — муҳаббат даражасига етмаган эди. Олдинма-кейин бўлиб ўтган тўйларидан сўнг, айниқса, оилаларида нохушликлар юзага келган дамларда бир-бирларини қўмсардилар. Бироқ, бу қўмсаш капалак умри мисол узоққа етмас эди. Ҳар иккови бир-бирига бўлган муносабатни кўп ўйлашарди: «Уни ёқтирганим ҳолда нима учун ҳамма нарсадан шартта воз кечиб, у билан бирга бўла қолмайман?» деган унча мураккаб бўлмаган саволга қарийб ўн йилдан бери жавоб топиша олмас эдилар. Ёшлиқ ҳислари аста сўниб, турмуш номили дарахтнинг аччиқ меваларидан тўйиб-тўйиб егач, бу савол чигали ечила бошланади. Ораларидаги туйғу тўшақка етакловчи муҳаббат эмас, балки турмушнинг тиканли йўлларида мадад бергувчи меҳр эканини англаб етадилар. Унга қадар эса бу туйғу нима эканини билмай қийна-

ладилар, атрофдагилар эса уларнинг муносабатларини бошқача талқин қилаверадилар. Тўғри, Латифа эри билан ажралишгач, Содикжон уни бир-икки марта кинога таклиф қилди. Латифа ўн уч ёшли қизалоқ эмаски, бу таклифларнинг маъносини англаб етмаса. Аввал гапни ҳазилга бурди. Таклиф такрорланавергач:

— Сиз мени эрсираган шалоқ хотин деб ўйлаяпсизми? — деб дангал айтди.

Содикжон бу жавобни эшитиб, довдиради. Тўғри кўнгилда эканини айтиб, ўзини оқламоқчи бўлди. Шуниси ортиқча эди. Чунки жувоннинг жавоби таклифга яраша бўлган эди. Содикжон шундан сўнг ўзини тийди. Лекин: «Рўпарангга қара, бу маҳдиқонинг эри йўқ, ўзи ёшгина бўлса, эрсиз қийналади. Сенга ўша гапини бир айтди-қўйди-да. Унга қараб-қараб, кўзингни узма. Кўзларинг билан уни ўзингга ром қилиб ол!» деб васвасага солувчи шайтонни ҳайдаб юбора олмас эди. Баъзан эса ўйга толарди: «Шунча пайтдан бери эрсиз юриб кўникдимми ё битта-яримта билан пинҳона дон олишиб юрганмикин?» Шу фикр уйғонган дамдаёқ томоғига ғазаб ўти бостириб келади. Хаёлидаги ўша мавҳум хушторни бўғиб ўлдиргиси келади. Ўзича: «Ким бўлиши мумкин у мараз?» деб, танишларини бир-бир кўз олдига келтиради. Латифа жилмайиб гаплашиб турган эркакларни шубҳа остига олаверади. Хуллас, Латифа эридан ажралишганидан кейин неча йил ўтган бўлса, шунча йил Содикжон шу ҳолда куяди. Ҳозир даҳлизга чиқиб турганида ҳам хаёли шу томонга бир оғди. Латифага гапиролмай қолгани ҳам шундан. Латифа унинг нима учун чиқиб турганини билса ҳам, ўзини билмаганга олди:

— Чой қўйдим, — деди хотиржам овозда.

— Ёмон хабар эшитдингизми? — деди Содикжон, унинг кўзига тик қараб.

«Ёмон хабармиди? — деб ўзига ўзи савол берди Латифа. — Чиндан ҳам нима бу – ёмон гапми ё хушхабарми? Нима учун ўзгариб кетдим? Ўзгарганимни булар ҳам сезишибди...»

— Нимага ёмон хабар? Шунчаки бир гап, — деди Латифа осойишта оҳангга кўчиб.

— Бирдан ғалати... бўлиб қолдингиз?

— Бошим оғрияпти. Магнит бўрони эмасми бутун? Мен кета қолай, чойга ўзингиз қарарсиз.

Латифа шундай деб ичкари кирди-да, столи устини йиғиштиришга ҳам тоқат қилмай, Маъсума билан хайрлашиб, сумкасини олиб чиқди.

Хонага қайтиб кирган Содиқжонни Маъсуманинг маънодор қараши қарши олди.

Латифа хаёлини чалғитиш учун бир оз пиёда юрмоқчи бўлди. Харид қилиш нияти бўлмаса-да, йўлида учраган дўконларга ҳам кириб чиқди. Ёнма-ён юрган эр-хотинни кўрди дегунча, кўз олдида эри гавдаланиб, юраги сиқилаверди. Бундай нохуш ҳолатдан чиқишнинг бирдан бир чораси – уйга бориш эди.

Қўшни иморатларга нисбатан кўркамроқ қилиб солинган, болалиги ўтган, бахт илинжида «Ёр-ёр» билан тарк этиб, сўнг икки ўғил билан қайтиб келган уй бу онда кўзига шумшук бўлиб кўринди. Акаси куёвининг ҳаром-харишдан қайтмас одам эканини билиб, уни шарманда ҳолида ўз кўзи билан кўргач, Латифани ўша куниёқ кўчириб келган эди. Ўғлининг каттаси эндигина атак-чечак қилаётган эди. Кичиги туғилиб, туғруқхонадан уйга кетиш учун ижозат теккан кун эди. Куёв бўлмиш Толиб уларни анча куттирди. Келавермагач, акаси, янгаси Латифани уйга бошлаб боришди. Боришди-ю... Толибнинг маишати устидан чиқишди. Латифа остона ҳатлаб ичкари кирмади. Ажрашаётган пайтда суд уч хонали уйнинг икки хонасини унга хатлаб берганда ҳам ҳаққидан воз кечди. Аниқроғи, акаси олдирмади. «Наҳс босган уй ўзига буюрсин», деди. Ана ўшандан бери Латифа шу уйда. Ўғиллари тоғасини «опоқдада» дейишади. Латифанинг бахтига «адам қанилар?» деб сўрашмайди. Отадан олиши керак бўлган меҳрни тоғадан олгани сабабли сўрамасалар керак. Баъзан Латифа «нега сўрашмайди?» деб аччиқланади. Ҳозир бўлмаса ҳам кейинроқ бориб сўрашларини билади. Орадан йиллар ўтиб, сўрашганида нима деб жавоб беради? «Отанг хотинбоз эди, шалоқ эди, шунинг учун ажрашиб кетганмиз» дейдими?.. Латифа келажакда содир бўлажак мана шу манзарадан кўрқади. Ота-онанинг қилмишига фарзанд бир кунмас-бир кун ҳукм чиқаради. Қандай бўлади бу ҳукм? Ким айб-

дор деб топилади? Эр-хотин ажралишиб кетаверишади. Униси бошқага уйланади, буниси бошқаси билан турмуш қуради. Бола эса ўзича улғаяверади. Бола улғайиб ким бўлиб етишганидан қатъи назар, ҳукми ўқийди. Худо ўз жазосини ана шу фарзанд ҳукмига жо қилади. Латифа шу жазодан қўрқади.

Қўрқишига эса сабаб бор. Уларнинг идорасида Зеби кампир деган фаррош бўларди. Четдан қараган киши супургини кўтаролмай йиқилиб тушса керак, деб ўйларди. Зеби кампир қорни очлиги учун эмас, уйдан нарироқ – одамлар орасида юриш учун ҳам ишларди. Бошқа фаррошлар ишларини барвақт бажариб кетишарди. Зеби кампир эса кечгача идорада бўларди. Бир куни Зеби кампир Латифага ҳасрат дастурхонини очган эди. Унинг биринчи эри мамлакатда қулоқларга қарши кураш бошланганида бола-чақам сарсон бўлмасин менга қўшилиб, деган мақсадда хотинига талоқ хати берган эди. Зеби икки ўғли билан қолган эди ўшанда. Эри домдараксиз кетди. Ўлдими ё бошқа оила қурдимиз, ҳеч ким билмайди. Бу орада очарчилик бошланди. Зеби икки гўдагини боқолмас эди. Очликдан ўлиб қолишмасин, деб уларни етимхонага берди. Сўнг инсофли бир одам билан турмуш қургач, ўғилларини етимхонадан қайтариб олди. Иккинчи эри болаларига ўтайлик қилмади. То урушга кетгунигача қадар уларга ола қарамади. Тақдир экан. У ҳам урушда изсиз кетди. Зеби бошқа турмуш қурмади. Аммо, «сен бизни етимхонага топширгансан», деган лаънат тамғаси бир умр кўкрагига урилди. Бу тамга шу кунгача кетмайди. Ўғиллари набира кўришган бўлишса-да, онанинг ўша қилмишини кечиришмайди. Зеби кампирнинг набиралари ҳам унга нисбатан бемеҳр бўлиб улғайишди.

Кампир шундан куяр эди. У ҳасрат қиларди, аммо ўғилларини айбламасди. Ҳамма айбни ўзига оларди. «Ўшанда аҳмоқлик қилганман. Болаларимнинг ризқини Худонинг ўзи берарди!» — деб ўзига лаънат ўқийди. Зеби кампир тамом кучдан қолгач, идора аҳли бамаслаҳат ҳолда уни қариялар уйига олиб боришди. Кампирнинг ўғиллари бу тадбирга монелик қилмадилар. Ўтган йили Зеби кампир-

нинг қазоси етганида уни идора аҳли дафн этди. Ўғилларига хабар беришни лозим топишмади.

Латифа Зеби кампирни кўп эслайди. Эслаганда юраги ғалати бўлиб кетади. Дугонаси: «Шундай юраверасанми, ўғилларингни аканг боқмаса, болалар уйига бергину бошқа эрга тег!» деганида танасидан жони чиқиб кетай деди. Бир неча кун давомида юрса ҳам, турса ҳам Зеби кампирнинг мунгли нигоҳи уни таъқиб қилди. Ростдан ҳам болаларини етимхонага топширгандай, ўғиллари чирқиллаб йиғлаётгандай туюлаверди. Тушларига Зеби кампир кириб: «Мен нима учун сенга ўз дардимни айтган эдим? Менинг тақдиримдан ибрат олмадингми?» — деб саволга тутаверади.

Ҳозир уйи остонасига қадам қўяётганида нима учундир яна ўша ҳолни эслади.

Дарвоза очиқ, аммо ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Латифа ҳовли этагидаги олди пешайвон уйга қараб юрди. У эри билан ажралишгач, ота-онамнинг жонлари узилган жой, деб шу уйда яшаш истагини билдирган эди.

Остона ҳатлаб ичкари кириши билан сал енгилроқ тортгандай бўлди. Кийимини алмаштирмаган ҳолда тахмон пойига тўшалган кўрпачага ёнбошлади. «Менга нима бўлди ўзи? — деб ўйлади у. — Унга ачиндимми? У ким менга? Шилтаси чиқиб юра-юра шу тақдирни топибди. Баттар бўлмайдимми? Нега ғалати бўлиб кетдим?..»

Латифа бу саволининг жавобини яхши биларди. Билса-да, тилга чиқариш уёқда турсин, хаёлига келтиришни ҳам истамасди.

Иккинчи ўғлига бошқоронғи бўлиб юрган кезлари эри билан ғижиллашиб, «уйимга кетаман», деб пўписа қилганида Толиб: «Кетсанг кетавер», деб осонгина жавоб берганди. Латифа тўнғичини олиб, уйига келди. Эрини икки кун кутди. Аразлаб келганини акасидан яширди. «Кувингиз сафардалар», деб алдади. Учинчи куни уйига борса, Толиб биттаси билан ҳиринглашиб ўтирибди. «Ўзинг кетдинг, нима, мен пенсионер чолманми индамай ўтираверадиган», деб айбни Аатифанинг ўзига ағдариб қўя қолди.

Латифа аламини йиғидан олди. Дардини совуқ деворларга айтди. Уйига ўт қўйгиси келди. Бир оз овунгач, улар

ётган ўрин-кўрпани йиғиштирди. Қўллари нажасга тек-кандек ирганди. Бу кўрпани онаси раҳматли ўз қўллари билан қавиб берган эди. Шунинг булғанишига сира чидай олмади. Ярим тунда кўрпа, чойшаб, ёстиқларни олиб, тўрт қаватли уй этагидаги ахлатхонага олиб бориб, ёқиб юборди. Назарида ўт бутун ифлосликларни куйдириб юборгандай бўлди. Афсуски, ҳатто оловнинг ҳам бунга қурби етмас экан.

Ана ўшанда дилида бир алам вулқони портлаган эди. Ана ўшанда илк марта Яратганга ялинган эди: «Э Худойим, ҳаромдан қайтмаган бу балойингнинг қўл-оёқларини шол қилиб қўйгин. Ана ўшанда мен бир эркакни бошлаб келайин-да, унинг шундайгина кўз ўнгида гуноҳларга ботайин. Бу гуноҳим учун кейин қандай жазо берсанг ҳам розиман!» деб эди. Алам устида хаёлига келган бу нидони эслаганида баъзан ўзидан ўзи уялади, баъзан эса нафратланади. «У паст кетса, мен ҳам паст кетайинми?» деб ўйлайди. Лекин бу қасос нидосидан бутунлай воз кечкиси ҳам келмайди.

Мана, ниҳоят, у шол бўлибди. Энди нима қилади? Қасамини амалга оширадими?

Шу фикр хаёлига урилиб, вужуди кирланиб кетгандай бўлди. Худди ўша ўрин-кўрпани йиғаётганда иргангандай ўзидан-ўзи ирганди. Қаддини кўтариб, ўтириб олди. Қулоқлари шанғиллади. Икки чаккасига кафтларини босиб, кўзларини юмди.

— Латифагинам, сенга нима бўлди?

Овозни эшитиши билан юраги қинидан чиқиб кетай деди. Кўзларини шарт очиб, деразага тақаб қўйилган каравотга қаради. Онаси то жони узилгунига қадар ўша ерда ётарди. Бу каравот ҳозир Латифанинг ётар жойи. Онаси уни эркалаганида «Латифагинам» дерди. Латифа ота уйига қайтиб келганидан бери онаси билан тез-тез гаплашадди. Хаёлан бўладиган бу суҳбатлар баъзан тонготаргача давом этади. Бу суҳбат мазмуни фақат ўзига-ю, Яратганга аён. Баъзан тўнғич ўғли уйғониб қолганида ўзи ерда ўтириб, бошини каравотдаги ёстиққа қўйиб олган онасига ажабланиб қараб туради. Бир-икки марта чўчибгина «ойижон», деб чақирганида Латифа индамагач, «шунақа

ўтириб уклашни яхши кўрадилар», деган тўхтамга келиб, эътибор бермай қўйган.

— Латифагинам, сенга нима бўлди?

Латифа беихтиёр равишда каравот сари сурилиб келди. Бошини ёстиққа астагина қўйди худди онасининг юзларига юзини қўйгандай бўлди. Дераза дарчасидан уфурган ел сочларига урилди – худди онаси сочларини силагандай бўлди.

— Нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Анавини... қаргаган эдим... қарғишим урибди – шол бўлиб қолибди.

Латифа шундай деб пичирлади-да, жим бўлди.

— Юрагингдаги гапни айтмаяпсан?

— Юрагимдагини... Мен қасам ичганман, биласиз. Энди қасос олишим керак.

— «Ал қасосул минал Ҳақ!» Қасос – Ҳақдандир. Худо уриб қўйибди-ку? Шунинг ўзи кифоя унга.

— Йўқ, етмайди, ойижон. Ҳозир унинг жисми оғриқда. Руҳи-чи? Қилган ишларидан пушаймон еяптими? Емайди. Тавба қилишга унинг фаҳми етмайди. Фаҳми етганида болалари туғилган уйга ифлосларни бошлаб келмас эди. Мен унинг руҳига ханжар санчишим керак. Ойижон, қийнаиб кетдим. Агар шундай қилмасам, ё жинни бўламан, ё юрагим ёрилиб ўламан.

— Нима қилмоқчисан?

— Олдига бораман.

— Кейин-чи?

— Содикжон билан бирга бораман. У мени яхши кўради. Нима десам шуни қилади.

— Содикжоннинг оиласини бузмоқчимисан? Ўзингнинг етимларинг камми? Йўқ, болам, мени тинч ётсин, десанг...

— Оиласини бузмайман. Фақат бир марта. Кейин ишдан бўшаб кетаман. У билан умуман кўришмай қўяман. Содикжон билан бирга бўлганимни у кўрсин. Аламдан ёнсин, куйсин. Кўриб туриб ўлиб қолса ҳам майли. Ойижон, буни фақат уч киши билади: мен, Содикжон ва у...

— Худо-чи?

— Худо ялинишимни бажарди, мен учун уни шу ҳолга солди, энди бу ишимни ҳам кечиради.

— Кечирмайди, болам, кечирмайди.

— Жон ойи, йўлимни тўсманг. Ҳаётимда бир мартагина ўзим учун қасос олай. Кейин одамга ўхшаб яшай...

Онаси жавоб бермади. Оғир хўрсинди. Латифанинг назарида тепасида қора булут тўпланаётгандай туюлди. Булут уни аста бағрига ола бошлади...

«Ҳозироқ Содиқжонга телефон қиламан. Қариялар уйига бориб турсин. Кейин бирга қирамиз унинг олдига...» деб ўйлади.

...булут уни гирдобига чирмайверди, чирмайверди...

Агар ҳозир телефон қилмаса, аҳдидан қайтиб қолиши мумкин эди. Иши ўнгидан келди – телефонни Содиқжоннинг ўзи кўтарди. «Ҳозирнинг ўзида қариялар уйига кела оласизми?» деб сўради. Содиқжон «хўп», деди, «нимага?» деб ланжлик қилмади. Унинг шу одати яхши. Латифа нима деса кўнади.

Латифа енгсиз ҳарир кўйлагини кийди. Лаблирини бўяди. Кўзларига сурма тортди. Кам ишлатадиган ўткир ҳидли атирни сепди. Ўзини оёғи енгил аёл кепатасига келтиришга ҳаракат қилди. Тошойнага қараб, ўзидан-ўзи нафратланди. Сўнг: «Шундай бўлгани яхши. У ҳам мени кўриб нафратлансин, ёнсин, куйсин!» деб ўзига-ўзи тасалли берди.

Содиқжон уни танимагандай, ажабланиб кутиб олди.

— Мендан ҳеч нарса сўраманг. Ёрдам беринг менга. Кейин сўз беринг, йўқ, қасам ичинг: бугунги ишни дарров унутасиз. Худди туш кўргандай бўласиз.

— Озгина бўлса ҳам тушунтиринг.

— Тушунтира олмайман. Мен нима десам шуни қиласиз. Биз... эр-хотин бўлишимиз керак... Фақат бир одам гувоҳ бўлади бунга.

— Тушунмадим?

— Тушунмасангиз ҳам сабабини сўраманг. Яна сўрайдиган бўлсангиз... кета қолинг...

Содиқжон «иложим қанча» дегандай елка қисди. Латифа уни қўлтиғидан олиб, қариялар уйига бошлади. Толибни дарров топишди: бир кишилик хонада экан – айни муддао! Бош томони кўтариб қўйилган каравотда Толиб шифтга тикилиб ётибди. Эшикнинг фижирлашини эшитдимми, ё Латифадан таралаётган атир ҳиди димоғига урилдими, бошини буриб қарашга ҳаракат қилди.

Латифа Содиқжоннинг қўлидан ушлаб, унинг рўпарасига ўтди. Уларни кўргач, Толибнинг кўзлари пирпиради. Сўнг миждаларидан ёш сизиб чиқди. Нимадир демоқчи бўлди – тили айланмади. Унга Латифанинг раҳми келди. Қасос олишдан воз кечиб, чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо қандайдир куч уни ушлаб қолди. Толибга тикилиб туриб, бошини Содиқжоннинг елкасига қўйди. Кейин уни иягидан оҳистагина ўпди-да: «Мени қучоқланг», деб шивирлади. Содиқжон уни қучишга кўпдан бери орзуманд бўлса-да, бу амрни бажаришга дарров журъат эта олмади. Буни сезган Латифа: «Ишни бузиб қўймаса эди», деган ўйда унинг пинжиги кириб, лабига лаб қўйди. Толиб ўкириққа ўхшаш бир овоз чиқарди. Латифа сумкасидан рўмолчасини чиқариб, Содиқжоннинг лаббўёқдан қизарган лабини артди...

...Толиб худди бўғизланаётган буқадек ўкира бошлади...

...мана шу ўкириқ Латифани чирмаб турган қора булутни ҳайдади.

Латифа гаранг ҳолда бошини кўтарди: қўшни ҳовлида оч қолган буқа яна ўкирди.

«Ухладимми? Туш кўрдимми?» деб ажабланди Латифа. Сўнг ўрнидан туриб, беихтиёр телефон ёнига келди. Бармоқлар таниш рақамларни терди. Гўшакдан Маъсуманинг «алё» деган беғам овози келди. Латифа гўшакни жойига қўйиб, уф тортди.

Кечки овқат пайтида акаси унга савол назари билан қараб-қараб қўйди. Болалар телевизор кўргани меҳмонхонага кириб кетишгач: «Сенга нима бўлди?» деб сўради. Латифа яшириб ўтирмади. Толибга нима бўлганини айтди.

— Баттар бўлсин, — деди акаси. — Қариялар уйидан ҳам чиқариб ташлаш керак. Ахлатхоналарда ётиб, итдек хароб бўлиб, ўлиб кетишлари керак бунақалар...

— Вой, қўйинг, адаси, — деди янга. — Бировга бунақа ўлим тиламанг. У ҳам Худонинг бир бечора бандаси...

— Сен гапирма! Бунақа бандага минг лаънат бўлсин! — Акаси шундай деди-да, аччиқланиб, ўрнидан туриб кетди. Латифа ҳам ўрнидан туриб, уйига чиқди. Дам ўтмай изидан акаси кирди. Янгаси қисқа муддатли одоб дарси-

ни ўтганми, ҳар ҳолда акасининг шашти бир мунча паст эди.

— Изтироб чекаётганингга қараганда, уни бориб кўрмоқчига ўхшайсан. Ўзингни тут. Сенга маслаҳатим – борма. Энди нима кўргилиги бўлса кўраверади. Нимани эккан бўлса, ўшани ўриб олаверсин...

Латифа тунда ухлай олмади. Гўё катта гулханнинг сўниб улгурмаган чўғлари узра оёқяланг зир югургандек бўлди. Эрталаб болаларини акаси боғчага олиб кетди. Кейин ян-гаси эшикни қия очиб, ичкарига қаради:

— Латифа, мен кетяпман, гапингиз йўқми?

Янга Латифага ғоят меҳрибон бўлса-да, бундай дейиш одати йўқ эди. Латифа ҳозир уни янада яхши кўриб кетди.

— Кеннайи... бориб келмасам бўлмайди. Ҳар ҳолда... шу болаларнинг отаси...

— Майли, боринг, кейин армон бўлиб қолмасин.

— Бирга борайлик... — деди Латифа ялинган оҳангда.

Янгаси кўнди. У қайнсинглисининг одатини яхши билгани учун ҳам ишга кетишдан аввал уйига мўралаган эди.

Улар қариялар уйига бориб, кўп асабийлашганидан юзларини ажин босиб, тиришиб кетган эллик беш ёшлардаги бошлиққа рўпара бўлишди.

— Унинг ҳеч кими йўқ, дейишган эди-ку? — деди бошлиқ, тажанглик билан.

— Ҳа, шунақароқ, — деди янга.

— «Шунақароқ» деганингиз нимаси?

— Шунақароқ деганимки... қариндошлари билан борди-келдини узиб юборган.

— Сиз кимисиз унда?

— Бу синглим унинг биринчи хотини бўладилар.

Бошлиқ «ҳм» деб Латифага қовоқ уйиб қаради.

— Ташлашга ташлаб кетиб, энди эсларига келдимиз?

Бу гап Латифанинг бошига гурзи бўлиб урилиб, кўз олди қоронғилашиб кетди. Яхшиямки янгаси билан бирга келгани, бўлмаса, ҳоли нима кечарди – номаълум.

— Бу нима деганингиз, сал ўйлаброқ гапиринг гапингизни. Ким кимни ташлаганини аввал билинг. Одамгартиликнинг кўчасидан ўтганмисиз ўзингиз?

Бошлиқ стол устига шапатилаб уриб қўйди.

— Бўпти, бораверинглар. Ўн еттинчи хонада у. Олиб кетмоқчи бўлсангиз яна ўзимга учрашарсиз.

Хонадан чиқиш пайтида янга орқасига ўтирилди:

— Раҳмат, хайр, сизга учрашадиган бошқа ишимиз йўқ.

— Сиз бирпас қолинг, гапим бор, — деди бошлиқ уни тўхтатиб. Латифа нари кетгач, ўрнидан турди-да, янгага яқинлашиб паст овозда деди: — Олиб кетганингиз яхши. Врач узоқ яшамайди. деяпти.

Янга унга жавоб бермади.

Латифа «бошлиқ нима деди?» деб сўрамади.

У қариялар уйига уч ой қатнади.

Сўнг... қора кийди.

«ЖУДО САБР БЕРСИН!»*

Жамолнинг кичкинагина жасадини бағрига олган совуқ тобут ердан узилиб, бақувват елкаларда гўё кема каби сузиб кетди. Бу онда Сабрийя хонимнинг юрагидаги яна бир томир узилгандай бўлди. Ўғилгинаси, гарчи кафанланган, сўнгги сафарга ҳозирлаб қўйилган бўлса-да, ҳозиргина ўз уйида эди. Назарида бир мўъжиза юз берарди-ю, Жамоли кўзларини очиб, югуриб кетадигандай эди. Йўқ... энди ҳеч қачон кўзларини очмаслиги, ҳеч қачон югурмаслиги аниқ бўлди. Ана шу машъум ҳақиқат унинг бағрида қора вулқон бўлиб тўлғонди-ю, ҳайқириқ билан отилди: «Жоним болам, мени кимларга ташлаб кетяпсан!» Бу нолага жавоб истаган онанинг юрагидаги зардоб чўққа айланиб, баттар қуйдира бошлади. Қиёматга қадар айрилик азобига маҳқум этилмиш она яна нималар деб бақирганини билмайди. У ўзини қўярга жой тополмай талвасага тушди, бошини деворга урди, қўлига илинган идишларни отиб синдирди. Сўнг овутиш илинжидаги қўшни аёллар қўлида ҳушидан кетди.

*Турк адиби Ҳусайн Раҳми Гурпинар қаламига мансуб бу ҳикоя эркин тарзда таржима қилинди.

Набираси ҳажрида ўртанаётган Шукриййа хоним қизининг бу ҳолатини кўриб, ўзини йўқотай деди. Кўшни аёл шошилганича лимон кесиб Сабриййа хонимга ҳидлатди, лабига гулоб тутди. Шукриййа хоним эса қизининг кўйлаги тугмаларини ечиб, кўкрагини уқалади. Бир оздан сўнг Сабриййа хоним кўзларини аранг очди, нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо лаблари унга бўйсунмади. Беҳол қўлини кўкраги устига қўйганидан билишдики, юраги ёняпти, куйдирыпти, ўртаяпти. Салдан сўнг унинг пичирлаб айтган сўзларини эшитишди. У шойига ўралган тобут изидан боришни, ўғилчаси билан совуқ гўрга тушиб ётишни истарди. У бирдан қаттиқ хўрсинди. Шу хўрсиниш, томоғини бўғиб турган пардани йиртиб юборгандай бўлиб, пичирлашлар аламли нолаларга айланди:

— Вой жоним, Жамолим! Эндигини беш ёшга тўлаётувдинг-а! Сенинг жонинг кимга керак бўлиб қолди! Қайси ялмоғизнинг кўзи тегди сенга! Сенга теккан кўзлар ситилиб чиқа қолса нима қиларди! Вой, мен энди дардимни кимга айтаман, кўшнижонлар! Бир ҳафтадаёқ сўнди-я, менинг болажоним! Бу иситма деган бало қайданам келди. Дўхтирнинг дориси таъсир қилмаса, мулланинг ўқиши қайтаролмас-я! Мен эсимни йигиштириб олишга ҳам улгурмадим-а, боламнинг жони бирпасда учиб кетди-я! Вой болам, жаннатнинг қушларига айланган болам-а! Худо кўнглимга солувди-я! Мен аҳмоқ эътибор қилмабман-а! Аҳмоқ бўлмасам, мактабга биринчи марта борадиган куни кўғирчоқдай ясантириб қўяманми! Хоним афандим, сиз уни ўша куни кўрувдингиз-а? Бошига подшоларнинг тожидай безалган дўппи кийдирувдим.

Қараган ҳам қаровди, қарамаган ҳам. Киприклари қайрилган, юзлари лоладай ёнарди-я! Тўйиб-тўйиб ўпган эдим, юзларидан. Кейин... ҳа, ҳа, ўшанда шайтон қулоғимга шивирладими ё ўзимча ўйладимми, билмайман. Хаёлимдан: «Бундай кўркам, бундай ақлли болакай бу дунёнинг боласи эмас», деган фикр ўтди. Худо ёрлақанга ўша куни кўпчилик: «Ишқилиб кўз тегмасин-да» дейишувди. Болажоним муаллим афанди қаршисида тиз чўкиб, ҳеч бир тугилмасдан, бошқаларга ўхшаб дудуқланмасдан дуо қилиб, Аллоҳдан ўқишларида омад беришни сўраган эди.

Сабрийя хоним яна хўрсинди. Унга сув тутдилар. Вазиятдан фойдаланган қўшни аёл уни юпатиш ниятида гапни илиб кетди:

— Нимасини айтасиз, сингилгинам! Ўғлингиз беназир бола эди. Агар у шу ақли билан униб-ўсганида Афлотун деганларини ҳам ярим йўлда қолдириб кетадиган олим бўларди. Виз нима ҳам қила олардик, ақли болалар шунақа кам яшайдилар. Эсингиздами, жонгинам, матоларни яхшироғига алмаштирайлик, деб сен билан бозорга борганимизда болажонингизни ҳам олволувдик. Матофурушнинг дўконини тополмай алаҳсираб, гангиб турганимизда Жамолгинангиз «Ойижон, ана, ана!» деб юнон дўкондорни кўрсатиб берган эди. Худо жонини қийнамай олди, бу дунё азобларидан ҳам қутқарди. Энди мағфиратига олсин! Вой, нималар деяпман, қанақа мағфират? Аллоҳ уни аллақачон жаннатга юборган. Болаларда гуноҳ бўлмайди.

— Овсинжон, гапларингиз тўппа-тўғри, — деб гапни давом эттирди яна бир қўшни. — Худо унга умр бермаган экан, аммо ақлни берган эди. Бултурги воқеа сираям эсимдан чиқмайди. Ҳовлимизга келган баққолдан ловия олаётувдим. Баққолга пулни бердиму қайтимини олишда таллашиб қолдим. Ҳисоб-китобни билмайдиган бир меров бола экан. Менинг ҳисобим бўйича у менга етмиш пора қайтариши керак эди, у анқов эса тўқсон пора беряпти. Шунда: «Нега мени лақиллатмоқчи бўласан, мен етмиш порага кўниб кетадиган аҳмоқ эмасман», десам, у муттаҳам кўзларини лўқ қилиб: «Хоним, эсингиз жойидами етмиш пора кўпми ё тўқсон порами?» дейди. Мен тамоман гангиб қолдим, ҳисобларим чалкаш-чулкаш бўлиб кетди. Шунда бахтимга Жамолгинамиз келиб қолди. Мен уни ёнимга чақириб: «Манави алдамчи мени лақиллатиб, пулимдан уриб қолмоқчи, эсгинангдан айланай, сен айтгин, етмиш пора кўпми, ё тўқсонми?» деб сўрадим. Болажон бирпас ўйлаб туриб: «Етмиш пора кўп», деб тўппи-тўғрисини айтди. «Бу бола ҳамма нарсани билади, алдамайди. Сен иккинчи муттаҳамлик қилма!» деб ҳаққимни тўғрилаб олдим.

Тобут кўтарган эркакларни кузатиб қолган хотинларга Худо берди: бечора онани овутиш мақсадида бири олиб, бири кўйиб болажоннинг фазилатларидан гапиравериш-

ди. Боланинг ҳар фазилати кашф этилганда уйда йиғи кўтарилар, шубҳасизки, бу йиғиларнинг барчасини жабр-дийда онанинг ноалари босиб кетарди. Овутиш мақсадида айтилаётган сўзлар ханжар бўлиб онанинг қалбини қайта-қайта қийма-қийма қиларди. Уйдаги хотинлар сал тинчиб, йиғи-сиғи ҳам бир оз босилган дамда таъзия билдириш мақсадидаги кўшнилاردан яна бири ўғилчасини бошлаб кирди-ю, яра яна янгиланди.

— Меҳмедни нима учун олиб кирдинг? — деб танбеҳ берди аёллардан бири. — Ахир у Жамол билан доим бирга ўйнарди. Сабриййа хоним уни кўрса баттар эзилади. Эндигина овутиб турувдик.

— Уйда ҳеч ким йўқ эди, ёлғиз ташлаб чиққим келмади. Дадамиз, кўргандирсиз, жанозага кетдилар. Қайнонамга ишониб бўлмайди. Ўрнидан туролмайдиган бўлиб қолган. Ростдан касалми, ё найранг қиялптимми, Худо билмаса биз билолмаймиз. Бугун кечаси билан ўринни бўктириб чиқибди. Гапираман, десам хасратим қирқ йилда ҳам тугамайди.

Бу орада Сабриййа хонимнинг кўзи Меҳмедга тушиб, унга яқинлашиб келди-да, тиз чўкканича уни кучоқлаб олиб, яна ноласини бошлади:

— Вой, хоним болам, сен қайларга кетдинг, қарагин, ўртоғинг келди!

У шундай деганича гарангсиб турган болани бағрига тобора қаттиқроқ босар, шашқатор кўз ёшлари эса боланинг юзларидан қайноқ қон каби оқар эди. Боладаги гарангсиш дам ўтмай кўрқувга айланди. Сабриййа хонимнинг: «Вой, менинг Жамолгинам», деган ноласига унинг: «Ойижон, ҳозир ўлиб қоламан!» деган қичқириви уланди. Шундагина Сабриййа хоним ўзига келиб, кўзларини катта-катта очди-да, болани бағридан бўшатиб, онаси томон аста итарди.

— Ўғлим мени ташлаб кетди. Унинг камолини кўриш менга насиб этмаган экан. Аллоҳнинг истаги шундай бўлгач, мен бечора нима қила оламан? Энди худойимдан битта нарсани сўрайман, бошқаларнинг болаларини паноҳида асрасин. Ҳамманинг боласи узоқ-узоқ яшасин. Мен сизларга энди ҳавас қилиб яшайман. Сизлар фарзанд до-

ғини кўрманғлар, ишқилиб. Опажоним, ўғлингизни вояга етказиб, роҳатини кўринг, илойим!

Онаси бағрига қайтган Меҳмед ҳеч нарсага тушунолмай, атрофдагиларга жавдираб қараганича секингина: «Ойижон, Сабриййа хонимга нима бўлди?» деб сўради.

— Жамол ўртоғинг ўлиб қолди, — деб унинг қулоғига шивирлади онаси.

— Жамолми? — Бола онасининг жавобидан ажабланиб яна сўради: — Ўлиб қолган бўлса ўзи қани?

— Уни қабристонга олиб кетишди. Жим бўл, бошқа нарса сўрама.

Онанинг танбеҳи болага таъсир қилмай яна сўради:

— Қабристонда уни нима қилишади?

— Вой, мунча эзма бўлмасанг! Ҳозир тилингни суғуриб олайми! Қабристонга олиб бориб нима қилишарди, кўмишади-да!

Бу гапни эшитган Меҳмед барчанинг диққатини ўзига тортиб, додлай бошлади:

— Ойижон, агар менам ўлиб қолсам, қабристонга олиб боришмасин, кўмишмасин, хўпми? Кўмиб қўйишларини истамайман... истамайман...

Боланинг ноласини эшитган Сабриййа хоним энди кўкракларига муштлаганича ўкириб-ўкириб йиғлади:

— Вой қўшнижонларим, бу қандай кўргилик бўлди! Болажонимни кўмиб қўйишдимми, а? Қора тупроқ остида қолдимми менинг болам! Бунга мен қандай чидайман, қандай чидайман-а!

— Сабриййа, қизгинам, бўлди, бунчалик ёниб-куяверма, — деб овутишга ҳаракат қилди ёши каттароқ хотинлардан бири. — Аллоҳ ҳукми шундай экан, итоат эт. Аллоҳ сенинг болангни ўзингдан кўра ҳам яхшироқ кўрар экан. Шунинг учун ҳузурига чақириб олди. Биз ожиз бандалармиз, сабр қилишдан ўзга чорамиз йўқ.

— Хоним, уни ўз ҳолига қўйинг, тўйиб-тўйиб йиғлаб олсин, дарди ичида қолиб кетмасин, — деб эътироз билдирди бошқа хотин. — Агар ҳасрати ичида қолиб кетса, йиринглаб, бир дарди ўн бўлади. Юракдаги заҳар чиқиб кетмагунича азоб бераверади. Қизгинам ўлганида биров мени бўғиб олгандай бўлаверди. Йиғлагим келади-ю, ҳеч йиғ-

лай олмайман. Бир кунда қорним тоғорадай шишиб кетди. Эрим табибга кўрсатган эди, «Бутун дарди заҳарга айланиб, кўз ёшлари билан чиқиб кетиши ўрнига қорнига йиғилиб қолибди», деди. Сабрийя она-ку, ахир! Юраги аланга бўлиб ёняпти ҳозир. Ёниш ҳам гапми! Бу дардни бошидан ўтган билади. Йиғла, йиғлайвер, сингилгинам, вужудингдаги заҳарлар чиқиб кетсин.

— Хоним, «йиғла, йиғла» деб қистайверманг. Ўлган одамга бунақа йиғлаш ҳам гуноҳ, — деди бошқа қўшни. — Қуръонда шунақа дейилган. Қизилтошдаги мулланинг маърузаларини эшитмаганмисиз?

Биринчи кун шу тарзда ўтди. Жамолнинг вафоти баҳонасида ўз ҳасратларини эслаб йиғлаган хотинлар дардларини ғамга тўла шу уйга тўкиб чиқиб кетишди. Кейинги кунлар ҳам деярли шу тарзда ўтди. Шумхабарни жанозадан кейин эшитганлар кўнгил сўраш учун бирин-бирин келавердилар. Ҳар бирлари ўзларини жабрдийдага яқин олиб таъзия билдиргач: «Аллоҳ сизга сабр-жамил ато этиб, бардошингизга яраша ажр берсин!» деб дуо қилишарди. Сабр ва унга яраша мукофот беришни Аллоҳдан сўраш албатта, яхши фазилат. Келганларнинг ташрифидан муддаолари ҳам дуо қилмоқ ва бояқиш онани овутмоқ, дардига малҳам қўймоқ. Уларнинг ҳеч бирида ёмон мақсад бўлмаса-да, яхшилик умидида айтган сўзлари Сабрийя хонимнинг ярасини янгилиб, туз сепгандай бўлар эди. Улар кетгандан кейин онаизорнинг бағри ёниб, кўз ёшлари гўё қон ёшларига айланарди. Бир ҳафта давом этган бундай таъзиялардан сўнг бечора Сабрийянинг кўзларида нам қолмади. Қуруқшаган кўзлари маъносиз боқадиган бўлди. «Шундай болангиздан ажраб қолдингизми-а!» деб бошланувчи юпанч сўзларидан кейин қайси она йиғламасин? Ўзини тутиб йиғламаган бардошли онани кейин улар нима деб атаб чиқиб кетадилар. Юзига айтмасалар ҳам йўл-йўлақай: «Бунча бағритош бўлма-са! Боласига жичча куйса нима қиларди?» демайдиларми?

Қўни-қўшниларнинг таъзиялари бир ҳафта давом этиб, узоқдаги қариндош, таниш-билишларга гал келди. Кун йўқки, узоқдан бир меҳмон келмаса. Уларнинг бир хилда

фикрлашлари ажабланарли: «Агар ўлиб кетган бола ҳажрида қанча кўп куйиб йиғласак, унинг ширинликларини, бошқа болалардан афзалликларини айтиб-айтиб қайғуларимизни намойиш этсак, бу хонадонга шунчалик яқинлигимиз маълум бўлади». Шунинг учун ҳам остона ҳатлашлари билан бир хилда узрхоҳлик қиладилар:

— Вақтида келолмаганимиз учун бизнинг айбимиздан ўтинлар, Худо шоҳид, бу шумхабарни кечагина эшитдик. Вой, жоним сингилгинам, шундай дўмбоққина бола-я! Ҳеч ишонгимиз келмайди. Суюклигинамиз Жамол кўз олдимизда турибди, шу ерларда қувнаб ўйнаб юрарди-я! Вой дарифо! Наҳот у энди йўқ бўлса! Наҳот қаро ер бағрида ёлғизгина ётган бўлса! Шундай шумхабарни эшитгандан кўра қулоқларимиз узилиб тушса бўлмасмиди!

Шу сўзлардан сўнг онаизорни бағриларига босадилар, йиғи-сиғи авжига чиқади. Шу аснода яна кунлар ўтади. Энди Сабрийя хонимда йиғлаш учун фақат кўз ёшлари эмас, вужудида қувват ҳам қолмади. Қовоқлари хаста одамни эслатадиган даражада шишиб кетди. Қонсиз бетлари сўлиб, осилиб қолди. Унинг бу ҳоли эри билан онасини ташвишлантира бошлади. Уни докторларга кўрсатишди. Докторларнинг хулосаси бир хил бўлди: камроқ йиғласин, уйда диққат бўлиб ўтирмасин, ташқарида, боғларда сайр қилдиринглар, ғам-аламдан йироқ бўлишига эришинглар. Шукрийя хоним қайғуни унутиш мумкин эмаслигини биледи. Лекин шундай бўлса-да, таъзияга келувчиларни ўзи кутиб олиб, йиғи очмасликларини илтимос қилади. Сабрийя хоним ҳузурда Жамолнинг ўлимини эсламасликларини, умуман таъзия билдирмасликларини ўтиниб сўрайди. «Агар шундай қилиш қўлингиздан келмаса, ичкарига кирмай қўя қолинг, сиздан инжимаймиз, сиз ҳам биздан ранжиманг», деб огоҳлантириб ҳам қўяди. Бу гап икки хотинга таъсир этса, учинчисининг фаҳми калталиқ қилади. Одат бўлиб қолган одобидан воз кечишни истамайди. Шукрийя хонимнинг ўтинчлари у қулоғидан кириб, бунисидан чиқади. Қалб ярасини тирнай-тирнай, кулфат эзиб қўйган Сабрийя хонимга ўзича далда берган бўлиб, хотиржам равишда уйни тарк этади. Шукрийя хонимнинг илтимосларига сўзсиз амал қилишга

ваъда берганлари ҳам кампир бошқа хонага бир юмуш билан чиқди дегунча дийдиёларини бошлашади:

— Шундай полвон боланинг ўлганига одамнинг ҳеч ишонгиси келмайди. Унга нима бўлганийкин-а? Қайси қурибгина кетгур касаллик илашди экан? Дунё шунақада! Бугун сен борсан, эртага қарабсанки, гўрда ётибсан. Ёшмисан, қаримисан, қарамас экан. Касал дегани бир ёпишса бас, полвонмисан ё нимжонмисан фарқи йўқ, супуриб олиб кетаверади.

Сабрийа хонимга бу гаплар жуда узоқ-узоқдан эшитилгандай бўлади. У жавобга ҳозирланиб, куч тўплайди. Лаблари ўзига бўйсунмаса-да, гапиришга уринади:

— Ҳа... полвон эди, болажоним. Шу ерларда шўхлик қилиб, югуриб-югуриб ўйнаб юрарди. Бир куни кечки пайт мактабидан келиб, бошини тиззамга қўйди. Қарасам, мазаси йўқроққа ўхшади. Кайфияти ҳам иштаҳаси ҳам бўлмади. Ўша кеч битта ушоқ ҳам ўтмади томоғидан. Нуқул: «Ойижон, совқотиб кетяпман», деяверди. Кўрпага ўраб қўйдим. Кейин иситмаси кўтарилиб кетди, кетма-кет қусаверди. Болажонимнинг бошлари оғриётганини сезиб турдим. Нуқул бошини, пешанасини кўрсатади. Дардини олай десам чорам йўқ. Кейин кўзлари ҳам галати бўлиб қолди. Шошиб, довдираб қолдик. Докторлар, дорилар... ҳеч нима кор қилмайди. Бир куни дори ичираётгандим... оҳ, хоним, Аллоҳ буни ҳеч бир онанинг бошига солмасин, ҳатто душманларга ҳам раво кўрмайман бу кўргиликни... дори ичираётиб қарасам, болажонимнинг юзлари ўзгаряпти. Мен нодон, дори ичгиси келмаяпти, деб ўйлабман. Ўшанда жон бераётган экан. Жону жаҳоним мени тарк этиб кетди. Вой, менинг Жамолим...

Бу сўзлардан кейин Жамол тирилиб келиб яна қайта жон бераётгандай дод-фарёд кўтариларди. Ташвишланган Шукрийа хоним хонага шошилиб кирганида қизини яна беҳуш ҳолда кўрарди. У таъзияга келувчи хотинларга илтимос қилишнинг фойдаси йўқлигини англаб, бошқачароқ йўл тутишга қарор қилди. Дарвоза остонасини босиб ўтган меҳмонга бошларига оғир кулфат тушганини, қизи бу дардга чидай олмай хасталаниб қолганини айтиб, «уйга киргач, боланинг ўлими ҳақида зинҳор сўз

очмайман», деб қасам ичишни талаб этди. Афсусларким, бу тадбир ҳам фойда бермади. Хотинларнинг кўплари қасам ичганлари билан аҳдларига содиқ қола олмадилар. Қасамни бузмаганлар ҳам ачинишларини сўз билан ифода этмасалар-да, ғамгин қарашлари, маънос кулими-сирашлари билан Сабрийя хонимнинг юрагини поралаб ташлардилар. Сабрийя хоним уларнинг таъзия билдириш учун келганларини билиб турарди. Уларнинг маънос боқувчи кўзларидан: «Бечорагинам, ёмон ҳолга тушибсан-ку? Болажонинг қани? Бечора Жамол... Сенинг иссиқ бағрингда ҳаловат топиш ўрнига совуқ ер қаърида ётибдими?» деган маънони уқиб аввалига хўрсиниб, сўнг нола-ласини бошларди. Унга жавобан меҳмонлар ҳам хўрсинардилар. Рўмолчалар чиқарилиб кўз ёшлари артиларди. Бу худди пинҳона таъзия маросимига ўхшарди. Жамолнинг номи ҳам тилга олинмасди. Меҳмонлар гўё аҳдларига вафо қилгандай бўлардилар. Аммо улар кетганларидан сўнг Сабрийя хонимга лимон ҳидлатишнинг ҳам, гулоб ёки юракни тинчлантирувчи томчидориларнинг ҳам нафи тегмай қоларди.

Бу тадбири ҳам фойда бермаётганини билган Шукрийя хоним сўнгги чорани қўллади: меҳмонларни уйга қўймади. У уй хизматчиларига ҳам, ошпаз қизга ҳам кўча эшигини очмасликни тайинлади. Аммо кичик уйларда бу талабни бажариш амри маҳол эди. Эшикни тақиллатиб келган одам ичкаридан шарпалар эшитилиб тургач, уйда ҳеч ким йўқ экан, деб ишона қолармиди? Хизматчи қиз ҳам, ошпаз ҳам бир-икки марта буйруқни адо этишди. Кейин беихтиёр равишда эшикни очадиган бўлишди. Эшик тақиллатган аёлнинг таъзияга келганини англаб: «Вой, эсгинам қурсин, очмаслигим керак эди-ку?» деб афсусланишдан бошқа чоралари қолмади.

Шукрийя хоним турли чора-тадбирларни қўллашига қарамай, қизинининг ярасини янгиловчи таъзиялардан асрай олмади. Сабрийя хоним кундан кунга сўлиб бораверди. Оқибат шу бўлдики, Жамолнинг вафотидан бир ярим ой ўтиб, бу уйдан иккинчи тобутни кўтариб чиқишди. Тобут ичида Аллоҳдан сабр тиланган бечора аёл ётарди. Унга сабр тилашган эди, ўғлининг ёнига бориб ётиш

насиб этди. Меҳрибонларча билдирилган таъзияларнинг сел каби оқими унга ўлим ҳадыя этди.

Эркаклар тобутни кўтариб чиқиб кетишгач, Сабрийя хоним ўтинхонага кириб, жўвани эслатувчи кичикроқ бир гўлани танлаб олди. Унинг қарори қатъий эди: биринчи бўлиб таъзиядан сўз очган хотинни шу гўлача билан уради! Ҳар ҳолда у меҳрибонлардан бирининг йиғи аралаш гаплари шундай бўлади:

«Гўзал қизингиз Сабрийя қани энди! Бечора онаси билан эрини кимларга ташлаб кетди! Гўр деганлари кимларни ўзига тортиб кетмайди! Бечора Шукрийягина, бошларингга шунчалар ҳам кулфат тушадими, а! Бу ғамларга қандай чидайсан энди! Энди Аллоҳ сенга сабр берсин! Йиғла, тўйиб-тўйиб йиғлаб ол! Ичингдаги барча заҳар-заққумларни чиқариб ташла!»

Тобут кўтарганлар кўздан йўқолгунича кўчада фарёд уриб турган хотинлар йиғи-сиғи билан ичкарига қайтаётганларида Шукрийя хоним ўйлаганини амалга оширди. Сабр тилашга оғиз жуфтлаган биринчи хотинни бошига гўлача билан урди! Тўпланганлар аввалига саросимага тушдилар. Сўнг: «Бахти қаро кампир набираси билан қизининг ўлимига чидай олмай ақдан озибди», деган хулосага келдилар. Эртасига маҳаллий раҳбарият томонидан зарур ҳужжатлар тўлдириб берилгач, кампир жиннихонага жўнатилади.

Шундан сўнг таъзияга келиб, Шукрийя хонимнинг ҳамласидан қутулиб қолганлар ҳувиллаб ётган уйга кириб афсуслар билан бош чайқардилар. Улар кимга таъзия билдиришни, кимнинг ҳузурида ғамли кўз ёшлари тўкишни билмасдилар. Уларнинг: «Қандай бахтсизлик экан бу! Сабрийя ўлибди! Онаси жиннихонага тушибди! Наҳот бу уйда таъзия билдириладиган ўлик эгаси қолмаган бўлса! Энди кимга: «Аллоҳ сизга сабр берсин!» деб кетамиз?» — дейишларидан ўзга чоралари йўқ эди.

Таъзия келаётган хотинларнинг бундай гапларини хизматчи қиздан эшитган Шукрийя хоним чиндан ҳам ақдан озди. Унинг ростданам жинни бўлиб қолиши ҳеч кимни ажаблантирмади. Ҳаммага бу табиий бир ҳолдай кўринди.

ЗУРРИЁТ*

Э, ошнам, ичим тўла ҳасрат, сиз сўраманг, мен айтмай. Суриштираман десангиз, калаванинг учи қирқ йилнинг нари-берисига бориб тақалади. Ўшанда мен ўн тўртга кирган етим бола эдим. Отам ҳам, онам ҳам ҳаётдан бемаврид кетдилар. Онамни-ку, хасталик қулатди. Аммо отам ҳали-бери ҳаётдан умид узадиган эмасди, уни қўшни-мизнинг ҳўкизи сузиб ўлдирди. Мен бувам билан бувимнинг қарамоғида қолдим. Бувимнинг ўнг қўллари ишламай қўйиб, уй юмушларини бажаришга қийналгач, бувам мени уйлантиришга қарор қилдилар. Мендан: «Уйланасанми?» — деб сўраб ҳам ўтиришмади. У пайтда сенинг розиризолигинг билан ҳисоблашишмасди, кексаларнинг ўзлари ишни пишитиб қўя қолишарди. Бир куни тасодифан чол-камбирнинг маслаҳатларини эшитиб қолдим бувамнинг бу аҳди қатъий эканини англадим. Бувим аввалига, «ҳали ёш», деб эътироз билдирдилар. Бироқ бувам: «Ёшлиги қолибдими, овози раста бўлганини сезмаяпсанми? Юлдузига тўғри келадиган қиз топиш керак», деб гапни калта қилдилар.

Мен йигит кишининг нима мақсадда уйланишини тузукроқ билмасам-да, қандай қиз топишар экан, деб қизиқиб юрдим. Бир куни яйловдан келсам, уйимизда фақат узун бўйи билан эмас, ҳунари билан ҳам қишлоққа беш қўлдек маълум бўлган, белбоғига ҳамиша қайчи осиб юрадиган тикувчи ўтирибди.

— Рамадон, бўтам, амакинг сенга чолвор тикиб бериш учун келибди. Рангли чолвор киясанми ёки одмисиданми? — деб сўрадилар бувам..

Шундан бўлак мендан ҳеч нимани сўрашмади. Ҳатто фотиҳа қилишда ҳам, тўйда ҳам менинг истагим билан мутлақо қизиқишмади. Тикувчи чоршанба куни келган эди, пайшанбада рангли чолвор тайёр бўлди. Жума куни

*Булғор адиби Николай Ҳайтовнинг бу ҳикояси каминага маъқул келиб, эркин тарзда таржима қилиб, сиз, азизларни ҳам баҳраманд этиш истаги туғилди.

эса тўй бошланди. Ноғоралар чалинди. Дошқозондаги шўрва биқирлаб қайнайди. Мен эса «Келин ким экан?» деган хаёлда гарангман. Охири чидамасдан бувимдан сўрадим.

— Келин бу қишлоқлик эмас, тоғдан, — бувим шундай деб гапни калта қилдилар-да, ўз юмушлари билан овора бўлдилар. Мен эсам: «Келин ёшми, ўзи қанақа?» деб сўрашга уялдим. Ҳаммаси оқшомда аён бўлди. Мулла никоҳ ўқигач, келин билан ёлғиз қолдик. Ҳа, айтмоқчи, унга қадар бувам мени бир четга тортиб, узоқ чайналдилар.

— Сен ёш бола эмассан, — дедилар, — сен энди эркаксан! Ҳақиқий эркаклигингни шу кеч исбот қил. Тушундингми? У ер-бу ерини тимталаб бўлса ҳам... Йўқса, қишлоқдагилар олдида уятга қоламиз.

Бувамнинг нима деяётганларига тушунмай туравердим. Шундан кейин аччиқланиб, менга ҳамма гапни лўнда-лўнда қилиб тушунтириб бердилар.

Келин билан ёлғиз қолгач, ярим соатча қимирламай жим ўтирдим. Гапирай десам, хаёлимга дурустроқ сўз келмайди. Бошига ташланган рўмолни кўтарай дейману журъат қилолмайман. Ниҳоят, унинг ўзи юзини очди. Мен уни қари хотин, десам, ўзим тенги ёш қизалоқ экан. Оппоққина, кўзлари кўм-кўк, киприклари узун-узун. Худди капалакка ўхшаган нозик бу қизга анграйганча қараб қолибман. У бирдан кулиб юборди-да:

— Уяляпсанми? — деб сўради.

— Ҳа... Озгина...

— Нимадан уяласан? Чолворинг жуда чиройли экан. Белбоғинг ҳам. Бизбизак ўйнамаймизми?

Мен «ҳа» ёки «йўқ» дейишга улгурмасимдан у белбоғимдан ушлаб тортди. Дам у чир-чир айланади, дам мен. Шу зайлда хўроз қичқургунча ўйнабмиз. Бирдан бувамнинг гаплари эсимга тушиб, ўйланиб қолдим. «Ҳозир тонг ёришади. Кейин келиб сўрашади». У хаёлга ботганимни сезган экан, сабабини суриштирди. Мен бор гапни яширмай, унга айтдим.

— Шуни ўйлаб, ташвишланиб ўтирибсанми? — у шундай деб нимадир қилган эди, бурнидан қон келди.

Бу қонни кимларга кўрсатишди, кейин нима қилишди, билмайман. Бўлган гап шуки, тўйдан сўнг биз Силвина билан тотув яшай бошладик. Унинг номи энди «хотин» бўлгани билан, аслида қиз бола эди. Мен Силвинани тобора қаттиқроқ яхши кўра бошладим. Юрагимнинг ришталари унга тинмай чирмашаверди. Оқибатда эса ришталарга қўшиб юрагимни ҳам илдиз-пилдизи билан суғуриб олишлари мумкинлигини билмабман.

Ҳаётимиз сокин оққан сув каби эди. Лекин бу сувнинг остида орзуларимизни чилпарчин қилувчи қоялар борлигини пайқамабмиз. Силвина ҳамиша уй юмушлари билан банд бўларди. Бувимга қарарди, даладан қайтишимизга овқат тайёрлаб турарди. Уйимиз чиннидек тоза. Ҳовлини гулларга кўмиб ташлади. У чаққон, нозик дидди, озода қиз эди. Ҳар куни олтинранг сочларини тараб, ўрарди. Сал наридан қарасангиз, сочи сариқ эмас, қизилга ўхшаб товланади. Янада узоқроқдан қаралса, соч эмас – тилланинг ўзи! Менинг маҳлиё бўлиб турганимни пайқаган бувам дарҳол томоқларини қириб, огоҳлантириб қўярдилар.

— Қани, Рамадон, эчкилар очдан ўлмасин тағин. Ҳайда!

Шу эчкилар ҳам баъзан жонга тегарди. Эрталабдан-кечгача бошларини ўтдан кўтаришмайди. Эчки зоти жуссаси кичкина бўлгани билан дунёнинг бор ўтини еса ҳам тўймаса керак. Мен жониворларни ўтлоққа қўйиб юбораманда яна ширин хаёлга берилиб, Силвинамни ўйлайман. Тезроқ қош қорая қолса-ю, уйга қайтсам. Аммо қуёш аксига олиб қоқ тепамда туриб олади. Ётоғига энай демайди. Бир сакраб қўлимдаги таёқ билан уни туртиб юборгим келади. Баъзан эса туртиб ерга тушириб, кўмиб қўйишни ўйлайман. Фақат тун бўлса-ю, тонг сира отмаса дейман. Менга қолса Силвинамнинг ёнида ётаверсам, сочларини силасам... Мен унга Филибадаги катта бозорга борганимизда албатта катта тароқ олиб келаман, деб ваъда қилгандим. Бироқ, ваъдамни бажаролмай, доғда қолдим.

Бир куни бувам билан пичан ўримига бордик. Уйга шошилиб, соғиниб қайтсамки, келин йўқ! Уй ҳувиллаб турибди. Силвинани акалари мажбурлаб олиб кетишганмиш. Бувим бечора ночорликдан кўз ёши оқизиб қолаверибдилар.

Қоним қайнаб кетди. Пичоқнинг дастасини маҳкам ушлаганимни сезган бувам қўлимни тутиб: «Арқонни бер!» — деб бақирдилар. Бувим эса дарҳол буйруқни бажо келтирдилар. Бувам мени дарахтга маҳкам боғлаб қўйдилар.

— Эсингни ема, бола! Сен менга тириклайин кераксан. Мен эварамнинг овозини эшитишни истайман. Ҳасан Дурвишев наслининг туташига йўл қўймайман! Аввал ўзингдан зурриёт қолдир, ана ундан кейин билган ишингни қилавер.

Бувам шундай дедилару эшакка миниб тоғ орти томон йўл олдилар. Сал нари боргач, ўтиридилар-да, бувимга қараб бақирдилар:

— Дурвишевнинг наслини асра! Агар ечиб юборсанг, каллангни оламан!

Бувим чолларининг феълларини билганлари учун бу буйруқни сўзсиз адо этдилар. Ҳар қанча ялиниб, ёлворсам ҳам ечмадилар. Юрагим тошиб, ёрилиб кетаётган бўлса-да, бувамнинг қайтишларини кутишдан ўзга чорам йўқ эди. Силвинамнинг акаларига инсоф бер, деб Худога илтижолар қилдим. Эрталабгача банди ҳолида турдим. Тонгда бувам келдилар. Эшак тез юрганидан оғзи кўпириб кетибди. Йўлни қисқароқ олиш мақсадида тиканзорни тик кесиб ўтишган шекилли, бувамнинг кийимлари титилибди. Бувам саломимга алик ҳам олмасдан индамай яқинлашиб мени ечиб олдилар-да, уйга киритиб, эшикни тамбалаб қўйдилар. Чол-кампир қўшни хонага киришди. Бу икки хонани юпқагина девор ажратиб турарди. Юқорироқда латта тикиб қўйилган туйнук орқали уларнинг гапларини бемалол эшитиш мумкин эди.

— Келиндан ажрабмиз! — дедилар бувам ҳорғин товушда. — Беҳаё акалари унинг ҳали ҳам қиз эканини билиб қолиб, Руфатга икки эчки эвазига сотишибди.

— Энди нима бўлади?

— Нима бўларди... Руфатга қўшиб қўйишади.

— Ҳеч иложи йўқмикин?

— Қанақанги илож?! Бегонадан бўлган болани қорнига жойлаган келинни бошимга ураманми? Дурвишевларнинг қони шу топгача бузилмаган, бундан кейин ҳам бузилмайди!

— Энди нима қиламиз бўлмаса?

— Нима қилишни ўзим биламан. Руфат бу дунёга келганига ҳали пушаймонлар ейди. Қўшотарни нақ оғзидан қўяман. Лекин ҳозир унга тега олмайман. Майли, кайфини суриб юра турсин, чидайман. Аввал Рамадонни уйлаб, боласининг овозини эшитай, кейин...

Бу гапларни эшитиб, тошдек қотиб қолдим. Кун ёйилгач, бувам муллани бошлаб келдилар. Куръонни ўртага қўйиб, мени «сўкишмайман, муштлашмайман, ўзимни дарёга ташламайман, жонимга қасд қилмайман», деб қасам ичдиришди. Бола кўрганимдан кейингина бу қасам кучдан кетар экан.

Шу йўсинда ихтиёримни жиловлаб қўйишди. Ҳамма дардимни ичимга ютавердим. Юрагим игналар санчилавериб илма-тешик бўлиб кетгандай туюларди. Силвинанинг қишлоққа қайтганини эшитгач, дод деб юборай дедим. Руфат девор-дармиён қўшнимиз эди. Аммо Силвинанинг қайтганини ҳеч ким кўрмаганди. Бир ойгача у ҳатто ҳовлисига ҳам чиқмади. Кейинчалик воқеа ойдинлаша бошлади.

Силвина менга тегиб, ҳовлида уй юмушларини бажариб юрган кезлари Руфат уни бир кўргану ошиқу беқарор бўлиб қолган экан. Девордан кўз илғамас туйнукча очиб, уни ўғринча кузатиб ўтирар экан. Руфат мендан етти ёш катта эди. Аммо на ўтин тергани борарди, на далага чиқиб ишларди, на қассоб отасига кўмаклашарди. Турганбитгани гирт танбал, такасалтанг эди. Уларнинг иккита эчкиси бўларди, икковининг бўйнига ҳам кўнғироқ осилган эди. Силвинанинг Ражаб ва Умар деган чўпон акалари ана шунақа эчки учун ўзларини томдан ташлайдиганлар тоифасидан эди. Руфат уларнинг ана шу ожизликларидан фойдаланибди. Ражаб билан Умар шу эчкиларга харидор бўлишганида у номард бунинг эвазига Силвинани сўрабди. Сингиларининг ҳали ҳам қиз эканини билиб қолишгач, улар Руфатнинг шартига кўнишибди.

Мен Силвинани жуда-жуда кўргим келарди. Лекин ваҳший Руфат хотинини сира уйдан чиқармас эди. Ўйлаб-ўйлаб чорасини топдим: қош қорайиши билан томга чиқиб, мўрини паналаб, Руфатнинг деразасига қараб ётдим.

Унинг деразаси жуда кичкина эди. Бироқ, ичкарида чироқ ёқилгач, кўзим баъзи нарсаларни илғади. Юмалоқ хонтахта атрофида ўтириб овқатланишди. Кейин хонтахтани кўтариб, четга олишди. Кейин... жой солинди. Кейин Руфат белбоғини ечди. Силвина эса унга қарамай, бошини эгганича тураверди. Руфат уни бағрига босди...

Унинг уйида керосин чироқ милтиллаб ёнар, менинг қалбим эса шамчироқ каби сўнаётганга ўхшарди. Назаримда юрагим уришдан тўхтаган эди. Нафас ҳам олмасдим. Аслида юрагим одатдагидан қаттиқ тепар, вужудим ғазабдан титрарди.

Менинг томга чиқишларимни бувим сезиб қолиб, бувамга айтиб бердилар.

— Ишинг бўлмасин, қарайверсин, — дедилар бувам. — Қаҳрини қайраса, минбаъд никоҳ кечаси келиннинг бурнини қонатмайдиган бўлади.

Бувамнинг ҳақ ёки ноҳақ эканликларини таҳлил қилиб ўтирмайман. Аммо унинг қаҳр-ғазаб ҳақидаги гапи чин эди. Агар одамнинг дарди ошиб-тошиб кетса, қаҳр-ғазабгина уни бу азобдан қутқаради. Ичига сомон тўлғазилган полиз қўриқчисини кўрганмисиз? Ташидан одамга ўхшайди. Бироқ, ичида сомондан бўлак ҳеч вақо йўқ. Юрак ҳам, суяк ҳам йўқ унда. Яхшилаб тойланган сомонгина унинг қаддини тик тутиб туради. Менда эса юрак бор. Ичим сомонга эмас, ғазабга тўлган. Мана шу ғазаб қаддимни кўтариб турибди. Қаҳримнинг бари Руфатга қаратилган. Руфат бир зум ҳам хаёлимдан кўтарилмайди. Далада ҳам, яйловда ҳам уни ўйлайман. Эрталаб ҳам, кечқурун ҳам уни ўлдириш йўлини излайман. Болта билан чопиб ташла-саммикин ёки қорнига пичоқ тиқиб, бураб-бураб олсаммикин? Шундай қилганим дуруст. Дарров ўлмайди. Тозза азоб чекади. Ичак-чавоғини оёғим билан эзғиласам-ку, росса хумордан чиқаман. Йўқ, буниси бўлмайди. Етарли азоб чекмайди. Бўғиб ўлдирганим маъқул. Озгина бўғиб, сўнг бўшатсам, кейин яна бўғсам... Йўқ, буни эплаш қийин. Томоғига бир чанг солгач, қўйиб юбормасам керак. Қийнамай дарров ўлади-қолади... Шу зайлда уни минг марта ўлдириб, терисини шилиб, минг марта тирилтирдим. Бошим ғовлаб кетди. Қўлларим титраб, тишларим гижир-

лайдиган бўлиб қолди. Полиз қўриқчиси сомони билан ёниб кетди – алаҳлайдиган бўлиб қолдим.

Бувам бу аҳволимни кўриб, саросимага тушдилар. Тўғриси айтсам, бувамнинг хавотирлари менинг тобим айниганидан эмас, балки Дурвишевлар авлодининг, зурриётнинг тақдири қил устида илиниб қолганидан эди. Бир оз ўзимга келганимдан сўнг, қўлимдан етаклаб Триградга – бақалоқ Ойша холаникига олиб бордилар. У менга турли гиёҳлардан тайёрланган дорилардан ичирди, баданимга қандайдир бадбўй мойларни суртди. Бир ҳафтадан кейин алаҳсирамайдиган бўлдим. Лекин бувам мени қишлоққа қайтаришга шошилмади. Ойша холага: «Нима қилсанг қиласан, лекин болам эр йигит бўлиши шарт», деб яна ташлаб кетди.

Бошимга яна бир бало ёғилди: аччиқ овқату қўланса дорилар азобида қолдим. Ойша холанинг муолажасими ё ёшимнинг улғайишими сабаб бўлиб, бир неча ойдан сўнг ўзимни бошқача сеза бошладим. Ана шундан кейингина бувам етиб келдилар.

— Энди уйлантирсам бўлади. Руфатнинг қонини қўмсайвериб, тинкам қуриди, — дедилар.

— Мени истасангиз уйлантиринг, истасангиз тириклайин кўмиб ташланг, аммо Руфатга тега кўрманг. У билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан, — деди бувамга.

Кўп тортишувлардан сўнг, бувам таслим бўлдилар. Руфатга қўл кўтармайман, деб онт ичдилар. Мен Триграднинг ўзидаёқ уйландим. Бу сафар никоҳ кечаси бизбизак ўйнамадик. Ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Ой-кунлар ўтиб, бола ҳам туғилди.

Бувамнинг хурсанд бўлганларини, қувона-қувона кулганларини дадамнинг вафотларидан бери кўрмаган эдим. Эвараларини қўлларига олиб растманасига яйраб кулдилар... Кейин... орадан уч кун ўтгач, бехосдан қайтиш қилиб бердилар. Туппа-тузук юрган эдилар, келиб ўринларига ёнбошладилар, жилмайдилар, қовоқлари учди. Кейин менга тикилиб қарадилар:

— Худога шукр, Дурвишевларнинг зурриёти қуримайдиган бўлди. Дадангга бу хайрли хабарни етказай энди. Руфатнинг жонини эса сенинг қўлингга топшириб кетаман...

Шундай дедилару осонгина жон бердилар.

Ана, мулла Рамадон, елкангизга етарлича юк тушди. Бир кўлда душманингиз, бир кўлда болангиз ва хотинингиз! Эплай олармикинсиз?

Ичига сомон тойланган бўлса ҳам, полиз қоровули тирговичсиз тик туролмайдиган бўлиб қолди. Бошим рўзгор ташвишидан чиқмайди. Эчкиларни ўтлоққа ҳайдаш керак, даланинг ишлари ҳам менинг зиммамда... Жигарим билан юрагим эса қассоб Руфатнинг кўлларида – истаган кўйига салади.

Аввал боламнинг сал каттароқ бўлишини кутишга қарор қилдим. Бола кўкракдан ажралиб овқатга ўрганса, Руфатнинг қорнини ёраман... Кейин боламнинг тетапоя бўлишини кутдим. Бу пайтда Силвина ҳам кўлида бола кўтариб ҳовлига чиқадиган бўлди. Узоқ йўл юриб чарчагандай ҳовлида секин юради. Юзини рўмол билан тўсган. Бироқ, бизнинг ҳовли томонга қараб-қараб кўяди. Мен девордаги туйнукдан, Руфат эса деразасидан тикилади. Хотиним мени бетиним кузатади. Бахтимга у рашкчи эмас. Нима учун девор яқинидан кетмай қолганимни билса ҳам индамайди. Йиғлаб-йиғлаб ўзини овутади.

Кунлар шу зайлда ўта бошлади. Даладан ҳам, яйловдан ҳам оқшом тушмай қайтаман. Бирров бўлса ҳам девордаги тешикдан мўралайман. Силвинани кўрсам кўрдим, бўлмаса тун бўйи Руфатнинг терисини шиламан, бўғаман, заҳарлайман. Хуллас, ўлдиришнинг неча хил тури бўлса, барчасини бажараман. Шунда ҳам кўнглим таскин топмайди. Руфатни ўлдиришга қатъий қарор қиламан. Кўлимга пичоқ ҳам оламан. Аммо бу ишим учун қамоқхонага тушишим аниқдигини, ундаги девор тешигидан мўралаб Силвинани кўриш мумкин эмаслигини ўйлайман-да, фикримдан қайтаман.

Кунни кун, ойни ой, йилни йил қувиб ўтаверди. Болалар туғилаверди. Дурвишевларнинг авлоди томир ёйиб кўпайди – бувам орзу қилганларидан ҳам зиёдароқ бўлди. Бувамнинг зурриёт бобидаги ташвишларига энди ҳеч қандай ўрин қолмади. Руфатнинг ҳовлисини ажратиб турган тахта девор чириди. Лекин алам эскирмади, қайралган

тишлар чиримай қолаверди. Амалга ошмаган орзулар сўнмади.

Руфатнинг қассоблик дўконини ёпиб қўйишди. Дард устига чипқон бўлиб, ёшлиқдаги таралла-бедодлари, ароқ-хўрликлари мева тутди: хасталик унга азоб бера бошлади. У нодон шунда ҳам ақлини йиғмай, аксинча, понани пона билан чиқарадилар, деб қўлбола ароққа ружу қўйди-ю, оқибатда кўрпа тўшакка михланди. Қизи бошқа қишлоқлик йигитга турмушга чиққач, Силвина ногирон Руфат билан ёлғиз қолди. Бир куни қаттиқ шамол туриб, ўртадаги чириган тахта девор қулади. Кўп ўйлаб ўтирмай Руфатникига худди ўз уйимга киргандай кириб бордим. Илк марта учовимиз бир ерга тўпландик. Қирқ йил бадалида кўларимиз энди тўқнашди.

Мен ҳам Худонинг бир гуноҳкор бандасиман-да, ошнам, шу десангиз, шайтоннинг васвасасига берилиб, Руфатнинг кўз олдида Силвинани бағримга босмоқчи, унинг эса аламдан азоб чекишини томоша қилишни ўйладим. Томдаги мўрнини паналаб ётган кечаларим ёдимга тушди. Бироқ: «У ҳайвонлик қилган бўлса, сен одамсан-ку!» — деб васваса қилаётган шайтонни қувдим.

Энди муносабатларинг қандай, дейсизми? Оббо ошнамей, муносабатимиз ўша-ўша. Руфат ҳамиша совуқдан қақшагани-қақшаган. Ўтин келтирай деса, эшаги йўқ. Силвина қийналмасин, деб ўтинларни мен келтириб, печларини ҳам ўзим ёқиб бераман. Ҳар куни бир эшак ўтин келтираман. Барибир етмайди. Ўрмончилар жарима соламин, деб равфо кўтаришяпти. Шунинг учун кечаси дарёни кечиб ўтяпман. Мени қирқ йил бадалида дам чўғ устида, дам муз устида ялангоёқ сақлаган бандани иситиш учун жонимни жабборга бераман. Қилмай десам бўлмайди. Силвинага раҳмим келади. Баъзан овқат ейишига ҳам ўзим балогардонман. Баъзан, айбга буюрсангиз ҳам айтмай, тагларини тозалашга ҳам тўғри келади. Силвина нозик аёл, бунақа ишларга қийналади. Шунинг учун камина Руфатнинг атрофида парвона. Ҳамқишлоқлар: «Кўшни деган киройи Рамадондай бўлса», деб ҳамду сано ўқишади. Бироқ ҳеч ким ичимдагини билмайди. Ичимда гўё кўрғошин қайнайди. Ўладиган бўлса, тезроқ омонатини

топшира қолса-ю, Силвинага уйлансам, эр-хотин бўлиб бир тўшакда ётсам, дейман. Хотиним ҳам, болаларим, невараларим ҳам кўзимга кўринмайди. Нима бўлса бўлар, дейман. Аммо Руфат без бўлиб ётиб олган – худди мени масхаралаётганга ўхшайди. Ё ўлмайди, ё тузалмайди. Вақт эса ўтяпти. Тиззаларимда мадор йўқ, оёқларим тит-раяпти. Бу аҳвол давом этаверса, назаримда Силвина билан эр-хотиндай ётсак ҳам, ака-сингил бўлиб турсак керак. Руфат ҳам қийналяпти, биз ҳам. Бечора икки йилдан бери дўзахнинг эшигини тақиллатиб ётибди. Очила қолса бўлмасмикин бу эшик! Бўғиб ўлдира қолай, десам, қўлим бормайди. Бир-икки кун совуққа қўйсам-ку, тайёр бўлади-я. Лекин Силвинанинг умидвор кўзларига кўзим тушса, эшакни етаклаб ўрмонга жўнаганимни ўзим ҳам сезмай қоламан.

Нима қилишни билмай, бошим қотган. Агар фикрингиз ожизлик қилмаса, менга бирор жўяли маслаҳат беринг. Бўлмаса, анови ўтинларни эшагимга ортишиб юборинг. Тезроқ бора қолай, шўрлик жон уйида совуқдан тишлари такиллаб ётгандир.

МУНДАРИЖА

Вой, онажоним.....	3
Зулм.....	36
Оқибатул – амр.....	66
Охират.....	122
Цунами.....	139
Қарғиш.....	149
КУРОРТ.....	167
Васиятнома.....	184
Қасос.....	197
«Худо сабр берсин!».....	209
Зурриёт.....	219

ТОҲИР МАЛИК

ВОЙ, ОНАЖОНИМ...

Ҳикоялар

Қайта нашр

Муҳаррир
Анвар НАМОЗОВ

Бадий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ

Мусаҳҳиҳ
Феруза ҚОСИМОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 02 октябрда берилган.
Босишга 15.05.2015 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 7,25. Шартли босма тобоғи 12,18.

Гарнитура “Bookman Cug+Uzb”. Газета қоғози.

Адади 10000 нусха. Буюртма № 83.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-30-52; Маркетинг бўлими – 128-78-43;
факс — 173-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

“ЯНГИ АСР АВЛОДИ” ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Тоҳир МАЛИК “АЁВСИЗ ИЛОН”

196 бет. Адади 1000 нуска

“Мерседес” талашган дўстлар... Фордаги бир хазина... Оқибатсиз одамлар... Улар ёнимизда, орамизда... Мазкур китобга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг “Одамийлик мулки” туркумига кирувчи маърифий суҳбатлари жамланган. Ахлоқ китобидан жой олган айрим суҳбатларга қайта тартиб берилган, шунингдек, янги мавзулардаги суҳбатлар ҳам қўшилган.



“Аёвсиз илон”ни, албатта, ўқинг, у гуноҳ, хатоларингизни англашингизга, сизда катта таассурот қолдиришига аминмиз.

Ҳабиб ТЕМИРОВ “ҚОРА ҚАСР-3”

264 бет. Адади 2000 нуска

“Қора қаср”нинг учинчи қисмида воқеалар янада шиддатли тус олади. Сиз воқеалардаги кескин бурилишларга, қаҳрамонларнинг турли кечинмаларига гувоҳ бўласиз. Бу инсонлар неки ишга қўл уришмасин, самараси сезилавермайди. Улар ўз ҳаёт йўларида адашгандек. Бу бежиз эмас. Ҳалоллик, поклик, виждон, олижаноблик, иймон-эътиқодгина тўғри йўл сари элтади. “Қора қаср-3”да янги қаҳрамонлар ҳам борки, сиз беихтиёр равишда улар ҳаётига кириб борасиз. Турли зиддиятларга бой воқеалар кўлами истеъдодли адиб Ҳабиб Темиров қалами нечоғли ўткирлигини намоён этади.



Ҳабиб ТЕМИРОВ
ҚИЁМАТДАН БИР КУН ОЛДИН
196 бет. Адади 1000 нусха

Икки тақдир – икки кечмиш. Биз уларни бор бўйи билан кўрамиз. Бу икки қисмат чизигида бошқалар ҳаёти ҳам намоён бўлади. Демак, турфа тақдирлар, кечинмалар, ўй-хаёллар... Уларда муҳаббат ва нафрат ҳам, садоқат ва хиёнат ҳам, орзу ва армонлар ҳам мужассам. Инсон яшар экан, улуғ ишларга қўл уради. Шу билан бирга тубанликка юз тутадиганлар ҳам бор. “Қиёматдан бир кун олдин” асари қаҳрамони Журъат Нуралиев – ана шундай одам. Уни хатоларини англаб етгандан кейинги пушаймонлик, дидактик саросимага солади, мислсиз қийнайди. Сухроб Туробов эса мазкур китобдан жой олган “Хиёбондаги одам” қиссаси бош қаҳрамони. Унинг ҳам дунёси, кечмиши, изтиробларига гувоҳ бўласиз.



Анвар НАМОЗОВ
“МЕН — КЎРИНМАС ОДАМ”
252 бет. Адади 2000 нусха

Бу қаҳрамоннинг кутилмаганда ҳаёти ўзгариб кетади. Кўринмас одамга айлангани учун эмас. Аксинча, турли нохушликлар боис у шундай одамга айланишга мажбур бўлади. У хато қилганини англайди, андуҳ чекади, бироқ аслида бошқа чораси ҳам йўқ эди. Кўринмас одамга айлангач, энди чораси кўп деб ҳам ўйланганг. У ҳаётнинг кўплаб оғир синовларига дуч келади, турли одамларни кўриб, яхшилик-ёмонликларга гувоҳ бўлади. Китоб қизиқарли саргузаштларга, зиддиятларга, кутилмаган воқеаларга бойлиги билан ҳам ўқувчини ўзига жалб этса ажаб эмас.



Мурожаат учун манзил:

100113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.
Телефон: 273-56-45; 128-78-43; +99897-797-10-77.